

# Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти хабарлари

Журнал бир йилда тўрт марта нашр этилади

## Бош мухаррир –

Йўлдошев Иброҳим Жўраевич  
филология фанлари доктори, профессор

## Бош мухаррир ўринбосари –

Холиқулова Гўзал Эркиновна  
санъатшунослик фанлари номзоди, доцент

## Таҳрир ҳайъати

Тешабой Баяндиев – санъатшунослик фанлари доктори, профессор  
Мухаббат Туляходжаева – санъатшунослик фанлари доктори, профессор  
Ильдар Мухтаров – санъатшунослик фанлари доктори, профессор  
Сарвиноз Қодирова – санъатшунослик фанлари доктори, профессор  
Абдусалом Умаров – социология фанлари доктори, профессор  
Абдухалил Маврулов – тарих фанлари доктори, профессор  
Дилафрўз Қодирова – санъатшунослик фанлари доктори  
Шавкат Шарипов – педагогика фанлари доктори, профессор  
Ҳамдам Исмоилов – филология фанлари номзоди, доцент  
Зебо Қосимова – педагогика фанлари номзоди, доцент  
Бўри Қодиров – тарих фанлари номзоди, доцент

## Жамоатчилик кенгаши

Ақбар Ҳакимов – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги  
Бахтиёр Сайфуллаев – педагогика фанлари номзоди, профессор  
Оқилхон Иброҳимов – санъатшунослик фанлари доктори, профессор  
Камола Ақилова – санъатшунослик фанлари доктори, профессор  
Замира Ишанходжаева – тарих фанлари доктори, профессор

## Нашрга тайёрловчилар

Н.Раимқулова, Х.Файзуллаева, А.Кошелева, М.Содикова

Мақолада келтирилган фактларнинг тўғрилиги учун  
муаллиф масъулдир.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан  
2015 йил 14 декабрда 0862-рақам билан рўйхатга олинган.

Журнал Ўзбекистон Республикаси  
Олий Аттестация Комиссияси Раёсатининг  
2017 йил 29 ноябрдаги 245/6-сонли қарори билан  
санъатшунослик фанлари бўйича диссертациялар юзасидан  
асосий илмий натижаларни чоп этишга тавсия этилган  
илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

ISBN 2181-8932

# Журнал саҳифаларида

## МУҲАРРИР МИНБАРИ

1. И.Йўлдошев. Маданият ва санъат ривожи – юрт ва келажак пойдевори.....	3
2. Б.Қодиров, З.Исоқов. Санъат ва маданият – миллат қўзгуси .....	7

## I. ТЕАТР ВА КИНО

1. Т.Баяндиев. Режиссёр Марат Азимов ижодига чизгилар .....	12
2. Л.Уразимбетова. Режиссёрлик санъатининг ривожланишида ёзувчи ва драматургларнинг ўрни .....	16
3. Р.Деҳқонов. Кечинма ва тақлидий санъат .....	20
4. Ш.Нусратова. Ўзбекистон Ёш томошабинлар театрининг бугуни ва эртаси.....	24

## II. МУСИҚА САНЪАТИ

1. Х.Идиев. Основные положения учения Ибн Сины о музыкальном искусстве.....	27
2. П.Палуаниязов. Мелодии, созданные Каракалпакскими бахсы .....	29
3. Д.Исломов. Шарқ мусиқасининг келиб чиқиши .....	32
4. Н.Турғунова. Наманган яллачилик санъати .....	36
5. З.Мўминова. Дутор – ижрочилик анъанаси (Султон Қосимов ижросида) .....	42

## III. САНЪАТ ТАРИХИ, ФАЛСАФА ВА НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС

1. С.Аббасов. Государственная политика в области улучшения библиотечной информационной деятельности в Азарбайжане .....	47
2. С.Давлатов. Ўзбек никоҳ тўйи маросим удумлари.....	52
3. Ш.Кўлдошев, Х.Азимов. Хитойдаги ўзбеклар: маданияти ва санъатига оид маълумотлар .....	56
4. У.Болтабаева. Актёрлик маҳоратида нутқий воситаларнинг ўрни.....	60
5. Г.Умаралиева. Биоэстетик муаммолар ва уларнинг қадриятларимизга таъсири .....	64

## IV. ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

1. М.Ходжаева. Мусиқа таълими жараёнида педагогик технологияларнинг хусусиятлари .....	68
2. К.Рискулова. Бўлажак мутахассислар компенентлиги даражасини аниқлаш портфолиоси (бўлажак чет тиллари мутахассислари мисолида) .....	71
3. Д.Номозова. Бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг креатив компенентлигини мусиқа тарихи фанини ўқитиш воситасида шакллантириш .....	75
4. Г.Исакова. Хорижий тилнинг санъат ва маданият таълимидағи ўрни .....	79

## VI. ЁШ ТАДҚИҚОТЧИ

1.Н.Касимова. Янги давр ўзбек қисқа метражли фильмларида ўзига хос қарашларнинг акс этиши.....	82
2. З.Саъдуллаева. Ўзбекистон замонавий бадиий ҳунармандчилигига “ижод” ва “бозор”.....	86
3.Ф.Абдураҳмонова. “Алла” – фольклор жанри сифатида .....	92

Иброҳим Йўлдошев

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори,  
филология фанлари доктори, профессор

# МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ РИВОЖИ – ЮРТ ВА КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Бугунги Ўзбекистон кундан-кунга такомил топиб, буюк қурилишлар майдонига айланиб бормоқда. Юртимизнинг қайси гўшасига борманг, ҳар ерда, ҳар соҳада катта ислоҳотлар олиб борилаётганинг гувоҳи бўласиз. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирмонович Мирзиёев ҳалқни бўлаётган ислоҳотларга инонтира олиш, рози қилиш, уларнинг турмуш шароитларини кўтариш, илмни, фанни, санъат ва маданиятни юксак даражага олиб чиқиш борасида садоқат билан меҳнат қилиш лозимлигини бот-бот тақоррламоқдалар. Айниқса, олий таълим тизимида бўлаётган ислоҳотлар ҳам дикқатга сазовордир. Мамлакатимизда илм-фанни ривожлантиришига бўлган эътибор эса тобора ортиб бормоқда. Олий таълим муассасаларида ёшларга чукур замонавий билим бериш, уларни ҳалқаро миёсда рақобатбардош кадр бўлиб етишишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, бунинг учун эса олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар ҳам ўз устида тинимсиз ишлашлари, изланишлари зарур масалалардан бири эканлиги таъкидланиб келинмоқда.

Ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Бугун содир бўлаётган янгиликлар, ўзгаришлар, ислоҳотлар инсоният олдига бир қатор долзарб вазифалар қўймоқда. Муаммоларни бартараф этиш, давр билан бирга қадам ташлаш учун аввало жамиятда фикрлар хилма-хиллигига эришиш зарур. Дунёга тийран нигоҳ ташлаш, фан ва технологиялар соҳасида олиб борилаётган илмий изланишлардан доимий хабардор бўлиш, бир сўз билан айтганда жаҳон фани эришаётган ютуқлардан орқада қолмасдан аксинча, уларга интеграциялашиб керак, деб ўйлайман. Билим қудрати бугун бутун дунёни бошқармоқда. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, қаерда илм-фан ривожланса, ўша давлат тараққий этади. Ҳалқ фаровон яшайди. Шахару қишлоқлар обод бўлади. Билим кучи чексиздир.

Мамлакатимиздаги ислоҳотлар тақдири кимга боғлиқ? Саводли, савияли кадрларга боғлиқ. Бундай мутахасислар қаерда тайёрланади? Олий ўқув юртларида. Бугун олий ўқув юртларимиз ушбу талабларга жавоб берадиган кадрлар етиширишга қодирми? Бу йўлда қандай муаммолар бор? Минг афсуски, республика олий таълим тизимида ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Президентимиз томонидан 2018 йил 5 июнда имзоланган олий таълим сифатини оширишга доир энг муҳим қарор – Олий таълим муассасаларида узоқ йиллардан буён сақланиб келаётган қатор муаммоларнинг ечимига қаратилган “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакат-

да амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 3775-сонли қарор бизга бу борада ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини яна бир бор англатди. Қарорда муаммолар рўй-рост айтилган, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланган. Олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар масъулиятини янада ошириш, бефарқлик, кўнишилларидан кутилиш кераклиги уқтирилган.

Қарорда олий таълим тизимидағи камчиликлар рўй-рост келтирилган бўлиб, унинг ечимини топиш учун қатор вазифалар белгиланган. Биринчидан, Олий таълим тизимида ўқитишни ташкил этиш жараёни, таълим олаётган талабалар билимини баҳолаш тизими бугунги кун талабларига жавоб бермаётгани, иккинчидан, профессор-ўқитувчиларнинг фаолиятини, билимини ва педагогик кўнижасини баҳолашнинг замонавий тизими мавжуд эмаслиги таълим сифатига салбий таъсир кўрсаётганлиги, учинчидан, олий таълим муассасалариға кириш тест саволлариabituriyentning мантиқий фикрлаш қобилиятини аниқлаш имконини бермаётганлиги иқтидорли ёшларни олий таълим муассасалариға қабул қилишда муаммолар келтириб чиқариётганлиги, тўртничидан, олий таълим муассасаларидағи таълим жараёни устидан самарали жамоатчилик назоратининг ўрнатилмаганлиги ушбу соҳада кўплаб муаммоларнинг, энг аввало, коррупция ҳолатларининг сақланиб

қолишига сабаб бўлаётгани, бешинчидан, олий таълим муассасаларининг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ва тизимли ўзгаришлардаги иштироки ҳамда ташаббускорлиги сезилмаётгани, уларнинг ушбу йўналишдаги фаолияти ҳанузгача қониқарсиз бўлиб қолаётгани, олтинчидан, республикамида олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг мазмуни ва моҳиятини оммавий аҳборот воситалари орқали халқимизга, кенг жамоатчиликка тушунтиришда олий таълим муассасаларининг фаол иштироки йўлга қўйилмаганилиги, еттинчидан, олий таълим муассасалари инновацион ва технологик ғоялар билан фикр алмашадиган мулокот марказларига айланмаганлиги, тегишли соҳаларда мавжуд муаммо ва камчиликларни тизимли ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларнинг ечими бўйича таклиф киритиш борасида профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар ва талабаларнинг ташабbus кўрсатишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмаганлиги таъкидлаб ўтилган.

Қарорда профессор-ўқитувчилар фаолиятини, билими ва педагогик кўникмасини баҳолаш тизимининг мавжуд эмаслиги таълим сифатига салбий таъсири кўрсатаётгани алоҳида таъкидланган. Ушбу тизимнинг йўлга қўйилмаганлиги сабабли бугун олий таълимда фаолият юритаётган педагоглар иш натижасини таҳлил қилиш имкониятий йўқ. Мазкур ҳолат биринчи навбатда кадрлар тайёрлаш сифатига путур етказади. Бунинг оқибатида йиллар давомида яхши ишлаган, кўрсаткичи юқори ёки аксинча номига ишлаётган, бирон ютуққа эришмаган профессор-ўқитувчиларга бир хил қараб келинган. Рағбат ва жазо чораларини етарли даражада кўлланмаслиги туфайли яхши ишлаётгандарни ишга бўлган муносабати салбий томонга ўзгаради.

Қарорда айтилганидек, ўқитишни ташкил қилиш, талабалар билимини баҳолаш борасида ҳам бугунги мавжуд ҳолат мутлақо талабга жавоб бермайди. Шунингдек, олий ўкув юртларига киришдаги тест саволлари абитуриентнинг фикрлаш қобилиятини аниқлаш имкониятини бермаслиги, иктидорли ёшларни олий ўкув юртларига қабул қилишда бир қатор муаммоларни келтириб чиқараётгани тўғри кўрсатиб ўтилган. Мазкур ҳолат йиллар давомида ота-оналар ва жамоатчиликда ҳақли эътиroz уйғотиб келаётган эди. Дунёда қотиб қолган, ислоҳ этилмайдиган жараённинг ўзи йўқ. Барчасини тузатиш, тўғрилаш мумкин албатта. Тест саволлари на ота-онада, на абитуриентда, на унга мактабда дарс берган ўқитувчida норозилик түғдирмаслиги керак. Қарорда ўкув жараёни устидан жамоатчилик назоратининг йўқлиги ҳам кескин танқид қилинган.

Бунинг натижасида муаммолар пайдо бўймоқда. Тушунмовчиликлар келиб чиқмоқда. Бу олий ўкув юртлари нуфузини тушишига олиб келади.

Хусусан, маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш, жаҳон миқёсидаги илфор тажрибалар асосида малакали кадрлар тайёрлаш, ёшларнинг маданий савиясини юксалтиришга қаратилган кўплаб қарор ва фармонлар имзоланиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Республикаизда айни шу соҳа бўйича малакали кадрлар тайёрловчи етакчи олий таълим муассасаси сифатида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳам тайёрланаётган кадрларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш борасида алоҳида ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз қарорида олий таълим муассасаларининг, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардаги иштироки, ташаббускорлиги сезилмаётгани кўрсатиб ўтилган. Бу аччиқ ҳақиқатни тан олишдан бошқа иложимиз йўқ. Чунки биз олимлар барча соҳаларда бўлаётган ўзгаришларга ўз вақтида муносабат билдиришимиз, илмимиз билан ёрдам беришимиз, турли лойиҳа ва таклифларни ўртага ташлашимиз керак. Чунки бирор бир соҳа илм-фансиз тараққий этмайди, ривожланмайди.

Дарҳақиқат, қарорда тилга олинган нуқсонларни бартараф этмасдан олий таълим тизимида сифатга эришиб бўлмайди. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти жамиятимизнинг маънавий ва маданий савиясини оширишга улкан ҳисса қўшадиган кадрларни тайёрловчи республикамиздаги ягона олий таълим муассасаси саналади. Бакалавр таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари ҳамда маротаба янги ўкув йилидан бошлаб илк маҳсус сиртқи таълим шаклига қабул қилиш орқали тайёрланадиган кадрлар республика учун хизмат қилади. Институтда малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида мавжуд камчиликларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларнинг ечимини топишга қаратилган “Йўл ҳарита”ларини ишлаб чиқиш, аниқ чоратадбирлар белгилаб, жамоамиз билан ишлаш суръатини ошириш асосий мақсад қилиб олинди ва бунга жиддий киришилди. Институтнинг барча профессор-ўқитувчилари 2018–2020 йилларга мўлжалланган “Йўл ҳаритаси”ни ўзларининг хоҳишиларига кўра ишлаб чиқдилар. Бунда уч йўлдан бирини ҳар бир ўқитувчи ўзи ихтиёрий равиша ўз имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда танлашиди. Бу уч йўл қуйидагилардан иборат эди: 1. Ижодкор профессор-ўқитувчилар томонидан фахрий унvonлардан бирини олишга эришиш. 2. Ўзбекистон

Вазирлар Маҳкамаси хузуридан олий аттестация комиссияси томонидан тасдиқланган илмий унвонларга эга бўлиш. З. Бу йўл – ҳақиқий илм йўли, яъни ўз соҳаси бўйича тадқиқотлар олиб бориб, фан доктори илмий даражасини олиш. Мазкур “Йўл ҳаритаси” ҳар профессор-ўқитувчи томонидан имзоланиб, уч йиллик режа ишлаб чиқилди. Бу “Йўл ҳаритаси” ҳар бир профессор-ўқитувчининг уч йилда амалга ошириши бўйича “қасамёди” сифатида белгиланди. Демак, ҳар биримиз ўз қасамёдимизга содик қолишимиш шарт!

Бугун Ўзбекистон том маънода дунёга очилди, дунё ҳам Ўзбекистонга очилди, ҳалқаро алоқаларнинг янада яхшиланиши замирида ўзаро тажриба алмашиш масаласи кун тартибидаги энг долзарб мавзулардан бирига айланди. Институтда бу йўналишдаги ишларга алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Шу мақсадда яқинда институтнинг бир неча профессор-ўқитувчиларидан иборат ҳайъат Россия Федерациясининг турдош олий таълим муассасаларида, хусусан, Россия театр санъати институти (ГИТИС), Б.Щукин номидаги театр институти, С.А.Герасимов номидаги Бутунrossия давлат киномотография институти (ВГИК) ва Москва давлат маданият институтида хизмат сафарида бўлиб қайтдилар. Сафар давомида уларнинг Давлат таълим стандартлари, ўкув режалар, фан дастурларини ўрганиб қайтишди. Эндиликда ушбу Олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқалари кўлами кенгайиб бориши режалаштирилган. Келгусида бу етакчи таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари институтимиз талabalari учун маҳорат дарсларини ўтишлари, шунингдек, ёш профессор-ўқитувчиларимизнинг Москвадаги мазкур олий таълим муассасаларида маракса оширишлари режалаштирилди. Таъкидлаш жоизки, турдош таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича зарурий фанлардан фойдаланилаётган энг замонавий адабиётларнинг рўйхатини шакллантириб, институт Ахборот-ресурс марказига олиб келиш бўйича музокаралар ҳам юритилди. “Вахтангов и его студия”, “Следствие ведёт режиссёр”, “Внутренний монолог”, “Вахтанговская школа летопись”, “ДНК театра”, “Звёзды Голливуда” сингари янги чоп этилган адабиётлар билан танишишга муваффақ бўлинди. Институтларо ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича шартномалар имзоланди. Энг муҳими, мазкур хорижий таълим муассасаларининг институтимиз билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга бўлган иштиёқларининг жуда юқори эканлиги бизни ҳам мамнун этди. Айниқса, ҳамкорлик борасида Россия театр санъати институти (ГИТИС), Б.Щукин номидаги театр институти, С.А.Герасимов номидаги Бутунrossия

давлат киномотография институт (ВГИК)лари билан янада сермазмун ва самарали натижаларга эришиш бўйича икки томон манфаатларига уйғун бўлган келишувларга эришилди. Умид қиласизки, ҳалқаро миқёсдаги бу уринишларимиз яқин келажакда ўзининг самарали меваларини беради.

Бугун биз XXI асрда яшаяпмиз. Асримиз ахборот асри, технологиялар асри, деб номланган. Дунёнинг ривожланган давлатлари олий таълим муассасаларининг расмий веб-сайтлари талаба-ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик билан том маънода фикр алмашиш ва ўзаро мулоқот майдонига айланган. Афсуски, юртимиздаги олий таълим муассасаларининг бу борадаги интилишларини етарли, деб бўлмайди. Бундай вазиятда олимларимиз ОАВ, ижтимоий тармоқлар ва бошқа турли ахборот тарқатувчи манбаларда фаол бўлишлари, фан-техника ютуқларини мунтазам тарғиб этиб боришлари лозим. Мазкур муаммо ҳам Президент қарорида келтирилган. Уни бартараф этиш барчамизнинг вазифамиздир.

Олий таълим муассасалари инновация ва технологик ғоялар, фикр ва мулоқотлар марказига айланмагани, ҳалқ хўжалигининг турли соҳаларида мавжуд бўлган муаммоларни бартараф этиш юзасидан таҳлил ва таклифнинг йўқлиги, ёш олим ва талабаларда ташаббус этишмаслиги ҳам қарорда кўрсатиб ўтилган.

Қадим-қадимдан шарқда илмий мулоқотлар, баҳслар, учрашувлар, суҳбатлар мадрасаларда бўлиб ўтган. Бу борада ўша замоннинг забардаст олимлари барчага ўрнак бўлган, йўл кўрсатган. Муаммолар ечимини топган. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз илм аҳлини қадрлашган, эъзозлашган, давраларнинг тўрига ўтқазишган. Бу шуни кўрсатадики, фан ишлаб чиқаришсиз, ишлаб чиқариш фансиз тараққий этмайди. Бу икки муҳим масала бирлашгандагина юксалади. Инсониятга фойда келтиради.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ҳар 2 йилда бир маротаба ўтказилаётган Ҳалқаро конференциянинг бу йилгиси “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирлари тарихий меросида санъат ва маданият масалалари” мавзусида бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 марта 178-ф-сонли Фармойиши билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида 2018 йилда ҳалқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник анжуманлар режаси”га асосан 2018 йил 5-7 май кунлари бўлиб ўтди. Конференция доирасида Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий меросига бағишлиланган ял-

пи мажлиси ва тўртта шўъба мажлисларида маърузалар тингланди. Ушбу конференцияда Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир”, деган фикрлари асос қилиб олинди. Институт профессор-ўқитувчилари, турдош ҳамда хорижий олий таълим муассасалари, санъат ва маданият масканларидан ташриф буюрган меҳмонлар томонидан анжуман кун тартибидаги масалаларнинг ғоят долзарблиги алоҳида таъкидланди. Зоро, Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, дунё тараққиёт ва маданиятига қўшган бебаҳо ҳиссаси бутун инсониятнинг маънавий бойлиги бўлиб, уни ўрганиш, тадқиқ этиш, авлодларга етказиш замонавий илм-фан ва тараққиёт учун муҳим аҳамият касб этади. Мазкур халқаро конференцияни ўтказишдан кўзланган мақсад—Ўрта асрларда яшаб, ижод этган Шарқ алломалари ва мутаффаккирларининг санъат ва маданиятнинг турли йўналишларида яратган рисолаларини чуқур ўрганиб, муҳокама қилиш, улар томонидан яратилган илмий мерос бутун дунёда илм, фан ва маданиятнинг деярли барча соҳалари тараққиётни учун замин бўлгандигини асослаш ва у орқали ўсиб келаётган ёш авлод онгода миллий фуур, ифтихор, Ватанга муҳаббат туйғуларини камол топтиришдан иборат. Муҳтарам Президентимизнинг “Ўзининг тарихий, маданий ва интеллектуал меросини асраб-авайлашга, бойитиш ва кўпайтиришга, шунингдек, униб-ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга етарлича эътибор қаратмайдиган, ҳар томонлама уйғун ривожланган, мустақил фикрлайдиган, ўз қараш ва ёндашувига, гражданлик позициясига эга бўлган шахсни камол топтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўймайдиган ҳар қандай давлат ва жамият тарих ва тараққиёт йўлидан четда қолиб кетишга маҳкум эканни биз ўзимизга яхши тасаввур қилиб келганмиз ва яхши тасаввур этамиз”, деган фикрларига асосланиб, илмий-ижодий ишлар кўламини янада кенгайтиришdir.

Институт олдида турган муҳим вазифалардан яна

бири таҳсил олаётган талабаларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, уларни илмга йўналтириш, давлат стипендияларига тавсия қилиш ва уларни қўллаб-куватлашдир. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректорати вазирликнинг 2018 йил 14 июндаги 87-02-1424 сонли хатига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги “Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида”ги 226-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзилари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги ПФ-5069-сонли Фармонини инобатга олган, жорий йилнинг 5-25 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти, Алишер Навоий ҳамда Ислом Каримов номидаги давлат стипендияларига номзодларни саралаб олиш жараёнининг биринчи босқичи бўлиб ўтди. Бу йилги давлат стипендияларига номзодлар ҳам ўзининг фаолиятини кенг намойиш этиб, илмга бўлган интилишларини яна бир бор намойиш этдилар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияси ҳамда Ислом Каримов, Алишер Навоий номидаги давлат стипендияларига номзод талабалар факультетлар миқёсида танлаб олинди. Номзод талабаларни саралаб олиш учун институт ректори томонидан Ишчи гуруҳ таркиби тасдиқланди. Кино, телевидение ва радио санъати, Халқ ижодиёти, Театр санъати факультетлари ҳамда магистратура бўлими ўртасида ўтказилган саралаш босқичида 12 нафар номзод иқтидорли талабалар иштирок этди. Улардан 7 нафари юқори балларни қўлга киритди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиялари ҳамда Ислом Каримов ва Алишер Навоий номидаги давлат стипендияларига номзодлар саралаб олинди.

Бир донишманд айтган экан: “Ёшларга билим беринг, Ватанни севишини ўргатинг”. Бугунги кунда олимларимиз, профессор-ўқитувчilarимиз ушбу муҳим ҳақиқатни англаб етса, ёшларимизни ушбу ғоя атрофида бирлаштира олсан қудратимиз ошади. Ватанпарварлик миллатни юксалтиради. Ушбу вазифалар олий таълим тизими, хусусан, биз меҳнат қилаётган жамоа олдига юксак масъулияtlарни юклайдики, биз уларни, албатта, ортиғи билан адо этишимиз лозим.

**Бўри ҚОДИРОВ**

**ЎзДСМИ Магистратура бўлими бошлиғи,  
тарих фанлари номзоди, доцент  
Зиёдулла ИСОҚОВ**  
**ЎзДСМИ “Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси доценти,  
тарих фанлари номзоди,**

## **САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ – МИЛЛАТ КЎЗГУСИ**

**Тарихдан маълумки санъат ва маданият башари-  
ят тараққиётининг муҳим омилларидан бири ҳисоб-  
ланган. Ҳар бир жамиятнинг тараққиёт даражаси ўша  
жамиятда санъат ва маданиятнинг ривожи билан  
белгиланган. Тарихда яшаб ўтган ҳар бир ҳукмдор  
ёки давлат арбоби ўз фаолиятида фан, маданият ва  
санъат соҳасини қадрлаган тақдирдагина у юртда  
тинчлик, ободончилик ҳамда фаровонлик бўлган.  
Юртимиз худудларида IX-XII асрларда рўй берган  
уйғониш даври, кейинчалик XV-XVI асрларда юз  
берган маданий юксалишларда биринчи навбатда  
ӯша даврдаги ҳукмдорларнинг ҳиссаси бекиёсdir.  
Шундай экан бугунги кунда мамлакатимизда санъат  
ва маданият соҳасининг давлат сиёсати даражасига  
кўтарилиши ҳам бежиз эмас албатта. Сўнги йилларда  
хукуматимиз томонидан чиқарилаётган фармон ва  
қарорлар ҳам бевосита ушбу соҳани янада тараққий  
топтиришга хизмат қилади.**

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда ПФ-4947 фармони билан қабул қилинган. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг устувор йўналишларини қамраб олган. Ҳаракатлар стратегиясининг 4 йўналиши Ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича комплекс тадбирлар, биринчи навбатда, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлигини сақлашни кучайтириш, аҳолини арzon ва сифатли дори воситалари билан таъминлаш, фуқароларнинг бандлиги ва реал даромадларини ошириш, арzon ижтимоий уй-жойлар қурилишини кенгайтириш, ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлашга қаратилди. Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид. Давлат дастури доирасида 30 дан ортиқ қонунлар ҳамда 900 дан ортиқ қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, Халқ билан мулоқот натижалари бўйича 11 йиллик умумий

ўрта таълим қайта тикланди. Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. Ҳозирда ушбу соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, яқин 3-4 йилда барча худудлarda минглаб янги боғчалар куриш, таълим-тарбия сифати ва даражасини янги босқичга кўтариш бўйича муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек мамлакатимизда маънавий ҳётимизда муҳим воқеа бўлган ана шундай лойиҳалар ҳақида гапирганда, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Имом Термизий номларидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ислом академияси каби илмий-маърифий муассасалар фаолиятини йўлга қўйиш ишлари бошланганини алоҳида қайд этиш зарур.

Ўзбекистонда санъат ва маданият соҳасини ривожлантириш бўйича ҳам кўплаб салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. 2017 йил давомида Президентимиз томонидан санъат ва маданият соҳасига оид 12 та фармон ва қарорлари чиқди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги ПФ-4956 сонли Фармони “Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” бўлиб, ушбу фармонда Маданият ва спорт соҳасидаги бошқарув тизимини такомиллаштириш, мазкур соҳада Ўзбекистон халқининг бой ва ўзига хос маданияти, санъати ва ижодиётини янада ривожлантиришни таъминлашга йўналтирилган давлат сиёсатини амалга ошириш самарадорлигини тубдан юксалтириш, аҳоли кенг қатламлари орасида маънавий-ахлоқий камолот ва соғлом турмуш тарзига интилишни кучайтириш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Хусусан, фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тугатилиб, унинг негизида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ташкил этилди. Янги ташкил топган Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятининг асосий вазифа ва йўналишлари этиб қуидагилар белгилаб берилди:

– маданият соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш, миллий-маданий ва маънавий меросни асрлаб-авайлаш ва кўпайтириш, санъат ва бадиий ижодни ҳар томонлама ривожлантириш, халқимизнинг маънавий-ахлоқий ва маданий даражасини янада юксалтиришни рағбатлантириш, уни миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш борасида тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

– аҳоли кенг қатламлари, айниқса, ёшлар қалби ва онгиға мустақиллик, юксак маънавият, инсонпарварлик анъаналарига садоқат, миллий ўзлиник англаш foяларини янада чукур сингдириш, радикализм ва экстремизмдек ёт foяларга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш, жамият нинг муттасил ортиб бораётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган оммавий-маданий тадбирларни ўтказишига қаратилган маърифий ишларни амалга ошириш;

– бадиий ижод, шу жумладан, театр, мусиқа, хореография, эстрада, цирк ва халқ амалий санъатини янада ривожлантиришни рағбатлантириш, халқимиз тарихи ва бугунги ҳаётининг энг ёрқин саҳифаларини, мамлакатимизнинг эркин демократик тараққиётини акс эттирувчи асарлар яратишида ижодий жамоаларга, айниқса, ижодкор ёшларга ҳар томонлама кўмаклаши;

– маданият муассасалари, жумладан, театрлар, маданият ва аҳоли дам олиш марказлари, маданият ва истироҳат боғлари, музейлар ҳамда бошқа маданий-маърифий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолиятни самарадорлигини ошириш, маънавий етук, интеллектуал баркамол ва юксак маданиятли шахсларни тарбиялаш ишида ушбу муассасалар имкониятларидан янада тўлиқ фойдаланиш;

– давлат ҳокимиюти ва бошқарув органлари, жумладан, маҳаллий ҳокимиют идоралари, жамоат ташкилотлари, ўкув юртлари, ижодий уюшмалар ва бошқа ташкилотлар билан фаолиятдаги асосий вазифа ҳамда йўналишларини, маданий-маърифий тадбирларни амалга оширишда, маданият ва ижодий муассасалар ишининг самарадорлигини таъминлашда мустаҳкам ҳамкорликни йўлга кўйиш;

– маданият соҳасида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнини миллий ва умуминсоний қадриятлар, инсонпарварлик ва юксак маънавият руҳида такомиллаштириш, бунда замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, илфор халқаро тажрибалардан фойдаланиш, маданий-маърифий муассасалар ва ўкув юртларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш;

– давлатлараро ва халқаро маданий алоқаларни кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш мамлакатимизнинг маданий меросини, мамлакатимиз ижодий жамоалари ва муаллифлари асарларини, конференциялар ва кўргаз-

малар, маданий тадбирлар ва анжуманлар ўтказиш йўли билан чет элларда кенг тарғиб қилиш, маданият соҳасига хорижий инвестициялар ва грантлар жалб этиш, шунингдек маданият соҳасига оид оммавий адабиётларни чоп этиш, видео ва кино материаллар тайёрлаш.

Юқорида белгилаб берилган асосий вазифа ва йўналишларни белгилашда халқимизни талаб ва истаклари ҳисобга олинган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши эса албатта халқимизнинг маънавий савиясини ўсишига хизмат қиласи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги ПҚ-3022 сонли Қарори “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” бўлиб, унда Мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилишнинг бугунги янги босқичида маданият ва санъатнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ошириш, ёш авлодимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар, Она-юртга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича 2017–2021 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Куйидагилар Дастаннинг асосий йўналишлари этиб белгиланди:

– маданият ва санъат муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва самарадорлигини ошириш борасидаги қонунчиликни такомиллаштириш. Жумладан, музейлар ва театрлар фаолиятини такомиллаштириш ҳамда моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиши. Моддий-маданий мерос ва археология обьектларини муҳофаза қилиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш механизмларини янада такомиллаштириш;

– маданият ва санъат муассасалари, театрлар, музейлар, бадиий жамоалар, маданият ва аҳоли дам олиш масканлари, маданият ва истироҳат боғлари фаолияти, моддий-техник базаси ҳолатини атрофлича ўрганиш, уларни таъмирлаш ва зарур жиҳозлар, мусиқа асбоблари билан таъминлаш, самарали ижодий фаолият учун қулай шарт-шароитлар яратиш. Ўзбек миллий рақс ва хореография санъатини янада ривожлантириш, маданият ва санъат ривожига катта ҳисса қўшган таникли санъаткорлар, жаҳон миқёсидаги нуфузли кўрик-танловларда юқори ўринларни эгаллаган ёшларни моддий қўллаб-куватлаш;

– ёшларни санъат масканларига, хусусан, театр ва музейлар, концерт томошаларига мунтазам жалб этиш, ўзбек ва жаҳон маданиятининг энг сара намуналаридан баҳраманд этиш орқали уларнинг маънавий-ахлоқий, эстетик диди ва маданий даражасини янада юксал-

тириш. Маданият ва истироҳат боғлари худудида “Нуронийлар маскан”ларини ташкил этиб, фахрийларнинг маданий дам олишлари учун зарур шароитлар яратиш;

– “Сени куйлаймиз, замондош!”, “Дебют” каби театр санъати кўрик-фестиваллари самарадорлигини ошириш орқали буюк сиймолар, замонамиз қаҳрамонлари образи, бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларини акс эттирган бадиий жиҳатдан юксак саҳна асарларини яратиш. «Баҳор нафаси» халқаро санъат фестивали, «Бойсун баҳори» халқаро фольклор фестивали, «Ёшлик баҳори» республика ёш опера ижрочилари фестивали сингари тадбирлар, турли халқ сайилларини ташкил этиб, уларга хорижий сайдёхларни кенг жалб этиш;

– маданият ва санъат йўналишидаги таълим муассасаларининг малакали кадрлар ва мутахассисларга бўлган талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш, бу борада кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, замонавий илфор тажрибалардан фойдаланиш, дунёнинг машҳур мусиқачилари, бастакорлари иштирокида ижодий учрашувлар, маҳорат дарслари ташкил этиш, маданият ва санъат йўналишидаги таълим муассасаларини ўқув дастурлари ва ноталар, ўқув қўлланма ва дарсликлар, илмий-методик адабиётлар билан таъминлаш;

– Ўзбекистоннинг юксак маданияти ва санъатини халқаро майдонда янада кенг тарғиб этиш, халқаро кўриктанлов ва фестивалларда мамлакатимиз вакилларининг иштирокини кучайтириш, Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали нуфузини янада ошириш, бошқа турли тадбирларда чет эллик маданият ва санъат намояндлари кенг қатнашишларини таъминлаш, халқаро илмий-амалий анжуманлар ташкил этиш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш. Ушбу дастурда белгилаб берилган асосий вазифа ва йўналишлар ҳам мамлакатимизда санъат ва маданиятга берилаётган эътиборни нақадар кучли эканлигини кўрсатади.

2017 йилнинг 3 август куни Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг ижодкор зиёлилари билан учрашувида “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” мавзусида давра сухбати уюштирилди. Ушбу учрашувода аввало Ўзбекистондаги адабий мухит, кино, театр соҳасидаги муаммолар, борингки юртимиздаги маънавий-маърифий ва маданий соҳага оид барча масалалар мухокама этилди.

Шунингдек, Ёшларнинг ижодий фаоллигини қўллаб-кувватлаш учун замонавий талабларга жавоб берадиган қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида 2017 йил 4 августда Президентимизнинг “Ёшлар симфоник

оркестрини қўллаб-кувватлаш тўғрисида”ги Ф-5009 сонлияна бир муҳим фармони эълон қилинди. Бу фармон мамлакатимизда амалга оширилаётган Ёшларга оид давлат дастури вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда муҳим омилларидан бири бўлишига шубҳа йўқ.

2017 йилнинг август ойи юртимизда санъат ва маданият соҳаси билан боғлиқ янгиликларга бой бўлди. Август ойида яна Президентимизнинг ПҚ-3176 сонли “Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Маълумки, мамлакатимиз кино санъати бир асрдан зиёд тарихга эга бўлиб, ўзига хос тараққиёт йўлуни босиб ўтди. Бу давр мобайнида ўзбек киносининг пойдевори яратилиб, у халқимизнинг маданий-маънавий ҳаётида муҳим ўрин эгаллади. Мустақиллик йилларида миллий кинематография ривожига давлатимиз томонидан қаратилаётган катта эътибор натижасида соҳада муайян ютуқларга эришилди. Мазмун ва шакл жиҳатидан рангбаранг кино асарлар яратилиб, улар томошибинлар эътиборини қозонди. Айни вақтда бугун жаҳонда кечеётган глобаллашув жараёнлари, мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг устувор вазифалари барча соҳа ва тармоқлар қаторида кино санъати фаолиятини ҳам такомиллаштириш, соҳа ривожи учун янги имкониятлар яратишни талаб этмоқда. Бироқ, шу ўринда қайд этиш жоизки, кинематография соҳасида норматив-хуқуқий базанинг мукаммал эмаслиги, кино ишлаб чиқарадиган етакчи корхоналар, жумладан «Ўзбекфильм», «Қорақалпоқфильм» ҳамда «Илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар» киностудияларининг моддий-техник базаси жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскиргани, кинофильмларни молиялаштириш тизимининг бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги, кинотеатрлар ва малакали кадрлар етишмаслиги соҳа ривожига салбий таъсир кўрсатаётгани айни ҳақиқатдир. Юқоридагиларни ҳисобга олиб, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга асосланиб, халқимиз, аввало, ёшлар онгига миллий истиқбол фояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, она-Ватанга муҳаббат туйғуларини сингдиришда катта таъсир кучига эга бўлган кино санъатининг ролини ошириш, «Ўзбеккино» Миллий агентлигининг фаолиятини такомиллаштириш мақсадида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Жумладан, 2018 йилда – 20 та, 2020 йилдан бошлаб – 30 тадан тўлиқ метражли бадиий фильмлар ишлаб чиқариш, 2018 йилда – 40 қисмдан иборат 20 та, 2019 йилда – 50 қисмдан иборат 25 та ва 2020 йилдан бошлаб – 60 қисмдан иборат 30 та ҳужжатли, илмий-

оммабоп, ўқув-услубий фильмлар, киносолномалар, киножурналлар ишлаб чиқариш, мультиликацион фильмларни 2018 йилда 15 та, 2022 йилдан бошлаб ҳар йили 50 тадан ишлаб чиқариш, ёш кино ижодкорларнинг 10 соатдан иборат қисқа метражли фильмлари, болалар учун юмористик киножурналлар суратга олиш, давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқарилган фильмларни жаҳон бозорига чиқариш ва фестивалларда намойиш этиш учун чет тилларга субтитрлаштириш ва дубляж қилиш, миллӣ кинематографиянинг энг сара асарларини тиклаш, реставрация қилиш ва замонавий форматга ўтказиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди. Булардан ташқари ушбу қарорга мувофиқ яна бир тузилма – миллӣ кинематография санъатини замон талаблари асосида ривожлантириш, ёш кино ижодкорларни қўллаб-куватлаш мақсадида «Ўзбеккино» Миллӣ агентлиги хузурида Миллӣ кинематографияни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилмоқда. Шунингдек, қарорда «Ўзбеккино» Миллӣ агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан билдирилган таклифлар асосида кинофильмлар намойишини самарали ташкил этиш, аҳоли, айниқса, ёшларга маданий хизмат кўрсатиш учун шароит яратиш мақсадида мамлакатимиздаги мавжуд ёшлар марказлари, маданият ва аҳоли дам олиш марказлари, лицей ва колледжлар биноларидан фойдаланган ҳолда «Ўзбеккино» Миллӣ агентлиги хузурида Қорақалпогистон Республикаси ва вилоятларда кичик киностудиялари ва замонавий форматдаги кинозаллари бўлган минтақавий маданий-кўнгилочар комплекслар бунёд этиш вазифаси ҳам белгилаб берилди.

Юқорида келтирилган маълумотларнинг мантиқий давоми сифатида таъкидлашимиз ўринлики, мамлакатимизда мустақиллик йилларида маданият соҳасини изчил ривожлантириш, жаҳон миқёсидаги ижобий тажриба ва тенденциялар, ўтиқ ва натижаларни ҳар томонлама чукур ўрганиш асосида маданият ва санъат муассасалари фаолиятини самарали йўлга қўйиш, уларнинг тармогини кенгайтириш, моддий-техник базаси, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Айни шу мақсадда 2002 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига биноан Тошкент давлат консерваторияси учун янги бино курилиб, у замонавий талаблар асосида жиҳозланиб, «Ўзбекистон давлат консерваторияси» номи берилди ҳамда консерватория қошида иқтидорли ёшлар учун академик мусиқа лицейи ҳам ташкил этилди. Аммо, Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятининг танқидий таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ўтган давр мобайнида ушбу олий таълим муассасаси томонидан академик ва миллӣ мусиқа санъати йўналишларида юқори малакали кадрлар тайёрлаш, ўқув-педагогик ва илмий-ижодий ишларни

ташкил этиш борасида муайян ютуқларга эришилганлиги билан бир қаторда, жиддий камчилик ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилган. Юқоридағиларни ҳисобга олган ҳолда ёшларимизнинг дунёқараши, маънавий савияси ва эстетик тарбиясини юксалтиришда фоят муҳим ўрин ва аҳамиятга эга бўлган мусиқа санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, бой мусиқий меросимизни чукур ўрганиш, ёш авлодни миллӣ ва жаҳон мусиқа санъатининг мумтоз намуналарига муҳаббат руҳида тарбиялаш, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Ушбу қарорга кўра, Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Дастурга кўра, Ўзбекистон давлат консерваториясининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича бир қатор аниқ режа ва вазифалар ишлаб чиқилди. Бу эса ҳукуматимиз томонидан санъат ва маданият соҳасига берилаётган эътиборнинг яққол ифодасидир.

Санъат ва маданият соҳасини тараққий топишида шоир ва ёзувчиларимизнинг ўрни бекиёс албатта. Бу муҳим ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз шарт. Ҳукуматимиз томонидан айнан шу соҳада қалам тебрататётган зиёлиларимиз учун ҳам 2017 йил муҳим воқеаларга бой бўлди. Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, шу соҳада меҳнат қиласётган, ўзининг бадиий, ижтимоий-сиёсий руҳдаги ижодий асарлари билан халқимиз маънавиятини юксалтириш, жамиятимизда тинчлик, осойишталик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган шоир ва ёзувчилар, рассомлар, маданият ва санъат ходимлари, журналистлар меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратиш мақсадида 2017 йилнинг 14 август куни “Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3201 сонли қарори эълон қилинди. Ушбу қарорда юртимиз зиёлиларини моддий жиҳатдан қўллаб-куватлаш, уларни самарали ижод қилишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, вазифалар белгилаб берилди. Бу эса юртимиз зиёлиларига маънавий жиҳатдан қувват бериб, уларнинг руҳларини кўтариб, юксак савиядаги асарлар яратишида муҳим омил бўлишига ишонамиз.

Ўтган 2017 йилда Президентимиз томонидан Миллий санъатимиз ва маданиятимизнинг қадимий марказларидан бири бўлган, кўплаб атоқли санъат ва маданият намояндлари етишиб чиқсан Фарғона водийсининг бу борадаги алоҳида ўрни ва нуфузини, ижодий салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда истеъдодли ёшларни ўзбек ва жаҳон санъатининг юксак намуналари руҳида тарбиялаш, уларнинг ижодий қобилияти ва интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рўёбга чиқариш, Фарғона водийси вилоятлари учун театр, ҳалқ ижодиёти соҳаси бўйича актёрлар, маданиятшунослик ва санъатшунослик йўналишида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида “Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона миintaқавий филиалини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3218 сонли қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ маданият ва санъат соҳасида фундаментал билим ва тушунчалар, тарихий ва замонавий анъаналар, инновацион технологияларни, давлат стандарти бўйича белгиланган билим ва малакаларни пухта эгаллаган олий маълумотли мутахассис кадрлар тайёрлаш, тайёрланётган мутахассис кадрларга меҳнат бозоридаги реал талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиқсан ҳолда юқори сифатли билим ва малака бериш, битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича буортмаларни шакллантириш, профессор-ўқитувчилар таркибининг ўз касб соҳасидаги билим ва тажрибаси, илмий-ижодий салоҳияти ва педагогик маҳоратини доимий равишда ошириш, таълим жараёнига замонавий педагогик ва инновацион технологияларни, маданият ва санъат соҳасида илм-фан бўйича эришилган илфор ютуқларни татбиқ этиш филиалнинг асосий вазифалари этиб белгиланди. Бугунги кунда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона филиалида ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ унинг биринчи тингловчилари таҳсил олмоқдалар. Ўтган қисқа вақт давомида ЎзДСМИ нинг Фарғона филиалида бирмунча ижобий ишлар амалга оширилди. Хусусан филиалда бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини амалиётга татбиқ этишиб мақсадида “Миллий мақом санъати” мактаби ҳамда бугунги кунда ЮНЕСКО нинг инсоният номоддий маданий мөросининг репрезентатив рўйхатига киритилган ҳалқ оғзаки ижодининг нодир намунаси ҳисобланган миллий асқия санъатини янада ривожлантириш мақсадида “Аския” мактаблари иш бошлади. Филиалда таҳсил олаётган талабаларга Ўзбекистон ҳалқ артист Шафоат Рахматуллаева, Ўзбекистонда хизмат кўрти

сатган артистлар Ж.Пўлатов, Х.Умаровалар касб сирларини ўргатиб келмоқдалар. Филиалга Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг тажрибали профессор-ўқитувчилари ҳам ҳар томонлама қўмак бе-риб келмоқдалар. Жумладан хозиргача Филиал тала-баларига Ҳалқ артисти С.Маннопов, профессорлар Мунаввара Абдуллаева, Махсума Ҳожиматовалар томонидан мастер-класслар ташкил қилинди. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона филиали жамоаси бугунги кунда водийнинг бир қатор мусиқали драма театрлари жамоалари билан ҳамкорликда самарали иш олиб бормоқда, хусусан жорий йилда Филиал талабалари Қўқон давлат мусиқали драма театри жамоаси билан биргаликда диний экстремизм ва фундаментализмнинг салбий оқибатларини очиб берувчи “Хазон бўлган умр” спектаклини саҳналаштирилар. Бу албатта бошланиши, келажакда ушбу Филиал талабалари орасидан ҳалқимиз севган буюк санъаткорлар етишиб чиқишига умид қилиб қоламиз. Юқоридагилардан кўринадики, бугунги кунда юртимизда санъат ва маданият соҳасига ҳар доимидан ҳам эътибор катта, буни яна Вазирлар Маҳкамаси томонидан Республикадаги барча театрларни етук ва малакали мутахассислар билан таъминлаш, театрларнинг олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш ва уларни тайёрлаш тизимини сифатли ташкил этишини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган “Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида актёрлик санъати таълим йўналишида маҳсус сиртқи бўлимни ташкил этиш тўғрисида”ги қарорида ҳам кўриш мумкин. Таъкидлаш жоизки, санъат гўзаллик, яхшилик ва эзгуликни ўзида акс эттириши керак. Санъат ва маданиятга ошуфта қалблар доимо эзгуликка интиладилар. Санъат аҳли инсон қалбидаги ички гўзалликни кўра олиши ва унга эзгулик улашиши зарур. Санъатнинг мақсади ҳам маънавий озуқа бериб, инсонни ахлоқий комилликка етаклашдан иборат.

Юқорида белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Аммо, миллий санъатимиз ва маданиятимизни асрраб-авайлаш ва уни келажак авлодга етказиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Уни амалга ошириш эса юртимизнинг ҳар бир зиёли вакилининг муқаддас бурчидир. Зеро юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуф аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади”.

# РЕЖИССЁР МАРАТ АЗИМОВ

## ИЖОДИГА ЧИЗГИЛАР

**Аннотация.** Ўзбек Миллий академик драма театри ижодкорлари қорақалтоқ драматурглари асарларига жуда кам мурожаат қилганлар. Тажрибали режиссёр Марат Азимов қорақалтоқ драматурги Ўразбой Абдураҳмоновни ижодий ҳамкорликка чорлаб, унинг “Ўжарлар” номли комедиясини муваффақиятли саҳналашириб, бу бўшилиқни тўлдиришига ҳаракат қилган. Ушбу мақолада режиссёр Марат Азимовнинг сўнгги ўйлардаги ижодий изланишиларига мисол бўлиб қолган “Ўжарлар” спектакли ҳақида фикр билдирилган.

**Калим сўзлар:** драматург, таржимон режиссёр, мусиқа, ижро, маҳорат, импровизация.

**Аннотация.** Коллектив Национального Узбекского академического драматического театра редко обращался национальной драматургии каракалпакского народа. Режиссёр Марат Азимов своей постановкой комедии каракалпакского драматурга Уразбая Абдурахманова “Ужарлар” в какой-то степени восполнил этот пробел. В данной статье на примере анализа спектакля “Ўжарлар” автор рассматривает индивидуальный режиссёрский почерк Марата Азимова.

**Ключевые слова:** драматург, переводчик, режиссер, музыка, исполнение, мастерство, импровизация.

**Annotation.** The collective of the Uzbek National Academic Drama Theatre rarely addressed the national drama of Karakalpak people. The director Marat Azimov with his staging of the comedy by Karakalpak dramatist Urazboy Abdurakhmonov “The stubborn” to some extent filled this gap. In this article the author considers Marat Azimov’s specific handwriting in the example of the performance “The stubborn”

**Key words:** dramatist, translator, director, music, performance, skills, improvisation.

Ўзбек театр тарихида дастлаб ўз ижод йўлини актёrlиқдан бошлаб, саҳна муҳити талабларини мукаммалроқ ўрганиб, тажриба орттиргач, саҳнамизнинг етук усталари даражасига кўтарилиган машҳур санъаткорларимиз бисёр. Ўзбек профессионал режиссёр сифатида тан олинган томошабинлар ҳурматига сазовор бўлгани, халқимиз қалбидан жой олган мусиқали драма театрининг ривожига улкан ҳисса қўшган, бу соҳанинг етук билимдони ва амалиётчиси Раззоқ Ҳамраев ва Аббос Бакиров, миллий академик драма театрининг биринчи актёр ва режиссёrlаридан Шариф Қаюмов, ҳозирда ҳам миллий академик драма театрининг репертуарини бадиий пухта, томошабоп спектакллар билан бойитаётган Ўзбекистон халк артисти Турғун Азизовлар шулар жумласидандир.

Марат Азимов ҳам ҳозирги Миллий академик драма театри жамоасида ўз фаолиятини актёrlиқдан бошлаган. Лекин Тошкент давлат театр ва рассомлик санъати институтининг драма театри ва кино актёrlиги факультетини аъло баҳолар билан тамомлаб, устозлари Тошхўжа Хўжаев, Назира Алиева, Арсен Исмоилов, Иван Проценколарнинг ишончларини оқлаб, мустақил ижод

йўлини бошлаган М.Азимовнинг Ҳамза театри саҳнасидағи дастлабки қадамлари унинг ўзи орзу қилганидек муваффақият келтирмади. Асосан у ушоқ, эпизодик ролларда кўпроқ банд бўлган М.Азимов катта салоҳиятга эга бўлган ижодий жамоада ўз ўрнини топишга қийналди.

Драматург Ў.Умарбековнинг “Кузнинг биринчи куни”, Ўйғуннинг “Абу Али Ибн Сино”, Шиллернинг “Қароқчилар” ва бошқа спектакллардаги кичик эпизодик роллардан М.Азимов ёш ижодкор сифатида қаноатланмади. Ҳамза театри жамоасида ўн-ўн беш йиллик актёrlик фаолияти давомида М.Азимовни ижодкор актёр сифатида томошабинлар қалбидан жой оладиган, муҳлислари эслаб юрадиган залворли роллари деярли бўлмади. Шу боис жамоада ўз ўрни бўлишини астойдил истаган, томошабинлар ҳурматига сазовор бўлган, ижодда ўз сўзини айтишга қодир бўлган отаси Фофур Азимов каби ўз сўзини айтиш, ўз ўрнини топишга интилган Марат ўзини саҳнада эмас, балки саҳна ортида синааб кўришга қарор қилганини тушунса бўлади. Шу мақсадда режиссура соҳасига қадам қўйди. У 1987–1989 йилларда машҳур Москва Малий академик драма театри қошида очилган икки йиллик олий режиссёrlик курсида

малакасини оширди. Москва театрларидаги изланишлар, режиссура соҳасидаги янги йўналишлар билан танишди. Айниқса, машҳур санъаткорлар М.Царев, В.Пашенная, И.Ильинскийларнинг ижоди, улар яратган образларнинг рус актёрлик санъатидаги ўрни бўлажак режиссёр М.Азимовда кучли таассурот қолдирди.

Театрнинг тажрибали режиссёrlари Б.Равенских, Л.Хейфецларнинг режиссура ва актёрлик маҳоратларидан олиб борган назарий ва амалий машғулотлари М.Азимовнинг режиссёрлик санъати асосларини чукурроқ ўрганишга, ҳақиқий профессионал режиссёр ўз жамоаси актёрлари учун “учитель”, “мучиттель”, ва ниҳоят, “споситель” бўлиши лозимлигини англади.

К.Станиславский, Е.Вахтангов, В.Э.Мейерхольд ва Б.Брехтларнинг илмий-ижодий меросларини ўрганиш М.Азимов учун катта ижодий сабоқ ва мактаб вазифасини ўтади. Театр репертуаридаги “Зулмат дунёси” (А.Толстой), “Иван Грознийнинг ўлими” (А.Толстой) спектаклларининг режиссурсаси ва ижро маданияти М.Азимовнинг кейинги фаолиятида муҳим роль ўйнади.

1989 йил олий режиссёрлик курсини тамомлаб, катта ижодий режалар билан қайтган М.Азимов режиссура соҳасидаги дастлабки қадамларини Ҳ.Олимжоннинг “Семурғ”, Алишер Навойининг “Саббаи сайёр” достонига Ҳайдар Мухаммаднинг шу номдаги пьесасини саҳналаштиришдан бошлади. “Семурғ” ва “Саббаи сайёр” спектакллари режиссёр учун ҳам синов, ҳам тажриба мактаби бўлди десак янглишмаймиз. М.Азимовнинг тарихий мавзудаги Фитратнинг “Абулфайзхон”, Салоҳиддин Сирожиддиновнинг “Фигон”, Н.Рашидованинг “Усмон Носир” асарларини саҳналаштиришда Москва Малий театрида режиссёrlар Борис Равенских ва Леонид Хейфец саҳналаштирган “Шоҳ Фёдор Иоаннович”, “Иван Грознийнинг ўлими” спектаклларини кўриб, олган таассуротлари ёрдам берди. Режиссёр М.Азимов қаҳрамонлар образларини жонлаштиришда, тарихий муҳитни ишонарли қилиб яратишда жамоанинг барча ижодий кучлари, цехларнинг имкониятларидан тўла фойдаланишга ҳаракат қилади. Асар мазмунини томошабинларга тўла етказиб беришда декорация, костюмлар ва бошқа тарихий буюмларнинг нечоғли муҳим роль ўйнаши, уларнинг актёрлар ижросига ҳам ижобий таъсир кўрсатишни чуқур англади. Мана шу изланишларнинг самараси, олий режиссёрлик курсида устоз режиссёrlар Б.Равенских, Л.Хейфец улуғ актёрлар Михаил Царев, В.Пашенная, Игор Ильинскийлардан олган сабоқлари самараси сифатида драматург С.Сирожиддиновнинг “Фигон” спектакли академик театримизнинг репертуаридан жой олди. Драматург С.Сирожиддиновнинг “Фигон” тарихий-биографик фожеаси машҳур ўзбек шоираси Нодирабегимнинг фожеали, зулмат ва босқинчиликка қарши адолат, ҳалқ

тинчлиги, ҳалқ осойишталиги йўлидаги мардонавор курашига бағишиланган.

Режиссёрнинг тарихий-биографик драманинг мавзуси ва етакчи ғоясини инсон, давр ва жамият деб белгиланганлигини ўринли деб ҳисоблайман. Сабаби асарда шоира Нодирабегим образи орқали даврнинг нотинчлиги, Бухоро амири Насруллонинг босқинчилик ҳаракатлари ва адолатсизлик оқибатида Қўқон ҳалқининг бегуноҳ қони тўқилиши кўрсатилади. Жамиятда меҳр-оқибат маънавият ва маданиятнинг оёқости қилиниши жамиятни парокандаликка, миллатнинг шаънини топташга олиб келиши асар қаҳрамонлари тақдирида ўз аксини топади. Трагик конфликтнинг ҳаққонийлиги, ғоявий-эстетик қуввати асарга янада жозиба баҳш этади. Режиссёр М.Азимов томонидан спектаклга тинчлик, ҳалқпарварлик, миллат шаъни ва ғурури сингдирилганки, булар спектаклнинг давр билан ҳамоҳанглигини таъминлайди. Режиссёр асар бош қаҳрамони Нодирабегим ролини лиро-драматик қаҳрамонлар образларини талқин қилишга мойил Гулчехра Жамиловага топширади. Нодирабегим образи орқали кузатилган мақсадни мужассамланишида актриса Гулчехра Жамилованинг актёрлик иқтидори ва ижодий тажрибасига таянади. Актриса ижросида Нодирабегим саҳнада мутафаккир шоира, ҳалқпарвар малика, меҳрибон она сифатида гавдаланади. М.Азимов Нодирабегимнинг серқирра фаолияти, одамийлик фазилатларини воқеаларга ҳамоҳанг тарзда саҳнама-саҳна очиб беришга интилган. Натижада саҳнада ижодни қадрловчи, оилада меҳрибон, ўз ҳалқини севувчи инсон сиймоси гавдаланган.

Режиссёр Нодира дунёқараши, унинг иродаси, шиҷоати ва жасоратини очиб боришда шоиранинг Амир Насрулло билан юзма-юз учрашадиган қамал саҳнасини таъсирланарли ифодалашга ҳаракат қилади. У Насрулло қаршисида мағрур, иродаси мустаҳкам, ғазаб ўтида ёнган, бироқ маликаларга хос босиқлик билан ҳокима қиёғасини яратса олган. Айниқса, Насрулло мулозимининг “Амир қошида тиз чўқмоғингиз лозим” деган буйругига “Наҳотки кўрмайтган бўлсангиз бошимда Қўқон тожи, тиз чўколмайман” дея қаддини ғоз тутганича, сўзларини бурро-бурро сўзлаб бошимда “Қўқон тожи” жумласига алоҳида ургу беришидан унинг бўйсунмас малика ҳамда ўз ҳалқи ориятини ҳар нарсадан устун қўювчи инсон эканлигини намоён этади. Зотан, мазкур дақиқаларда актриса қаҳрамонининг ҳаётини қил устида турганини билади. Амирнинг битта имоси билан боши танасидан жудо бўлиши мумкинлигини яхши англаб турса-да, Фарона аҳлининг бир вакили сифатида ўз ҳалқи номусини оёқ ости қилишларига йўл қўймайди. Актриса қонхўр амир қаршисида заррача чўчимасдан “хужум” қилишда давом этади. “Мен сизни Қўқон ҳокимаси сифатида қабул этолмаймен” дега айтилган амирнинг

эътирозига, кескин ҳамда ўта аниқлик билан яна ўша мағруона қиёфада “Салтанат сизнинг тасарруфингизда эрмас. Кимни ҳоким этиб тайинлашни аҳли Қўқон ҳал этур” дега жавоб қайтаради ва бу жавоби билан амирнинг қаршисида ожиза бир аёл эмас, балки ҳақиқий тахт соҳиби турганлигини кўрсатади.

Спектаклда ёрқин ижро этилган роллардан яна бири бу Бухоро амири Амир Насрулло роли. Бу ролни Файбулла Ҳожиев ниҳоятда маромига етказиб ижро этган. Унинг қиёфасида биз ўта ақлли ва маккор, раҳмсиз тахт эгасини кўрамиз. Унинг юз кўринишида ҳеч қандай ўзгариш содир бўлмасдан кишиларни қатлга буйириши, айниқса, ёш бола Муҳаммад Аминни “Олиб чиқиб заррин иморатга элтинглар!” дега хотиржам тарзда бўйруқ бериши томошабинларни ҳаяжонга солмаслиги мумкин эмас. У шоҳ сифатида ниҳоятда устомон бўлганидан ўзининг кучли ғоявий душманини “эзишни”, “синдириш”-ни хоҳлайди. Нодирани тиз чўкишига буюради. Аммо Нодира уни кескин рад этишидан ҳайратга тушади. Бироқ рақибиға буни сездирмайди, ўзини йўқотмайди. Ғоявий баҳсада ўзининг қарашларини, вазиятга муносабатларини ҳеч иккilanмай, қатъий ишонч билан ҳимоя қилади. Унинг қабоҳати юзларидан-да, сўзларидан-да сезилади. Ҳеч иккilanмай айтиш мумкини, режиссёр Амир Насрулло шахсига монанд мураккаб характерни актёр Файбулла Ҳожиев ижросида кўрсатишга мувофиқ бўлган. Бундан ташқари Умархон, Зокирхўжа каби персонажларнинг ижролари Муҳаммадали Абдуқундузов (Умархон) ва Қаҳрамон Абдураҳимов (Зокирхўжалар) – талқинлари билан қаҳрамонларнинг қиёфаси, қалби, идрокини очиб беришга эришилган.

Режиссёр спектакль декарациясини саҳна рассоми Баҳтиёр Тўраев билан ҳамкорликда рамзий ифода воситаларида қуради. Саҳнада ҳеч қандай дабдабали қаср ҳам, маҳоратли сарой ҳам йўқ. Унда устунлар Қўқон устунларининг услубига хос тарзда яратилиб, ундан асосий мақсад Қўқон муҳитини яратишдан иборат. Шу тариқа Марат Азимовнинг буюк шоири ҳаёти ва Қўқон фожиасига бағишланган спектакли ўзининг умуминсоний ғоялари ва ажойиб саҳна талқини билан томошабин эътиборини қозонади.

Марат Азимов режиссёрлик фаолияти давомида Миллий академик драма театри саҳнасида йигирмага яқин ҳам мавзу, ҳам жанр, ҳам режиссёрлик талқини нуқтаи назаридан бир-бирини такрорламайдиган, замонавий ҳамда тарихий мавзулардаги пьесаларни саҳналаштириб, пойттах томошабинларига совфа қилди.

Шу кунларда миллий академик драма театри репертуарни безаб турган драматург Иззат Султоннинг “Имон” ижтимоий драмасини янгитдан саҳналаштирилган варианти ва қорақалпоқ ёзувчиси Уразбай Абдураҳмоновнинг “Қирсиқ” номли майший комедиясини

драматург Нурилло Аббосхон томонидан ўзбек тилига ўгирилиб, “Ўжарлар” деб номланган комедияси асосида саҳналаштирилган спектакль ҳамда Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг Фарона вилоят мусиқали драма театрида саҳна юзини кўрган “Бойқаро ва Навоий” спектакли ҳам режиссёр М.Азимовнинг кейинги йиллардаги изланишларининг маҳсули дейиш мумкин.

Комедияда қорақалпоқ муйсафидларига хос бўлган қайсарлик, инжиқлик, “Фақат менинг айтганим бўлади” қабилида иш кўрадиганлар устидан нозик табассум билан сўз юритилади, мулоҳаза қилинади. Асар бошдан оёқ ажиб бир миллий руҳга чўлғаган тарзда ёзилган ва таржимон драматург Нурилло Аббосхон ёзувчи Ўразбай Абдураҳмонов қаламига хос мана шу миллий буёкларни нозик ҳис қилган ҳолда уни ўзбек тилига ўгиран.

Спектаклдаги лиbosлар бўйича рассом Севара Зуннунова ва саҳналаштирувчи рассом Умида Ирматоваларнинг миллий колоритга бой, спектаклнинг томошавийлиги инсон руҳига ижобий таъсир кўрсатадиган қорақалпоқ ҳалқ анъанавий санъатининг бой ва жозибадорлигини кўз-кўз қилишга, майший комедия табиатига монанд безаклари “Ўжарлар” спектаклининг томошавийлигини, таъсирчанлигини таъминлаган. Спектакль композицион нуқтаи назардан пухта ишланган, воқеалар ривожи, драматург қаламга олган асосий тугуннинг индаллоси, ривожи ва ечими асосан икки нуқтага жамланган. Спектаклнинг биринчи пардасида ҳамқишилори Матризанинг фикрича “отийўқнинг отаси йўқ, япалоқнинг отаси япалоқ” деса бўлажак қудаси Холмурод йўқ ундей эмас, Отийўқ қуш япалоқ қушга айлангандан кейин сайрамайдиям, учмайдиям деб, оёғини тираб, тўнини тескари қийиб олишида”.

Бўлажак қудалар Матриза (Абдураим Абдуваҳобов) ва Холмуродларнинг (Т. Мўминов) ўжарлиги ва тажанглиги туфайли уларнинг фарзандлари Қоракўз (Дилноза Кубаева) ва Сафар (Х.Ҳасанов) ларнинг тўйлари бузилади.

Аммо дунё ўзгарган. Спектаклнинг иккинчи қисмидаги воқеалар Тошкентда, талабалар ётоқхонасида бўлиб ўтади.

Тошкент олийгоҳида ўқиб, билим олаётган янги даврнинг янгича фикрлайдиган, келажакларини янгича тасаввур қиласиган ёшлар қайсар оталарининг тажангликлари “Менинг айтганим” бўлади деб ўзларича тўйни бузишга қарор қилишларига қарамасдан, севишганлар ўз тақдирларини қўшишади, тўй қилишади.

Бу қариб қуйилмаган муросага келолмай кампирлари-ю, яқинларини қийнаётган тажанг, қайсарлиқда тенги йўқ чолларнинг кулгига бой ўжарликларининг ечими спектакль якунида чақалоқнинг дунёга келиши билан яқун топгандай бўлади.

Спектаклдаги эстрада йўналишидаги ўйноқи, таъсирчан, қувноқ, миллий колоритга бой мусиқа жилоси ролларни ижро қилаётган актёрларнинг хатти-харакат-

ларига ҳамоҳангдай таассурот қолдиради. Асар бош қаҳрамонларидан бири Холмурод ролини ижро қилган Ўзбекистон ҳалқ артисти Теша Мўминовнинг қаҳрамони характерининг турли бўёқларда товланиши, айниқса, аразлаган ёш боладай хўмрайиб ўтириши, юз ифодалари орқали саҳнада содир бўлаётган воқеаларни кузатиши ва муносабат билдиришида намоён бўлади. Актёр қорақалпоқ қарияларига хос, кинояли, сермазмун, серпарда сўзларига алоҳида ургу бериб, бу хусусиятлар қарип қўйилмаган чолнинг асли табиатига хос чизгилар эканлигига томошабинларни ишонтиради. Теша Мўминовнинг томошабинлар олқишлиарига сазовор бўладиган образ яратишида персонажнинг табиати, ички дунёсини очиб беришда майдага чизгилар устида заргарона синчковлик билан ишлаши актёр ижрочилик маҳоратининг янги қирраларини кашф этади, десак янглишмаймиз.

Матриза образи комедияда босик, камҳаракат, табиати ҳазил-хузул гаплардан узоқроқ, ҳар бир сўзини чертиб-чертиб гапирадиган мўйсафидлардан. Спектаклда бу ролни ижро қилган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдураим Абдуваҳобов режиссёр Марат Азимовнинг саҳнавий талқинидан келиб чиқиб, Матриза образини, қорақалпоқ мўйсафидлари табиатига хос чизгилар билан бойитган. Матриза — А.Абдуваҳобов бироз чўрткесар, дилидаги гаплари тилемда, табиатига бироз бўлса-да ботмайдиган гапга дарров портлаб кетадиган, қайсарликда Холмуродни бир чўкишда қочираман, деб ўйлайдиган чоллардан.

“Ўжарлар” спектаклига завқ, томошавийлик, самими кулгу бағишилаётган, томоша залини тўлдириб ўтирган ёшу қариларни беғубор кулгу билан сийлаётган, антиқа қорақалпоқ қариялари Матриза — А.Абдуваҳобов ва Холмурод (Т.Мўминов) ларнинг маҳоратига қойил қолиб уларни олқишлиашдан чарчамаётган томошабинларга бу иккала заргарнинг саҳнада роль ижро қилиш эмас, балки бутун борлиғи билан яшаётганилигига амин бўлади.

Спектаклдаги тан олмас, ўта инжиқ Матризанинг кампиди Ақсингул ролини Ўзбекистон ҳалқ артисти Зухра Ашурова ижро қиласди. Актриса Ақсингулнинг характерини жонлаштиришда қорақалпоқ кампирларига хос ҳаётий деталлардан фойдаланади. З.Ашурованинг

**Спектаклда бу ролни ижро қилган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдураим Абдуваҳобов режиссёр Марат Азимовнинг саҳнавий талқинидан келиб чиқиб, Матриза образини, қорақалпоқ мўйсафидлари табиатига хос чизгилар билан бойтган. Матриза — А.Абдуваҳобов бироз чўрткесар, дилидаги гаплари тилемда, табиатига бироз бўлсада ботмайдиган гапга дарров портлаб кетадиган, қайсарликда Холмуродни бир чўкишда қочираман деб ўйлайдиган чоллардан.**

ролида қорақалпоқ кампирларига хос бироз дағаллик, эрларига сансира бапирш, чоли билан мулоқотда ўз фикрини ўтказишга уриниш, дадиллик аломатлари кўзга ташланади. “Ўжарлар” спектакли режиссёр Марат Азимов бошчилигидаги ижодий жамоанинг доимий ижода янгилик яратишига интилишининг маҳсулни. Афсуски Миллый академик дарара театрининг бир асрдан мўлроқ тарихида унинг репертуаридан жой олган қорақалпоқ драматурглари асарларининг сони бармоқ билан санагудек қолмоқда.

Мазкур спектакль пойтаҳт томошабинларини қорақалпоқ драматурглари ижоди билан таништиришдаги Миллый академик драма театри ижодий жамоасининг ибратли ва тахсинга сазовор дадил қадами десак муболага бўлмайди.

### Адабиётлар рўйхати

- Раҳмонов М. Ўзбек театр танқидчилиги тарихи. –Тошкент: 2016.
- Мухторов И. Узбекский театр. Страницы истории и современности. –Тошкент: 2014.
- Махмудов Ж. XX аср режиссураси. –Тошкент: 2013.
- Салимов О. Касбим режиссёр. Фоурӯн номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. –Тошкент: 2009.



# РЕЖИССЁРЛИК САНЪАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА

## ЁЗУВЧИ ВА ДРАМАТУРГЛАРНИНГ ЎРНИ

**Аннотация.** Театр – маънавият қўзгуси. Маданиятнинг узвий қисми бўлган театр чинакам тарбия ўчогидир. Унда аввало, миллат таҳдири, инсон ҳаёти, юрт қайгуси ва шодлиги ўз аксини топади. Инсоннинг руҳий камолоти ҳақида гапирап эканмиз, бу мақсадга эришишида театр санъатининг ўрни алоҳида.

**Калим сўзлар:** Театр санъати, спектакль, миллий колорит, режиссёр, декорация, мусиқа, тарихийлик элементлари, ҳалқ қўшиқлари, ҳалқ оғзаки ижоди, драматургия, опера, балет, мусиқалий драма.

**Аннотация.** Театр - зеркало духовности. Действительно, театр это неотъемлемая часть культуры, являющаяся подлинным учебным заведением. Прежде всего это отражает судьбу нации, человеческую жизнь, национальную тревогу и радость. Говоря о духовном совершенстве людей, роль театрального искусства в достижении этой цели различна.

**Ключевые слова:** Театральное искусство, спектакль, национальный колорит, режиссёр, декорация, музыка, исторические элементы, народная песня, устное народное творчество, драматургия, опера, балет, музыкальная драма.

**Annotation.** Theater is a mirror of spirituality. The theater, which is an integral part of culture, is a genuine educational institution. First of all it reflects the fate of the nation, human life, national anxiety and joy. Speaking about the spiritual perfection of human beings, the role of theater arts in achieving this goal is different

**Key words:** Theatrical art, performance, national color; director, decoration, music, historical elements, folk song, oral folk art, drama, opera, ballet, musical drama.

Режиссёрлик касби маъносини ифодалашга уринган ҳар хил арзигулик бўлмаган тушунчалар мавжуд. “Режиссёр – бу ҳаёт мазмуну” дегандан бошлаб, токи “режиссёр – бу кенг миқёсда фикрловчи одам” дегунгача. [1.Б.24]. Бундай қарасангиз режиссёрлик касбини кўплаб хиллари бор: драма режиссёри, опера режиссёри, мусиқали театр режиссёри, қўғирчоқ театри режиссёри, жангларни саҳналаштирувчи режиссёр, спорт режиссёри, оммавий томошалар режиссёри, цирк режиссёри, эстрада режиссёри, пантомималар режиссёри, кино режиссёри (бадиий, хужжатли, илмий-оммабоп, мультфильм, (клиплар суратга оладиган режиссёр О.С), телевидения режиссёри, радио режиссёри, режиссёр – педагог, саҳналаштирувчи режиссёр ва ҳоказо. Лекин ақлни жойига қўйиб ўйлаб кўрсангиз, бир муҳим хуносага келасиз фақат битта режиссёрлик касб бор холос – РЕЖИССЁР, юқорида санаб ўтилган абсурд эса бу санъатнинг фақат технологиясининг фарқида холос. Ҳаммага маълумки, театрда, кино да ҳам, телевиденияда, балетда ҳам, қолган барчасида

ҳам, режиссёр сўзини олдига қандай қўшимча қўшманг, у фақат иккига – режиссёрлик ва ижрочилик санъатига ажralади холос.

Режиссёр - бу фақат пьесани яхши таҳлил қила оладиган, актёрларга қандай ўйнашни, саҳнада рассом ясаб берган декорацияларда қандай ва қаерда туришни ўргатадиган киши эмас. Режиссёр — бу аввало ҳаётни обдон кузата оладиган, ўзининг театр соҳасдаги профессионал билимларидан ташқари, ҳамма соҳалардаги билимларни максимал эгаллай олган кишиидир”.

**К. С. СТАНИСЛАВСКИЙ**

турини яратади. Бинобарин режиссёр ижоди иккисосий этапдан иборат бўлади: спектаклнинг режиссёрлик режасини туғилиши (ягона ўй-фикрини) касби талаб қилган специфик унсурлар ёрдамида амалга ошириб, ундан вақт ва маконда ифодаланадиган санъат

Режиссёр – бу индивидуал санъаткор. Санъатдаги индивидуаллик эса борлиқни бадиий образлар орқали ифодалаш каби ўзининг бетакрор хусусиятига эга. Олимларнинг таъкидлашича, “Я помню чудное мгновенье...” сатрларини фақат Пушкин ёзиши мумкин эди холос, “Лунная соната”нинг фақат Бетховен ёзиши,

“Оркестр репитицияси”ни фақат Филлини суратга олиши мумкин холос. Нейроннинг эса Чедвикдан бошқа олим ҳам кашф қилиши мумкин эди. Олим табиатда бор, фақат ҳали кашф қилинмаган нарсалар устида ишлайди. Санъаткор (ижодкор) эса ҳали йўқ, Аристотел-нинг таъбирича, бўлиши мумкин бўлган хаёлдаги, тасаввурдаги дунёни кашф қиласди.

Режиссёр саҳнада (экранда) санъатлар синтезини амалга ошира туриб, худди турли санъаткорлардан иборат оркестрнинг дирежёри вазифасини бажаради.

Режиссёрнинг саҳналаштириш фаолияти, уни драматург қаторида, унга тенгма-тенг спектаклнинг муаллифиға айлантиради. Режиссёр – ўз табиатига кўра яратувчи-ижодкор, муаллифлик, “драматургик” фаолият ҳисобланади. [3. Б.40-41]

Режиссёрининг ижодий фаолияти, бўлажак спектакль хусусида, унинг тасаввурида туғилиб шаклланадиган ягона ўй-фиркдан бошланади.

Ягона ўй-фирк – бу режиссёр ижодий жараёнини бошланиши бўлиб, режиссёрнинг бўлажак спектакль хусусидаги дастлабки тасаввuri, спектаклнинг озми кўпми асосланган прообрази (тасаввурдаги тимсоли). Баъзан биргина манзарани, бир лаҳзани, мизансаҳнани кўриб (ўз тасаввурида кўриб), ундан бўлажак спектаклнинг бутун бир кўриниши ҳосил бўлиши мумкин. Ягога ўй-фирк – бу режиссёрнинг ижодий изланиши учун кўрсатма.

Режиссёр ижодининг материали нималардан иборат? Режиссёр ижодий режасини амалга оширишдаги бирламчи “жисмоний” элемент – бу актёрнинг табиий ва жисмоний имкониятлари (овози, танаси, психикаси), пьеса (сценарий), декорация (майдон) мусиқа, чироқ ва ҳоказо.

Одам танасининг ҳаракати, режиссёр ва актёр ижодининг материали сифатида, одамнинг сўзлашибдан кўра ўзига хос ифодалаш ва эстетик жиҳатлари биланбир мунча устун туради. Жисмоний ҳаракатларида одамнинг бутун қиёфаси ифодаланади. Одамнинг тўлақонли “билиб олиш” учун уни хатти-ҳаракатда, бирор юмушни бажараётган пайтини, жестлари ва мимикалари жараёнини кузатиш керак. Актёрнинг сўзи унинг фикрлаш жараёнини, интонацияси эса эмоционал ҳолатини ифодалайди.

Режиссёр ҳар доим саҳналаштирадиган асарига нисбатан ўз концепциясига эга бўлмоғи керак. Асарнинг концепцияси қанчалик мураккаб бўлса, режиссёр уни тасвирилашда шунча сермано (изощренный) тасвирий-ифодаловчи воситалардан фойдаланади. Режиссёр бу мураккаб вазифасини ўз интелектуаллиги ёрдамида амалга ошира олади.

Санъатдаги (санъаткордаги) интелектуаллик – бу бадиий фикрлашнинг алоҳида, ўзига хос мураккаб, фалса-

фий шакли. Унда борлиқ, дунё фақат ғоялар кураши, драмаси сифатида юзага келади, туғилади ва ривожланади.

Санъатдаги интелектуаллик одатда фикр юритишининг “тагмаъно”, бир қараганда асарда муҳокама қилинадиган масалалардан узоқ бўлган, уларнинг маъносини мутлақо кутилмаган жиҳатларини очиб бериш шаклидан фойдаланади. Интелектуаллик – бу фикрнинг муҳокамадаги масаладан шунчаки четга чиқиши эмас, балки парабола\* тарзида, яъни “ўзгача айтиш”, “ўзгача ёндашиш” йўли билан, ўша масалаларга қайтиш, уни маъносини (теранроқ,) мукаммалроқ очиб беришдан иборат.

Парабола (грекча parabole) тагмаъносини очиш, ўзгача маъносини уқтириш, ўзгача ёндашиш, притча. [4.Б.80]

Шу тариқа, фалсафийлик нафақат мазмунга, балки бадиий асарнинг таркиби айланади, уни мутлақо ўзгартириб, ижодкорнинг концепциясига айлантиради: спектакль – концепция, фильм – концепция ва ҳоказо. Асар бадиий яхлит маълумотга айланади.

Бадиий маълумот (художественная информация) (лотинча *informatio* – тушунтириб бериш, айтиб бериш, ифодалаб, кўрсатиб бериш) бадиий хабар (спектакль, фильм, мусиқа) хусусиятларини: эмоционал таъсир ўтказишни, одатий тил билан тушунтириб бўлмайдиган жиҳатларини, у фақат индивидуаллашган бадиий образлар системаси орқали етказилишини очиб беради.

Ҳар бир янги режиссёр ўз фаолиятини ўзидан олдинги ҳамма яратилган анъаналарни инкор қилиб, ўзининг асосланмаган бесамар тажрибаларини амалга оширишдан бошлиши одат бўлиб қолган. Бунинг мутлақо ёмон томони йўқ, чунки режиссёрлик касбининг табиати мана шундай интилишларга асосланган.

Келинглар, режиссёрнинг новаторлик қилиш ҳуқуқини инкор этмасдан, оддий саволга жавоб топишга ҳаракат қилиб кўрамиз: анъана ўзи нимаю, новаторлик нима ва улар бир-бираига қандай муносабатда бўлади.

Санъатдаги анъана ва новаторлик бир-бираини тўлдирувчи тушунчалар бўлиб, уларнинг бир-бираига муқобиллиги ва боғлиқлиги ҳар қандай тўлақонли бадиий ижоднинг ривожини, диалектикасини белгилаб беради. Новаторликсиз анъананинг қуруқ ўзи бу ижод эмас, кўр-кўрона тақлид қилиш, (эпигонлик), худди шундай анъаналардан ажralган новаторлик ҳам бу маданиятнинг асоси бўлмиш меъёлларни бузилиши демакдир. Санъатда анъанавийликни сақлаб қолиш, ижодкорни бадиий мерослар билан ошнолиги, санъатни қабул қилувчи оммага тушунарли бўлган тил, яъни анъаналар новатор ижодининг пойдевори бўлади, уни яна бир

маротаба “велосипед ихтиро қилиш”дан сақлади.

Классика сўзи лотинча *classicus* - мукаммал маъносини билдиради.

1) энг кенг маънода – жаҳон маданиятининг бадиий мероси;

2) мукаммал санъат асарлари, юксак (шедевр) асарлар сифатида тан олинган, санъат тарихида ўз бадиий аҳамиятини тамғалаб сақлаб келган услуб манбай;

3) антик даврнинг бадиий мероси;

4) Уйғониш даврининг санъати;

5) ўзида меъёр ва уйғунликни мужассамлаган, ифода воситаларидан фойдаланишнинг юксак услубида яратилган, тасвирида ва мазмунда бир томонга “оғиб” кетмайдиган мужассам ва мукаммал санъат.

Оммавий маданият (лотинчадан *massa* – бўлак ва *cultura* – таъсир ўtkазиш, тарбиялаш, ривожланиш маъноларини билдиради) ўзининг руҳий ва маънавий

**Бадиий образ, уни ҳис қилишимиз орқали бизга, объектив борлиқни жуда муҳим сифатлари тўғрисида тўлақонли маълумот беришга қодир бўлади.**

бойликларини омманинг “ўртамиёни” даражасига мўлжаллаб тарқатади. Бинобарин “оммавий маданият” ишлаб чиқарувчиларнинг бошқа оммавий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилардан даражаси баланд бўлмайди. Демак, оммавий маданият доирасида юксак санъат ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. [5.Б.12-14]

Ижодкорнинг фикр ва ҳиссиётларининг юксак ифодаси, борлиқ тасвирининг бадиий шакли, ғайритабии, юксак санъатда юз берадиган ҳодиса – бу бадиий образ. У фақат ижодкорнинг тафаккурида, тасаввурда туғилиб, унинг яратган асарида у ёки бу тарзда (пластикада, овозда, товушда, имо-ишора – мимикада, сўзда) ифодаланади ва томошабин-мухлис тасаввурда гавдаланади.

Бадиий образда ижодкорнинг дунёга, болиқса бўлган муносабатининг аниқ, яхлит руҳий мазмуни, эмоционал ва интеллектуал муносабати намоён бўлади. Бадиий

образда ҳиссиётнинг аниқлик ва умумийлик табиий равишда уйғунлаша олади, фақат ҳар хил ўлчамларда: ҳиссиётнинганиқлиги (конкретлиги) – тасвирий санъатнинг портрет жанрида, умумийлик – символик образларда, ҳар иккаласини уйғунлашуви эса типик образларда намоён бўлади.

Бадиий образнинг алоҳида хусусияти мавжуд. Бадиий образ бир томондан образда тасвиранган руҳий мазмун хусусияти билан, иккинчи томондан, шу мазмуннинг ифодаланиш характеристи билан асосланади. Масалан бадиий образ архитектурада қотган ҳолатда, теарда ҳатти-ҳаракат ҳолатида, тасвирий санъатда тасвирий ҳолатда, мусиқада интонацион ҳолатда ифодаланади. Лекин ҳамма ҳолатларда ҳам бадиий образ нафақат кўриш, эшлиш орқали, балки ички кечинма орқали ҳам қабул қилинади, ҳис қилинади.

Бадиий образ ўзининг ўлчамларига эга: кичик – микрообразлар; макрообраз – персонаж, ҳатти-ҳаракат образи (сюжет ривожи), асарнинг тўлақонли образи; мегаобраз – ижодкорнинг тўлақонли ижод образи (Достоевский ижод образи, Филлини, Станиславский, Рубенс ва ҳоказо).

Бадиий образ, уни ҳис қилишимиз орқали бизга, объектив борлиқни жуда муҳим сифатлари тўғрисида тўлақонли маълумот беришга қодир бўлади.

Бадиий образни ҳис қилишнинг иккى асосий томони мавжуд:

1) тасвиранётган объекти ҳис қилиш учун, уни реал ҳаётдаги бошқа объекtlар билан тўғридан тўғри ва мажозий маънода солиштириш керак. Бундай солиштириш реал дунёning шартли моделини яратилишига олиб келади ва ижодкорнинг аниқ йўналиши орқали томошабин-мухлис онгидаги тимсолий гавдаланади;

2) ҳосил бўлган сифатни баҳолаш. Ҳар ҳолда бизнинг реал ҳаётга берган баҳоларимиз субъектив ва вақт жиҳатдан аниқ (конкрет) бўлади. “Тасвираш, ифодалаш, изҳор қилиш – бу ҳаётдан бир бўлagini ажратиб олиб, уни ўзлаштириш... уни бошқалар учун бадиий ижод манбасига айлантириш. Бу маънода санъатни борлиқни (ҳаётни, воқеани) тарихий аниқ, ўзига ҳос ва субъектив моделини яратиш сифатида қабул қилиш мумкин...” (Н.А. Лейзеров). Шуни таъкидлаш керакки, бу борлиқ (ҳаёт, воқеа) ижодкорнинг тасвиранётган объектига ҳам, уни тасвираш натижасига (моделига) ҳам субъектив, шахсий муносабати билан бўялган бўлади. [6.Б.77]

Шундай қилиб, бадиий образни реал объектига нисбатан ижодкорнинг субъектив муносабати, у объектига янгича мазмун бағишилаганлиги ва объекtnинг бу янгича нусхасини (моделини) томошабин-мухлис назарида тимсолий гавдаланиши дейиш мумкин.

Янгича мазмунга эга бўлган бадиий образ, объектнинг янги нусхаси (модели) сифатида бир хилда бўлмаган, оддий ўлчамларга тўғри келмайдиган бўлмоғи керакки, уни қабул қилидиган ҳар бир субъект (томушабин-мухлис) тасавvuрида тимсолий гавдалана олсин.

Айнан бадиий образнинг ўлчамларга сифаслиги, унинг нақадар мукаммал, чуқур мазмунга эга эканлигининг нишонаси бўлади.

Аллегория (юонча *allegoria* – рамзий, мажозий (иносказание)). Фояни, фикрни аниқ шаклда, аниқ қўринишиларда рамзий, мажозий ифодалиниш белгиси. Аллегориялар асосан мифалогияларда, классик санъат мавзуларида, фольклорда, диний сюжетларда яхшигина мустаҳкамланиб жой олган. Аллегориянинг санъатдаги кўриниши – бу тимсолий гавдаланиш, тирик мавжудотлар ва метафорик белгилар (Ника – ғалаба худоси, Шернинг, айиқнинг ёки бургутнинг тамғаланган тасвири – кучнинг, мардликнинг, хушёрликнинг тимсоли ва ҳоказо.). Аллегориянинг мажозий-рамзий маъноси, унинг икки хиллигига: асарда тасвирланган аллегорик нарса, асар мазмунига жуда ҳам мос келмайди, лекин унда ўша мазмунга ишора бор, чунки у ҳар икки маънони – ҳам ташқи шаклни, ҳам ички мазмунни ифодалай олади.

Деформация (лотинчадан *deformation* – бузиб кўрсатиш (искажение). Шаклни бузиб кўрсатилган белгилардан фойдаланиш. Мазмунни кучайтириш мақсадида, маълум бир жиҳатни ёки бутун системани атайлаб, мақсадли тарзда бурттириш, пасайтириш ёки схемалаштиришга уриниш билан боғлиқ тушунча. Деформация бадиий шаклни кескинлаштиришга, унинг таъзийқ ўтказиш кучини, рамзий маъносини кучайтиришга олиб келади. (Масалан: Пикассонинг “Герника” асари). [7.6.45]

Инверсия. Ҳаракатни, воқеани, фикрни, жисмни бўлакларга бўлиб кўрсатиш. Масалан: киноматографда аввал одамнинг оёқ кийими, кейин қўли, нима қутариб олгани кўрсатилиб, кейин одамнинг ўзи кўрсатилади. Тасвирий санъатда бир мазмун ёки манзара бўлакларда кўрсатилади – триптих.

Пуант – кутилмаган ечим. (Режиссёр Мейерхольд “Ревизор” спектакли хотимасида бирдан тирик актёрларни маникенлар билан алмаштириб қўяди).

Абсурд. (лотинчадан *absurdus* – ғайритабиий, ғалати). Маълум бир жисмга (деталга), нарсага, мазмун ёки воқеага ўзгартиришлар киритиб ёки уни ғайритабиий даражага келтириб, мазмунини кутилмаган, мутлақо муқобил жиҳатларини очиб бериш.

Аллюзия. (лотинчадан *alludo* – ҳазил қилиш, ишора қилиш, киноя қилиш). Бирор-бир маълум, машҳур санъат асарига нисбатан бошқача қараш, ишора қилиш натижасида унга мутлақо бошқача маъно бағишилаб яратилган асар. (Машҳур итальян кинорежиссёри Ф.Филлинининг “Сузәётган кема” фильмни, инжилдаги Ноев ковчеги сюжетига ишора ва ҳоказо).

Гипотеза. (юончадан *hypothesis* – тахмин қилиш учун асос). Бирор-бир воқеа ва ҳодисани ҳақиқийлигини исботлаш, текшириб кўриб асослаш учун қўлланадиган илмий тахмин.

Метафора. Метафора асосида ҳали аниқланмаган бирор ўхшашликни (хислатни, шаклни ва ҳоказо) бир-бирига солишириш ётади. «Метафора – бу исмни кўринишга ёки кўринишни исмга олиб ўтиш ёки кўринишни кўринишга ёки унга ўхшаш бошқа маънога ўтказишдир. Аниқ метафорани ҳосил қилиш – бу табиатдан андоза олишдир». (Аристотель). [8.Б.88-90]

Хулоса – режиссёрдан актёрга нисбатан алоҳида меҳр талаб қилинади. Нафақат актёрга, режиссёр билан ҳамкорлик қиласидиган ҳамма ижодкорларга (ижодкор бўлмаган бошқа ходимларга ҳам) нисбатан ҳам катта ҳурмат билдириши керак.

Нихоят шуни ҳам таъкидлаш керакки, режиссёрнинг актёр билан, саҳналаштиришининг бошқа аъзолари билан ҳам муносабатлари худди рисоладагидай, идеал тарзда бўлиши, фақат хотириларда, яна премьерадан кейинги банкетларда бўлиши мумкин (у ҳам ҳар доим эмас).

#### Адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
2. Авлоний А. Танланган асарлар. –Тошкент: Маънавият, 2009.
3. Алиева Н. Санъат – менинг ҳаётим. –Тошкент: F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975.
4. Беҳбудий Махмудхўжа. Танланган асарлар. –Тошкент: Маънавият, 2006.
5. Станиславский К.С. Актёрнинг ўз устида ишлаши. –Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1965.
6. Салимов О. Режиссёрнинг спектакль устида ишлари. –Тошкент: 2014.
7. Турсунов Т. XX аср ўзбек театри тарихи. –Тошкент: 2009.
8. Умаров Э. Театрда бадиий образ яратишнинг эстетик тамойиллари. –Тошкент: 2011.



# КЕЧИНМА ВА ТАҚЛИДИЙ САНЪАТ

**Аннотация.** Актёр саҳнада кечирадиган ҳаётида, ижоднинг ҳамма соҳасида санъатнинг бирдан-бир ва асосий мақсадига мувофиқ иш тутиши лозим. Санъатмизнинг асосий мақсади роль ва репертуардаги “инсоннинг руҳий ҳаётини” яратиш ҳамда шу ҳаётини гўзал, саҳнавий шаклда бадиий гавдалантириши учун курашидан иборатdir.

**Калим сўзлар:** кечинма, театр, тақлид, актёрлик штамп, маҳорат устуворлиги.

**Аннотация.** Актёр в своей жизни проводимую на сцене, во всех отраслях творчества должен поступить в соответствии с основной целью нашего искусства. Основной целью нашего искусства создать роль и в репертуаре «психологическую жизнь человека», а также состоит из борьбы художественно олицетворять в scenicской форме эту красоту своей жизни.

**Ключевые слова:** переживание (испытание) (ощущение), театр, подражание, актёрский штамп, привилегия мастерство

**Annotation.** In his theatrical life, in all spheres of art an actor must operate agreeably with the only and main goal of art. The main goal of art is to create “psychological life of a human” in the role in the scenic and artistic form.

**Key words:** experience, theatre, imitation, actor's stamp, skill privilege

Санъат соҳасида К.С. Станиславский актёр ижоди-нинг икки йўналишини аниқлаб берган.

1.Кечинма санъати

2.Тақлидий (намойиш) санъат

Кечинма санъатининг асосида ҳаётий ҳақиқат ётади.

Ҳақиқий санъат инсонни тарбиялайди, дунёқарашини шакллантириди.

Онг туйгуларига, ижтимоий ҳаётига ўз таъсирини ўтказади. Кечинма санъатининг асосий мезони киши ҳаётининг ички дунёсини очиш, ролда инсон руҳиятини яратиш, бадиий шаклларда томошабинга маънавий озуқа бериш, ҳар бир ижрода одамнинг ички руҳий омиллари-га сингиб боришдан иборатdir. Кечинма санъатида қиёфа ярататётган актёр ҳаётнинг натижасини эмас, унинг ҳаракатдаги жараёнини очиб бериши ва ижод жараёнига актёр ўзини бахшида қилиши лозим бўлади. Ҳаётнинг мураккаб чигал муаммоларини ҳал қилишда маҳорат устуворлиги, астойдил меҳнат қилиш, тер тўкиш лозим бўлади. Актёр бутун вужуди билан пъесага берилиб кетиши натижасида беихтиёрий ҳаракат қиласи. Чунки шундай пайтларда актёр ўзини қандай ҳис этаётганини, нима қилаётганини сезмасдан, ҳаммасини ўз-ўзидан беихтиёрий равишда чиқараверади. Лекин бундай ижод ҳамма вақт ҳам актёрга насиб этавермайди. Кечинма санъати онгнинг ижодга бевосита эмас, балки билвосита таъсир кўрсатишидадир. Инсон қалби унинг онги ва иродасига бўйсуниш қобилиятига эга. Мана шу хусусият руҳий жараёнга беихтиёрий таъсир кўрсатишга қодирдир. Бунга эришиш анча мураккаб ижодий меҳнатни талаб

қиласи, бу меҳнат онгимизнинг бир қадар назорати ва бевосита таъсир қилиши натижасида содир бўлади. Бу меҳнат кўпроқ беихтиёрий ва иродамиздан холи равиша бўлади. Бу иш моҳир, юксак истеъодли, энг нозик, мураккаб, сеҳргар санъаткор бўлган органик табиатимиз қўлидан келади, холос. Энг мукаммал актёрлик техникаси ҳам, китобий билим ҳам бу билим билан тенглаша олмайди. Артистлик табиатимизга бу каби муносабатда бўлиш ва бу хилда қараш кечинма санъати учун хос нарсадир. Онг натижасида беихтиёрий ижодга, иродамиз орқали ихтиёrsиз ҳатти-ҳаракатга ўтиш кечинма санъати асосларидан биридир. Саҳнада туриб, роль ҳаёти ва унга монанд шароитда тўғри, мантиқли, изчиллик билан худди ҳаётдагидек фикр юритмоқ, хоҳламоқ, интилмоқ, ҳатти-ҳаракат қилмоқ демакдир. Актёр айтилганларга эриша олса, ролга яқинлашади ва у билан бир хилда ҳис қила бошлайди. Бу ролнинг кечинмасидир. Кечинма саҳна санъатининг асосий вазифасини бажаришда актёрга ёрдам беради. Вазифа эса ролдаги “инсон руҳининг ҳаётини” яратиш, бу ҳаётни саҳнада бадиий ифодалашдан иборатdir. Актёр саҳнада кечирадиган ҳаётида, ижоднинг ҳамма соҳасида санъатнинг бирдан-бир ва асосий мақсадига мувофиқ иш тутиши лозим. Шунинг учун ҳам актёр энг аввал яратилётган ролнинг ички томони ҳақида ўйлаши керак. Бу ижод қилишнинг биринчи шартидир.

Актёр ролга монанд туйгуларни ҳис этмоқ учун ҳар сафар уни такрорлаганда роль ҳаёти билан яшамоғи лозим. Кечинма санъати ижоднинг асосий мақсади,

ролдаги “инсоннинг руҳий ҳаёти”ни яратиш билан биргаликда бадиий шаклда унинг ташки кўринишини ҳам томошабинга етказиб беришдан иборат. Актёр ролнинг фақатгина ички кечинмаларини ўз бошидан кечирибигина қолмай, ўша кечинмаларнинг ташки кўринишини ҳам гавдалантиромғи лозим. Отелло ролини минг ички кечинма билан ижро этса-ю, унинг ташки қиёфасини ижро эта олмаса, демакки, у ҳақиқий Отелло эмас. Демак, ролнинг ташки қиёфасини гавдалантириш ички кечинмаларга боғлиқ бўлиши, кечинма санъатида кучлидир. Актёр фақат кечинма жараёнини яртувчи ички дунёси ҳақида қайғурмай, балки туйғуларининг ижодий иши натижасини, яъни, унинг ташки кўринишда мужассамлашган шаклини тўғри акс эттирадиган ташки қиёфаси устида кўпроқ қайғурмоги лозим. Актёр ҳаётини кечинмалар билан яшагандагина ролнинг сезиларсиз, нозик ерларини ва унинг бутун ички дунёсини бадиий тўла-тўкис ифодалай олади.Faқат шундай санъатгина томошабинни ўзига тўла жалб қилишга, саҳнада содир бўлаётган ҳамма воқеаларни ўз бошидан кечиришга мажбур қилади, унинг ҳаёт ҳақидаги тушунчаларини бойитади, қалбида умрбод йўқолмайдиган излар қолдиради. Кечинма санъатида актёр ҳар гал ижросида янги қиёфага киради, бутун жараённи қайтадан вужудидан ўтказади. Театр санъатининг жозибаси ҳам мана шунда. Роль берилган шарт-шароит тўғри мушоҳада қилиниб, ҳаракат йўналиши тўғри олиб борилсагина ҳаётини, табиий чиқади. Актёрнинг ички ва ташки техникаси, инсон табиатининг қонунларига асосланиб, овози, жуссасидан тўғри ва унумли фойдаланган ҳолда тасаввур оламига бой, кузатувчан, ҳаётни чуқур билгандагина залворли қиёфалар яратилади. Кечинма актёри инсон қиёфасига, руҳиятига изчил киришиб бориши, унинг характеристини мукаммал очиб бериши керак. 2

Тақлидий (намойиш) санъатида ҳам, кечинма санъатидек ҳар сафар роль ҳис этилади, лекин ролни фақат бир ёки бир неча маротаба ҳис этиб, туйғуларнинг табиий пайдо бўлишидаги ташки шаклни билиб олгандан кейин, ўргатилган мускуллар ёрдами билан бу шаклни механик равища қайтара бериш ҳам мумкин. Актёрнинг бу ижроси тақлид деб аталади. Санъатнинг бу оқимидағи кечинма жараёни ижод қилишнинг асоси бўлмай, балки кейинги актёрнинг ижодий меҳнати босқичларидан бири ҳисобланади.

Бу меҳнат – яратилган саҳна образининг ички мазмунини яққол қўрсатиб берувчи ташки ва бадиий шаклни излашдан иборатдир. Бундай изланиш вақтида актёр, энг аввало, ўзига мурожаат қилади ва ўзи ижро этаёт-

ган шахсни чинакам ҳис қилишга – унинг ҳаётини бошидан кечиришга интилади. Лекин бу нарса аёнки, актёр буни саҳнада эмас балки уйида репетиция қилиб келади. Кечинма санъатида роль ижросининг ҳар бир лаҳзаси, ҳар нафас янгидан ҳис этилиши ва янгидан гавдаланиши лозим. Санъатда кўп нарсаларга, гарчи улар қатъий белгиланган бўлса ҳам импровизация тарзида ёндашилади. Бу хил ижод актёрнинг ижодига самимийлик бағишлийди. Тақлидий санъат актёри ролнинг ички ҳаётини қўрсатиб берувчи кишининг ташки хусусиятларини ўзида сезишига ва қўзғатишига уринадилар. У бу кечинмаларнинг ҳар бирига хос бўлган энг яхши шаклни бир марта яратиб олиб буларни хамма вақт томошабин олдида ўз туйғуларининг иштирокисиз – механик равища табиий қилиб қўрсатишига уринади. Бунга гавдаси, ўргатилган мускуллари, юзи, овози, интонация, юксак техника ва санъатнинг барча усуслари ҳамда беҳисоб қайтаришлар орқали эришилади. Бу хилдаги тақлидий санъат эгаларида мускуллар хотираси жуда тараққий этган бўлади. Ролни механик равища ўйнашга ўрганиб қолган артист ўз ишини асраб ва қалб

**Актёр фақат кечинма жараёнини яртувчи ички дунёси ҳақида қайғурмай, балки туйғуларининг ижодий иши натижасини, яъни, унинг ташки кўринишда мужассамлашган шаклини тўғри акс эттирадиган ташки қиёфаси устида кўпроқ қайғурмоги лозим. Актёр ҳаётини кечинмалар билан яшагандагина ролнинг сезиларсиз, нозик ерларини ва унинг бутун ички дунёсини бадиий тўла-тўкис ифодалай олади.**

кучини сарфламай қайтара беради. Бу эса, саҳнадаги ижод даврида кераксизгина бўлиб қолмай, балки зарар ҳам келтиради, чунки ҳар қандай ҳаяжон артистни эсанкиратиб қўяди, ролни ўйнаш учун аниқлаб олган шаклини ва йўлини бузиб юборади.

Шаклнинг ноаниклиги ва роль ўйнашдаги қатъиятсизлик томошабиннинг таассуротига путур етказади. Бу оқим актёрлари ролни фақат ишининг бошланиш пайтида, репетиция даврида тўғри, инсонга хос қилиб бошдан кечирадилар кейин саҳнада, ижод қилиш пайтида аввалдан белгилаб қўйилган шартли кечинмага ўтадилар. Унда мускуллар ҳаракати ва одатий мизанцена бўйича ҳаракат асосий ҳисобланади. Станиславский

фикрича, “Бундай ижод гўзал, лекин мазмундор эмас, у кучли бўлишдан кўра кўпроқ жозибадордир; унда мазмунга нисбатан шакл қизиқроқдир, бундай ижод юракка эмас, кўпроқ кўз билан қулоққа таъсир қилади, бинобарин, ҳаяжонга солишдан кўра кўпроқ кишини завқлантиради”. Тақлидий санъат ҳам томошибин қалбида катта таассурот қолдиради. Воқеа кўз ўнгиди бўлиб, ўзига маҳлиё қилади, ҳатто гўзал хотирашар учун асос яратади, лекин бундай таассуротлар кўнгилни иситадиган ва унга чукур таъсир қила оладиган таассуротлар бўлмайди. Бундай санъатнинг таъсири ўткир бўлгани билан умри қисқа бўлади. У ишонарли бўлишдан кўра таажжубланаарлидир. Шунинг учун ҳам бу санъат катта кучга эга эмас. Унинг кучи ҳайратда қолдиришга ва саҳнада ҳамма нарсани чиройлик қилиб кўрсатишгагина етади, холос. Чукур ҳисларни ифодалаш учун эса унинг воситалари ёки ҳаддан ташқари серҳашам ёки ҳаддан ташқари юзакидир, нозик ва чукур инсоний туйғулар техник усувларга бўйсунмайди. Бу сезгишлар табиий кечинма ва уни гавдалантириш пайтида табиатимиз ёрдамига муҳтоҷидир. Лекин шунга қарамай, чинакам кечинма жараёни ёрдами билан ролни тақлид қилишни ижод, санъат деб атаса бўлади. Кечинма санъатида ҳам, тақлидий санъатда ҳам кечинма жараёни муқаррар, хунарда эса унинг кераги йўқ, бўлганда

**К.С. Станиславский фикрига кўра ҳунарманд актёр умумактёрлик нутқи ва пластикасининг вазифаси оғзаки овозни, дикцияни ва ҳаракатларни олижаноб қилиш, уларни чиройлироқ кўрсатиш, саҳнавий эфект ва образли ифода таъсирини кучайтиришдан иборат. Актёрнинг ҳунармандга хос нутқи ва пластикаси, кўр-кўронга эфектга, соҳта олижанобликка олиб келади, булардан фақат театрга хос бачканга гўзаллик келиб чиқади. Шартли штамп кечинманинг ўрнини босолмайди. Яна шуниси ёмонки, штамп елимдай ёпишқоқ, ажратиб бўлмайди.**

ҳам тасодифий бир ҳолдир. Ҳунарманд актёрлар бир хил роль яратади олмайдилар. Улар кечинмани ҳам, ҳиссиятни ҳам бир хил гавдалантира олмайдилар. Ҳунарманд актёрлар ҳеч қандай ташаббус кўрсатмай, роль матнини баён қиладилар, холос. Бу баён қилишни ҳам саҳна ўйинининг доимий қолипига солиб оладилар. Бу хунарнинг вазифасини жуда енгил қилиб қўяди. Театр реформатори кечинма ва тақлидий санъатдан ташқари актёрлик ижросидаги яна икки йўналишга алоҳида

урғу беради. Булар ҳунарманд актёрлар ва актёрлик ижросидаги штабдир.

Ҳунарманд актёрлар бу – актёрлик маҳоратини юзаки ўрганувчилар, атрофдагиларга қараб, улар каби ижро этишига ҳаракат қилувчи кўчирмакаш актёрлардир. Штамп эса актёрлик маҳоратига хос бўлган барча тушунча бўлиб, ички мазмундан ажралиб қолган ташқи бир хилдаги ҳаракат. Яъни актёр ижросидаги Ҳамлет ҳам, Навоий ҳам, Ромео ёки Отабек ҳам бир хиллиқда ижро этилади. Ролнинг туйғуларини кўрсатмоқ учун уларни, албатта, билиб олиш лозим, дейди К.С. Станиславский. Билиб олиш учун эса шунга ўхшаган туйғуларни актёр ўз бошидан кечириши керак. Туйғунинг ўзини тақлид қилиб бўлмайди, уларнинг фақат ташқи кўриниши натижаларинигина ясад олиши мумкин. Лекин ҳунарманд актёрлар роль кечинмасини билмайдилар, бинобарин, улар ҳеч қаҷон бу ижодий жараённинг ташқи натижаларини ҳам билмайдилар. Саҳнада ўйнашнинг тайёр механик усувлари ҳунарманд актёрнинг ўргатилган мускуллари орқали осонгина бажарила қолади, улар ҳатто бунга одатланиб қоладилар, шуларсиз саҳнада яшай олмайдилар, бу ўйин усувлари саҳнада ҳақиқий инсон табиати ўрнини эгаллаб олади. Бу қолипига солинган сезги ниқоблари тез орада сийқалланиб, ҳаётга жиндаккина ўхшашлигини ҳам йўқотади ва оддий актёрлик штампига айланиб, бачканалашади ёки ташқи белгиларга айланиб қолади. Ҳар бир ролни ўйнаш учун белгилаб олинган қатор шундай штамплар актёрларга расм бўлиб қолади ёки текстини шартли баён қилишни ҳамроҳ қилиб олишдек ёмон одатни келтириб чиқаради. Ҳунарманд актёрлар чинакам жонли ички кечинма ва ижодни мана шу айтилган ташқи ўйин усувлари билан алмаштироқчи бўладилар. Ҳеч нарса асл туйғуга тенглаша олмайди, бу туйғу эса ҳунарнинг механик усувлари орқали кўрсатишга бўйсунмайди. Бу штамплардан баъзи таъсир қилиш қобилиятига ҳам эга, лекин уларнинг жуда кўпи ўз бачканалиги билан инсон туйғуларини тушунмаслиги, уларга дағал муносабатда бўлиши, ёки тўғрироғи, аҳмоқоналиги билан инсон туйғуларини таҳқирайди. Аммо вақт ўтиши билан асрлар давомида пайдо бўлган одатлар, ярамас, хунук, бемаъни қиликларини бир-бирига яқин туғишиган қилиб қўяди. Мана шунинг учун ҳам ғайритабии штамплар ҳунар бўлиб, актёрлик ишида расм бўлиб қолган: баъзи бир штамплар шу қадар ўзгариб кетганки, уларни қаҷон ва қаерда пайдо бўлганини ахтариб тополмайсан киши. К.С.Станиславский фикрига кўра ҳунарманд актёр умумактёрлик нутқи ва пластикасининг вазифаси оғзаки овозни, дикцияни ва ҳаракатларни олижаноб қилишни ижросидаги штабдир.

лиш, уларни чиройлироқ кўрсатиш, саҳнавий эфект ва образли ифода таъсирини кучайтиришдан иборат. Актёрнинг хунармандга хос нутқи ва пластикаси, кўркўона эфектга, сохта олижанобликка олиб келади, булардан фақат театрга хос бачканга гўзалик келиб чиқади. Шартли штамп кечинманинг ўрнини босолмайди. Яна шуниси ёмонки, штамп елимдай ёпишқоқ, ажратиб бўлмайди. У актёрнинг ижодига ҳудди зангдай ёпишиб олади. У бир марта ўзига йўл топиб олдими, бас, борган сари чукурроқ ўрнашади ва зўрайди, ролнинг ҳамма ерларини ва актёрнинг бутун ташқи тасвирий аппаратларини эгаллаб олишга уринади. Бу ҳам етмагандай, штамп чинакам сезидан олдин отилиб чиқади ва унинг йўлини тўсиб қўяди. Шунинг учун ҳам актёр штампдан ўзини сақламоғи керак. Асабий тоифадаги актёрлар асабларини зўрлаб қўзғатиш орқали актёрлик туйғуларини уйғотадилар; ички мазмунга эга бўлмаган сунъий жисмоний қизиқонлик сингари асаблар билан бундай ўйнаш, ўз-ўзини сунъий равишда ҳаяжонлантириш носоғлом жазавани пайдо қиласди. Ҳар иккала ҳолда ҳам биз бадиий ўйинни эмас, балки ҳаддан ташқари ошириб ўйнашни, бажараётган ролга мослашган жонли туйғуларни эмас, балки актёрлик туйғусини кўрамиз. Бироқ бу туйғулар ўз мақсадига эришади ва ҳаётини туйғуларга ўхшаб, маълум таассурот сифатини фарқлай олмайдилар, балки унинг қўпол уйдирмасидан қаноатланадилар. Бу тоифадаги актёрнинг ўзлари кўпинча ҳақиқий санъат билан шуғулланяпмиз, деб ўйлайдилар, аслида эса улар саҳна хунари билан шуғулланувчи оддий хунарманд эканликларини билмайдилар. Кўпгина актёрлар, санъатдан унга ёд бўлган мақсадларда фойдаланадилар. Кимdir чиройини кўрсатиш учун фойдаланса, яна кимdir шуҳрат орттириш мақсадида, яна кимлардир эса мансабга миниш ва ҳ.к. Театр ўзининг оммаболлиги ва спектаклнинг тасвирий кучга эгалиги туфайли икки ёқлама ўткир қуролга айланади: бир томондан санъатимизни ўз фойдасига

ишлатмоқчи ва мансабга эришмоқчи бўлганларни рағбатлантиради.

Бундай кишилар баъзиларнинг тушунмаслигидан ва бошқаларнинг дид-фаросатсизлигидан фойдаланадилар, ижодга мутлақо алоқаси бўлмаган катта мансабдаги кишиларнинг ҳаммасига сифинадилар, фисқи-фасод тарқатиш билан шуғулланадилар. Санъатда таъмагирлик билан қатъий кураш олиб бормоқ лозим, агар бунинг иложи бўлмаса, уларни саҳнадан қувиб чиқармоқ керак. Санъатни даражаларга фақат назариядагина ажратиш мумкин. Ҳаёт ва тажриба эса чегаралар билан ҳисобланмайди. Улар ҳамма оқимларни аралаштириб юборади. Чиндан ҳам биз кўпинча катта артистларнинг инсоний ожизликлари туфайли хунарманд актёр даражасига тушиб қолганларини, хунарманд актёрлар эса бальзан ҳақиқий санъаткор даражасига кўтарилигандарини кўрамиз.

Шундай қилиб, ишимизда иккита асосий қисм бор: бири – кечинма санъат; иккинчиси – тақлидий санъатдир. Буларнинг иккиси ҳам яхши ёки ёмон бўлган саҳна хунарининг умумий шароитида ривожланиши мумкин. Шуни ҳам қайд қилиб ўтиш керакки, ички тўлқинланиш пайтларида жонга теккан штамплар ва ошириб ўйнашлардан ҳам чинакам ижод учкунлари отилиб чиқади. Санъатимизнинг асосий мақсади роль ва репертуардаги “инсоннинг руҳий ҳаётини” яратиш ҳамда шу ҳаётини гўзал, саҳнавий шаклда бадиий гавдалантириш учун курашдан иборатдир. Мана шу сўзларда ҳақиқий артистнинг идеали яшириниб ётади.<sup>5</sup> Ўзбек театрининг буюк намоёндалари Аброр Ҳидоятов, Шукур Бурхонов, Олим Хўжаев, Сора Эшонтўраева, Обид Жалилов, Зайнаб Садриева, Зайнаб Содикова, Ҳамза Умаров ва бошқалар ўзлари яратган турфа қиёфалари билан кечинма санъатини нечоғлик мукаммал эгаллаганини намоийиш этиб, томошабинни ларзага соглан, ўйлатган, қалбини жумбушга келтирган.

#### Адабиётлар рўйхати

- Станиславский К.С. Актёрнинг ўз устида ишлиши. Хўжаев таржимаси. –Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти. 1965. 27-бет.
- Муҳаммедов М. Режиссура асослари. –Тошкент: 2008.
- Станиславский К.С. Актёрнинг ўз устида ишлиши. Хўжаев таржимаси. –Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти. 1965. 35-бет.
- Станиславский К.С. Актёрнинг ўз устида ишлиши. Хўжаев таржимаси. –Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти. 1965. 38-бет.
- Станиславский К.С. Актёрнинг ўз устида ишлиши. –Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти. 1965. 48–49-бетлар.



# ЎЗБЕКИСТОН ЁШ ТОМОШАБИНЛАР

## ТЕАТРИНИНГ БУГУНИ ВА ЭРТАСИ

**Аннотация.** Мазкур мақолада Ўзбекистон Ёш томошабинлар театрининг ижодий фаолияти, репертуар яратиш, спектакль саҳналаштиришдаги ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, театрнинг бугунги кунда эътибор берини керак бўлган баъзи бир муаммоларига театршунос сифатида таклиф ва мулоҳазалар берилган.

**Калим сўзлар:** ёш томошабин театри, режиссёр, саҳна, спектакль, актёр, пьеса, репертуар, ижодий фаолият.

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются творческая деятельность, формирование репертуара, особенности постановки спектаклей в Государственном театре юного зрителя Узбекистана. Также в статье приводятся рекомендации по решению актуальных проблем театра, основанные на методах театрологического анализа.

**Ключевые слова:** театр юного зрителя, режиссер, сцена, спектакль, актер, пьеса, репертуар, творческая деятельность.

**Abstract.** This article deals with creative activity, the formation of the repertoire, the features of staging performances in the State Theater of the Young Spectators of Uzbekistan. Also in the article there are recommendations for solving the actual problems of the theater, based on the methods of theatrical analysis.

**Key words:** theater of the young spectators, director, stage, performance, actor, play, repertoire, creative activity.

Бугунги тезкор жараёнда инсон қалбини, унинг дарду ташвишларини, халқнинг орзу-интилишлари, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини шакллантиришда театр санъатининг ўрни бекійёсdir.

Бироқ аксарият театрларимизнинг репертуарлариғоявий-бадиий жиҳатдан ноҳор, уларда бугунги кун нағаси, одамларни ўйлантираётган, ҳаяжонга солаётган жиддий ижтимоий муаммолар ўз аксини топмаган. Бу масала бевосита ёш тамошабинлар театри мисолида ҳам кўзга ташланмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор вакиллари билан учрашувдаги мъурузасида шундай дедилар - “Биз учун ҳеч қаҷон кун тартибидан тушмайдиган яна бир ўта муҳим масала борки, унга алоҳида тўхталиб ўтишни зарур деб биламан. У ҳам бўлса, униб-ўсиб келаётган ёш авлодларимиз, фарзандларимиз тарбияси билан боғлиқdir. Зоро, мамлакатимиз аҳолисининг 61 фоизини ёшлар ташкил қилади”. [1]

Аҳолисининг ярмидан кўпі ёшларни ташкил қиладиган ривожланган юрт учун бу масала буюк бобомиз Абдулла Авлоний 100 йил аввал айтганидек, - тарбия биз учун ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласи эмас, чунки, кундан-кунга ўз ечимини излаётган, долзарблигини йўқотмаётган масала бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Маданият вазирлиги тасарруфидаги барча театрлар, тарбия борасида замон талабларига монанд асарларни яратиш вазифасини амалга оширишга бел боғладилар. “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва токомиллаштиришга доир чоратадбирлар тўғрисида”ги қарорда болалар театри

репертуарини токомиллаштириш борасидаги ўз ечими ни кутаётган муаммоларга жиддий эътибор бериш зарурлиги таъминланган.

Бугунги кунда қўлга киритган, турли соҳаларда қатъий туриб ўз мақсадлари йўлида олға қадам ташлаётган Республикамиз ижодкорлари олдида турган навбатдаги вазифалардан бири тарихий ва замонавий мавзудаги бадиий етук саҳна асарлари асосида давр тарбияга мос репертуардир.

Айнан Ўзбекистон ёш томошабинлар театри ҳам юқоридаги мақсадлардан келиб чиқиб, ўз репертуарларини танлаши ва томошабинларига эга бўлишлари зарур.

Ёшларимиз шаънини улуғлаган, уни дунёга танитаётган олиму фузалолар, давлат арабблари, шоирлар тақдирли, ҳаёти акс эттирилган саҳна асарлари асосида қўйилган спектакларни кўриб қанчалик тўлқинланса, жамиятимизда шу кунларда кечაётган жараёнларни, воқеаларни акс эттирувчи, Истиқлолни мустаҳкамлаш учун курашаётган қаҳрамонларни гавдалантирувчи тарихий ва замонавий мавзудаги асарлар ҳам уларни шунчалик ҳаяжонга солсин. Фақат драмтург ва саҳна ижодкорлари долзарб ва ҳаётий мавзуларни топа билиш, уларни таъсирчан ифода воситалари ёрдамида талқин эта олиши керак. Бунда театрнинг бугунги ижодий жараёни ҳам юқоридаги талабларга тўла жавоб бериши керак, чунки, бугунги кунда мамлакатимизда санъат ва маданият жабҳаларини замон талаби даражасида ривожлантириш чора-тадбирлари белгиланиб, унинг моддий-техник баъзаси ҳамда бераётган ижтимоий маҳсулоти сифатига давлат сиёсати даражасида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ижодкорлар билан мулоқотда театрнинг халқ орасидаги обўйи ва нуфузини янада ошириш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб: “Театрни ҳақиқий маънавият ўчогига айлантириш учун аввало яхши асарлар керак. Бунинг учун бу ерда таникли санъат намоёндадарни, драматурглар билан учрашувлар ташкил этиб, ижодий мухит яратиш зарур” — деган сўзларида ҳам айнан театр ижодкорлари олдида катта масъулиятили вазифалар турганлигини эътироф этишган. [2]

Театр фаолиятига оид изланишларни ўрганиш, театр фаолиятига раҳбарлик қилиш асослари бўйича илмий ишлар қилиш Ўзбекистондаги театрларни ривожланишида катта имкониятлар яратади. Бу борада театршунос, театр танқидчилиги, спектакллар муҳокомаларида талаба ва магистрларни кўпроқ жалб этиш ҳамда уларнинг илмий-тадқиқот мавзууларини ушбу муаммоларга йўналтириш вақти келди.

Театр санъати мамлакат ижтимоий-маданий ҳаётининг бир бўлгадидир. Театр бошқа санъат турлари билан ўзаро таъсирида ривожланади. Бу айниқса мусиқа, рақс, тасвирий санъат билан ўзаро ўйғунликда яққол кўринади. Бугунги кунда Ўзбекистон ёш томошабинлар театри болалар психологияси, уларнинг информацион ва ахборот тизими ривожланган бир пайтда Фарб маданияти таъсирига тушиб қолаётганлиги барчани бирдай ташвишлантираётган пайтда, театрнинг репертуар масаласи ва санъатнинг барча турлари билан ҳамоҳанг бўлган асарлар устида ишлаш кераклигини долзарб қилиб кўйган бир пайтда, Театр жамоаси томонидан жиддий, тарбиявий мавзууларга бағишлиланган мавзуулар акс эттирилган асарларнинг саҳнага олиб чиқилиши уларнинг муваффақиятидир. Мазкур театрда саҳналаштирилаётган спектаклларнинг кўлами кенг бўлиб, ҳар бир асарда бугунги куннинг долзарб масалалари турлича ижро талқин орқали намойиш этилиши фикримизнинг далилидир. Шулардан, Тоҳир Маликнинг “Алвидо болалик” асари асосида саҳналаштирилган “Захарли томчилар” (режиссёр Баҳтиёр Позилов)

Спектакль ижтимоий-фалсафий қамрови билан ётиборли. Унда бир талай муаммолар курсовидаги ёшларнинг салбий хатти-харакатларини кўрсатиш орқали хушёрликка даъват мавжуд бўлиб, бу актёрлар уюшқоқлиги, воқеалар яхлитлиги, ўткир драматизм воситада очиб берилган. Шунингдек, ҳар бир актёр ўз қаҳрамони характерини, ҳис-туйғуларини, ундаги кувонч ва дардини ифода этади. Муаллиф ва режиссёр асардаги Қамар образини биринчи планга олиб чиқади. У ҳаёт қийинчилкларига ўралашиб қолган, йўлини йўқотган, виждан азобида муттасил қийналган ёшлар прототипини акс эттиради. Лекин мана шундай мавзуулар доирасида саҳна асарлари кўплаб саҳналаштирилса,

мақсадга мувофиқ бўлар эди. Энг мухими, ўзбекистон ёш томошабинлар театр санъати ўз фаолиятини ахборот технологиялари равнақ топган бир даврда йўлга қўйиш борасида, ёшларни ўз-ўзини англаш, ўз “мени”ни топишда кўмаклашиш ва Ватанга муҳаббат ҳиссини уйғотишга бағишлиланган асарлар билан иммунетитини шакллантириш керак деб ўйлаймиз. Акс ҳолда ёш томошабинларимиз саҳна санъатидан ўзини излаган нарсасини топа олмаяпти, бу эса ёшларда турли хил шоу – дастурлар, енгил-елпи майший санъатга қизиқини кучайтирумокда.

Маълумки, ҳар бир даврнинг ўзига хос белгилари, ҳар бир жараённинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Сўнгги йилларда ёзилган пьесалар янги даврга ўз муносабатини фаол билдириши, замонавий руҳни кучайтириб ифодалashi билан ажралиб туриши керак.

Ўзбекистон ёш томошабинлар театри бугунги кунда катта ижодий тажрибаларга, ажойиб санъат арбобларига ва қобилиятли ижодкорларга, қатор баркамол асарларга эга. Театр ҳар йили бир нечта янги спек такллар тайёрлаб, томошабинларга тақдим этиб келмоқда. Демак, бу борада кенг мушоҳада қилиш, чуқур тафаккур этиш, жиддий мулоҳазалар билдириш учун катта имкониятлар мавжуд. Актёрларнинг ёрқин психологик услуби уларнинг кўп йиллик тажрибаси, анъанага содиқлиги, қолаверса, ноёб истеъоди туфайли босқичма-босқич шаклланиб бормоқда.

Дарҳақиқат, ҳаётнинг энг олий ҳақиқатини ҳис этиш ҳамиша ҳаммага ҳам насиб қиласвермайди. Шу маънода томошабинни тарбиялаб, уни тўғри йўлга бошлаш театрнинг биринчи мақсади саналади. Бу борада актёрлик санъати ҳам муҳим рол ўйнайди. Ҳаётий чигалликлар ечими илдизини айнан нималарга бориб тақалишини томошабин руҳиятига етказиб бера олган яхши актёр бугунги жамиятни соғломлаштирища шифокордан кам иш қиласайди. Айнан, ёшларни ўз мақсадлари йўлида тўсиқларни мардонавор ёнгида актёрларнинг, санъат намоёндаларининг мактаби ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бу борада театр режиссёри спектакль ёки саҳна асарини саҳналаштираётганда қаҳрамоннинг қиёфасини мукаммал очиб беришда етук актёрлар маҳоратини таъминлашлари зарур деб ўйлаймиз.

Маълумки, театрнинг асосини актёрлик санъати ташкил этади. Н.Данченко айтганидек, “театр бу актёрдир. Гарчи драматург етакчилик ролини ўйнаса-да, театр санъати аввало актёрлик санъатидир”. [3]

Янги даврда «ҳаётда театрга хослик»нинг бошқа манбалари пайдо бўлди. Одамларнинг бошқа ҳаётий мақсадлардан холи содда ва ошкора шахсий хатти-харакатларини ҳақиқий театрга хос ифодалилик ва ёрқинликка яқин дейиш мумкин.

Ёшлар маънавий тарбиясида ёш томошабинлар театрининг роли, маънавий-эстетик ҳамда ижодий таъсирини муҳим омил сифатида белгилаш мумкин. Санъат маълум маъно ва шароитларда ижодкор шахсини ривожлантириш жараёнида юзага келадиган зиддиятларни ҳал этишга ёрдам беради.

Театр ўз саҳна асарлари билан ривожланишишимизга тўсиқ бўлаётган иллатларни бадиий шаклда фош қилиш орқали томошабинларга қийинчиликларни барта-раф этишни, кўзлаган мақсадларига оғишмай кўтарилиб боришини, уларнинг олижаноб ҳис-туйфулидан бири бўлган эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаш каби сифатларни улуғлаш соҳанинг долзарб масаласи бўлиб қолмоқда. Бу жиҳатлар театршунослар учун спектаклларнинг бадиий қийматини белгилайдиган асосий мезонлардан биридир.

Янгиланиш ва изланишларга қарамай Ёш томошабинлар театр репертуарини замонавий талаблар асосида шакллантириш, ёш авлодни саҳнага, бадиий-эстетик ғояларга ошно этиш масаласи ҳамон долзарб-лигича қолмоқда. Бугунги кун ёшларини оддий воқеалар, кундалик ҳолатларга асосланган кино ва спектакллар қизиқтиримай қолди. Чунки улар кўпроқ ўзлари гувоҳи бўлмаган, тасаввур этиши қийин бўлган, ҳайратланарли ҳодисаларга эътибор қаратадилар.

Ёшлар катталарга хос фикрлашга, воқеаларга муносабат билдиришга, муаммолар ечимини топишга интиладилар. Шундай экан болаларга бағишлиланган томошаларда бадиийлик ва тарбиявийлик чамбарчас боғлиқ бўлиши керак. Чунки болалар театрида нафақат бадиий-эстетик масалалар, балки тарбиявий мақсадлар ҳам асосий ўринда туради. Ёш томошабинлар театрининг вазифаси – мукаммал спектакль яратиш орқали асар ғоясини ёш болаларнинг онги ва қалбига тўғри сингдира билишда. Келажакда бола саҳнада кўрганларидан ўзига тўғри хулоса чиқара олсин. Спектакль ғояси унинг эстетик идеалига, мақсад сари интилишига қувват бериб турдиган ҳаёти давомидаги шиорига айлансан.

Ёш томошабинлар театри учун ўзбек драматурглари билан ишлаш муҳим вазифаларидан бири бўлганидек, ўзбек томошабинларини рус драматургияси ҳамда қардош халқларнинг драматургияси намуналари билан танишитириб бориш ҳам жуда катта аҳамият касб этади. Лекин бошқа халқлар асарларини танлашда бир муҳим шартга риоя қилиниши керак. Танланган асар шундай бўлиши керак, у чуқур ҳаётий ғояларни томошабин

руҳига сингдира оладиган, жамоанинг ижрочилик ва саҳналаштириш маҳоратини оширадиган, ҳар жиҳатдан намунали асар бўлсин. Ёш авлодга хизмат кўрсатувчи театрларда ёш томошабинлар аудиториясига қаратилган спектаклларнинг яратилиш жараёнлари, жанр ва услубий изланишлар, анъаналардан фойдаланиш масаласини ўрганиш бугун ҳар қачонгидан кўра долзарбdir.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ёш томошабинлар театри ёш томошабинларнинг аудиториясини ҳисобга олган ҳолда боғча, мактаб, лицейларнинг ўқув дастуридаги асарларни саҳналаштириши мақсадга мувофиқдир. Бир томондан ўқув дарслигидаги асарларнинг саҳнавий вариантини кўриш ўқувчи билимнинг янада мустаҳкамланишига олиб келади. Бошқа тарафдан эса ўқувчиларнинг театр билан янада яқинлашишига сабаб бўлади. Шу қаторда ўқув дастуридаги асарлар асосида ёзилган пьесалардаги сюжет, композиция кўпроқ ёш авлодлар тарбияси ва уларнинг ҳаётига ўхшашлиги, яқинлиги, унинг таъсирида ёзилганлигидан дарак беради.

Ушбу асарларни саҳналаштиришда улар ташвиқот шаклида эмас, асар ғояси қаҳрамонларнинг ҳаракати ва характер моҳиятини очиш орқали берилади. Асарлар саҳнавий талқинида сатира, қувноқ юмор ва айниқса, ижро самимийлиги ва уйғунлашувига интилиш ҳаракати кучлилиги намоён бўлади. Зоро ёш томошабиннинг ўзи самимий бўлиб, табиийликни, самимийликни маъкул деб билади.

Юқоридаги айтилган сўзларни умумлаштирган ҳолда хулоса ўрнида айтиш мумкинки:

- ёш томошабинлар театрларини бугунги кунда замонавий талабларга жавоб бермаслиги, уларнинг моддий-техника базасини тизимли янгилашга эҳтиёж мавжуд;
- Ўзбекистон ёш томошабинлар театри ўз йўналишлари бўйича дунёнинг етакчи театрлари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, илфор хорижий тажрибаларини жорий этиш;
- Ўзбекистон ёш томошабинлар театри санъатшунос ва театршунос мутахассислар билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш;
- ўрта маҳсус ўқув юртларининг адабиёт фанининг ўқув дастурларидаги асарлардан мақсадли фойдаланиш;
- юқори малакали санъатшунос, театршунослар ҳамда драматурглар билан ҳамкорликда ишлаш механизм ва шаклларини ишлаб чиқиш;

#### Адабиётлар рўйхати

1. <http://uza.uz/oz/politics/adabyet-va-sanat-madaniyatni-rivozhlantrish-khal-imiz-mana-03-08-2017>.
2. <https://asr.uz/RU/all/jamiyat/shavkat-mirziyoev-u-on-sha-ar-teatrini-borib-kurdi/>
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: “Маънавият”, 2008.
4. Абдусаматов Ҳ. Ҳаёт, адабиёт, театр. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978, 139-бет.

# ОСНОВНЫЕ ПОЛОЖЕНИЯ УЧЕНИЯ ИБН СИНЫ О МУЗЫКАЛЬНОМ ИСКУССТВЕ

Общеизвестно, что наследие Ибн Сины носит многогранный характер, и в нем исследование неисчерпаемого богатства музыкального искусства занимает особое место. Ознакомление с этим наследием и исследование трактатов мыслителя, посвященных данному направлению науки, дают представление о титаническом труде, проделанном им на этом пути. Своей целью в данной статье мы видим не всесторонний анализ всех произведений мыслителя, посвященных музыкальному искусству, ибо часть из них довольно подробно исследована в трудах наших отечественных исследователей. Мы лишь на основе исследования последних переводов отдельных трактатов ученого, выпущенных в Таджикистане в годы независимости, намерены проанализировать некоторые аспекты учения Ибн Сины о музыкальном искусстве.

Ибн Сина в своих трудах пересмотрел место музыки в системе классификации наук и поместил музыкальное искусство в раздел математики, определив его как особую науку, в которой «изучаются тона сточки зрения их созвучия и несозвучия, а также разделяющие их промежутки времени, с тем чтобы знать, как создаются мелодии». На этой основе музыкальное искусство разделяется на две части. Предметом первой части является понимание природы тонов, а предмет второй части составляют ритмы. Понятия, которые он использует в этом случае, это «таълиф» (гармоника) и «ийќоъ» (ритмика). Он «таълиф» определяет как состояние гармонии и дисгармонии мелодии. «Ийќоъ» изучает временные интервалы между ритмами, которые следуют друг за другом. Здесь в некоторых переводах допускается ошибка, и некоторые важные понятия, используемые Ибн Синой, опускаются. Следуя этим переводам, исследователи учения мыслители тоже оставляют эти моменты вне поля зрения.

Ибн Сина цель и значение «таълиф» и «ийќоъ» видит в создании звука. При постановке данной проблемы Ибн Сина выходит из той ограниченности в понимании природы музыки, в которой до его времени находились его предшественники и даже современники. Как известно,

многие древнегреческие мыслители придерживались в этом отношении того мнения, что музыка и особенно интервалы между ритмами тесно связаны с движениями небесных тел, и тем самым музыкальное искусство располагали рядом с астрономией. Этой концепции придерживался в некоторой степени также и Аль Фараби.

Однако Ибн Сина концептуально вышел из этой ограниченности и заложил основу понимания взаимосвязи природы музыки с человеческой речью. Именно выбор такой линии интерпретации природы музыки сопровождал дальнейшие научные поиски Ибн Сины в исследовании звукового строя человеческой речи. Здесь он опирался также и на стихотворную метрику аруз, которая лучше всего, по его мнению, показывала особенности интонации человеческой речи. Обращение к арузу помогло Ибн Сине показать и фиксировать высоту и длительность звуков. В этом можно убедиться, если посмотреть на шестую главу

**Однако Ибн Сина концептуально вышел из этой ограниченности и заложил основу понимания взаимосвязи природы музыки с человеческой речью. Именно выбор такой линии интерпретации природы музыки сопровождал дальнейшие научные поиски Ибн Сины в исследовании звукового строя человеческой речи. Здесь он опирался также и на стихотворную метрику аруз, которая лучше всего, по его мнению, показывала особенности интонации человеческой речи.**

трактата «О музыке» из «Книги исцеления». Здесь я хотел бы отметить, что хотя существует много переводов этой части «Исцеления», однако лучшим мне представляется перевод, осуществленный доктором филологических наук, профессором С. Сулаймоновым, одним из лучших знатоков арабского языка в Таджикистане. Имеются в РТ также переводы профессора А. Низомова, однако

передача некоторых оборотов речи Ибн Сины в этой главе у С.Сулаймонова вышли более удачными, так как он очень хорошо владеет арузом и вообще тонкостями переводческого искусства.

Как мы отметили, Ибн Сина, следуя особенностям аруза, обращает внимание на необходимость фиксации в музыке высоты и длительности звуков, что было в его время шагом вперед в исследовании музыкального искусства. Все существовавшие до него концепции в средневековой Европе, наоборот, считали важным фиксировать в исследовании музыкального искусства только высоту звуков.

**Однако Ибн Сина концептуально вышел из этой ограниченности и заложил основу понимания взаимосвязи природы музыки с человеческой речью. Именно выбор такой линии интерпретации природы музыки сопровождал дальнейшие научные поиски Ибн Сины в исследовании звукового строя человеческой речи. Здесь он опирался также и на стихотворную метрику аруз, которая лучше всего, по его мнению, показывала особенности интонации человеческой речи.**

Такой тонкий анализ наличия взаимосвязи музыки и речи в дальнейшем послужил для Ибн Сина опорой для того, чтобы более уверенно рассматривать и эмоциональное воздействие музыки на самочувствие, здоровье людей. В данной главе он утверждает, что «движение мелодии в сторону высоких звуков порождает чувство гнева, напряженности, а в сторону низких звуков

- ощущение мягкости, покорности, оправдания. Мелодии, которые основаны на непрерывно нисходящих движениях с повторяющимися восхождениями, порождают в душе образ мудрости, пророчества».

Для более глубокого анализа данной проблемы мыслитель обращает внимание на анализ потенциала инструментария теории познания. Оценка и восприятие человеком звуков происходит благодаря чувственному восприятию. Благодаря чувственному восприятию некоторые звуки оказываются приятны, а некоторые неприятными.

Способы воздействия звуков на чувства Ибн Сина связывает со строением музыкальных инструментов и особенностью издаваемых ими звуков. Исходя из этого, он в шестом разделе «Шифо» приводит анализ всех бытующих инструментов с подробным описанием их строения. По его мнению, форма струны инструментов становится причиной низости и высоты тонов: «Низость и высота тонов обусловлены определенными сабабами. Тяжелый сабаб определяется толщиной или тонкостью данной струны. Уровень соотношения между тонами в интервале может быть определен при помощи таких духовных инструментов, таких как мизмар – свирель или най с широкими, близко или далеко расположеннымми отверстиями и мундштуком». Таким образом, эти суждения свидетельствуют о глубоких не только теоретических, но и практических познаниях мыслителя о музыкальных инструментах Востока.

Ввиду такого вклада, внесенного в теорию музыкального искусства учением Ибн Сины, оно нашло много последователей как на Востоке, так и на Западе. Благодаря такому интересу многие трактаты Ибн Сины стали достоянием и наших современников. Трактаты Ибн Сины по музыкальному искусству имеют важное научное и практическое значение и сегодня.



**Пахритдин ПАЛУАНИЯЗОВ**  
Директор Нукусского филиала Государственного  
института искусств и культуры Узбекистана,  
кандидат исторических наук

# МЕЛОДИИ, СОЗДАННЫЕ КАРАКАЛПАКСКИМИ БАХСЫ

**Аннотация.** Мазкур мақолада қорақалпоқ халқ қўшик ва мусиқа санъатининг келиб чиқиши манбалари, афсоналари, ижрочилик маҳоратлари ҳақида сўз юритилади.

**Калим сўзлар:** афсона, мусиқа, бахси, дутор, октава, достон, аламуйнақ.

**Аннотация.** В данной статье приведены сведения о каракалпакских песнях, мелодиях и легендах.

**Ключевые слова:** легенда, мелодия, бахсы, дутар, октава, эпос,олосатый гриф.

**Annotation.** In the present article the sources of karakalpak folk songs and musical art, legends, performing skills are viewed.

**Key words:** legend, melody, bakhsı, dutar, octave, epos, striped neck.

Каракалпакские бахсы – это талантливые исполнители песен в сопровождении дутара. Каракалпакские бахсы возникли после певцов жырау, так как Аымбет [1.С.34] бахсы жил приблизительно в XVIII веке. Опираясь на имеющуюся у нас информацию, появление музыкального инструмента «дутар» мы связываем именно с этим веком.

Происхождение термина «дутар» таково: «дуў» - две, «тар» - инструмент, т.е. двухструнный музыкальный инструмент. Дутар создается двумя методами. Форма двух дутаров одинаковая. Создаются они из многолетнего тутового дерева, которое считается одним из самых прочных. Следует отметить, что каракалпаки один из видов дутара называют «аламойнак», что дословно означает «полосатый гриф», так как мастера музыкальных инструментов украшали гриф дутара костями. На основание дутара также накладывались и укреплялись костяные пластины, что придавало красивый вид инструменту.



Рисунок 1. Дутар с полосатым грифом

Ни один из каракалпакских народных праздников и тоев не обходился без музыкантов бахсы. Песнями в собственном сопровождении на дутаре бахсы поднимали настроение и вселяли радость в людей, присутствующих на торжествах. Музыкальный инструмент «ала мойнак» - дутар, или дутар с полосатым грифом, считается одним из лучших музыкальных инструментов каракалпакского народа. В руках матери – исполнителя дутар звучит очень чисто, производя красивые на слух мелодии, привлекающие к себе внимание слушателей. На таком дутаре складывали мелодии и пели различные песни такие известные бахсы, как Ахымбет, Гарпнияз, Арзы, Кутым, Муса, Еденбай, Отеп, Жуманияз, Есжан, Жапак и другие.

## «Мухаллес»

Раньше эти мелодии назывались «Мухаллес» [2.С.57]. В последнее время термин «мухаммес» был преобразован в «мухаллес». Мелодии «Мухаллес» бахсы считали самыми лучшими, мелодичными и содержательными.

Известные бахсы начинали свои выступления на торжествах именно «мухаллес», потом переходили к другим мелодиям и песням, а в заключение исполняли Эпос. В репертуаре каракалпакских бахсы было много разнообразных мелодий мухаллес.

Среди них «Хауж мухаллес», «Ауезим мухаллес», «Кептер мухаллес», «Ай алип мухаллес», «Бармекен мухаллес», «Нигарим мухаллес», «Серпер мухаллес», «Терме мухаллес», «Зийуар мухаллес», «Саудигим мухаллес» и многие другие.

Сейчас баксы перед исполнением своих песен также исполняют эти мелодии.

### «Нама басы». «Заглавная мелодия»

Исходя из информации об известных баксах, можно утверждать, что эта мелодия исполнялась самой первой на больших торжествах и народных гуляниях. Этот порядок



#### Мелодия «Нама басы»

Проиграв на дутаре эту мелодию, переходили к сборнику песен, а затем исполняли уже обозначенный эпос. «Заглавная мелодия» состоит из трех частей и построена на лирических мотивах. Эта мелодия требует от исполнителя большого мастерства и высокого исполнительского таланта. Поэтому «Заглавную мелодию» могли исполнять опытные музыканты, хорошо знающие основы музыкального искусства, баксы, виртуозно играющие на дутаре.

**Эта мелодия сохранилась в памяти народа, передаваясь из поколения в поколение. Хан Хивы, собрав всех баксы, решил устроить соревнование на мастерство исполнения. На них был вызван и каракалпакский баксы Ахымбет. Собранные баксы исполнили торжественные песни, восхвалявшие достоинства хана. Ахымбет также исполнил песню во хвалу хана. Все были восхищены мастерством его исполнения, силой его ума. В заключение хан одарил всех баксы, а Ахымбету преподнес стройного коня с поясом. Говорят, что баксы тут же взял дутар и исполнил мелодию «Ала қайыс».**

### «Сыйперде»

Судя по историческим источникам, мелодия создана Арзы баксы. Когда Арзы баксы заканчивал Хивинское медресе, другие выпускники дарили мулле, который обучал их, различные подарки, а он, преклонив колени перед муллой, сказал, что у него нет особых подарков, и три раза исполнил мелодию «Сыйперде».


«Сый» -уважение, «перде» - 12 октав дутара, а значит – уважение к октавам дутара. В последнее время «сыйперде» стали называть «си перде»

3. «Сый»-уважение, «перде»-12 октав дутара, а значит-уважение к октавам дутара. В последнее время



### «Алакайыс»

Эта мелодия сохранилась в памяти народа, передаваясь из поколения в поколение. Хан Хивы, собрав всех баксы, решил устроить соревнование на мастерство исполнения. На них был вызван и каракалпакский баксы Ахымбет. Собранные баксы исполнили торжественные песни, восхвалявшие достоинства хана. Ахымбет также исполнил песню во хвалу хана. Все были восхищены мастерством его исполнения, силой его ума. В заключение хан одарил всех баксы, а Ахымбету преподнес стройного коня с поясом. Говорят, что баксы тут же взял дутар и исполнил мелодию «Ала қайыс».



Мелодия «Ала қайыс» («Полосатый пояс») была записана методом «Ритмы мухаллес» размером 7/8 такта. В этом ритме исполняются многие каракалпакские народные мелодии, тексты которых состоят из 14-15 строф по 5 рядов. Встречаются и 4-х рядные тексты песен из 11 строф. Известный народный поэт Ибрагим Юсупов исполняет стихи в ритме, основанном на полученной информации об Ахымбете баксы (газета “Кызыл Каракалпакстан” от 28 июня 1956 года), где дается подробная информация об Ахымбете баксы. Существует легенда, что хивинский хан собрал всех известных бахсы, жырау и музыкантов. Был вызван и Ахымбет баксы. Он исполнил мелодию «Шруан» лучше, чем придворный баксы по имени Танбур.

Хан, разозлившись на своих исполнителей, три дня подряд заставлял петь Ахымбета. Для того, чтобы сорвать его голос, хан дал ему испить воду из чилима. Однако, разгадав намерения хана, Ахымбет незаметно вылил воду за пазуху. Разгневанный хан положил перед судьей книгу Махтумкулы, сказав тому, что дал ему знать, если Ахымбет ошибется. Но тот и это испытание выдержал с достоинством.

Тогда хан спросил у Ахымбета: «Каково будет твое

желание?» На что он ответил: «У меня есть только одно желание, достойный хан, чтобы с этих пор вы не видели меня, а я не видел вас». Говорят, что после этого хан подарил Ахымбету коня, украшенного полосатым поясом, а мелодия «Алакайыс» («Полосатый пояс») была создана им после этих событий».

#### «Муса сен яры»

Это одна из мелодий, написанных Муса баксы. На одном большом торжестве Муса баксы, стройный, красивый джигит с сильным голосом, пел, мастерски аккомпанируя себе на дутаре, и влюбился в одну из девушек слушавших его выступление [2.C.23].

Эта девушка, встав и подойдя к Мусе, сидевшему среди слушателей, вытерла платочком пот с его лба. Мусса поняв, что и девушка полюбила его, теперь все свое внимание стал обращать на нес. Под впечатлением этого чувства он пишет мелодию «Если будешь ты моей любимою». После этого это мелодия стала называться «Муса-ты влюбился».

Искусство, музыкальная культура нашего народа не стоят на одном месте, а постоянно обновляются, обогащаются, всесторонне совершенствуются, развиваются в соответствии с велением времени, удовлетворяя духовные потребности людей.

Известные каракалпакские бахсы Ахымбет, Муýса, Еденбай, Байняз, Шерназар, Артық, Арзы, Бердақ

бақсы, Ҳұрлиман қызы бақсы, Қаражан, Қурбанияз, Ещан, Жапақ, Генжебай [4.C.43] и многие другие заняли достойное место в истории искусства и культуры Каракалпакстана. Исполнение ими песен, мелодий

**Эта мелодия сохранилась в памяти народа, передаваясь из поколения в поколение. Хан Хивы, собрав всех бахсы, решил устроить соревнование на мастерство исполнения. На них был вызван и каракалпакский бахсы Ахымбет. Собранные бахсы исполнили торжественные песни, восхвалявшие достоинства хана. Ахымбет также исполнил песню во хвалу хана. Все были восхищены мастерством его исполнения, силой его ума. В заключение хан одарил всех бахсы, а Ахымбету преподнес стройного коня с поясом. Говорят, что бахсы тут же взял дутар и исполнил мелодию «Ала қайыс».**

на дутаре, эпосы будут из поколения в поколение передаваться, оставаясь навечно в памяти народной. Все это, безусловно, будет оказывать благотворное влияние на рост и формирование талантливой молодежи, проявляющих серьезный интерес к музыкальному искусству, песенному исполнению, искусству бахсы. И такой одаренной, талантливой молодежи у нас немало.

#### Список литературы

1. Айымбетов К. Халық даналығы. – Нукус: «Каракалпакстан». 1988.
2. Алланазаров Д. Каракалпакские мелодии. – Нукус: «Билим», 2004.
3. Адамбаева Т. Дореволюционная каракалпакская музыка. – Нукус: «Каракалпакстан», 1976.
4. Алимов А, Адамбаева Т, Турдымуратов Ж. Хазрети сазгер. – Нукус: «Билим», 2004.



# **ШАРҚ МУСИҚАСИННИГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада шарқ мусиқаси тарихининг қадимги юнон санъати билан боғлиқлиги ҳақида фактик маълумотлар көлтирилган.

**Калим сўзлар:** Шарқ мусиқаси, чолгу, миллӣ мусиқа санъати, созандо, зарб, куй, оҳанг, санъаткор, юнон антик маданияти.

**Аннотация.** В данной статье изложены некоторые факты из истории возникновения восточной музыки и её взаимосвязь с искусством музыки древней Греции.

**Ключевые слова:** восточная музыка, музыкальный инструмент, национальное музыкальное искусство, музыкант, удар, мелодия, тон, артист, греческая античная культура.

**Annotation.** This article outlines some facts from the history of the origin of Oriental music and its relationship with the art of music of ancient Greece.

**Key words:** oriental music, musical instrument, national musical art, musician, punch, melody, tone, artist, Greek ancient culture.

Мусиқа – қалбнинг меҳроби. Унинг таъсир кучи ҳар қандай таъсирлардан қудратлироқ. На хорижий, на миллӣ аталмиш қурама куй-қўшиқлар таъсирига тушиб қолган ўспиринни ортга қайтариш, миллӣ мусиқа санъатига бошлаб келиш жуда-жуда қийиндир.

Бугунги кунда мусиқа тарихи, айниқса, миллатимиз мусиқаси илдизларини очиш, мусиқа чолғу асбоблари қаҷон, қаерда, ким томонидан яратилганлигини ёш мусиқашунос олимларга, бастакорларга, хонанда, соzonдаларга дастуруламал қилиб кўрсатиш биз – катта

нинг чеварасидан бошланган мусиқа илмини ва даврлар оша яратилиб келинган мусиқа чолғуларини билишимиз ва кенг ҳалқ оммасига тарғиб қилишимиз даркор. Бу ўта кўп меҳнат талаб қилинадиган ишда оммавий-ахборот воситалари, вақтли нашрлар, радиотелевидение ижодкорлари қатнашмоғи, санъатшунос олимлар, адабиёт аҳли, тарихчиларимиз сарбонликни кўлга олмоқлари даркор.

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган Шарқшунослик илмий текшириш институтининг форс, арабшунос олимлари бу эзгу ишда кўмаклашмоқлари даркор.

Бу илмий ишни бир олим қила олмайди. Бу иш кўпчиликнинг кўмагига мунтазирдир. Чунки “Авесто” энг қадимий китоб саналса, ундан олдин Нуҳ пайғамбар набиралари бу иш билан шуғулланганлиги маълум бўлмоқда.

Биз “Авесто”дан мисоллар келтиришимизга сабаб “Авесто” зардуштийлик динининг муқаддас китоби саналиб, у Марказий Осиё, Эрон ва Озарбайжонда кенг тарқалди. Уни келиб чиқиш жойи ҳақида икки хил қараш мавжуд. Ушбу қарашларнинг ёқловчилари зардустийлик дини Мидиядан тарқалган дейишади ва Фарбий назария номи билан юритилади, иккинчи қараш вакиллари Марказий Осиёда пайдо бўлган дейишиб, Шарқий назария номи билан ўз фикрларини ҳимоя қилишади ва уларнинг қарашларини кўплаб шарқшунос олимлар қўллаб-қувватлашади.

Шарқ олимлари, алломалари, мутафаккирларининг

**Шарқ олимлари, алломалари,  
мутафаккирларининг асарларида, мұнаққидларнинг  
қитобларида юнон тарихчилари, мутафаккирлари,  
мусиқашунос олимлари, бастакорларининг номлари  
тилга олинади. Бугунги кунда ҳам мусиқа соҳасида  
ижод қиласиганлар ана шу тилсимотга мурожаат  
қилишади-ю, унинг асл моҳияти, юнон мусиқаси  
бизга қандай таъсир кучини ўтказди-ю, ўтказган  
бўлса бизлар уларга нима бердик, деган савонли  
жавобсиз, очиқлигича қолдириб келишмоқда.**

авлоднинг бурчи, вазифаси бўлмоғи керак. Чунки ўтмишни билмай туриб қилинган ҳаракатлар албатта бир хатоликни олдимизга кўндаланг қилиб қўяди. Ёзувчи Исматуллоҳ Мўъжизий айтганларидек, Нуҳ пайғамбар-

асарларида, мунаққидларнинг китобларида юон тарихчилари, мутафаккирлари, мусиқашунос олимлари, бастакорларининг номлари тилга олинади. Бугунги кунда ҳам мусиқа соҳасида ижод қилаётгандар ана шу тилсимотга мурожаат қилишади-ю, унинг асл моҳияти, юон мусиқаси бизга қандай таъсир кучини ўтказди-ю, ўтказган бўлса бизлар уларга нима бердик, деган саволни жавобсиз, очиқлигича қолдириб келишмоқда.

Биз нега, айнан юон мусиқасига юз бурдик? Ёки бу халқ билан бизнинг менталитетимизда, урфодатларимизда, тарихан келиб чиқишимизда ва бошқа томонларимизда яқин томонлар борми?.. Ё Александр Македонский босқини оқибатида бу халқлар бир-бiri билан қоришиб кетганимкан?

Қайси бир йили Грецияда бўлиб ўтган олимпиада ўйинларида, уларнинг миллий либосларига нигоҳ ташлаб, ўзимизнинг тоғлик халқларнинг жамалакларини, Сурхондарёнинг Бойсун тумани фольклор ансамбли либосларига ўхшаш либосларни кўрганимда ҳайратга тушгандим. Бугун мусиқа тарихи билан боғлиқ китобларни варақлаб, мусиқамиз тарихи, тараққиётiga ҳам уларнинг таъсир кучи бўлганлигини билиб, ушбу масалани санъатшунос олимларимиз, мунаққидларимиз, бастакорларимиз олдига бир савол сифатида ташламоқчимиз. Балки биргаликда бу тарихий жараён натижаларига жавоб топармиз.

Ушбу саволларга аниқлик киритиб, фикрлашимиз ҳам осон кечиши учун турли асарлардан парчалар келтириб ўтишни жоиз деб билдик. Зотан, юон мусиқаси санъатини она юртимиз мусиқасига қанчалар таъсир этганини ана шундай далиллар орқали билиб оламиз.

Илмнинг бирон соҳаси ривожида бошқа халқ илмфанининг таъсирни ҳақида сўз кетганда, тарихий маълумотлар, айниқса, археологик топилмалар мухим далил бўлиб хизмат қилади. Юон мусиқа санъатининг қадим юртимиз мусиқасига таъсирни ҳақида сўз юритар эканмиз, ҳозирги Сурхондарё худудидан топилган сўнгги антик даврга – милодий I-II асрларга оид қадими ашёларга мурожаат этамиз. Ўзбекистоннинг машҳур олимлари Г.А.Пугаченкова ва Л.И.Ремпел ана шу ўлгадаги антик давр амалий санъатини ўрганиб, мусиқачилар ва мусиқа асбобларининг суратини ўзларининг китобида тақдим қилган эдилар [2. –Б.25]. Ана шу суратлар орасида арфа чалаётган аёл, торли мусиқа асбоби (лютня) чалаётган аёл ва мусиқачилар гурухи, торли мусиқа асбоби чалаётган аёл суратлари бор.

Юон антик маданиятига мансуб мазкур мусиқачилар қўлларида торли асбоблар кейинги даврдаги арфа, рубоб, тор каби мусиқа асбобларига жуда ўхшаб кетади.

Шунингдек, бу китобдаги яна бир арфачи аёл тасвири солинган девор сурати ҳам антик санъат санъати юртимизда мусиқа маданиятининг ривожига катта ҳисса қўшганидан далолат беради.

Энди ўқувчиларимиз эътиборига ўрта асрлардаги мусиқа илмига ҳисса қўшган улуғ алломаларимизнинг баъзилари ҳақида маълумотни ҳавола қиласиз.

Тоҳир Абутайибий – IX–X асрларда яшаб ижод қилган, етук мусиқашунос, Сомонийлар даври мусиқа илмининг буюк донишманди, ёшлигиданоқ мусиқа илмини чуқур эгаллаган шахс.

У қадимги юон донишмандлари Арасту, Афлотун, Никомах Батлимус ва Пифагорларнинг таълимотларини

**Юон антик маданиятига мансуб мазкур мусиқачилар қўлларида торли асбоблар кейинги даврдаги арфа, рубоб, тор каби мусиқа асбобларига жуда ўхшаб кетади. Шунингдек, бу китобдаги яна бир арфачи аёл тасвири солинган девор сурати ҳам антик санъат санъати юртимизда мусиқа маданиятининг ривожига катта ҳисса қўшганидан далолат беради.**

Чуқур ўрганади, уларнинг мусиқага доир асарларига шарҳлар ёзади. Айримларини араб тилига таржима қиласи. Ўзи мусиқа назариясига оид “Китоб-ул-одобул ғиноъ”, “Китоб-финағам” (“Қўшиқларга оид китоб”) лар яратади. У мазкур асарларида мусиқага илм ва санъат сифатида баҳо бериб, ўз нуқтаи назарини илгари суради, соз ва овознинг киши руҳиятига таъсирини асослаб беради.

Тоҳир Абутайибий Афлотуннинг “Мусиқа қонунлари” асарини мукаммал таржима этганлигини Ибн Усабия “Үюн-ул-анба” китобида, Ибн Нодим эса “Фихрист ул-улум” асарида қайд этганлар. Худди шунингдек, IX–X асрларда умргузаронлик қилган Абулабbos Бахтиёрнинг ижоди хусусида шундай маълумотлар бор:

“Абулабbos Мөхтар Барбат созининг моҳир ижроиси сифатида Сомонийлар даврида катта шуҳрат қозонади. У Бухорода мусиқа мактабини очиб, ўзи мусиқа назарияси ва амалиёти илмидан ёшларга сабоқ беради. Абулабbos Мутриб мактаб талабалари учун мусиқа назарияси фанидан қатор дарслерлар яратди. Шунингдек, юон олимлари Птоломей ва Евклидларнинг

“Ритмика”, “Мусиқа қонунлари” каби йирик асарларини таржима қилиб, мактаб дастурига киритади. Унинг бу асарларидан кейинчалик Ибн Сино ва Абу Наср Фаробийлар ўз рисолаларини ёзишда фойдаланадилар” [3, -Б.6-7].

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Мусиқашунос олимларимиз биздан олдин ўтган олим, мутафаккирларимиз ёзиган қолдирган маълумотларда юон олимларининг асарлари шарқ халқлари маданиятида, санъатида ижобий роль ўйнагани хусусидаги қилинган фикрлардан хулоса қилганда, буюк саркарда Александр Македонский сиймоси гавдаланади. Илк давлатчилик пайдо бўлиб, шаҳарлар вужудга келиб, маданият, маърифат, санъат ривожланиб Македония давлати вужудга келган юртдан чиқкан Александр Македонский жуда кўплаб мамлакатларни босиб олди ва ўша юртларда бошқарувни қўлга олиш учун ўзининг аскарларини қолдириб кетди. Йиллар, асрлар ўтиб улар ерлик аҳоли билан қўшилиб дунёга келган авлодларда македон ва ерлик аҳолининг қони бор эди. Икки миллатдан пайдо бўлган фарзандларда албатта ўзга бир қон, аждодларидан сукъ суреба келаётган урф-одатлари, оиласадаги тарбия, тарих, маданият, санъатга бўлган қарашлари отоналари тарбияси орқали ўтиши табиий ҳол. Балки ана шу тарихий жараён Шарқ халқларига юон адабиёти, санъати, тарихи, фалсафий курашлари билан таъсир қилгандир?

Юон санъатининг Шарқ мусиқа санъатига таъсири ва бу борада Александр Македонскийнинг роли ҳақида гап кетар экан, унинг санъатга муносабати ҳақида бир далилни келтириб ўтишни лозим топдим.

Александр ҳали ёш болалигига ёк унинг феъл-атворида бўлғуси машхур жаҳонгир инсон ифодаланиб турар экан. Унинг романтик кайфияти – соғлом рационализм билан, севги эҳтиёжи қатъиятлилиги, жанговарлиги ва зўравонликка мойиллиги билан бирга яшар эди. Кунларнинг бирида у буюк Тимотийнинг ҳарбий қўшигини тинглаб бўлиши биланоқ, қиличини яланғочлаб, жангга шай ҳолатда тайёр бўлган экан [4, -Б.67]. Дарвоҷе, Тимотий милоддан олдинги V–IV асрларда Кичик Осиёнинг Милат шахрида яшаган бўлиб, ҳарбий мазмундаги қўшиклари ва дифирамблари билан машхур эди. Александр Македонский қўшиқдан бунчалик таъсирлангани шуни далиллайдики, қўшиқ ва мусиқа инсон руҳиятига бир зумда таъсир этиб, унинг фаолиятини ўзгартириб юборишга қодир экан.

Шу ўринда юонлар билан заминимизнинг қадимий аҳолиси ўртасидаги маданий алоқаларга оид яна бир далилни келтириш ўринлидир:

Юон-Бақтрия давлати (милоддан олдинги 256–75 йилларда яшаган) даврида ҳар хил юон халқлари Бақтрия ҳудудига кириб келди. Бақтрия давлати Ўзбекистоннинг

ҳозирги Сурхондарё вилояти ҳудудини ҳам ўз ичига олган эди. Юонлар бу давлат ҳудудига кириб, ўрнашиб олганлари учун, илмда юон-Бақтрия давлати деган ном билан юритилади. Юон-Бақтрия давлати ҳудудидан топилган суратлар ҳар хил этник жараёнлар маданияти бирлашиб кетганидан далолат беради. Бу давлат ҳудудидан юон илоҳлари тасвирига топинувчилар акс этган сурат бор. Суратдаги одамлар маҳаллий оташпарастлар бўлиб, ўзларининг илоҳига юон илоҳига топингандай ибодат қилиб топинганлар. Бу – маданий таъсирнинг энг жонли намуналаридир. Шу тариқа маҳаллий оташпарастлар юон услугига оид тимсоллар яратдилар ва юон маданияти ва санъатини мезон қилиб олдилар. Айни пайтда маҳаллий оташпарастлар юон илоҳларининг суратини ибодатхоналар деворларида тасвирлаш билан чекланиб қолмай, юон Бақтрия давлати пулига ҳам туширилди [1, -Б.55].

Олимлардан бири ёзади: “Шуни таъкидлаш керакки, мусиқага оид илми таълиф (нағма, жинс, тамъ) ва илмий ийқоъ (вазн) масалаларини тадқиқ этишда Шарқ олимлари қадимги дунё назариётчилари, жумладан Пифагор ва унинг давомчилари қолдирган илмий мерросга ижодий ёндашган эдилар. Бунда асосан, юонларнинг мусиқий нағмаларни сонли нисбатларда ўрганиш (ифода этиш) усуллари инобатга олинган. Пировардида эса, мумтоз мақом санъатининг илмий-назарий ҳамда фалсафий-семантик асосларини ишлаб чиқиша мухим аҳамиятга эга бўлган илмий пойдевор ҳозирланди. Шу пойдевор негизида XIII асрда “Ўн икки мақом”, XVIII асрда эса “Шошмақом” тизими пайдо бўлди”.

Хулоса қилиб айтганда, “Ўн икки мақом”нинг пайдо бўлишида ҳам юон санъатининг таъсир кучи борлиги сезилади. Агар Шарқ мусиқасига юон мусиқашунос олимларининг таъсир кучи шунчалар кўламли бўлган экан, ўша таъсир ҳақидаги адабиётларни топиб, таржима қилиб, юон ва Шарқ мусиқасининг бир-бiri билан боғланган томонларини содда, ҳалқ тушунадиган тилда ёш мусиқашунос олимларга, бастакорларга, ҳофизу созандаларга етказсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Биз ҳозир ёзилаётган илмий мақолалар, рисолаларда юон классикларининг асарлари номини келтиряпмиз, улардан таъсирланганларигимизни айтапмиз, аммо қандай таъсир қилди, биз улардан нималарни олдигу, эвазига нима бердик, деган савол муаллақлигича қолмоқда.

Ҳамма замонларда ҳам ҳар бир мамлакатнинг ўғониш даври, тараққиёти юксакликка эришган даври бўлган. Машхур тарихчи Геродот, милоддан олдинги IV асрда яшаган Афина нотифи, сиёсий арбоби Эсхил, милоддан олдинги 525–456 йилларда яшаб ижод қилган

қадимги юон драматурги Эсхил, VI–V асрларда яшаган юон масалчиси Эзоп, VII–VI асрларда яшаган юон шоири, файласуфи Хилон, милоддан олдинги VI асрда яшаб, ижод қилган қадимги юон шоири Флогнит, милоддан олдинги III асрда яшаган қадимги юон шоири – Феокрит, тахминан 625–547 йилларда яшаган қадимги юон материалист файласуфи, 372–287 йилларда яшаган Фалес, юон файласуфи, яшаган Теофраст (ёки Феофраст)лардан ўрганамиз.

Қадимги юон файласуфи Сүкрот (469–399) милоддан тахминан 496–406 йилларда яшаб ижод қилган қадимги юон драматурги – Софокл, 480–411 йилларда яшаган қадимги юон файласуфлари Архилох, Архимед, Никомах, Псевдо-Евклид ва бошқа кўплаб қадимги юон олимлари, мутафаккирлари, файласуфлари, шоирлари, драматургларининг номлари биздан олдин ўтган санъатшунос олимларнинг рисолаларида келтириб ўтилган. Бу юон олимлари нафақат санъат, балки математика, фалсафа, физика каби кўплаб бошқа илмларнинг ҳам асосчиси бўлғанлиги эътироф этилади.

Шу ўринда қадимги юон файласуфлари, шоир, драматургларининг фикрларидан ҳам парчалар келтиришни лозим деб топдик. Чунки уларнинг фикрлари ҳамон ўзининг қадр-қімматини йўқотгани йўқ. Ўқувчи бизни маъзур тутсин, оз бўлса-да, қадимги юон мутафаккирларининг фикрини билиш, илмимиз оламни бойитса бойитади, аммо маънавий камбағаллашиб қолмаймиз. Шу билан бир қаторда, улар ҳақида озми-кўпми маълумотга ҳам эга бўламиз. Қолаверса, уларнинг фикр-қарашлари мусиқа илмига ҳам бевосита алоқадордир.

Мана, уларнинг одам, одамийлик ҳақидаги фикрлари:

“Инсон учун хизмат қилмаган тафаккур ниҳоятда даҳшатлидир”, дейди қадимги юон файласуфи, қомусий олим Арасту. У яна “Ахлоқли киши ҳатто ўз ҳаётидан айрилган тақдирида ҳам, дўстлари ва ватани учун кўп ишларни қиласи”, “Ахлоқий фазилатлар одамнинг ниятида акс этади” деган фикрларни айтиб ўтган эди. Қадимги юон материалист файласуфи Демокрит “Бир ўзинг ҳоли қолганда ҳам бадҳоҳ ишга қўл урма, ёмон сўз айтма. Бошқаларга қараганда ўз-ўзингдан кўпроқ истиҳола қилишни ўрган”, “Уятли иш қилувчи аввало

ўзидан уялиши керак” деган фалсафий фикрларни айтса, қадимги юон идеалист файласуфи Сүкрот “Гўзаллик – бу қисқа муддат ҳокимлик қиласидан қироличадир” дейди. Афлотун эса “Вақт ҳамма нарсага ўз таъсирини ўтказади; йилларнинг поёнсиз халқаси номни ҳам, қиёфани ҳам, феъл-атворни, ҳатто тақдирни ҳам ўзгартира олади” деган улуғ гапни айтади.

**Қадимги юон файласуфи Сүкрот (469–399)  
милоддан тахминан 496–406 йилларда яшаб ижод  
қилган қадимги юон драматурги – Софокл, 480–  
411 йилларда яшаган қадимги юон файласуфлари  
Архилох, Архимед, Никомах, Псевдо-Евклид ва бошқа  
кўплаб қадимги юон олимлари, мутафаккирлари,  
файласуфлари, шоирлари, драматургларининг  
номлари биздан олдин ўтган санъатшунос  
олимларнинг рисолаларида келтириб ўтилган. Бу  
юон олимлари нафақат санъат, балки математика,  
фалсафа, физика каби кўплаб бошқа илмларнинг  
ҳам асосчиси бўлғанлиги эътироф этилади.**

Қадимги юон олимлари, мутафаккирлари ижодидан минглаб бундай ҳаётӣ, ханжар тифидай чархланган сўзларни мисол қилиб келтириш мумкин. Чунки улар ўлмас, ўчмас фикрларни биздан олдин айтганлар. Шу боис қайси олимнинг асарларига юз тутманг, юон мутафаккирларининг афоризмга айланган фикрлари, қарашларини ўқийисиз. Заминимиздан етишиб чиқсан буюк олимларнинг фикрлари эса шу қарашларнинг давомидир.

Ҳар қандай давр ўзининг буюк даҳоларини яратгани каби, XIV–XVI аср ҳам Шарқ ҳалқларининг санъат оламидаги тараққиёт босқичи бўлиб қолди. Ушбу даврда санъат асарларидан ташқари, кўплаб мусиқа чолғу асборлари ҳам яратилди. Санъат назариясига бағишлаб яратилган илмий китоблар ҳалқнинг маънавий мулкига айлануб борди. Шунингдек, бу ўтган асрдаги санъат аҳли, уларнинг куй-қўшиқларини, янги яратилган мусиқа чолгуларининг тарихини элга ошкор килиш учун қулай давр бўлди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдураҳмонов М., Раҳмонов Н. Маданиятшунослик. Ўқув қўлланма, тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. –Тошкент: 2015.
2. Пугаченкова Г.А., Ремпел Л.И. История искусств Узбекистана. С древнейших времен до середины девятнадцатого века. –Москва: Искусство, 1965.
3. Тўраев Ф. Бухоро муғанийлари. –Тошкент: Фан, 2009.
4. Шахермайр Ф. Александр Македонский. –Москва: Терра-Книжный клуб, 1999.

Насиба ТУРГУНОВА  
ЎзДСМИ “Мусиқий-назарий фанлар”  
кафедраси катта ўқитувчиси фалсафа доктори (PhD)

# НАМАНГАН ЯЛЛАЧИЛИК САНЬАТИ

**Аннотация.** Яллачиликда юқори касбий маҳорат ҳосил қилган бу ижодкор-аёллар халқ айтимларини ўз услугубарига мослаб куйлаши билан бирга ўзлари ҳам турли мавзуларда тўқиган ялла ва лапарлари билан бисотларини бойитиб боргандар. Улар ўз даврларидағи ижтимоий ҳаётда ва ён-атрофларида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга синчков назар билан қараб, ўзларининг муносабатларини қўшиқ, ашула ва яллалари орқали билдирганлар. Шундай кузатувларларнинг натижаси сифатида, масалан, эркакларнинг турфа қиликлари, уларнинг хотин-қизларга гап отишлари ҳажс қилинган яллалар, шуниндек, баъзи аёлларнинг хулқ-атворлари акс этган айтимлар ижод этилган.

**Калим сўзлар:** ялла, ашула, лапар, қўшиқ, анъана, маросим, оҳанг, ижрочи.

**Аннотация.** Эти мастерицы народного музыкального творчества, достигшие высокого профессионального мастерства исполнения ялла и ляпаров, не только исполняли их на различных обрядовых и свадебных торжествах, приспособливая к своей манере исполнения, не только донесли до нас богатое музыкальное наследие наших предков, но и обогатили свой репертуар за счет созданных ими новых ялла и ляпаров на различные темы. Они внимательно наблюдали за событиями современной им общественной жизни, воспринимали их чутким женским сердцем и выражали свое отношение к ним посредством созданных кушик, ашула и ялла. В результате таких наблюдений рождались ялла, в которых весело и с юмором подвергались критике отдельные проделки мужчин, высмеивались их волокитство, чванство, также не оставались в стороне проделки самих женщин.

**Ключевые слова:** ялла, ашула, лапар, кушик, традиции, церемонии, мелодия, исполнитель.

**Annotation.** These masters of folk music who have reached high professional skill of performance yalla and lapar; not only performed them at various ritual and celebrations, adapting to their style of performance, not only brought us the rich musical heritage of our ancestors, but also enriched its repertoire by established their new ylla and lapar on various topics. They closely watched the events in contemporary public life, took their sensitive female heart, and expressed their attitude to them, through created qo'shiq, ashula and yalla. As a result of these observations there was born yalla, where with fun and humor were criticized certain scactions of the men derided their velocista, arrogance, also not remained aloof tricks of the women themselves.

**Key words:** yalla, ashula, lapar, sing, song, traditional, ceremony, melody, perfomence.

Узоқ ўтмиш осори-атиқалари, маданий ёдгорликлари ва ёзма манбаларидан маълум бўладики, “қадимий туркларда аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий мавқелари юксак даражада бўлган [1.Б.94]. Айниқса аёл мусиқачиларнинг жамиятдаги алоҳида нуфузи эътиборни ўзига тортади. Жумладан, олис ўтмишда узун кўйлак ва либос кийган, бошларига эса рўймол тортган иффатли аёл-мусиқачилар санъатнинг юксак тимсоли, диний маросимларнинг ўзига хос рамзи ва турли топиниш-эътиқодларнинг санамлари ўлароқ эъзозланганлар [4.Б.17]. Бунга бир қатор археологик топилмалар – бодомкўз созанда ва хонанда аёлларнинг тасвирлари акс этган терракота ҳайкалчалари ва деворий суратлар ашёвий далил бўлиши мумкин. Кушон подшолиги (милодий I–IV а.)га оид моддий-маданий ёдгорлик – Термиз ҳудудига яқин Айритом кўхна шаҳар ҳаробаларидан топилган машҳур тошта – (Айритом фризи) асосида ўша даврдаги аёл санъаткорлар мусиқачилар ансамблида етакчилик қилганигини англаш мумкин.

Наманган вилоятида ҳам узоқ ўтмишга оид маданият масканлари бисёр. Бу ҳудудларда олиб борилган кўплаб археологик изланишлар натижасида қадимги маданият ўчоқлари бўлган Чуст, Мунчоқтепа, Косон каби кўхна шаҳарлар аниқланган. Жумладан, Академик А. Асқаров раҳбарлигидаги археологлар Поп туманида жойлашган кўхна Мунчоқтепа шаҳри сағаналарини ўрганиш орқали қадимги аждодларнинг ипак, пахта ва жундан тайёрланган кийим-кечаклари, турмуш тарзи, меҳнат қуроллари ва анжомлари ҳақида қимматли маълумотларни қўлга киритганлар. Бу ўринда мусиқачи ёнидан чиқсан 1500 йил аввалги қўшнай ҳозирда маълум шу чолғудан деярли фарқ қиласлиги эътиборлиdir [16.Б.12].

Ушбу маълумотни ҳамда юқорида тавсиф этилган Айритом ёдгорлигини инобатга олиб, бу ҳудудлардаги аёлларнинг мусиқий ижоди касбий санъат даражасига етган, деган холосаларга келиш мумкин. Наманган вилоятида жойлашган қадимий маданият ўчоқларидан яна бири – Косон шаҳридир. Манбаларда қайд қилини-

шича, Косон милоддан аввалги I асрда Кушонлар салтнатининг пойтахти бўлган [14.Б.659].

Наманган вилояти худудларидаги маҳаллий аҳолининг қадимги даврларга оид ижтимоий-маданий ҳаётида йил фасллари ва меҳнат жараёнларига доир “Лола байрами”, “Наврӯз байрами”, “Гуллар байрами”, “Ҳосил байрами” сингари оммавий байрам ҳамда оиласвий тўй маросимларини ўтказиш анъанавий тус олган эди. Мутахассисларнинг фикрига кўра, қадимиий байрам ва турли маросимларни ўтказишда шеърият (сўз), мусиқа ва ўйин (ракс) унсурларини ўзида муштарак этган бадиий синкетизм учлиги муҳим ўрин тутган. Табиийки, бундай тадбирларда аёлларнинг ижодкорлик ва ижрочилик истеъдодлари кенг намоён бўлиб келган. Бу холосага келишимизда бизгача етиб келган асрий анъаналар, қолаверса, атоқли венгер композитори ва ҳалқ ижодиётининг чукур билимдони Бела Бартокнинг қуидаги теран кузатувлари ҳам маълум асос беради: “Умуман шуни таъкидлаш керакки, аёллар эркакларга нисбатан кўп қўшиқ биладилар ва уларни тўғрироқ куйладилар... Чунки, узоқ ўтмишда маълум урф-одат ва ҳалқ маросимлари билан боғлиқ (масалан, тўй қўшиқлари, йиғи-йўқлов) айтимларни ижро этиш фақат аёл ва қизлар зиммасида бўлган” [1.Б.15].

Қадимдан келаётган шундай маросим қўшиқлари қаторига “Ёр-ёр”ларни киритиш мумкин. Чунки, аёллар қалбида муқаддас туйғулар билан уйғун бундай айтимлар, “Алла” ва “Йиғи” сингари, “ўзбек аёллари ҳаёти нинг ажралмас қисми ҳисобланган” [9.Б.18]. Узоқ даврлардан бугунги кунгача ўз қийматини йўқотмай келаётган “Ёр-ёр”лар бизга аён бўлган аёллар оҳанглар туғати, шу жумладан, яллачилик санъати оҳанглар тизимининг туб негизини ташкил этганлиги билан алоҳида аҳамиятлидир.

Қадимдан келаётган шўх ўйинли айтимлар янги мазмун билан қайта жонланиб, ҳозирда маълум лапар ва ялла жанрлари кўринишида узил-кесил шаклланган. Аёлларнинг табиати ва ички оламини ифода этувчи ичкари маданиятига хос шу каби мусиқий жанрлар “Хотин оши”, “Юз очди”, “Бешик тўйи”, “Никоҳ тўйи” ва бошқа маросим ва байрамларнинг мароқли ўтишини таъминлаган. Бунга, масалан, Наманган вилоятида қарор топган кўп асрлик оиласвий маросимлар ёрқин мисолидир.

Ижтимоий-маданий ҳаётнинг бу кўринишларида хотин-қизлар ижодкорлик анъаналарининг асрлар давомида ривожланиб бориши аёллар орасидан касбий мусиқачилар етишиб чиқиши учун ҳам муҳим замин бўлган. Шу билан бирга аёллар ижодининг касбийлик даражасида қарор топиши турли тарихий даврларда

юзага келган салтанатлар, халифа ва хонларнинг сарой маданиятлари муҳити билан боғлиқ амалга ошган эди. Хусусан, соҳибқирон Амир Темур ва унинг ворислари саройларида аёл санъаткорларнинг фаолият кўрсатишлари учун қулай имкониятлар мавжуд бўлган. Манбаларда көлтирилишича, улуғ соҳибқирон саройида эркак санъаткорлар билан бир қаторда раққоса, созандо ва хонанда аёллар ҳам ўз истеъдодларини кўрсатишларига изн берилган. Бу истеъдод соҳибалари яллачила каби дойра чертиш, куйлаш ва рақсга тушиш санъатларидан воқиф бўлганлар. Санъаткорларни эъзозлаган Султон Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий даврларида ҳам кўплаб истеъдодли аёллар эркаклар даврасида бўлиб турадиган мажлис ва зиёфатларда ўз санъатлари билан қатнашиб келганлар. Шундай тадбирлар туфайли ҳам аёлларнинг мафтункорона ижроларидан бевосита баҳраманд бўлган шоир, мусаввир ва тарихчилар ўз асарларида уларнинг гўзал сиймоларини яратганлар, ақлу заковатларига юксак баҳо берганлар. Уларнинг истеъдод даражалари кўпинча самовий созанда (чангчи) Зуҳра санъатига қиёсланган. Жумладан, Зайниддин Восифийнинг “Бадоевул вақоев” тарихий асарида мұғанния Жигарий Чангий санъати қуидагича таърифланади: “У чангни садолантирганида он фалак базмидаги Зуҳро ўз созини ерга уради, осмондан ерга тушиб ўз сочи торларидан унинг чанги учун тутарди” [2.Б.11]. Темурийлар даврида ишланган мўъжаз миниатюраларда созанда аёллар кўпинча чанг ва дойра чолғуларида машқ қилаётгани тасвирланади. Бунда асосан хотин-қизлар орасида кенг қўлланган чанг чолғуси ҳозирда маълум шу номли создан фарқли ўлароқ кичик арфа кўринишида бўлиб, тавозеда турган иболи аёл тимсоли ҳам бўлган [10.Б.1, 12, 13, 37, 43].

Фарғона водийсида юзага келган Наманган яллачилик санъатининг тарихий илдизлари, назаримизда, XV асрнинг иккинчи ярмига келиб Андижон худудида қад кўтарган Аҳси давлатининг сарой маданиятига бориб тақалади. Бунинг бир қатор объектив сабаблари бор.

Энг аввало Аҳси (Андижон) ва Наманган вилоятидаги айrim худудларнинг географик жиҳатдан бир-бирига яқин жойлашганлигини қайд этиш лозим. Соҳибқирон Амир Темур асос солган Аҳси салтанати ҳозирги Наманган вилоятининг Косон, Тўракўғон, Мингбулоқ, Наманган ва Норин туманларининг бир қисми билан чегарадош бўлган. Шу яқинлик натижаси ўлароқ мазкур худудларда истиқомат қилган маҳаллий аҳоли маданиятлари ўзаро таъсирланиш жараёнларида бўлганлиги табиийdir.

Темурийзода Умаршайх Мирзо (Бобурнинг отаси) бу давлатнинг пойтахти мақомида Ахсикент шаҳрини

танлаган ва 1462–1494 йиллари ўз тасарруфидаги мамлакат худудларини шу ердан туриб бошқарган эди. Умаршайх Мирзо ҳам Соҳибқирон Амир Темур олиб борган сиёсатга биноан пойтахтда хунармандчилик, меъморчилик, хаттотлик ва илм-фан ривожига катта эътибор берди. Шоир ва санъаткорларнинг фаолият кўрсатишлари учун зарур шарт-шароит ва ижодий муҳитни яратиб берди. Табиийки, яратилган шароитлар ўлароқ бу заминда қатор санъаткорлар етишиб чиқкан эди.

Умаршайх Мирзо хукмронлик қилган пайтларда унинг рафиқалари, канизаклари ва саройда фаолият кўрсатган аёлларга ўз давраларида ўйин-кулги қилишларига ижозат берилган. Унинг ўғли Захириддин Мұхаммад Бобур ҳам улуғ бобоси Амир Темур ҳамда отаси сингари адабиёт ва турли санъатлар билан бирга мусиқа санъатига эътиборли бўлганилиги ёзма манбалардан маълум. У ўз саройи ва унинг атрофига кўплаб санъаткорларни тўплаган бўлиб, аёлларнинг эркак санъаткорлар билан биргаликда ижод этишлари масаласида улуғ Амир Темурга муносиб издошлиқ қилган [5.Б.51]. Кейинчалик бу анъанани у Ҳиндистонда ҳам давом эттирган эди [5.Б.10, 31, 50, 54, 57].

Аҳси салтанати эса 1620 йилга келиб рўй берган зилзила натижасида вайрон бўлгач, унинг асосий аҳолиси Наманган худудларига кўчиб ўтган [13.Б.249]. Аҳоли қаторида кўчиб келган сарой санъаткорлари ўзларининг фаолиятларини ҳозирги Наманган вилоятининг турли худудлари ва шаҳар марказида давом эттирганлар [11.Б.29]. Атоқли олим Ф.Кароматли томонидан 1964 йили Андижон вилоятининг Балиқчи, Асака ва Хўжаобод туманларида ёзиб олинган кўпгина қўшиқ, ашула ва ялла намуналарининг Наманган яллачилари ижросидаги айтимлар билан жуда ўхшашлиги ҳам шу боисдан юзага келганлиги ҳақида хуносага келинди.

Тарихий манбаларни қиёсий ўрганиш асосида шундай хуносага келиндики, буюк бобомиз Амир Темур ва темурийзодаларнинг саройларида кечган ижодий жараёнлар ва мавжуд бадиий анъаналар кейинги даврларда ҳам аёллар санъатининг ўсиб бориши ҳамда яллачиллик санъатининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Гарчанд XVI асрга келиб Темурийлар хукмронлиги ўз мавқеини йўқотган бўлишига қарамай, уларнинг саройларида юзага келган аёллар санъати изсиз йўқ бўлиб кетмади, балки Ўрта Осиёда бирин-кетин юзага келган Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларида янгича мазмун-маъно касб этди.

Бугунги кунга келиб ривожланишда давом этаётган яллачиллик санъати ва унинг турфа анъаналари халқимиз маданий ҳаётининг турли кўринишларида, тўй

маросимлари ва байрамларида кенг намоён бўлмоқда. Узоқ ўтмишдан бугунги кунгача ўтказиб келинаётган бешик тўйи, суннат тўйи, мучал тўйи, никоҳ тўйи каби оиласиб маросим ва бошқа байрам тадбирларида аёллар, шу жумладан, яллачилар ҳам фаол иштирок этиб, улар томонидан маросим (“Ёр-ёр”, “Келин салом”, “Хуш келдингиз” ва б.) ва номаросим (қўшиқ, лапар, ялла ва б.) айтимларининг куйланиши ҳамда бу ҳол жойларда асрий анъана бўлиб келаётганлигига 2004–2013 йиллари Наманган вилояти худудларига уюштирилган мусиқий-фольклор экспедициялари давомида иқрор бўлдик.

Аёллар ижодида ва уларнинг маданий ҳаётларида оиласиб маросим (“Ёр-ёр”, “Келин салом”, “Алла” ва б.), ашула, қўшиқ, ялла айтимлари катта аҳамият касб этиб келмоқда. Илмий кузатувлардан маълум бўлдики, яллачиллик санъати ҳамда унинг ижодкорлик, ижрочилик ва устоз-шогирд анъаналари бугунги кунда асосан Наманган шаҳарида ривожланиб келмоқда.

Наманган яллачилигида қўлланиб келинаётган жанрлар асосини халқ ижоди, аниқроғи, хотин-қизлар орасида азалдан маълум бўлиб, “ичкарида” шаклу шамоилии узил-кесил шаклланган қўшиқ, лапар, ялла, ўлан, ашула сингари айтим жанрлари ташкил этади. Шеърият, мусиқа ва рақс санъатлари ўзаро муштарак яллачиллик санъатида рақсбоп дойра усуллари, бармоқ вазнидаги шеърият ва аёллар ижодига хос куй-оҳанглари асосида турли шакл (банд, нақаротли банд ва б.)га эга айтимлар, шу жумладан, халқ айтимларининг янгича жилоланган кўплаб вариантлари ва мумтозлик даражасига кўтарилиган намуналари ҳам ижод этилган эди. Натижада, қўшиқ, лапар, ашула, ялла каби жанрларга оид айтимларнинг ўзгача кўринишлари намоён бўла бошлаган.

Ялла жанрида ижод этилган айтимлар асосан севги-муҳаббат ва енгил ҳазил мавзуларида бўлиб, бармоқ вазнили (кўпроқ 7-8 ҳижоли) банд-нақарот шаклида тўқилган халқ шеърлари асосида айтилади. Ялла ижросида шу шакл тузилишига мувофиқ бир айтимчи (яккахон) ва кўпчилик (икки ва ундан ортиқ жўровоз ансамбль) иштирок этади. Бунда банд ва рақсни яккахон, нақаротларни эса кўпчилик қўшилишиб айтиади. Хуллас, банд ва нақаротларнинг навбатма-навбат алмашиниб келиши асосида яккахон ва жўровозлар галма-гал куйлайдилар [6.Б.5]. Яллалар ҳамма вақт рақс билан ижро этилгани боис Ф.Кароматли бу жанрни “рақсий айтим” ибораси билан тавсифлайди [7.Б.8]. К.Олимбоева-Аҳмедова яллани ҳазил ва севги мавзуларида бўлишини ва, асосан, Фарғона водийиси аёллари даврасида “ўйин ва рақс ҳаракатлари жўрлигига айтилишини”

таъкидлайди [9.Б.20]. О.Иброҳимов ҳам шундан келиб чиққан ҳолда “ялла” сўзи “үйнаб-куйла” тушунчасининг қисқартма “ял-ла” бирикмасидаги ифодаси эканлиги ҳақидаги фикрни илгари суради [6.Б.51]. Ялла рақсий-айтимлари яллачилик санъатида салмоқли ўрин тутади. Аслида “яллачи” ибораси ҳам ана шу жанр сифатлари билан бевосита боғлиқ ҳолда юзага келган. Шунингдек, Наманган маданиятида касбий яллачи аёлларга нисбатан “сатанг” ибораси ҳам кенг ишлатилиб келинади. Бу ерда “сатанг” деганда кийиниши, соч турмаклари, сўзлашиб маданияти билан бошқа аёллардан ажралиб турган санъаткор аёллар тушунилади. Чунки улар халқ орасида оддий аёллардан кўра ўзларига бисёр оро бериб, улардан алоҳида лиbosлар билан ажралиб туришлари билан ҳам эътиборни ўзларига жалб қиласилар.

Қўшиқ жанрида халқ шеъри ва куй асоси тўртлик тузилмаларидан иборат банд шаклида ўз ифодасини топади. Бунда дастлабки икки мисра қофиядош ва оҳангдошлиги, учинчи мисра эса бошлангичга нисбатан оҳанглари бироз юқори пардаларга кўтаришма ҳосил қилиши ва ниҳоят, тўртинчи мисра оҳангига яна таянч парда-товуш қарор топиши кузатилади. Шуни ҳам айтиш жоизки, қўшиқнинг шеърий мисралари а,а,б,б, а,б,а,б, а,а,б,в каби қофияланиши мумкин бўлса-да, аммо куй-оҳанглари доимо а,а,б,а тарзида келади [6.Б.46].

Яллачилар ижодида кўпгина халқ қўшиқлари ёнгил уфар (6/8) усулига боғланган ҳолда рақсбоп айтим сифатига эга бўлиши қайд қилинди. Шунга ўхаш янгиланишлар “савол-жавоб” шаклли лапар ҳамда ашула жанрида ҳам кузатилади.

Яллачи-сатанглар табиатан лирик айтим жанри бўлган ашулаларни ўз услубларига монанд айтишда кўпроқ тўрт ҳиссали (танавор, қашқарча ва б.) дойра усулларидан унумли фойдаланадилар. Яллачилик санъати намуналарининг мазмун-моҳиятини теран ифода этиш ва англаш борасида уларнинг куй-оҳанглари энг муҳим ўринда туради. Айнан шу бадиий ифода воситаси туфайли куйланётган шеърнинг ўзига хос оҳанглари янгича жилоланиб, мазмунан таъсир кучи ортади, дойра усулларининг монотон такрорланувчи ритмлари эса турфа бўёқларга “йўғрилиб”, рақс ҳаракатлари ҳам шунга мувофиқ маъноларни ифода этади.

Яллачилик санъатида садоларда тараалган турли мавзу ва руҳий ҳолат (қайғу, дард-алам, севинч, шодлик ва ҳ.к.)лар энг аввало дастлабки оҳанг тузилмаларида ўзининг бирламчи ифодасини топади. Кузатувлар шуни кўрсатадики, Наманган аёлларининг мусиқий ижодида кичик ва катта терция интерваллари доирасида уюшган сифати (фригий, эолий ва б.) турлича трихордлар ва

шулар асосидаги оҳанг тузилмалари бениҳоя муҳим ўрин тутади.

Шуни таъкидлаш жоизки, Наманган яллачилик санъатида фригий хусусиятли трихорд ва шу асосдаги қуий ва юқори йўналиши оҳанг инвариантлари алоҳида аҳамиятга эга. Бу ўринда андозанинг эолий кўринишидан фарқли ўлароқ I ва II поғоналари орасида фригий (кичик) секундасининг ҳозир бўлиши, табиийки, оҳанг семантикасида азалдан мавжуд мунгли (йиги) ифодасини янада бўрттиради. Шу боисдан ҳам мазкур андозага асосланган “Ёр-ёр” намуналари вазмин суръат ва ҳазин руҳда ижро этилиб, нисбатан куйчанлиги билан ажралиб туради.

Яллачилик санъатида катта терция доирасида келган трихорд ва шу асосдаги оҳанг андозалари асосан яллаларнинг ривожлов ва тугаллов (каденция) қисмларида кўп қўлланилади. Бошланғич тузилмаларда эса унинг эолий ва фригий оҳанг андозалари билан кетмат-кет уланиб келиши кузатилди.

Бу кузатувлардан аён бўлдики, яллачи-сатанглар ижодида энг кичик оҳанг бирлиги ва, айни пайтда, мусиқий тафаккурининг энг муҳим категорияси сифатида юқорида қайд этилган товушлар учлигидан иборат оҳанг инвариантлари намоён бўлади.

Яллачилик санъатида куй ва сўз муносабатлари турлича намоён бўлади. Шу муносабатлар ўлароқ айтимларнинг қуидаги уч асосий шакли юзага келиши маълум бўлди:

- “банд-нақарот” нисбатли шакллар;
- “нақарот-банд” нисбатли шакллар;
- “банд” тузилмали шакллар.

Банд-нақарот нисбатига эга шакллар яллаларнинг асосий салмоғини ташкил этади. Бундай намуналарда ялларага хос барча бадиий ифода воситалари, хусусан, ёнгил (6/8) ва оғир (3/4) уфар усуслари, поғонама-поғона келган ёндош ва сакрама оҳанглар, тор ҳажмли тузилма (тетрахорд)дан тортиб, то эолий, миксолидий ва, айниқса фригий каби ладлар кенг қўлланиши кузатилади. Шунингдек, бу айтимларнинг бошида дастлаб “банд”, сўнгра эса “нақарот”ни келиши уларда асосан халқ шеърлари қўлланганлиги билан изоҳланади. Зоро, бу ўринда халқ ижодида юзага келган бадиий анъаналарга қатъий риоя қилиниши кузатилади.

“Нақарот-банд” кўринишида келган яллаларда шодлик туйғуларининг ёрқин ифодаси ўлароқ рақс унсурларидан кенг фойдаланилади. Одатда бундай намуналар асосан олти ҳиссали шўх уфар дойра усусли нақарот билан бошланиб, сўнггида яна шу нақарот билан яқунланади.

Қўшиқ ва ашула жанрларига оид намуналар (“Қўқонга бордим”, “Одамий”, “Қизил гул”, “Ўғил”, “Ўйғотма ёрим” ва б.) одатий “банд-нақарот” ёки “нақарот-банд” нисбатида эмас, балки фақат айтим бандларидангина иборатдир. Аслида яккахон ижрочи учун мўлжалланган бундай айтимларда қўшиқ ва ашула жанрларига хос хусусиятлар ёнма-ён келиши мумкин. Жумладан, “Қўқонга бордим” ялласининг биринчи банди қўшиқ жанрига монанд жиҳатларни тўла намоён этади. Яъни, айтим бандининг мисрали тузилиши а-б-в-а<sup>1</sup> шаклида, овоз ҳажми эса тор (квинта) доирада ифодаланган.

Ўрганилаётган банд шакли айтимлар қўшиқ ва ашула жанрларининг халқ ижодида юзага келган намуналаридан фарқли равишда яллачилик санъатига хос хусусиятлар билан йўғрилгандир. Бу ўринда мазкур айтимларнинг рақс унсурлари билан сифатланганлиги эътиборли бўлиб, аммо бунда шўх ва ўйноқи усуслар эмас, балки кўпроқ тўрт ва уч ҳиссали (4/4 ва 3/4) усуслар асосида вазминроқ рақсларнинг қўлланиши кўзда тутилади. Шунингдек, шеър асосларида, юқорида тавсифланган яллалардан фарқли ўлароқ, 8-12 туроқ-ли бармоқ вазни билан бирга аruz баҳлари ҳам қўлланиб турилади.

Яллачилик анъаналарини 1900 йиллари Наманган шаҳрида авж олиши шаҳарнинг Сумалак гузари маҳалласида истиқомат қилган Ачахон (Ачахон бешбелбоғ) ижодида кузатилган бўлса, кейинги йилларда Ҳожирахон, Сабохон, Холисхон, Зебохон, шунингдек, Наманган тумани, Фалча қишлоғида таваллуд топган Турсунхон (Турсун сатанг) сингари аёллар ижодий фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган. Бу анъаналарнинг бизгача етиб келишида эса кейинги авлод яллачилари – Гавҳархон Узоқова, Санталатхон Қирғизова, Холисхон, Бўстонхон Пошшаева, Турсуной Валиева, Турсуной Мамедова, Кундузхон Эгамбердиева, Ёқутхон Раҳматуллаева каби аёл санъаткорларнинг хизматлари бекиёсдир. Чунки уларнинг ижодий саъй-ҳаракатлари натижасида кўплаб ялла ва лапарлар сақланиб қолди, яллачилик анъаналари сайқал топди ҳамда замонабоп янги айтим намуналари юзага келди.

Яллачиликда юқори касбий маҳорат ҳосил қилган бу ижодкор-аёллар халқ айтимларини ўз услубларига мослаб куйлаш билан бирга ўzlари ҳам турли мавзуларда тўқиган ялла ва лапарлари билан бисотларини бойитиб боргандар. Улар ўз даврларидаги ижтимоий ҳаётда ва ён-атрофларида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга синчков назар билан қараб, ўзларининг муносабатларини қўшиқ, ашула ва яллалари орқали билдирганлар. Шундай

кузатувларларнинг натижаси сифатида, масалан, эркакларнинг турфа қилиқлари, уларнинг хотин-қизларга гап отишлари ҳажв қилинган яллалар, шунингдек, баъзи аёлларнинг хулқ-атворлари акс этган айтимлар ижод этилган эди.

Бу каби намуналарни наманганлик касбий яллачи Кундузхон Эгамбердиева ижодида кўришимиз мумкин. Хусусан, унинг банд-нақарот шаклли, 6/8 ўлчовли уфар усулида айтиладиган “Гўзаллар” ялласида икки тоифа – ижобий ва салбий ҳислатларга эга аёлларнинг характерлари ўзаро қиёсланади. Бунда уй фариштаси каби аёллар бор хонадон доимо тоза, озода эканлиги, уларнинг ор-номуси, гўзал хулқ-атвори, турмуш ўртоғига бўлган муносабати ҳамда оиласда бўлиб ўтадиган можароларни ташқарига олиб чиқмаслик каби хусусиятлари куйланади.

Баъзан яллаларда севги изтироблари, тенгсиз никоҳ аламлари, ота-оналарнинг фарзанд доғида куйган хасратлари, аёлларнинг турмушларида учрайдиган айрим қийинчиликлар каби мавзулар ҳам учрайди. Ўтмишда баъзан қизларнинг розилигига қарамасдан ёши катталарга узатиш ҳоллари учраб турган. Аммо бундай вазмин ҳолда куйланадиган яллалар жуда кам фоизни ташкил этади. Зоро, аксарият яллалар шўх ва ўйноқи тарздадир.

Наманган яллачилигига Фарғона водийси ҳофиз-бастакорлари ижодига хос ноёб жанр – катта ашула айтимининг таъсири сезиларлидир. Маълумки, катта ашуулаларда асосан мумтоз ғазаллар оҳангга солиниб, улар чолғу жўрнавозлигисиз, эркин услубда куйланади. Албатта, бунда ижроидан юксак маҳорат ва овоз диапазонининг кенглиги талаб этилади.

Наманган сатанглари ижодига оид “Бозорга боққол”, “Келдим”, “Ҳоҳо ялла” номи билан юритиладиган катта ва кичик яллалар катта ашула услубига ижодий ёндашув натижасида юзага келганилиги ҳис қилинади. Лекин катта ашуулалардан фарқли ўлароқ, бу намуналар бармоқ вазни шеърлар асосида ёпиқ овоз билан эркин услубда чўзиб айтилади. Бу ўринда катта ашула жанрининг мумтоз талаблари аёл санъаткорларнинг ижрочилик табиатига мослаб олинган кўринади.

Бундай чўзимли айтимларга гоҳ дойра усуслари билан боғланган яллаларнинг уланиб келиши ҳам Наманган ижодий мактабига хос анъаналардандир. Хусусан, сатанглар ижодига мансуб “Келдим”, “Ҳоҳо ялла”, “Ялла дўст”, “Бозорга боққол” айтимлари шундай намуналардан бўлиб, ижроидан катта маҳорат талаб этади.

Мустақиллик шарофати билан аёллар ижоди янги маъно ва қадр-қиммат топди. Зоро, бу даврга келиб хотин-қизларга нисбатан олиб борилган давлат сиёсати

тубдан ижобий томон ўзгарди, “истикол ўзбек аёлининг оналигини қадрлади, унга чексиз рағбат, катта ишонч, улкан имкониятлар берди”. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов айтгандаридек, “Аёлларни ҳар қанча улуғласак, ҳәётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демакки, оиласизни, ватанимизни эъзозлаган бўламиз”. Чунки, “миллатимизнинг шону шавкати, баҳт ва саодати, биринчи галда, оналарнинг маънавияти, маданияти ҳамда саломатлиги билан боғлиқ”.

Бундай ижодий жараёнларда аёллар фаолияти билан боғлиқ фольклор-этнографик ансамбларининг ҳам иштироки алоҳида эътиборлики, зеро бу каби жамоалар миқёсда ўтказиб келинаётган турли фестиваллар (“Шарқ тароналари”, “Бойсун баҳори”, “Асрлар садоси”, “Кўхна замин оҳанглари”), байрамлар ва телетанловлар орқали бой мусиқий меросни ўзига хос саҳнавий кўринишларда халқимизга тақдим этмоқда. Шу жумладан, яллачиликка оид лапар, қўшиқ ва ялла намуналари ҳам анъанавий, ҳам саҳнавий кўринишларда талқин этилаётганилиги эътиборлидир. Хусусан, “раққоса ва балетмейстер Юлдуз Исматова тузган “Танавор” рақс театрида халқ яллалари, лапарлари, ёр-ёрлари, турли-туман рақслари ва композиторларнинг замонавий куйлари асосида бир қатор хореографик спектакллар ва театрлашган дастурлар яратилди” [15.Б.38].

Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган муҳим саъй-ҳаракаталар натижасида аёллардан ташкил топган

фольклор-этнографик ансамбларининг фаолиятида ҳам сезиларли сифат ўзгаришлари кўзга ташланмоқда. Жумладан, ҳар бир жамоа фестиваль ва танловлардаги чиқишлиарида ўзининг туман ва маҳаллий худудларига хос бўлган урф-одат ва маросимлар қаторида яллачилик айтимларини ҳам театрлаштирилган ҳолда саҳнага олиб чиқиши янги анъанага айланиб улгурди.

Яллачилик санъатининг анъанавий ижодкорлик соҳасида ҳам эътиборга молик янги тамоилилар юзага келаётганилигини кузатамиз. Бу борада, энг аввало, ялла, лапар, қўшиқ ва ашула намуналарининг маълум куй оҳангларига янги жумла, усул ва шеърларни боғлаб ижро этиш амалиёти тобора кенг ўрин тутаётганилигини таъкидлаш керак. Шунингдек, халқ айтимларини қайта ифодалаш асосида ҳам сифати янги жанрлар юзага келмоқда.

Ижодкор яллачилар ўтмишдан мерос келаётган халқ айтимларини, шу жумладан, асосан аёллар ижодига мансуб айтимларни ўз услубларига мос қайта “жонлантириб”, ифода этишлари натижасида жанрлар трансформацияси ҳам юзага келмоқда. Жумладан, хотин-қизлар орасида машҳур “Қизил гул” қўшиғи Ёқутхон Раҳматуллаева ижодий талқинида, “Ёшлигимда” қўшиғи эса Турсуной Мамедова ижодий ёндашувида буткул шаклу шамойилини ўзgartиришини кўрдик. Мазкур намуналар эндилиқда айтим-рақс сифатларига эга бўлиши баробарида яна асил манба (халқ қўшиқ)-лари каби алоҳида бадиий қийматли асарлардир.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Барток Б. Зачем и как собирать народную музыку (перевод, вступительная статья и примечания С.И.Вайса.) –Москва: Госмузиздат. 1959.
2. Восифий З.М. Бадоеъул вақоёй. (Форсийдан Наим Норқулов таржимаси). –Тошкент: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1979.
3. Вызго Т.С. Афрасиабская лютня. //Из истории искусства великого города.–Тошкент: Издательство литературы и искусства имени Г.Гуляма. 1972.
4. Вызго.Т.С. Музыкальные инструменты Средней Азии (исторические очерки). –Москва: Музыка. 1980.
5. Гулбаданбегим Захирiddин Бобур кизи. Хумюннома. –Тошкент: Маънавият.1998.
6. Иброҳимов О. Ўзбек халқ мусиқа ижоди. 1-қисм (методик тавсиялар) –Тошкент: ЎзР ХТ ўқув методик маркази. 1994.
7. Кароматов Ф. Ўзбек халқи музика мероси XX асрда. II китоб. –Тошкент: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1985.
8. Назаров А.Ф. Антик давр мусиқа маданияти. –Тошкент: 2003. ЎзР ФА Санъатшунослик институти кутубхонаси. Инв.№ 997.
9. Олимбоева-Ахмедова К. Ўзбек аёли ҳаётида мусиқа. –Тошкент: Ёзувчи. 1996.
10. Полякова Е., Раҳимова З. Шарқ миниатюраси ва адабиёти. –Тошкент: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1987.
11. Расултоев Ж.К. Ўзбек дутор ижроилиги. –Тошкент: Ўқитувчи. 1997.
12. Турон Усмон. Туркий халқлар мағкураси. (таржимон Улугбек Абдулваҳоб). –Тошкент: Чўлпон. 1995.
13. Ўзбекистон миллый энциклопедияси 2-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон.2001.
14. Ўзбекистон миллый энциклопедияси 5-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон. 2003.
15. Қодиров М. Яллачилар санъати. –Тошкент: //San'at. 2008, №3-4.
16. Ҳалилбеков А . Наманган адабий гулшани. –Наманган: Наманган. 2007.

# ДУТОР – ИЖРОЧИЛИК АНЬАНАСИ (Султон Қосимов ижросида)

**Аннотация.** Ҳозирда дутор ижрочилик санъати ривожланиб, давр талабларига мос равишда шаклланиб бормоқда. Бу жараённинг равнақи йўлида ўз санъатини ҳамда билимини ёш авлодни тарбиялашга сарфлаб келаётган устозларнинг ўрни бекиёсдир. Ушибу мақолада ўзининг серқирра дутор ижрочилик санъатига эга бўлган созандаларимиздан бири Султон Қосимовнинг ижодий фаолияти ҳақида сўз юритамиз.

**Калит сўзлар:** мусиқа, бастакор, созанда, дутор, оркестр, ансамбль, гамма, концерт, ижрочи, санъат.

**Аннотация.** В настоящее время исполнительское искусство игры на дутаре развивается, формируясь в соответствии с современными требованиями. В процессе этого направления бесценны роль педагогов-наставников, вкладывающих в воспитание молодого поколения свое мастерство и профессиональные знания. В данной статье повествуется о творческой деятельности Султана Косимова, одного из ярких представителей среды музыкантов, отличающегося собственным многообразным стилем исполнительского искусства.

**Ключевые слова:** музыка, бастакор, музыкант, дутар, оркестр, ансамбль, гамма, концерт, исполнитель, искусство.

**Annotation.** Currently performing arts on the dutar is developing, which is formed with modern requirements. Progress in this direction is invaluable role of pedagogues-mentor, that investigate their skills and professional knowledge in the education of the young generation. This article focuses on the creative activity of Sultan Kosimov, one of bright representatives, who is distinguished by his own multifaceted style of performing arts.

**Keywords:** music, bastakor, musician, dutar, orchestra, ensemble, gamma, concert, executive, art.

Бугунги кунда дутор ижрочилигининг ривожланиш негизи устозларимизнинг самарали фаолиятлари билан боғлиқдир. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишимиз зарурки, ҳар бир санъаткорнинг дутор ижрочилигига ўзига хос ижро услублари бўлиб, уларнинг ижрочиликада эришган моҳирона талқинларига талаба – ёшларимизнинг интилаётганлиги қувонарли ҳол. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида қайд этганидек, “...агарки дунё иморатлари ичиди энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичиди энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир.” [1.Б.131]

Хусусан, ҳозирги кунда ўз касбининг фидойи ва жонкуяр, дутор ижрочилик санъатини кенг тарғиб қилишда самарали ижод қилиб ҳамда шогирдларига созандалик сир-асрорларини ўргатиб келаётган устозлардан бири Султон Қосимовдир.

Султон Қосимов нафақат созанда, балки, бир қатор куйлар муаллифидир. Созанданинг дутор чолғусига бўлган қизиқишига сабаб оиласидаги муҳит асос бўлди. Чунки бобоси ўзининг ярим асрдан зиёдроқ умрини дутор ижрочилиги ривожига бағишлигар созанда ва бастакор, Ўзбекистон халқ артисти Ориф Қосимовдир. Бобосининг дуторда ижро этган куйлари ва доимо уйда бўлиб турадиган устоз созанда ва хонандаларнинг ижодий мунозараларга бой давра сухбатлари Султон Қосимовда қизиқиши ўйғотди. Султон Қосимов бобосини шундай хотирилаган эди: “Бобом дутор чалганларида боғимизга булбул келиб сайради. Улар танаворнинг

бир неча турларини чалар эдилар. Афсуски, улардан “Танавор”ларнинг айримларинигина ўргана олдим холос”[2.]

Султон Қосимовнинг таъкидлашича, 9 ёшида бобоси Фуломжон Кўчкоровга: “Набирам ҳам сизга ўхшаган моҳир созанда бўлсин, шогирд олиб келдим” – деган экан[2]. Шу кунлардан эътиборан, Султон Қосимов 1-сонли мусиқа ва санъат мактабига қатнай бошлади.

Ориф Қосимов ўз набираларига етук созандалик сир-асрорларини қунт билан ўргатганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Шу ўринда устоз санъаткорнинг қўйидаги гапларини эслаш ўринли бўлади. “-Утириб ўйладим, санъатим ўзим билан кетаверадими? Дуруст, мен кўп одамларни дутор чалишга ўргатдим. 100 дан зиёд куйлар басталадим. Лекин ўз набираларимга дутор санъатини ўргатмадим ҳали. Менинг уйимдаги дутор мунғайиб қолмаслиги керак, у доим одамлар хизматида бўлсин. Шундай қилиб, набирам Султонга дутор тутқаздим. Бармоқларида жон бор. Беш ой машқ қилдик. Султон бинойидай чаладиган бўлиб қолди. Султон дутор чертганида кичик набирам Рустам эшишиб ўтириб, бармоқларини қимирлата бошлади, дуторни талашди. Нима қилиш керак, беш яшар набирамга бу дутор катталиқ қилади? Унинг ўзига жажжигина дутор буютиридим. Иккита набирам ҳам оромини йўқотди, дуторга шайдо бўлиб қолди. Султоннинг торга кўл уришлари, штрихларини кузатаман, худди менинг ўзим. Мен унга якка кўй бериб кўрдим. Менга суюниб, эргашиб чалаётгандир деб ўйладим. Йўқ, якка куйни унинг бир

ўзи қиёмида ижро этди. Боладаги қизиқиш, санъатга бўлган муҳаббатнинг бағрида билим ҳам, истеъдод ҳам ўсаверарқан”.[9.Б.4]

“Халқаро болалар йили” муносабати билан Ориф Қосимов набиралари таҳсил олаётган Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманида (Октябр районида) жойлашган 13-сонли умумтаълим мактаб қошида дутор тӯғарагини ташкил қиласди.[8.5.3] Ансамблга Зиёдулла Отахонов, Фоғур Валихўжаев, Ҳилола Алиева (3-синф), Мурод Усмонов (6-синф) каби турли ёшдаги мусиқага қобиятли ўқувчилардан 15 нафари танлаб олинди. Тӯғарак аъзоларининг ижодий фаолияти 1979 йил 12 сентябрда эфирга узатилган телекўрсатувининг “Санъат фунчлари” туркумида ёритилди. Якка ижрода Дилдора Солиҳова “Оромиҷон”, Мурод Усмонов “Гўзал”, Султон Қосимов “Дилшод”, О. Қосимов билан биргаликда “Жазоир”, Муроджон Усмонов билан эса “Кўҳистон” куйларини Султон Қосимов ижро этган. Ансамбль иштирокчилари томонидан Юнус Ражабийнинг “Баҳорим”, Ориф Қосимовнинг “Табассум”, “Чертай дуторим” куйлари янгради. Султон Қосимов 1979 йил Москва шаҳрида ўтказилган “Болалар иттифоқи” танловида бобоси Ориф Қосимовнинг “Дилшод” куйини ижро этиб, юқори совринларни қўлга киритди. Бу созанданинг илк муваффақиятларидан бири эди.

Мусиқа мактабидаги устози Фулом Кўчкоров шогирдининг илк ютуғидан қувониб, Муҳиддин Кори-Ёкубов номли мусиқа ва санъат мактаблари ўртасида ўтказиладиган Республика кўрик-тандловида иштирок этишни тавсия қилди. 1981 йил устознинг сабоқлари бесамар бўлмади ва тандловда 1-ўринни олишга сазовор бўлди.

1984 йил имтиёзли равишда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номидаги мусиқа билим юртига ўқишига киради. Билим юртида Сотволди Каримовдан таҳсил олди. 1986 йил “Ёш ижрочилик” Республика танловида иштирок этиб, 1-ўринни эгаллашга муваффақ бўлади. Доимий изланишлар ва ижодий жараёнлар 1988 йил Тошкент давлат консерваториясига етаклади. Бу даргоҳда “Халқ чолгуларида ижрочилик” кафедрасининг профессори Боқижон Раҳимжоновдан таҳсил олди. Дутор чолғусининг ўзгача безакларини янада мукаммал ўрганишга эришди. Ижрочилик билан биргаликда илмий фаолиятини ҳам йўлга қўйган Султон Қосимов Тошкент давлат консерваториясини муваффақиятли тугаллагач, 1993 йил ассистент-стажеровкада ўқишни давом эттириди. Боқижон Раҳимжонов раҳбарлигида “Дуторни такомиллаштириш ва ривожлантириш” (гаммалар устида ишлаш) мавзууда изланишлар олиб боради. Ҳусусан, ўнг қўлда ижро этиладиган зарблар (штрихлар), чап кўл бармоқларининг тезлиги, товушларни тўғри садолантириш устида ишлаш, мажор ва минорли диатоник, хроматик гаммаларни, этюдларни ўрганишга оид методик тавсиялар беради. Тошкент-Фарғона чолғу йўлларидан “Қаландар”, ўзбек халқ куйларидан “Қўштор”, “Чертомак”, Ориф Қосимовнинг “Табассум”, тожик халқ куий “Султон жамжама” каби

асарларни нотага олди. Айниқса, “Султон жамжама” күйини дуттор ижрочилик санъатида құлланиладыган мусиқий безаклар, зарблар (штрих) билан бойитиб, биринчи марта дуттор алтын чолғусида ижро этди. “Султон жамжама” тожик халқ күйи бўлиб, ре мажор тоналлигига, оддий 1 қисмли шаклда, 7/8 ўлчовда ёзилган, ўртача тезликда ижро этилади. Күйнинг кириш қисмидаги ўрама рез ва оддий зарбларнинг биринчи ҳиссасига ургу бериб ижро этиш орқали доиранинг мусиқий имитацияси ифода этилган.

Устознинг ижроларидағи күйларда биз күпроқ қуидаги зарбларни учратишимиш мүмкін: [2.6.22]

- 1) ПV  
 2) П П V  
 3) П V V  
 4)  $\begin{matrix} \text{к б б к} \\ \text{П П V V} \end{matrix}$   
 5)  $\begin{matrix} \text{к б} \\ \text{П П V П П V V} \end{matrix}$   
 6)  $\begin{matrix} \text{к б к к б к к б} \\ \text{П V V П V V П V V} \end{matrix}$

Султон Қосимовнинг ижро репертуарларидан урин олган асарларни таҳлил қиласр эканмиз, созанда “Академик ижро” йўналишида таҳсил олиш билан бир қаторда “Анъянавий ижро” йўналишида ҳам бобоси каби ўз ижро услугига эришганлигининг гувоҳи бўламиз. Одатда, анъянавий ижрочилик санъатида оддий товушларни турли хилдаги орнаментикалардан фойдаланган ҳолда ижро этиш мумкин. Улар маҳсус атамалар билан номланиб, айримлари товушнинг сифатини, садоланишини, ижро этиш усувларини ифодалаб беради.

Бинобарин, Султон Қосимовнинг дутор ижрочилик услугуни таҳлил қилас эканмиз, созанданинг ўнг ва чап кўлларининг ҳаракатлари бир-бирини тўлдирган ҳолда мутаносиблик билан амалга оширади. Айниқса, мордент, форшлаг, трель, тўлқинлатиш каби мусиқий безаклардан кенг фойдаланиб, молиш яъни бармоқни бир товушдан иккинчи товушга оҳангдорлик билан сирғалтириш усулини қисман учратиш мумкин. Мумтоз куйлар ижросига хос мулойимлик, нозиклик, таъсирчанлик сифатларини ўнг кўл бармоқларидағи зарбларнинг кучли ҳиссаларига урғу берив, панжани бир оз очган ҳолда аниқ ва шиддат билан товушларни майин соддаланишини кўрсаткич бармоқ билан ифодаланлиги кузатилмоқда. Лекин кашиш, миянг каби қочиримлар деярли учрамайди.

Созанданинг ижро услубларида мордент ва форшлагнинг биринчи асосий товуши ўнг қўл бармоқларининг пастга йўналтирилган кучли зарби билан ҳосил қилинади. Қолган товушлар эса ўнг қўл ёрдамисиз, асосий товушнинг садоси ёрдамида чап қўл бармоқлари билан кейинги товушни чимдиб, яна асосий товушга қайтиш орқали садолантирилади.

Масалан, Султон Қосимов ижросидаги ўзбек халқуи “Жигарпора” созанданинг ижросида оддий ва терма зарбларда ижро этилган бўлиб, биринчи ҳисса акцент ёки арпеджио билан ижро этилган. Кварталоралигидаги товушларга глиссандо орқали сирғалиб тушиш ҳолатларини ҳам учратиш мумкин. Шунингдек, чап қўлда мордент, форшлаг, молишлардан фойдаланган.

## Жигарпора

Moderato

С.Косимов ижро услуби.  
З.Мұмінова нотага олган.

Асарда келтирилган безакларнинг ижроси ҳақида түхталар эканмиз, ми товушидаги қүш мордент қуйидагича ижро этилган.

### Нотада ифодаланиши

### Ижро этилиши

Асосий товушдан олдин ёки кейин келган форшлаглар эса асосий товушнинг чўзими ҳисобидан ва садоси ёрдамида чимдиб садолантирилган. Ля нотасидаги форшлаг 3-бармоқ билан чимдиб, асосий соль товуши 1-бармоқ билан терма

зарбда ижро этилган.

“Жигарпора” куий Ориф Қосимов томонидан ҳам ижро этилган бўлиб, лекин ижроларидағи фарқларни қисман аниқлаш мумкин. Биринчи ҳиссани арпеджио ёки кварталаридаги товушларга глиссандо орқали сирғалиб тушиш ҳолатлари учрамайди.

## Жигарпора

Moderato

О.Қосимов ижро услуг  
З.Мұмінова нотага олға

Устоз Султон Қосимов куйнинг мазмун-моҳиятини тингловчига етказиб беришининг асосий сабабларидан бири, товушнинг хусусиятини тўғри ифодалаган ҳолда ўнг ва чап қўл ҳаракатларининг бир-бирига мутаносиб равишдаги ҳаракатланиши, ижрочилик аппаратининг тўғри кўйилганлигида кузатилади.

Султон Қосимовнинг ижро репетуарларидан ўрин олган асарларни қуидаги гурухларга ажратдик.

**а) Ўзбек ҳалқ мусиқаси:** “Қўштор”, “Роҳат”, “Чертмак”, “Жигар пора”, “Шафоат”, “Шароп 1-2”, “Оромижон”, “Қари Наво”, “Дилхирож”;

**б) Бастакорлар ижоди:**

М.Эргашев - “Кўнгил гулдастаси”, “Чаққон ўйна”; Ориф Қосимов “Рез-рез”, “Тебранур”, “Дилшод”; Ф.Қўчкоров “Севинч”, “Завқ”; Ш.Файзулаев - “Табассум”;

**в) Ўзбекистон композиторлари асарлари:**

М.Бафоев “Дутор нақши”, “Жилолар”; Ф.Назаров “Дутор наволари”, “Доимий ҳаракат”; Қ.Қомилов “Гулзорда”; П.Холиқов “Концерт”;

**г) Тошкент-Фарғона ашула ва чолғу йўлларидан:** “Ёввойи қаландар”, “Чапандози баёт”, “Чўли Ироқ”;

**д) Қардош ҳалқлар мусиқаси:**

Ф.Одинаев “Фалак”;

Қ. Қурбониён “Нағма”, “Навои шарқ”, “Навозиши дутор”;

У.Гаджибековнинг “Фантазия”;

“Султон жамжама” ҳалқ куйи;

“Қўҳистон” ҳалқ куйи;

**е) Рус классик композиторлари:**

В. Городовская “Калинка”

А. Калинкин “Фантазия на две Украинские темы”;

Р.Корсаковнинг “Пляска скоморов”;

В.Яковлев “Фантазия на мелодии Кубы”;

**ж) “Шашмақом” ашула ва чолғу йўлларидан:**

“Таснифи Дугоҳ”, “Самои дугоҳ”, “Таснифи Наво”, “Гардуни Наво”;

Мехнат фаолиятини мусиқа ва санъат мактабларидан бошлаган Султон Қосимов кейинчалик Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номидаги мусиқа билим юритида ҳамда Ўзбекистон давлат консерваториясида, “Сўғдиёна” давлат ҳалқ чолгулари камер оркестрида яккахон созанда сифатида ҳам фаолиятини давом эттириди.

Султон Қосимовнинг дутор ижроилигидаги ўзига хос услуби нафақат Республикаиз саҳналарида, балки жаҳон саҳналарида ҳам тарғиб қилинган. Унинг “Сўғдиёна” давлат ҳалқ чолгулари камер оркестридаги ижодий фаолияти самарали ўтди. Жамоа билан 1991 йилдан бошлаб Германия, Испания, Франция, Миср, Англия, Россия каби давлатларда концерт сафарларида бўлиб, ўз санъатини муносиб намойиш этди. Яккахон созанда сифатида “Қўштор”, Чертмак, “Роҳат”, М.Эргашевнинг “Кўнгил гулдастаси” каби

куйлар томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, 1996 йил Испания шаҳрида (Логрондо) бўлиб ўтган XXX Халқаро Мусиқа фестивалида С.Қосимов “Қўштор” куйининг маълум бир қисмларида ўзига хос импровизацияси билан хорижлик томошабинларни лол қолдирди ва ҳакамлар ўзбекистонлик ёш созанданинг маҳоратига юксак баҳо бериб, халқаро сертификат билан тақдирлади.

1995 йил Озарбайжон давлатининг Баку шаҳрида ўтказилган “Узеир Гаджибеков” номидаги Халқаро мусиқа фестивалининг дипломи билан, 1998 йил эса у Бухоро шаҳридаги “Асрлар навоси” танловида З-үринга муносиб топилди. “Узеир Гаджибеков” номидаги Халқаро мусиқа фестивалида созанда Ж.Бизенинг “Кармен” операсидан “Фантазия”, В.Городовскаяининг “Калинка”, Р.Корсаковнинг “Пляска скоморов”, У.Гаджибековнинг “Фантазия” куйларини прима дуторда ижро этади.

1996 йилда Тошкент давлат консерваториясида ўтказилган V-Республика кўрик-танловида “Гран-При” олий ўрин соҳиби бўлишга эришиди.

Созанданинг ўзига хос ижро услубининг ривожланишида, бугунги кунга қадар эришаётган муваффақиятлари заминида албатта, устозлари Ўзбекистон ҳалқ артисти Ориф Қосимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ҳалқ маорифи аълочиси, “Эл-юрт ҳурмати ордени” соҳиби, профессор Фулом Қўчкоров, Сотволди Каримов, профессор Боқијон Раҳимжоновларнинг самарали меҳнатлари ётади.

1989 ва 2001 йилларда Султон Қосимовнинг Тошкент давлат Консерваториясида “Дутор наволари” номли яккахон концерт дастури бўлиб ўтди. Концерт дастуридан Тошкент-Фарғона чолғу йўлларидан “Чўли Ироқ”, “Чапандози Баёт”, ҳалқ куйларидан “Оромижон”, “Роҳат”, Ш.Файзулаевнинг “Табассум” каби куйлари ўрин олди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тоир Қўзиев билан биргаликда Ўзбекистон ҳалқ артисти, академик Юнус Ражабийнинг “Кўйгай” куйи ансамбль бўлиб, танбур ва дуторда ижро этилди.

Созанда ижрочилик фаолиятини бастакорлик билан биргаликда олиб борди. Альт дутор учун “Баҳор нафаси”, “Завқ”, “Хумо қуши” каби куйларни яратди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Давлат телевидение ва радио комитетининг олтин фонди ва архивига Султон Қосимовнинг ижросидаги Ориф Қосимовнинг “Қўзларингга боққанда” (1983), “Икки садоси” (1986), “Кўйла дутор” (1986), ўзбек ҳалқ куйларидан “Қўштор” (2017), М.Эргашевнинг “Кўнгил гулдастаси” (2017) каби куйлар ёзиб олинди.

Султон Қосимов серкіра ижодкорлардан бири бўлибгина қолмасдан, балки меҳрибон устоз ҳамdir. Ёшларга таълим-тарбия беришда устоз Султон Қосимов ўқув жараёнидаги ижрочилик дастуридан ҳамда ўзининг шахсий тажрибасидан келиб чиқкан ҳолда ўқувчининг ўзлаштира олиш даражаларини

инобатга олиб, танланган асарнинг назарий ва амалий билим қўникмаларини босқичма-босқич оддийдан мураккабга томон йўналтириб боради.

**Ҳар бир созанданинг дутор ижрочилигидаги талқини, техник имкониятлари, оҳангларининг жозибадорлиги мавжуд. Бу эса уларнинг бетакрор ижро маҳоратига эга эканликларидан далолат беради.**

Шунинг учун ҳам Султон Қосимов шогирдлари билан олиб бориладиган машгулотларда кўриктанловларга, синф концертларига тайёргарлик кўриш жараёнларида доимо уларни профессионал ижрочиликка йўналтириш мақсадида “-дуторнинг табиий товуш сифатини аниқлай олмайдиган созанданинг ижросидаги куй мувафақиятли натижа бермайди” деган иборани кўп таъкидлаб ўтади. У ўзининг қалб қўри, меҳрини бағишилаб, ўнлаб истеъоддли шогирдларни камолга етказди.

Шогирдлари Республика миқёсида ўтказилган кўрик-танловлар ва фестиваллар ғолиби бўлган. Д.Ибрагимова, У.Юнусов, У.Ҳамирова, Д.Рахимова,

3. Мўминовалар санъат мактабида, коллеж ва лицей, Ўзбекистон давлат консерваторияси, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтларида меҳнат фаолиятларини олиб бормоқдалар.

У нафақат устоз, балки гўзал инсоний фазилатлари билан ҳам ўз шогирдларига ўрнак ва намуна бўлаётган камтар санъаткордир. Унинг санъатга фидойилиги, тўғрисўзлиги, самимийлиги шуҳрат ёки мансабга эга бўлиш учун эмас, балки келажак авлодни тарбиялашдек табаррук ишга ўз ҳаётини бағишилганлиги доимо шогирдларга ўрнак бўлиб келмоқда.

Ҳар бир созанданинг дутор ижрочилигидаги талқини, техник имкониятлари, оҳангларининг жозибадорлиги мавжуд. Бу эса уларнинг бетакрор ижро маҳоратига эга эканликларидан далолат беради.

Султон Қосимовнинг ижрочилик соҳасидаги кўп ийллик меҳнати ва изланишлари ундаги ўзига хос услубни юзага келишига, яъни академик ва анъанавий ижро йўналишининг омихталигига сабаб бўлди. Шу билан бир қаторда бобоси Ориф Қосимов ижрочилик мактабининг давомчиси бўлиб қолди.

Устозларнинг талқинидаги куйларни тинглаш, уларнинг ижро услубларини нафақат ўрганиш, балки ўқувчи-созандаларнинг келгусидаги ўз ижро услубининг шаклланишига ва ривожланишига асос бўлади ҳамда уларни устозлар ортидан эргашиб юртимиз мусиқа санъати ривожига катта ҳисса қўшади.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. –Тошкент: “Маънавият”, 2008.
2. Асилов М.А, Васильев Ф.Н. Дутор дарслиги. –Тошкент: “Ўқитувчи”, 1977.
3. Ливиев А. Ўзбек ҳалқ чолғу асблоблари оркестрлари. –Тошкент: “Ўқитувчи”, 1971.
4. Мухамедова Г. Дутор. –Тошкент: “Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси” нашриёти, 2003.
5. Қосимов О. Дутор тароналари. –Тошкент: “Ўқитувчи”, 1978
6. Қосимов О. Дутор наволари, 1-китоб. –Тошкент: “Фоур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат”, 1983.
7. Қосимов О. Дутор наволари, 2-китоб. –Тошкент: “Фоур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат”, 1983.
8. “Қалб қўзи” газетаси. 1995 йил.
9. “Совет Ўзбекистони санъати” газетаси. –Тошкент: 30 июль 1980 й. 4-б.
10. Рахимов Ш. Дутор. –Тошкент: “Ўқитувчи”, 2004.



**Самир АББАСОВ**

**Директор Азербайджанского Культурного Центра им.**

**Гейдара Алиева при посольстве Азербайджанской**

**Республики в Республике Узбекистан – Аббасов Самир Алигасан оглы**

# **ГОСУДАРСТВЕННАЯ ПОЛИТИКА В ОБЛАСТИ УЛУЧШЕНИЯ БИБЛИОТЕЧНОЙ ИНФОРМАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В АЗЕРБАЙДЖАНЕ**

**Резюме.** В данной статье обсуждается государственная политика в области совершенствования библиотечно-информационной деятельности в Азербайджане. Кроме того, в статье были взяты за основу “Государственная программа развития библиотечной информации в Азербайджанской Республике на 2008-2013 годы” и Приказ Президента Азербайджанской Республики “О совершенствовании деятельности библиотек в Азербайджане”

**Аннотация.** Ушбу мақолада Озарбайжондаги күтүбхона-ахборот фаолиятини тақомиллаштириши соҳасидаги давлат сиёсати муҳокама қилинган. Бундан ташқари мақолада “2008-2013 йилларда Озарбайжон Республикасида күтүбхона ахборотини ривожлантиришининг давлат дастури” ва Озарбайжон Республикаси Президентининг “Озарбайжонда күтүбхона фаолиятини тақомиллаштириши тўғрисида”ги Фармони асос қилиб олинган ю

**Annotation.** The given article discusses the state policy in the field of improving library and information activities in Azerbaijan. “State Program on Library Information Development in the Republic of Azerbaijan for 2008-2013” and “Order of the President of the Republic of Azerbaijan “On improving the activity of libraries in Azerbaijan” were taken as basis.

В решении всех задач - сохранение ценного историко-культурного, литературно-художественного и научно-философского наследия, созданное нашим народом, доведение успехов из поколения в поколение, достигнутые культурой человечества, и увеличение интеллектуально-духовного потенциала нашего общества, создание информационного общества и общества знаний – библиотеки все эти большие обязанности берут на себя.

Библиотеки – это единственный социальный институт, который оказывает всем слоям населения библиотечно-информационные услуги. Они выполняют незаменимую функцию в формировании интеллектуального потенциала населения и его развития. Именно с помощью библиотек собираются и сохраняются в системной форме носители различных информаций, организуются их бесплатное общественное пользование. Библиотеки сохраняют национальное прошлое, национальное и интеллектуальное богатство и передают из поколения в поколение. Сегодня во многих библиотеках Азербайджана хранятся редкие экземпляры рукописей, книг, газет и журналов. Многие из них подарены библиотекам из личных коллекций.

В данное время библиотеки являются заведением, которые обеспечивают все слои населения бесплатным обслуживанием, постоянной государственной информацией и политикой образования. Не случайно, что в 50-ом пункте Конституции Азербайджанской Республики об организации библиотечных услуг населению

Азербайджана и обеспечении их право на получении любой информации, говорится: «Каждый правовым путём может найти нужные сведения, имеет свободу на получение, подготовку и распространение этих сведений» (15,32).

Именно по – этому во всех библиотеках городов и районов республики, принадлежащие им вечно охраняемые неповторимые и неподражаемые материалы (научные издания, местные газеты), должны быть приостановлены и постепенно должны стать носителями электронной информации.

В результате Армяно-Азербайджанского, Нагорно-Карабахского конфликта армянские вооруженные группировки на наших захваченных территориях сотворили акт вандализма, разрушили 9 Централизованных Библиотечных систем, где охранялись более 4-ёх миллионов книг, и 927 библиотек были совсем разрушены, разграблены (11).

Независимому Азербайджанскому государству от советского времени в наследство библиотечному делу остались большие проблемы. Создание нашей страной рыночных экономических отношений после завоевания независимости, происходящие изменения в экономике, политике, государственном строительстве, в идеологии – всё эти изменения стали причиной обновления библиотечной работы. Претворяющие в жизнь коренные идеологические изменения в стране, отказ от марксизма-

ленинизма и социалистической идеологии, борьба за демократизацию библиотечного дела, отмена партийного принципа и цензуры, господствующие годами в этой области, требовало создание библиотечного дела на основе новых идеологических принципов, нового мировоззрения и национально-духовных ценностей.

В Азербайджане забота о библиотеках и государственная политика в области улучшения положения библиотек стала претворяться в жизнь после прихода к власти общенационального лидера азербайджанского народа Гейдара Алиева.

В прямом значении слова, 15 июня 1993 год – это начало новой эпохи в жизни Азербайджанской Республики. В жизни независимого, суверенного Азербайджанского государства начался новый этап – этап Гейдара Алиева (36,32).

В культурной жизни независимого Азербайджана начало XXI века богато многочисленными запоминающими мероприятиями. После устранения трудностей переходного периода, в области государственного культурного строительства были приняты несколько документов программного характера, освещдающие путь будущего развития, направление его развития, определяющие цели и обязанности.

Общенациональный лидер Гейдар Алиев этот сектор как приоритетное направление культурной жизни всегда держал в центре внимания. Великий лидер в 1995 году поручил Кабинету Министров детально анализировать развитие библиотечного дела в Республике. По этому указу, в 1996 году в Кабинете Министров состоялось республиканскоe совещание библиотечных работников, были определены новые направления в развитии библиотечного дела и обязанности. 27 июля 1996 года был принят закон «О положении библиотечного дела в Азербайджанской Республике и о мероприятиях по его улучшению», закон имел особую роль в развитии библиотек в будущем.

29 декабря 1998 года был принят Закон Азербайджанской Республики с подписью общенационального лидера Гейдара Алиева «О библиотечной работе», с 12 марта 1999 года он начал действовать. Этот закон в нашей стране организует основу государственной политики в сфере библиотечного дела. В третьем пункте Закона говорится: «...автоматизация библиотечного дела, постепенный переход библиотечного фонда в носители современной информации, использование систем электронного обмена (интернет и др.) и отражение в этих системах национальных фондов; создание информационной системы, направленная на овладение национального и всемирного культурного богатства; обеспечение возвращения редких книг и рукописей из библиотек

зарубежных стран в Азербайджанскую Республику, которые являются национальным достоянием; строительство зданий государственных библиотек, капитальный ремонт, снабжение государственных библиотек современным оборудованием и техническими пособиями; определение государственных стандартов о библиотечном деле; проведение статистического учёта библиотечных фондов и др.» - все эти задачи уже нашли своё решение.

Основатель науки библиотековедения в Азербайджане, профессор Абузер Халафов в своём исследовательском произведении писал: «Этот закон является основой государственного отношения к библиотечному делу, государственной заботы и государственной политики в Азербайджане, является его гигантским камнем, правовой базой сохранения библиотечной сети и развития» (36,33).

Обеспечение населения информацией, которая является глобальной проблемой в мире, для нашей страны и сегодня актуальна. Именно библиотеки Азербайджана должны отвечать информационным потребностям развивающегося Азербайджанского государства и его граждан, должны обеспечить выход национальных ресурсов на мировое информационное пространство. Для осуществления стоящих перед нами задач, требуется основательная реформа в библиотечно-информационной области Азербайджана.

6 февраля 1998 года с подписью общенационального лидера Г. Алиева был принят Закон Азербайджанской Республики «О культуре». В Законе библиотекам, как составная часть культурных учреждений, отведено первое место и в 24 пункте Закона под названием «Библиотечная деятельность» говорится: « Библиотечная деятельность должна обеспечить граждан правом свободного пользования информацией, претворяется в жизнь с целью осуществления их потребностей к книгам, периодическим изданиям и другим документам, организующие фонд библиотеки» (15,78). В Законе из 9-ти разделов и 51-го пункта - библиотеки являются составной частью культурных учреждений и это исходит из того, что они выполняют культурную функцию и являются составной частью всеобщей культуры.

Законом Азербайджанской Республики является ещё один указ с подписью общенационального лидера Гейдара Алиева «Об информации, информировании и защите информации». Во втором пункте Закона, которая состоит из шести разделов, 21 пункта, оценивается «информация в период технологически-информационных процессов, в том числе, методы и система способов, используемые применением вычисления и коммуникационной техники».

Общественностью с большим удовлетворением был встречен Приказ (10) главы страны, уважаемого

президента Ильхама Алиева от 10 апреля 2007 года об «Улучшении библиотечной деятельности в Азербайджане», непосредственно посвящённое библиотечному делу и имеющее важное стратегическое значение.

В истории Азербайджанского библиотечного дела впервые был принят важный программный документ о библиотечном деле, о его значении, занимаемом положении в обществе, должности библиотек в условиях современного информационного общества, направления будущего развития и определения перспектив. Подписание такого документа – это проявление большой заботы главы государства о библиотеке и библиотечном деле, которая является неотделимой частью Азербайджанской культуры.

В этом важном документе комплексный подход к библиотекам, в широкой форме объяснена её роль и значение в науке Азербайджана, в истории культуры, просвещении нашего народа, в повышении культуры и интеллектуального уровня, в образовании и воспитании, библиотеки Азербайджана оценены как национальное богатство Азербайджанского народа.

Президент в приказе затронул важную проблему – проблема возвращения в республику ценных Азербайджанских книг, которые хранятся в главных национальных библиотеках зарубежных стран.

В приказе указано: «Наша страна, начиная с древних времён, выделялась своей высокой библиотечной культурой и известна богатыми библиотеками.

В начале XIX века в результате событий, происходящие в регионах, из страны были вывезены многочисленные рукописи, которые хранились в различных библиотеках Азербайджана, они отражают в себе мир литературно-эстетических, научно-культурных мыслей нашего народа, и сегодня, являясь основой Восточного фонда во всемирных библиотеках, там сохраняются» (15, 164).

Эта проблема, которая отражена в документе, давно беспокоила научную общественность, книговедов и учёных книговедов. Но решить эту проблему, вернуть в республику ценные Азербайджанские книги, рукописи и редкие книги было невозможно. Эту проблему возможно было решить только на государственном уровне. В этом приказе перед государственными органами были поставлены конкретные обязанности: в связи с интенсивным развитием

Азербайджана к информационному обществу, расширить возможность всестороннего использования научно-культурного информационного состояния, также, обеспечить включение библиотек страны во всемирное информационное пространство. В этой области уже проделаны важные работы. Надеемся, что на основе планов мероприятий, подготовленные Министерством Культуры и Туризма в связи с решением этого приказа, решение этой проблемы последовательно будет

продолжаться.

Поприказу, Министерство Культуры и Туризма совместно с соответствующими организациями, подготовив план мероприятий: ремонт действующих библиотек в регионах Азербайджана, укрепление материально-технической базы и обеспечение современными информационными носителями, претворили их в жизнь. В документе уже решены поручения: создание в больших библиотеках страны электронного каталога, поднятие электронной библиотеки до уровня современных стандартов, создание на его базе «виртуальной библиотеки Азербайджанской литературы» и обеспечение читателей.

В Приказе Президента Азербайджанской Республики от 20 апреля 2007 года «Об улучшении деятельности библиотеки в Азербайджане» один из пунктов, имеющий важное значение для развития Азербайджанской науки в будущем, является предложение о постройке нового здания Центра Научной Библиотеки АННА на территории «Академического городка» и было дано соответствующее поручение о представлении её в течение месяца Президенту Азербайджанской Республики. Этот вопрос уже решён, новое здание Центральной Научной Библиотеки Азербайджанской Национальной Научной Академии – Центр Информационных Ресурсов сдан в эксплуатацию.

Хотели бы отметить, что этот указ, изданный уважаемым Президентом господином Ильхамом Алиевым – это исторический документ, определяющий приоритетные направления развития библиотечного дела в стране и претворения в жизнь. Поставленные здесь задачи, выдвинутые предложения, данные соответствующим организациям поручения – всё это имеет особое значение в создании информационного общества в Азербайджане, в информировании библиотек и открывает новые возможности развития этой области.

Именно во 2-ом пункте этого указа отмечено, что Министерство Культуры и Туризма Азербайджанской Республики совместно с соответствующими организациями в течение трёх месяцев должны подготовить «Государственную Программу» «По развитию библиотечно-информационной области в Азербайджанской Республике за 2008-2013 годы» и представить Кабинету Министров Азербайджанской Республики (15,167).

С целью выполнения этого указа и претворения в жизнь «Государственной Программы» по развитию библиотечно-информационной области в Азербайджанской Республике» был подготовлен План Мероприятий и он был утверждён указом от 6 октября 2008 года Президента Азербайджанской Республики господина Ильхама Алиева (11).

В Азербайджанской библиотечной истории важное значение приобретает «Государственная Программа» как

документ, который точно показывает направление развития библиотечного дела, отличающееся содержанием, конкретностью, охватыванием, укрепление материально-технической базы, улучшение положения библиотечного обслуживания, его финансирование, точную дату исполнения претворяемых в жизнь мероприятий.

В «Государственной Программе» по плану мероприятий указаны проводимые в жизнь дела, их дата исполнения и показан исполняющий государственный орган и это ещё более укрепляет его практическое значение и систему контроля.

Этот документ состоит из пяти разделов и плана мероприятий по претворению в жизнь государственной программы.

В преамбуле Государственной Программы анализируются произошедшие события начала 90-ых годов прошлого века, отрицательное влияние больших трудностей переходного периода на библиотечное дело, понижение до параличного состояния изданий книг и системы книжного снабжения, укрепление материально-технической базы библиотек и создание серьёзных проблем в его финансировании основывается на конкретных фактах (11).

Одной из самых положительных сторон Программы то, что наряду с сетью государственной библиотеки, изучены в отдельности положения сети библиотек министерств, учреждений и организаций, анализированы проводимые в жизнь работы в этих сетях, проведены обобщения, реформы в библиотеках, они были снабжены информационной технологией и, анализируя проблемы информирования, были определены будущие задачи. Автор этих строк тоже близко участвовал в подготовке «Государственной Программы».

Для достижения цели нужна модернизация библиотек, проведение коренных реформ, изучение международного опыта, создание Азербайджанской модели информации и общества знаний, обеспечение информационной технологией, автоматизация библиотек, считается необходимым создание электронных библиотек.

Именно после подписания этой «Государственной Программы» каждый год из Государственного бюджета для республиканских библиотек было увеличено выделение финансовых средств. Внимание и забота всех государственных организаций библиотечно-информационной области намного увеличилось.

По проведению в жизнь «Государственной Программы по развитию в 2008-2013 годах в Азербайджанской Республике библиотечно-информационной области» с целью исполнение Плана Мероприятий проделаны важные работы, проведены комплексные реформы в библиотечно-информационной области республики.

1.2. параграфе Государственной Программы,

называемая «Цель и обязанности Государственной Программы», отмечается: « в условиях построения информационного общества нормативные правовые акты международных стандартов, модернизация библиотек, функционирующие в стране, на основе политики национального информирования; проведение коренной реформы, обеспечение интеграции в мировое пространство библиотечно-информационных ресурсов, изучение и применение международного опыта, организация межведомственных координаций; оказание помощи процессу создания Азербайджанской модели «информационному обществу», «обществу знаний»; формирование электронных информационных фондов и развитие виртуальных библиотек, предоставление на использование читателям «виртуальной библиотеки Азербайджанской литературы»; обеспечение создания электронного каталога и электронных библиотек, доведение их до уровня современных стандартов; создание инфраструктуры компьютеризированных библиотек, снабжение библиотек новой информационной технологией; подготовка государственного регистра «Книжные памятники Азербайджана», переведение ресурсов национальной информации на электронные носители, улучшение уровня библиотечно-информационного обслуживания всем слоям населения; привлечение государства и доноров-организаций для разработки проектов по обеспечению модернизации библиотечно-информационной сети в Азербайджане; повышение общественного статуса библиотек, усиление государственной заботы библиотечно-информационной области, повысить этой области внимание различных общественных и международных организаций» и др. важные задачи, можно сказать, нашли своё решение (15,121-123).

Как заслуживающее одобрение, следует отметить, что за последние годы в Азербайджане созданы Веб-сайты всех библиотек, также, Центральных библиотек городов, районов, имеющее республиканское значение, они обеспечены компьютерами и современной информационной технологией. Электронные каталоги и электронные библиотеки Центральных библиотек городов и районов республики, также всех больших библиотек республиканского значения даны на использование читателям.

В общем, Государственная Программа, проводимая в жизнь, даёт возможности для приобретения успехов как во всех областях республики, также, в области библиотечного дела. С каждым годом увеличиваются средства, выделяемые из Государственного бюджета библиотечно-информационной сети республики и это открывает новые возможности для развития библиотек.

В финансировании библиотек кроме Государственного

бюджета необходимо привлечение донорских организаций, неправительственных организаций, деловых людей и таким образом возможно решить предстоящие проблемы.

В процессе становления библиотечной сети, которая является независимым институтом в культурной жизни страны, должны быть использованы целевое финансирование и адресная помощь.

Динамика развития библиотечно-информационной области Республики, для финансирования библиотек «Государственной Программы по развитию библиотечно-информационной области в Азербайджанской Республике за 2008-2013 годы» по заявлению Министерства финансов объём выделенного средства нашли своё отражение в нижеследующей схеме.

Таким образом, с целью выполнения Государственной Программы, выделенные библиотекам средства по сравнению с 2008 годом в 2009 году достиг самой высшей ступени – увеличиввшись на 322,4 тысяч, организовала 1159,4 тысяч манатов.

В общем, если анализировать по схеме выделенные средства библиотекам, то трудно будет решить модернизацию более 10 тысяч библиотек Азербайджанской Республики, укрепление их материально-технической базы, автоматизацию библиотек, также, довести уровень их деятельности до современных мировых стандартов. Именно по этой причине это решение каждый год находится под вниманием государства и во время обсуждения общественностью Государственного Бюджета в целях повышения дополнительных средств, выделяемые на сферу культуры, выдвигаются каждый год новые предложения по увеличению средств.

В результате, можно отметить, что с увеличением материальных возможностей Республики, с развитием экономики, увеличивается забота государства этой сфере, улучшается материальная стойкость библиотечно-информационной области и открываются новые возможности для их развития.

#### **Список литературы**

1. "Azərbaycanda kitabxanaların fəaliyyətinin yaxşılaşdırılması haqqında" Azərbaycan Respublikası Prezidentinin Sərəncamı // Azərbaycan. 2007, 21 aprel.
2. Azərbaycan Respublikasında kitabxana informasiya sahəsinin 2008-2013-cü illərdə inkişafı üzrə Dövlət Proqramı// Kitabxanaşunaslıq və bibliografiya: elmi-nəzəri metodik və təcrübə jurnal. 2008, №2, S.7-30.
3. Azərbaycan kitabxanaları XXI əsrin informasiya məkanında. I kitab (I, II cildlər). Bakı: Nurlar Nəşriyyat Poliqrafiya Mərkəzi, 2007, 864s.
4. Xələfov A., Hüseynova A. Elektron kataloqlarının əhəmiyyəti və təşkili prinsipləri//Bakı Universiteti Xəbərləri:Humanitar elmlər ser. 2004, № 4, S.288-290.
5. Xələfov A.A. Heydər Əliyev və Azərbaycanda kitabxana işi. Bakı: Azərnəşr, 2006, 312 s.
6. Xələfov A.A.Azərbaycanda kitabxana işinin tarixi:Dərslik.I hissə.Bakı: Bakı Universiteti nəşriyyatı, 2004, 328 s.
7. Xələfov A. A., Musayeva N.N. Avtomatlaşdırılmış kitabxana-informasiya idarəetmə sistemləri //Bakı Universitetinin xəbərləri:Humanitar elmlər seriyası. Bakı: Bakı Universiteti nəşriyyatı, 2002, № 2, s. 243-250.
8. Əliyeva-Kəngərli A. Milli-mənəvi dəyərlərimiz: yaradanlar və yaşadanlar. Bakı, Proqres, 2012, 581 s.
9. Əliyeva-Kəngərli A.İ. Ənənəvi kitabxanadan avtomatlaşdırılmış informasiya mərkəzinə doğru // AMEA MEK Elmi əsərləri. 2003, № 4, s.13-23.
10. 23.Əliyeva-Kəngərli A. Müasir Azərbaycanda elmin informasiya təminatı və kitabxanalar. Bakı: Elm, 2007, 394 s.
11. Məmmədov E.Ç. Müasir elektron kitabxana şəbəkəsinin yaradılması mexanizmlərinin işlənməsi: 3356.01 - Kitabxanaşunaslıq, biblioqrafiyaş-naslıq və kitabşunaslıq ixtisası üzrə texnika üzrə fəlsəfə doktoru elmi dərəcəsi almaq üçün təqdim edilmiş dissertasiyanın avtoreferati. Bakı, 2016, 17 s.
12. Məmmədova L.A. Azərbaycan kitabxanaları: modernləşmə yolları axtarışında. Bakı: Təhsil NPM, 2003, 56 s.
13. Alguliyev R.M., Aliguliyev R.M., Nabibayova G.Ch. The method of measuring the integration degree of countries on the basis of international relations // International Journal of Intelligent Systems and Applications.2015,vol.7 (11),p.10-18.
14. Alguliyev R.M., Ghazani, S.H.H.N. Design and implement of light weight QoS algorithm for ad hoc networks // International Journal of Applied Engineering Research. 2015, vol.10, no.17, pp.37839-37845.



# ЎЗБЕК НИКОХ ТҮЙИ МАРОСИМ УДУМЛАРИ

**Аннотация.** Ушбу мақолада Қашқадарё воҳасида ўтказиладиган никоҳ тўйларининг, турли-туман урф-одат, маросим, расм-русумлар ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилган.

**Калим сўзлар:** Тўй, никоҳ, борлик, тўққиз жўнатиш, кичик тўй, хатми Куръон, қиз базми, қиз оқшиоми, қиз йигди, лапар кечаси.

**Аннотация.** В данной статье речь ведется о традиционных свадьбах, различных национальных обычаях и обрядах, мероприятиях, свадьбах, которые проводятся на каракадарьянской области.

**Ключевые слова:** свадьба, брак, действительность, послать угожение, малая свадьба, чтение Корана, девичье собрание, вечер лапара.

**Annotation.** The given article deals with traditional weddings, various national customs and ceremonies, events, held in Kashkadarya region.

**Key words:** wedding, marriage, reality, send a treat, small wedding, reading the Koran, maiden meeting.

Мамлакатимизда бугунги кунда миллий минталитетимизни белгилайдиган маънавий қадриятлар, жумладан, маросим фольклори материалларини барча худудлар бўйича тўплаш ва тадқиқ этиш фольклоршуносликнинг устивор тамойилларидан бири бўлиб қолди. Бу йўналиш маросим фольклори жанрларининг локал хусусиятлари ва худудий ранг-баранглиги аниқлаб ўзига хос жиҳатларини очиб бериш имконини яратди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида келтирилган “Миллий маънавий ўзлиқка эга бўлиш, маданий меросни ўзлаштириш учун кураш ялпи ижтимоий ҳаракат” сифатидаги устивор стратегик йўналиш илмий изланишлар кўламини кенгайтиришга асос бўлмоқда. [1] Ўзбек тўй маросимларида ижро этилувчи фольклор намуналари ранг-барангликлари билан ажralиб туради. Қашқадарё воҳаси никоҳ тўйи маросим фольклори манбаларини тўплаш мавжуд жанрларни аниқлаш, уларнинг маросим тизимидағи вазифаси ва бадиий-эстетик қимматини ўрганиш фольклор жанрларини тарихий тараққиётини ва бадиатига доир янги назарий хуносалар чиқаришга асос бўлиши билан долзарблик касб этади.

Дунёдаги кўпгина халқлар қатори ўзбек тўйлари орасида никоҳ тўйлари турли этнографик ва фольклор материалларига бойлиги билан алоҳида ажralиб туради. Шунинг учун ҳам “тўй” сўзини эшитган ҳар бир ўзбекнинг кўз олдига, энг аввало, никоҳ тўйи келади. Бунинг бошқа сабаблари бор. Никоҳ тўйи балофатга етган икки ёшнинг эл-юрт нигоҳи олдида ота-она, қариндош-урuf, дўст-ёр розилиги билан қўшилишини ва шу орқали жамият ҳаётида

давомийликни таъминлаш, насл қолдириш мақсадида ўтказиладиган энг эзгу маросим. Чорвачилик ривожланган худудларда қалин пули жонзотлар ҳисобидан берилган. Яъни чўпон таёғи сурувга қараб отилган. Шунда қанча кўй сурувдан ажralиб чиқса, ана ўша қалинга берилган. Бу қўйлар халқ орасида “борлик” деб юритилган. Икки томон ўртасида қалиннинг ҳажмини белгилаш маросими “келин иссиш” деб аталади [4.Б.96-98].

Мана шу ўринда яна бир нарсага алоҳида аҳамият бериш керак бўлади. Қашқадарёда тўйгача бўлган даврда ўтказиладиган катта маросимлардан бири “тўққиз жўнатиш” деб юритилади. Унда куёв томон келиннинг уйига юборадиган нарсаларнинг барчасини тўққизтадан юборади. Масалан, тўққиз ботмон гуруч, тўққиз ботмон ун, тўққизта қўй, тўққизта қўйлак, тўққиз хил мато, тўққизта рўмол ва ҳ.к. Албатта, барча нарсаларни тўққизтадан юбориш тўққиз мақомининг қадимдан ота-боболаримиз наздида сеҳрли рақам ҳисобланганлиги билан изоҳланади. Кечқурун тўққизтадан тайёрланган нарсаларни икки эркак ва икки аёл келиннинг уйига олиб келадилар. Келиннинг уйида эса қариндош-урuf, келиннинг дугоналари олиб келган нарсаларни кўриб, маъқуллашгандан кейин қизнинг ота-онаси тайёрлаган барча нарсаларни корчинга жойлаштирганлар.

Юқоридагилар билан никоҳ тўйининг биринчи қисми якунланади. Кўриниб турибдики, ўзбек никоҳ тўйларининг дастлабки босқичи турли-туман урф-одат, маросим, расм-русумларга бойлиги ва очигини айтганда, чиқимдорлиги билан алоҳида ажralиб туради.

Иккинчи босқич – келин тушди ёки катта тўй.

Қашқадарё воҳасида ҳам никоҳ тўйлари бошқа регионлардагидек икки кундан иборат бўлган. Бундай

муддат күёв томонда ҳам, келин томонда ҳам бир хил бўлган. Тўйнинг биринчи куни “кичик тўй” ёки “хатми Қуръон” деб юритилган. Бунда келин томон ҳам, күёв томон ҳам оламдан ўтган яқинларининг рух-арвоҳларига атаб, қишлоқ оқсоқолларини тўплаб, зиёфат қилиб, Қуръон сураларини хатм қилдирган. Тўйнинг биринчи кунини “хатми Қуръон” деб аташнинг сабаби шунда.

Кичик тўй куни “қиз базми”, “қиз оқшоми”, “қиз ийғиди”, “лапар кечаси” каби атамалар билан номланган. Чунки узатилаётган дугоналарининг зиёфатини ўtkазиш учун ийғилган қизлар кечани қиздириш мақсадида чилдирма чалиб, ўйин қилишади. Мана шундан сўнг ўйинни томоша қилиб турган йигитлар бир томонга, қизлар бир томонга туриб олишади, ўртада баланд қилиб гулхан ёқишиади. Ахборотчиларнинг мълумотига кўра, илгари Қашқадарёнинг чорвадор аҳолиси ўртасида лапарни бошлаб берувчи аёл ва эркаклар бўлган. Улар бир-бирларига лапар айтишиб, ёш йигит-қизларни илҳомлантирганлар. Ҳозир бундай бошловчилар йўқ. Кўпгина тўйларда лапарни сўзга чечан кайвонилар ёки кишилар бошлаб беришади.

Лапар жанрининг маъноси ҳозирга қадар илмий адабиётларда изоҳланмаган ва бу борада бирорта янги изоҳ бера олмаймиз. Шу боис тўғридан-тўғри лапар матнларини таҳлил этишга ўтамиш. Бироқ шу нарсани алоҳида таъкидлашни истар эдикки, лапар кечаси йигит-қизлар ўртасидаги меҳр илларини боғлашга хизмат қилиши баробарида мазкур жанр ўзига хос сўзга чечанлик синови, айтишув синови вазифасини ўтаган. Бундан ташқари лапар айтишув ёш йигит ва қизлар ўртасида дил розини баён этиш воситаси ҳам ҳисобланган.

Лапарни кайвони қуидаги тўртликни айтиш билан бошлаб беради:

Йўллардан ўтган борми.

Билакузук топган борми?

Оддийгина ёримни,

Алдаб ўтганлар борми?

Мана шундан кейин ё қиз томон, ё йигит томон лапар айтишни бошлаб юборади:

Йўллардан ўтган ўзим,

Билагузук топган ўзим.

Оддийгина ёримни

Алдаблар ўтган ўзим.

Агар диққат қилинса, лапарнинг бошланишидаги банд мазмуни, шакли (вазни), образлар тузилиши, қофияланиш тартиби кейинги мисрада давом эттирилганини кўриш мумкин. Дарҳақиқат, бошловчি банддаги билагузук топган йигит ўз баҳтини топиб, мақсадига эришган ошиқнинг тимсоли. Шу боис лапарчи йигит тилидан айтилган банддаги йигит образи ана шу баҳтиёр ошиқ тимсолининг давоми, айнан ўзидан иборат. Үнга қарата қиз томон ўзининг жавобини қайтаради:

Қиз:

Гулгун гуттолигини,

Гулим устида қўлим.

Мен-ку йўлдан адашдим,

Қайсиdir менинг уйим.

Демак, йигитнинг ширин гапларига ишониб, алданиб қолган қиз тақдирга тан беряпти ва тезроқ эл-юрт олдида тўй қилиб, мен келин бўлиб тушадиган уйни кўрсат демоқда. Бунга жавобан йигит шундай дейди.

Йигит:

Гулгун гуттоли гулинг,

Гулинг устида қўлинг.

Сен-ку йўлдан адашсанг,

Чор атроф сенинг уйинг.

Ошик алданиб таслим бўлган маъшуқага барча нарсани, жумладан, ҳовлининг тўрт томонига қурилган уйларнинг барчасини ҳадя этмоқда. Лапар тўртлик кўринишидаги шеърий мисралардан иборат, қашшоқ бадиий шаклга эга бўлса ҳам, мавзу ва мазмун жиҳатдан ниҳоятда бой ва эркин жанр ҳисобланади. Шу боис банддан-бандга образлар, уларнинг ноз-карашмали айтишлари кескин ўзгариб кетаверади. Бу жанрининг поэтик табиатини белгиловчи муҳим шартлардан бири ҳисобланади. Масалан, юқорида келтирилган лапар бандларида алдаб ўз мақсадига эришган ошиқ ва ўз тақдирига кўнган маъшуқа ҳақида сўз юритилган бўлса, қуидаги бандларда бутунлай бошқа ошиқ-маъшуқлар ҳақида куйланади.

Қиз:

Негадир-о, негадир,

Умринг ҳар йил кечадир.

Осмонда ёрииг юлдуз,

Санаб тушгин, нечадир?

Йигит:

Нечадир-о, нечадир,

Умрим минг йил кечадир.

Сен нарвон бўл, мен чиқай,

Санаб тушай нечадир.

Қиз:

Ариқ лабини ўйдим,

Қўлимга хина қўйдим.

Ота-онамдан кечиб,

Ёримга бино қўйдим.

Йигит:

Ариқ бўйида майса,

Майсанинг гули майда.

Ҳамманинг ёри ўйда,

Бизнинг қаламқош қайдა?

Тўйларда ижро этиладиган лапарларнинг мавзу доираси шу қадар кенгки, уларнинг айтимларида қиз йигитга мушкул юмушлар бажаришни буюрса, йигит бундай юмушларни фақат қиз ҳамроҳ бўлсагина адо этажагини изҳор қиласди. Айрим лапар намуналари анъанавий

лирик мотивлардан иборат бўлсалар ҳам, бироқ уларда маҳаллий колорит устунлик қиласди. Бундай маҳаллий колорит лапар мисраларида қўлланган анъанавий поэтик деталлар таркибида кўзга ташланади. Масалан, ўзбек ҳалқи ўртасида қадимдан ижро этиб келинган лапарларда “Ариқ бўйида жийда, Жийданинг гули майдা” деб қўлланган бўлса, С. Рўзиева (ахборотчи) вариантида “Ариқ бўйида майса, Майсанинг гули майдা” деб куйланади. Бизнингча, “жийда”нинг “майса” билан алмаштирилиши маҳаллий шарт-шароит, ўсимлик дунёси асосида юзага келган. Чунки лапар айтувчи шеърий мисраларни қуруқ ижро этувчи эмас, балки унга ижодий ёндашувчи, бадиий деталларни бевосита ўзи яшаётган шароитдан изловчи бадиҳагўй ижодкордир. Шу билан бирга у анъанавий ўзбек лапарларида кенг тарқалган жафокор маъшука образига хос етакчи хусусиятни ифодаловчи “ҳамманинг ёри уйда бўлган пайтда, унинг ёрининг уйда бўлмаслиги” мотивини ҳеч қандай ўзгаришсиз қўллади. Чунки ёрнинг золимлиги, бевафолиги, жафокорлиги мотиви ҳалқ лирикаси, шунингдек, классик шеърияти-мизда кенг тарқалган мотив бўлиб, ҳалқ лапарларида ҳам бу мотив анъанавий қўлланилади.

Қашқадарё никоҳ тўйларида ижро этиладиган ҳалқ лапарлари асосан мустақил тўртликлар шаклида бўлса ҳам, бироқ айрим лапарлarda анъанавий шакл тамоман бузилади. Масалан, С. Рўзиевадан ёзиг олинган лапар намунасида қиз айтган лапар ўн икки мисрадан иборат бўлса, йигитнинг қизга айтган жавоби эса олти мисрадан иборат ва ҳазил-тегажонлик мазмунидадир:

Қиз: Ох, жайдари йигитнинг  
Оқ ўтови бор экан.  
Оқ ўтовнинг ичидা  
Ой келинчак бор экан.  
Ой келинчак ёнида  
Тилла бешик бор экан.  
Тилла бешик ичидা  
Ой чақалоқ бор экан.  
Ой чақалоқ бошида  
Қизил олма бор экан.  
Қизил олмани тишлаб  
Макка томон йўл бошланг.

Қизнинг тилидан айтилган ўн икки мисрадан иборат бу банддаги ҳар бир образ, ҳар бир деталнинг “оқ” эпитети бор. Ушбу эпитет биринчидан, икки ёшнинг бир-бирига меҳр-оқибатини, самимийликни билдиради. Чунки “оқ жайдари йигит”, “оқ ўтов” баҳтлилик аломати. “Оқ” эпитетининг давоми эса “ой” эпитети билан давом этади. Ушбу эпитет ҳам ёруғлик, порлоқ келажак белгисидан иборат. Иккинчидан, ўн икки мисрадан етти мисранинг “о” товуши, икки мисранинг “т”, икки мисранинг “қ” товуши билан бошланиши лапарда анафорик аллитерация мавжудлигини кўрсатади. Анафорик алли-

терация эса мисралар бошланишига оҳангдошлиқ, уйғунлик бағишлишдан ташқари баҳт, порлоқ келажак, омад, меҳр-оқибат маъноларини ифодаловчи рамзий образларни алоҳида ажратиб кўрсатиш, уларга алоҳида ургу бериш вазифасини бажаради.

Йигитнинг қизга жавоби ҳам худди юқоридагига ухшаш, аммо “и” ва “қ” товушларининг уйғунлигига асосланган, аммо нисбатан озроқ мисралардан ташкил топган:

Йигит:  
Макка йўли узоқдир,  
Ичган сувим булоқдир.  
Ича-ича маст бўлдим,  
Қизлар билан дўст бўлдим.  
Қизлар кетди қир ошиб,  
Бизлар қолдик адашиб.

Анъанавий тўртлик шаклдаги бандлардан тузилган лапарлар Қашқадарё воҳасидаги никоҳ тўйларида ижро этиладиган ҳалқ лапарларининг энг катта қисмини ташкил этади. Бундай лапарларда ўткир юмор, баъзан кескин ҳажв, баъзан тортишув, баъзан дардлашув мотивлари амал қиласди. Тўртлик шаклидаги лапарларнинг томошабин-тингловчиларга таъсири кучли кечади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, ихчам анъанавий шакл лапар айтувчилар дилидаги нозик кечинмаларни, ўткир лирик драматизмни, серзавқ коллизмни ёрқин ифодалайди. Иккинчидан, бундай лапарлар а-а-б-а шаклида анъанавий қофияланиш тизимига, етти-саккиз бўғинли енгил ва ўйноқи вазнга эгалиги билан тингловчилар ҳамда томошабинларга тез етиб боради. Шу боис аксарият никоҳ тўйлари лапарлари туркий ҳалқлар оғзаки лирик жанрларининг асосий шарҳ ҳисобланмиш мустақил тўртлик бандлардан ташкил топган.

Тўртлик шаклининг ҳалқ шеъриятида етакчи строфик қолип вазифасини адо этишининг ўзига хос сабаблари ҳам бор. Академик А.Н. Веселовский [3.Б.60] ва бошқа кўплаб олимларнинг эътироф этишларича, тўртлик шакли психологияк параллелизмлар қўллашнинг энг қулай воситасидир. Психологияк параллелизм эса киши қалбидаги кечётган ҳис-туйғуларни табиат ҳодисаларига уйғунлаштирган ҳолда таъсирчан ифодалаш кенг имконият беради. Масалан, юқорида келтирилган лапарлардан бирида ўз ҳаёт йўлини, қизлик қисматини бузуб, ота-онасидан кечиб, ёрига бино қўйган, ишонган жувоннинг кечинмалари, руҳий дунёси рамзий йўл билан ифодаланган. Чунки лапардаги ариқ бир текисда оқаётган қизнинг бокира ҳаётидан иборат бўлса, ариқнинг бўйини ўйиши шу ҳаётнинг бузилишини яъни қизнинг бирор йигитга ошуфта бўлиб, ўз ҳаёт йўлини бузилишини англатади. Қўлига хина қўйиши эса унинг ёрга эришишини билдиради. Ушбу матн рамзий ифодалашдан мақсад қизнинг ёрига ишониб, ота-

онасидан кечишини айтиш, бевафо ёрга ишониб, ҳаётдаги энг яқин кишиларидан ажралиб қолган жувоннинг дард-аламини, афсус-надоматларини ифодалашдир. Агар ушбу афсус-надомат очиқ ҳолда айтилса, унинг таъсир кучи йўқолади, шеъриятнинг ўзи қолмайди. Жувон дилидаги дард-аламини табиатга қиёслаш орқали рамзий ифодалаш эса психологик паралеллизмнинг халқ лирикасида қадим-қадимда синалган бадиий усул эканлигини яна бир кара исботлайди.

Қизлар базмida жамма вақт ҳам лапар ижро этил-авермайди. Айрим ҳолларда қишлоқ қизлари тўпланишиб, чилдирма чалишиб, ўйин қилишади. Мана шундай пайтларда сўзга чечан қўшиқчи қизлар лирик қўшиқлар ижро этишган.

Маълумки, қўшиқлар тематикаси бой, кишини мафтун этувчи мусиқаси бўлиб, улар маросимдан ташқарида ҳам, маросим пайтида ҳам ижро этилиши билан алоҳида ажралиб турадилар. Қўйида Яккабоғ туманинг Жарқишлоғида яшовчи Улаш Қобилова (ахборотчи)дан ёзиб олинган лирик қўшиқлардан намуналар келтирамиз:

Олманинг оқига боқ,  
Қайрилиб шохига боқ.  
Отам сенга бермайди,  
Қайрилиб ёнингга боқ.

Қўйида икки ёшнинг турмуш қуришига қаршилик кўрсатувчи ота ҳақидаги лирик мотив мавжуд. Бу мотив анъанавий лирик қўшиқларда шу даражада кенг тарқалганки, унинг хилма-хил варианtlарини битта қўшиқчи репертуаридан ҳам ёзилиш мумкин. Масалан, У.Қобиловадан юқоридаги лирик мотив иштирок этган қўшиқнинг бошқа варианtlари ёзиб олинди [5.5.216].

Томга сепдим седана,  
Териб есин бедана.  
Отам сенга бермайди,  
Кетавергин бегона.

Ушбу қўшиқда қиз отасининг қаршилигига бепарво қарайди. Чунки у йигитни севмайди. Шу боис у йигитга бегона деб мурожаат этади. Лекин айрим лирик қўшиқларда ёрнинг ноз-карашмаси, жафокорлиги ўзига хос деталлар воситасида ифодаланган:

Сув келади лойланиб,  
Ичиди ўрдак айланиб.

Ёринг келса, сен чиқма

Юрсин чорвөқ айланиб.

Лирик қўшиқларда ёрга муштоқлик, унинг қаддиқоматига шайдолик мотивлари куйланади. Бундай қўшиқлар орқали иболи қишлоқ қизлари қалбларида жўш урган дил изҳорларини ифодалаганлар:

Сой бўйида ўтировлиб,  
Сувди мунча лойлайсан?  
Саллангди дол қўйволиб,  
Юрагимни доғлайсан.

Лирик қўшиқларда яқин қариндошларга келин бўлиб тушган жувонларнинг ҳасратлари, ички изтироблари куйланган. Чунки ор-номус, ҳаё, ибо ва андиша, қолаверса, қариндош-уругчилик муносабатлари келинларнга қўнгил дардларини очиқ айтишга йўл бермайди. Мана шундай пайтларда лирик халқ қўшиқлари келинларнинг, қиз-жувонларнинг дил таржимонига айланади:

Тутга чиқиб тут ёдим,  
Бир шохига тўймадим.  
Аммамга келин бўлиб,  
Орзу-ҳавас кўрмадим.

Бироқ қўшиқлар орасида ёрнинг куйдирмажонлиги, ноз-карашмаси устунлик қилувчи мотивлар кўп куйланади. Бундай мотивлар халқ лирик қўшиқларининг энг кўп тарқалган турларини ташкил этади:

Рўмолимнинг учини  
Тугмачангга тугдирај.  
Қошимга ўсма қўйиб,  
Куймаганни куйдирай.

Лирик қўшиқлар кўпроқ етти ҳижоли бармоқ вазнида бўлиб, улар а-а-б-а шаклида қофияланган. Енгил ўйноқи вазн, киши қалбига бориб етувчи висол, ҳижрон, вафодорлик ва бевафолик каби лирик мотивлар халқ қўшиқларини тури жойларда, вазиятларда куйлашга мослаштирган.

Қизлар базмida тўпланган қишлоқнинг қиз-жувонлари ярим тунгача катта гулхан атрофида тўпланишиб, ё лапар айтишиб, ё лирик қўшиқлар куйлашиб, ярим тунга қадар базм қуришган. Мана шундан кейин улар зиёфат ейишиб тарқалишган. Никоҳ тўйининг кичик тўй деб аталган биринчи куни мана шу билан якунланган.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони //Халқ сўзи, 2017, 8 февраль. №28(6722)
2. Вазирлар Махкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги VMQ №222-сонли “2010–2020 йилларда Номоддий маданий мерос обьектларини муҳофоза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори//Халқ сўзи, 2010, 8 октябрь.
3. Веселовский А. Н. Из истории эпитета/Историческая проза. –Москва: 1989. С.59-75.
4. Саримсоков Б. Ўзбек маросими фолклори. –Ташкент: “Фан”, 1986. -216 б.
5. Қобилова У. –(ахборотчи) Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани Жар қишлоғи.

Шерали ҚҰЛДАШЕВ  
ЎзРФА Шарқшунослик институти докторанти (DSc),  
Х. АЗИМОВ  
ТошДШИ “Хитой тарихи, сиёсати ва иқтисодиёти”  
кафедрасы үқитувчысы

# ХИТОЙДАГИ ЎЗБЕКЛАР: МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР

**Аннотация.** Уибу мақола Хитойдаги ўзбеклар тарихи, маданиятига бағишланган. Үнда ўзбекларнинг Хитойга бориб жойлашиши, ижтимоий-маданий ҳаёти ва санъатидаги трансформациян ўзгаришилар масаласи батафсил ўрганилган.

**Калит сўзлар:** Хитой, ўзбеклар, тарих, маданият, адабиёт, санъатидаги ўзгаришилар.

**Аннотация.** Эта статья посвящена истории и культуры узбеков в Китае. Изучается история переселения узбеков в Китай и трансформация социально-культурных обычаяв на новой земле.

**Ключевые слова:** Китай, узбеки, история, культура, литература, искусство, трансформация.

**Summary.** This article is devoted to the history and the culture of Uzbeks in China. The history of resettlement of Uzbeks to China and transformation welfare, arts of customs in the new earth is studied.

**Keywords:** China, Uzbeks, history, culture, literature, art, transformation.

Ҳозир кунда Хитойдаги 56 миллатлардан бири бўлган ўзбеклар, асосан мамлакатнинг ғарбий қисмида, яъни Шинжонг-Үйғур мухтор тумани ва Хитойнинг Инин, Тачэн каби шаҳарларида истиқомат қиладилар. Расмий маълумотларга кўра, ҳозирда Хитойдаги ўзбекларнинг сони тахминан 15 502 минг кишини ташкил қиласди [12]. Уларнинг Хитойга бориб қолиши, жойлашиши, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ўзгаришларни ўрганиш тарих фанида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекларнинг Хитойга бориб жойлашишини бир неча босқичларга ажратиш мумкин. Биринчи босқич, бевосита Буюк Ипак йўли билан боғлиқ бўлиб, ўзбекларнинг энг қадимги аждодлари ҳисобланган сўғдийлар, бақтрияликлар, хоразмликлар, шошликлар, фарғоналиклар ва бошқа халқлар Хитой худудларига турли мақсадларда келганлар. Улар орасида савдогарлар, хунармандлар, санъат усталари ҳам бўлган. Шунингдек, будда ва моний дини вакиллари ҳам Хитойга бориб ўз диний таълимотларини тарғиб қиласди [1.5.490]. Илк ўрта асрларда сўғдийлар Буюк Ипак йўлида етакчиликни кўлга киритганлар. Улар Хитой билан маданий алоқаларни ривожлантиришда катта роль ўйнадилар. Улар бутун йўл бўйлаб турли ёзув тизимларининг ёйилишига катта ҳисса қўшдилар.

Иккинчи босқич бевосита VIII асрдаги арабларнинг

Марказий Осиёга ҳужуми билан боғлиқdir. Чунки, будда ва моний санъатининг ислом дини фояларига зид бўлганлиги боис, кўпгина санъаткорлар Хитойга қочиб борганлар. Хитой мусиқа ва рақс маданиятида янги унсурларни, фижжак, чанг, най сингари мусиқа асбобларининг кириб боришига Марказий Осиё мусиқа санъати таъсир кўрсатган. Бухоро, Самарқанд ва Чоч раққосалари ва мусиқачилари VII–VIII асрларда Хитойда жуда машҳур бўлишган [8.5.12]. Хитой манбаларида “хутенъ” деб номланган Тошкент рақси ҳақида маълумотлар берилган. Хан, Суй ва Танг сулолалари даврида савдо-тижорат ва карвонсаройларни бошқариш, Хитойда диний ибодатхоналарни очиш ва дин тарқатиш учун Чанъян, Лоянг шаҳарларида ўтроқлашиб қолган моловоруннаҳрлик аҳолининг сони ҳийла кўп бўлган. “Шин Тангшу (Танг сулоласининг янги тарихи)” номли манбада бу ҳақда маълумотлар берилган: «Танг сулоласи давридаги Чанъян шаҳри аҳолисининг сони бир миллион олти юз минг кишига етган бўлиб, дунёдаги энг катта шаҳарга айланган. Унинг кўчаларида сўғдийлар асос қиласди Фарбий Юртдан келган савдогарлар кўпчиликни ташкил қиласди. Улар давомлик тарзда келиб-кетиб турганлар. Кўплари бу ерда ўтроқлашиб, ерлик қизларга уйланганлар. Бу эса Чанъянда Фарбий Юртнинг урф-одатларини тарқалишига сабаб бўлган. Фарғона, Хоразм, Бухоро

мусиқа усуллари, форс нағмалари, расмли ва қангуй ўйинлари кенг тарқалган. Чанъанликлар ичидаги зардустт ва моний динларига эътиқод қиладиган муридлари ҳам кўпайиб борган. Ушбу динларнинг ибодатхоналари ҳам бунёд этилган» [18.Б.71].

Учинчи босқич Чингизхон бошчилигидаги мўғиллар қўшиннинг Марказий Осиёга юриши оқибатидаги юзага келган. Чингизхон Моворауннардан аҳолини Хитойга кўчирган. Шу билан бирга, мўғул ҳукмдорлари томонидан хоразмлик Маҳмуд Яловач ва унинг авлодлари Пекинга ҳоким қилиб тайинланган [21.Б.81]. Хитойда ўзбек номини бевосита Олтин Ўрда ҳукмдори Ўзбекхон (1312-1342) номи билан боғлашади. Шу боис, Юан сулоласи даврида “ӯзбек” атамасини “月即別-Yuejibie”, “月祖伯-Yuezubo” иероглифлари билан қўлланилган. Минг сулоласи ҳукуматининг яна бир ёзма хотираларида “Бу даврда Самарқанддан Хитойга савдо ишлар билан келадиганларнинг сони ниҳоят кўп бўлиб, бир неча марта келган аҳоли тўп-тўп бўлиб тўпланиб қолганлигидан Минг сулоласи ҳукумати буларни жойлаштиришга улгурмай қолган” [14.Б.15].

Тўртинчи босқич Хитойнинг манжурлар империяси (1644-1911) томонидан 1759-1760 йилларида Шарқий Туркистонда ўз ҳукмронлигини ўрнатилиши ва Ўрта Осиё хонликлари, жумладан, Кўқон хонлиги томонидан уюштирилган ҳужумлар билан боғлиқдир.

Бешинчи босқич XIX аср охири ва XX аср бошларида юз берган сиёсий, иқтисодий жараёнлар туфайли Марказий Осиёдан Хитойга турли ҳалқарни кўчиши билан боғлиқдир. Табиийки, улар орасида ўзбеклар кўпчиликни ташкил қилган. Россия империясининг Ўрта Осиёдаги сиёсатига қарши норози бўлган баъзи ўзбек зиёлилари ҳам Хитойга кўчиб ўтганлар. Улардан Чугучак, Ёркенд, Хўтон, Қашқарга келган Фурқат, Дилафкор, Дилкаш, Убайдулла, Завқий, Тулун, Зариф қори Тошкандий кабиларни мисол тариқасида келтириш мумкин. 1916 йилдаги Жиззах қўзғолони даврида минглаб ўзбеклар Хитойга қочдилар. Қочоқлар Шарқий Туркистоннинг Қашқар уезди ҳамда Учтурфон, Оқсув воҳаларига қараб йўл олдилар. 1916 йилнинг сентябр-октябр ойида қочоқ ўзбек, қирғиз, тоҷиклар сони 100-200 минг кишига етади. Умуман Шинжонг уйғур муҳтор туманига 1916 йилдаги қўзғолон туфайли 300 минг киши қочиб ўтган [5.Б.169].

Хитойда яшашга мажбур бўлган ўзбекларга маҳаллий маъмурлар ҳеч қандай ёрдам бермаган. Аксинча, келгиндишларнинг чорвалари, пули, меҳнат қуроллари, қурол-яроғлари тортиб олинган. Улардан катта миқдорда солиқ талаб қилинган. Шарқий Туркистонга ўтган муҳожирлар Чугучак, Оқсув Қашқар шаҳарларида ўзла-

рининг маданий-маърифий ташкилотларини туздилар. Ушбу ташкилотлар Россия империясининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатига қарши тарбибот юритган. Муҳожир савдогар ўзбекларнинг ташкилоти Қашқарда ақа-ука Мусабоевлар йирик савдо фирмаси раҳбари Б.Мусабоев томонидан “Гэлаохой” номи билан 1905 йилдаёт пайдо бўлган [5.С.166].

Олтинчи босқич собиқ Совет Иттифоқ даврида юз берган сиёсий қатағонликлар асосий сабаб бўлган. Гўдаклигига, яъни 1930 йилларда Қашқар худудига отонаси ва қавм-қариндошлари билан ўтган Зухриддин Обид Туркистоний ҳам аввал отаси бир қадар бойиб кетганлиги, сўнгра салкам бир йил ўтганидан сўнг ўзи Хитойда туриб оиласини кўчиритириб келиш учун дўстларини юборганилигини қайд қиласи [4.Б.15]. Хитойнинг Фулжа шаҳрида муҳожирликда яшаган ёзувчи Яквалхўжаев “Уч кўчанинг охири” номли тарихий-воқеий романида бобоси дастлаб Ўзбекистонда советлар таъқибидан чекка ҳудудларда яшириниб юрганилиги, сўнгра авлодларини Хитойга кўчириб олиб кетганлигини ёзганди [19.Б. 61].

Хитойда истиқомат қиладиган ўзбекларнинг асосий машғулотлари савдогарлик хисобланган. XVIII асрнинг ўрталарида манжурлар ҳукумати томонидан Кўқон савдогарларининг Шарқий Туркистон бозорларида савдо қилишига руҳсат берилган. Натижада уларнинг бу бозорларга кириб келиши кучайган. Хитой ҳужжатларида, “Кўқон савдогарлари Шарқий Туркистоннинг ички бозорларини аста-секин қўлга олдилар, мулк ва маблағ тўпладилар, уйғурларнинг уйларини ижарага олдилар. Бу ерда улар ўзларининг уюшмаларини туза бошлаганлар” деган маълумотлар кўплаб учрайди [9.Б.871]. Кўқон ҳукмдорлари Шарқий Туркистондаги мусулмон аҳоли, жумладан, Кўқон фуқароларидан бож-ҳироҷ ийғиб олишни ўз назоратига олишга ҳаракат қиласи. Шу мақсадда, ўлкага хон ўз оқсоқолини юборган. Рус шарқшуноси А.А.Семенов шундай оқсоқоллардан бири тошкентлик савдогар Неъматбой бўлганлигини ва у Шарқий Туркистонга оқсоқол сифатида ёрлик билан юборилганлигини қайд этган [10.Б.7]. Баъзи ўзбеклар дехқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик билан ҳам машғул бўлганлар. Ўзбек хунармандчилиги нисбатан ривожланган марказ Ёркенд ва Қашқар ҳисобланган. Унинг асоси ипакчилик ҳисобланган. Ёркенда XIX асрда 50 минг аҳоли бўлса, шундан 8 мингги чет эллик савдогар, хунармандлар ҳисобланниб, уларнинг асосий қисмини ўзбеклар ташкил этган [20.Б.139]. Чорвачилик билан ўзбеклар Хитойнинг Мулей, Читай, Текис, Нелик, Йили, Тәчен каби шаҳарлари атрофида ва Шинжонг уйғур

мухтор туманининг қирғиз ва қозоқлар билан аралашган худудларида шуғулланганлар. Дехқончилик билан эса, ўзбеклар жанубий Шинжонгнинг Қашқар, Ёркен, Бачу, Оқсув ва шимолий Шинжонгнинг Или водийсида уйғурлар билан биргаликда машғул бўлғанлар.

Хитойдаги ўзбекларнинг маданияти бевосита қондош бўлган уйғурлар маданияти билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланиб келмоқда. Ўзбек ёзуви уйғур ёзуви каби араб алифбоси асосидаги ёзув ҳисобланади. XX асрнинг бошларида ўзбек адиларининг ёшларни тарбиялаш борасида олиб борган маърифий ишлари муҳим ҳисобланади. Жумладан, Муҳаммад Ямин Сўфизода (1890–1942) – Синъцзяннинг Қашқар вилоятида яшаган ўзбек шоири ва маориф ишларини олиб борган ўзбек адиби эди. У нодонлик ва жаҳолатга қарши кураш олиб борган. У дастлаб Мисрдаги мадрасаларда таълим олган. Мисрдаги нуфузли “Сиротул мустақийм” газетасида бир неча ижод намуналари, айниқса, ёшларни илмга интилиши “тўғри йўл” эканлигини кўрсатувчи бир неча мақолалари чоп этилган. Кейинчалик шоир Қашқар ҳамда Оқсувда маданият ва маориф соҳаларида ишлаган. Унинг “Файратли ботур” номли шеъри, ёшларга илм ва маърифат бериш нодонлик ва жаҳолатнинг олдини оладиган муҳим қуролдир мазмунини беради. Ушбу шеър Хитойдаги ўзбек ва уйғур халқлари орасида кенг тарқалган. Чунки, Муҳаммад Ямин Сўфизоданинг юқорида келтирилган шеъридан бошқа назмий асарлари 1937 йилда Шинг Шияси бошчилигидаги Хитой хукумати томонидан ёндириб юборилган. Унинг ўзи қатағон қилинган.

Тўғрул Раҳимий (1887–1937) – асли фарғоналиқ бўлган бу жадид олим ота-онаси билан бирга 1914 йилда Қашқардаги Андикон маҳалласига кўчиб келган. У 1930 йилда Қашқарда ёшларни ўқитиш учун макtab очган. Унинг “Хожи Муҳиддинга ҳажвия” шеъри 1935 йилда ёзилган. Билол Азизий (1920–1945) – 1920 йилда Андиконда туғилган. 1931 йилда оиласи билан дастлаб Қашқарда, кейин эса Хўтонга бориб жойлашган. Хўтонда бошлангич мактабда ўқиб, ўқитувчилар курсига киради. 1942 йилда Урумчидаги дорулмуаллимда ўқиган. 1945 йилда Лутфулло Муталлиб бошчилигидаги инқилобга аъзо бўлган. Аммо бу ташкилот фош бўлгач, Билол Азизий қўлга олиниб қатл этилган. Билол Азизий 16 ёшидан шеърлар ёза бошлаган, унинг шеърлари Хўтон, Урумчи ва Оқсувдаги газеталарда чоп этилган. У ўзбек адибиFaфур Фулом шеърларидан илҳом олган. Абдуғани Ҳасан 1929 йилда отаси билан Ўшдан Қашқарга келган. У илмга уч ёшларни танлаб олиб, уларнинг илм олишига алоҳида эътибор берган. Ушбу ёшлардан Шукур Муҳаммадамин,

Аббос Бурҳон, Омонулло Мусо, Рӯзи Ҳожилар эди. 1976–1979 йилларда Синъцзян радиосида, Синъцзян университетида ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 1982 йилда у “Синъцзян ҳозирги замон ўзбек адабиётининг вакиллари ҳақида” номли мақоласи билан халқаро илмий конференцияда маъруза қилган. Бир қатор журналларда унинг “ўзбек тилининг шевалари”, “Ҳозирги замон ўзбек тили ҳақида”, “Ўзбек тили билан уйғур тили ўртасидаги фарқ ва ўзгаришлар” каби мақолалари чоп этилган. Тарих фани соҳасида ҳам у кўпгина илмий ишлар олиб борган. 1983 йилда нашрдан чиқкан “Синъцзяннинг яқинги замон тарихи” номли беш жилдан иборат асарида “Ўзбекларнинг қисқача тарихи” бобини ёзган. 1983 йил 3 июнда вафот этган. Насруло қори Парҳатий (1906–1997) – 1906 йилда Тошкентда туғилган. 1918 йилда, яъни 12 ёшида отаси вафот этади ва тоғаси қўлида бошлангич мактабни тугатади. Тошкентдаги “Кўкалдош” мадрасасида таълим олган. Бу ерда Мискин таҳаллусли шоир билан яқин дўст бўлган. Мискиннинг асли исми Фулом Ҳалил Тошмуҳаммад ўғли (1880–1937) бўлиб, ўзбек жадидларидан бири эди [6.Б.475].

XXРнинг Шинжонг уйғур муҳтор туманида “Ўзбек тили ва маданиятини тарғиб қилиш маркази” 1960 йиллардан бошлаб фаолият кўрсатган. Ушбу ташкилотни Қодир Акбар, кейинчалик Тальят Носирий бошқарган[13]. Ташкилот ташаббуси билан ҳар йили Шарқий Туркистанда “Фурқат кунлари” ўтказилган. 1989 йилда уюштирилган “Фурқат кунлари” маданий тадбирида ўзбекистонлик вакиллар ҳам иштирок этдилар. Улар Ўзбек мумтоз адабиёти намоёндаси, демократик шоир Фурқат (1858–1909) қабрини таъмирлади ва зиёрат қилди. Қашқарда чоп этилган “Хонгтангри” газетасида Фурқатнинг адабий жамоатчиликка маълум бўлмаган З та шеъри чоп этилган. “Ўзбек тили ва маданиятини тадқиқ этиш маркази” ўзининг биноси, кутубхонаси, миллий ансамбли, ўзбек тилини ўргатиш маркази кабиларга эга бўлган. 1981 йили Хитой ижтимоий фанлар академияси оз сонли миллатлар адабиёти тадқиқот ўрни билан Шинжонг ижтимоий фанлар академияси миллатлар адабиёти тадқиқот ўрни ўзбек адабиёти тарихи ҳақида қисқача тушунтирилди. 1983 йил баҳорида муҳтор туман бўйича чиқарилган оз сонли миллатлар классик адабиёти илмий муҳокама йигинида ўзбек адабиёти тарихига оид мақолалар ҳам эълон қилинди ҳамда ҳозирда Хитойда яшаётган ўзбек ижодкорларининг назмий ва насрый тўпламлари ҳам нашр этилди. Уларнинг бир қисми хитой тилига ҳам таржима қилинди. Шу билан бирга, бу даврларда ўзбек халқ оғзаки ижоди

намуналаридан ўзбек достонлари ҳамда эртаклари ҳам нашр этилди[1; 15;16].

Хитойдаги ўзбекларнинг энг оммавий қўшиқларидан бири “Эшилай ва элай” асосан Шимолий Шинжонгнинг Или, Тачэн (Тарбағатой) ва Жанубий Шинжонгдаги Қашқар (Каши), Ёркен (Шачэ), Қирғолик (Ечэн) каби худудларда кенг тарқалган. Ушбу ашуланинг матни Алишер Навоий, Фурқат, Муқимийларнинг шеърлари ҳисобланади. Ушбу шеърларнинг мазмуни ҳаёт қувончлари, гўзал ёшлиқ онлари, ҳақиқат ва севгини қадрлаш, яхшиликни улуғлаш, ёмонликдан нафратланиш билан бирга мусоғирлик машақати ҳам куйланган. Ҳар 4 қатордан, 10 та нотали бўғин, ҳижода куйланади. Асосан эркаклар куйлагани учун овоз йўғон бўлади. Элайнинг яна бир номи “кушак”, ёки “қўшиқ” деб ҳам аталади. Элай унча узоқ вақт куйланмайди. 4 қатордан 7 нотали бўғин асосида куйланади.

“Бўстон”, “Ёр-ёр”лар ҳам ўзбеклар орасида севиб куйланади. Бу ашулалар асосан оилавий тадбирлар ва тўйларда куйланади. 2008 йилда “Эшилай” ва “Элай” ашулалари Хитойда номоддий маданий мерос обьектлари сифатида рўйхатга олинган[11.Б.65-66].

Хуллас, ўзбек халқининг жаҳон тарихида тутган ўрни, миллий маданиятидаги трансформацион жараёнлари бевосита бошқа халқлар билан боғлиқ хисобланади. Хитойдаги ўзбекларнинг тарихи ва маданиятини ўрганиш орқали Ўзбекистон ва Хитой халқлари билан алоқаларининг шаклланиш тарихи, ўзаро миграцион жараёнлар, ўзбек миллий маданияти, санъати, адабиётiga таъсир қилувчи омилларни аниқлашга ёрдам беради. Уларда сақланиб қолган миллий маданият намуналаридан хабардор бўлиш, бу масалаларда янги илмий-тадқиқотлар олиб бориш ёки илмий-тадқиқотларда фойдаланиш имкониятини беради.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Авдиев А. Қадимги шарқ тарихи. –Москва: Наука, 1963.
2. Алпомиш достони. Н. Абдулла, С. Садрий таржимаси. –Урумчи: Шинжонг ҳалқ нашриёти. 1986 (уйғур тилида).
3. Анвар Байтур., Хайрнико Сидик. Шинжонгдаги миллатлар тарихи. –Пекин: Миллатлар нашриёти, 1991.
4. Зухуриддин Обид ўғли Туркистоний. Анда жоним қолди менинг. –Тошкент: Чўлпон. 1992.
5. Мамедова Э.М. Из истории взаимоотношений Туркестанского края и Синцзяна в начале XX в. В сб: Взаимоотношения народов Средней Азии и сопредельных стран Востока в XVII – начале XX вв. –Ташкент: 1963.– С. 169-171.
6. Пўлатжон Домулла Қаюмий. Тазкирайи Қаюмий. З китоб. –Тошкент: 1998.
7. Рўзи Қодирий. Уйғур реалистик адабиётининг шаклланиши. –Тошкент: Фан. 1979.
8. Савчук-Курбанов С. Китай – Узбекистан: многовековые истоки торгово-экономического и культурно-просветительского партнерства. // Материалы научно-практической конференции «Китай и современный мир». –Ташкент: 2009. – С. 12-14.
9. Saguchi T. The Eastern trade of the Khokand khanate. Charter VI. Memories of the Research department of the Toyo Bunko (The oriental library). -Tokyo: 1965. № 24.
10. Семенов А.А. Отношение Кокандского ханства к Кашгару в первой половине XIX века – ЎзР ФА Асосий кутубхонаси. Диссертация ва авторефератлар бўлимида. РД 7125.
11. Шедевры культуры Синьцзяне. Нематериальное культурное наследие СУАР. –Алматы: 2012.
12. Энциклопедия Китая. <http://www.abirus.ru/> –Пекин: 2014.
13. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви , Р-2822-фонд, 1-рўйхат, 91-иш, 3-варак.
14. Ўзбек тарихи ва тазкираси тўплами. Хитой фанлар академияси миллатлар тадқиқот ўрнининг материаллари. Бейжинг, 1963, (хитой тилида).
15. Ўзбек ҳалқ достонлари. –Урумчи: Шинжонг ҳалқ нашриёти. 1987(уйғур тилида)
16. Ўзбек ҳалқ чўпчаклари. –Урумчи, Шинжонг ҳалқ нашриёти. 1983 (уйғур тилида).
17. Қодир Акбар., Хурматжон Фикрат., Хабибулло Абдулсалом. Ўзбек адабиёти тарихи. – Урумчи: Шинжонг ҳалқ нашриёти. 2005. – Б. 368(уйғур тилида).
18. Кўлдашев Ш. Марказий Осиё алломаларининг Хитой маданияти ва илм-фанига қўшган хиссаси // “Ўзбек ҳалқи тарихи меросининг замонавий таракқиётдаги ўрни” номли Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент: Наврўз, 2016.
19. Хайтов Ш. Ўзбек мухожирлиги тарихи (1917-1991 йиллари). –Тошкент: “ABU MATBUOT-KONSALT” 2008.
20. Henderson G., Hume A. O. From Lahore to Jarkend. London, 1873 // Туркестанский сборник. Т. 106. –Санкт-Петербург: 1873–1875. – С. 139.
21. Хўжаев А. Буюк Ипак Йўли: муносабатлар ва такдирлар. –Тошкент: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2007.

# АКТЁРЛИК МАҲОРАТИДА НУТҚИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ ЎРНИ

**Аннотация.** Маҳолада актёрларнинг нутқида учрайдиган муаммолар, баъзи бир камчиликлар, нуқсонлар, шевалар ва уларни бартараф қилиши усуллари ёритилган. Шунингдек, нутқининг равонлигига тез айтишлар, шеърлар, эртаклар ва ҳикояларнинг ўрни ҳақида ҳикоя қилинади.

**Калим сўзлар:** артикуляция, ротацизм, унли ва ундош бирикмалар, саж, ассимиляция, партнёр.

**Аннотация.** В статье освещены проблемы и некоторые недостатки, дефекты и сленги, часто встречающиеся в выступлениях и речах актёров. А также рассказывается о значении в развитии речи в стихотворении, скороговорке, небылице и рассказе.

**Ключевые слова:** артикуляция, ротацизм, гласные и согласные сочетания, ритм, ассимиляция, партнёр.

**Annotation.** In this article there were illustrated problems, some defects and slangs that could be met in the speech of actors. Besides that there were told about the smoothness of speech in the poems, tongue-twisters, tables and stories.

**Key words:** articulation, rotation, vowel and consonant combinations, rhyme, assimilation

Санъат актёрдан тинимсиз меҳнат, ўз устида ишлашини талаб қиласди. Бу меҳнатни актёр билим ва ақл-идрок орқали амалга оширади. Шу билан бирга, актёрлик табиати ўзининг кучли ва асосланган қонун-қоидаларига эга. Ҳар бир роль устида ишлаганда актёр оддий қизиқиш ёки тахминларга эмас, айнан ижрочиликда синалган усулларга таяниши керак. Шундагина у муваффақиятларга эришади.

Саҳна нутқи қонуниятларини ўрганишда талабалар азалий бир таърифга эътибор беришлари шарт. Унга кўра, актёр овози яхши чархланган, тиниқ талаффузга эга ва нутқ маданияти талаб-қоидаларига тўла жавоб берса олса, демак, у сўзлашув муносабатида тайёр мутахассис ҳисобланади. Бундан ташқари, нутқ маданияти техникасини ҳам амалий тарзда тўлақонли эгаллаши зарур. Кўпчилик ижодкорлар орасида, “Агар актёр органик хатти-харакатни тўғри бажара олиш хусусиятига эга бўлса, у ҳолда қолгани саҳнада ўз-ўзидан содир бўлади”, деган фикр мавжуд. Бироқ, унумаслик лозимки, саҳнада партнёрга таъсир ўтказиш учун, аввало, сўзларни тўлиқ ва адабий тил қонуниятларига мувофиқ талаффуз этиш зарур. Хатти-харакатнинг аниқ мақсадга йўналтирилгани, мантиқийлиги эса ифода қилинаётган нутқ ургуларига таъсир этиб, овозга ва товушга керакли сайқал беради.

Саҳна нутқи маданияти актёрлик санъатининг муҳим қирраларидан бири ҳисобланади. Айниқса, кўпчилик актёрларнинг саҳна нутқини яхши билмаслиги, ўзлаштирилмаганлиги ушбу соҳанинг муаммоли жиҳатидир.

Саҳнада сўз билан таъсир этмоқ, хатти-харакат қилмоқ учун жарангдор, яхши созланган овозга эга бўлиш талаб этилади. Агар актёр юксак истеъодод соҳиби бўлиб, овози заиф бўлса ёки унда нутқий камчилик бўлса, уни маҳоратли актёр деб бўлмайди.

Нутқий нуқсонлар қаторига унли ва ундош товушлар талаффузидаги камчиликлар ҳам киради. Одатда, бу каби камчиликларни тузатиш мумкин. Бироқ, улар нутқ аппаратидаги бошқа жиддийроқ қусурлар билан боғлиқ бўлса, бу жиддий муаммо туғдиради. Нутқдаги камчиликларни йўқотишда талаффуздаги ортиқча ургулардан, сохта ва кераксиз ҳиссиётни ифода этувчи оҳанглардан холос бўлиш талаб этилади. Талаффуз бўйича машқлардан мақсад, нафақат нутқдаги аниқлик ва равонликка эришиш, балки унинг табиий жозибасини ҳам сақлаб қолишидир.

Нутқ актёрнинг асосий қуроли ва у саҳнада айнан мана шу қуролга таянади. Баъзи актёрлар нутқидаги нуқсон ва камчиликларни йўқотиш учун қўйидаги машқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

- 1) унли ва ундош бирикмали сўзлар;
- 2) тез айтиш;
- 3) эртаклар;
- 4) ҳикоялар;
- 5) кичик шеърлар.

Логопедияда “р” товушининг талаффузидаги камчиликлар ротацизм дейилади. Бу атама грекча “ро” ҳарфидан олинган бўлиб, “р” товушини билдиради. “Р”

товушининг тўғри артикуляциясини таъминлаш учун икки хил усуслан фойдаланамиз:

1) оғиз бўшлиғида тилни “р” талаффуз қилаётган пайтда керакли ҳолда тўғри ушлаб туриш;

2) оғиз бўшлиғида тилда тебраниш ҳосил қилиш.

Айрим талабалар л-р товушлари қаторлашган сўзлар (*Дилрабо, Дилрӯз, Гулруҳ*) ни талаффуз қилишда ушбу товушларни қўш ундош (ё л-л, ёки р-р) каби ифодалайди. Ушбу нуқсонни тўғрилаш учун унли ва ундош биримали сўзлардан унумли фойдаланиш мумкин:

*Три-дри-при*

*Тре-дре-пре*

*Тра-дра-лра*

*Тро-про-про*

*Трў-дрў-лрў*

*Тру-дру-лру*

*Три-дри-при*

Бу унли ва ундош биримали сўзларни мукаммал ёдлангандан сўнг, тез-тез айтилади. Ёдлаб олиш муҳим, чунки талаба талаффуз қилиш жараёнида унинг фикри сўз қидиришга кетмаслиги зарур.

Оғзаки нутқда кишининг жумлаларни қаторлаштириб, тез талаффуз қилиши жараёнида жарангли ундош ўз жарангиз жуфти каби ёхуд аксинча жарангиз ундош жарангли ундош (б-п, з-с, д-т, г-к, в-ф,) каби талаффуз этилиш ҳодисаси жуда кўплаб учраб туради: изтироб-истироб, изҳор-исҳор, ағфон-авғон, жўжа-чўжа каби. Бир товуш ёндаш товушга таъсир кўрсатиши натижасида юзага келадиган фонетик ҳодисалар ассимиляция дейилади. Таъсирга учраган товушнинг ўзгариш характеристига қараб ассимиляция иккига бўлинади:

1) бир ундош товуш иккинчи бир ундошга таъсир кўрсатиб бутунлай ўзига ўхшатиб олса, бу тўлиқ ассимиляция дейилади (изсиз-иссиз, тузсиз-туссиз, етди-етти, отдан-оттан ва ҳ.к.);

2) бир товуш ёндош бир товушга таъсир кўрсатиб, уни бутунлай ўзига ўхшатиб олмасдан, балки унинг бир томонигагина ўзгартирса (жарангизлантиради ёки жарангли ундошга айлантиради), бу тўлиқсиз ассимиляция дейилади (кетган-кеткан, ошдан-оштан, қўшди-қўшти ва ҳ.к.). Бу нуқсонлар, айникса, актёр нутқида қўпол хато ҳисобланиб, у томошабиннинг жумлани тушунмаслигига сабаб бўлади. Ушбу ҳолатда ҳам унли ва ундош биримали сўзлардан унумли фойдаланилса бўлади. Масалан:

*Стизи-здисти*

*Стэзде-здесте*

*Стазда-здаста*

*Стоздо-здосто*

*Стўзду-здусту*

*Стизды-здисти*

*Клти-гбди*

*Клте-гбде*

*Клта-гбда*

*Клто-гбдо*

*Клтў-гбдў*

*Клту-гбду*

*Клти-гбди*

Ўзбек тилида шевада сўзлашиш ҳодисаси ҳам талаффуз меъёрларини ўзлаштиришдаги бир тўсиқдир. Масалан: у ерда – этта, бу ерда – бетта, шу ёққа – шақа, у ёққа – ақа, бу ёққа – бақа, ўзбек – ўзбей, шу ердан – шеттан кабилар шеваланиш ҳодисасига киради. Оғзаки нутқимиздаги санаб ўтилган юқоридаги адабий бўлмаган нутқий ҳодисаларнинг адабий меъёрга бўлган муносабатларини тўғри ҳал қилиш нутқ маданияти малакасини ошириш ишларида муҳим ўрин эгаллайди.

Актёр ифодалаётган жумласини томошабинга қайдаражада аниқ, тушунарли ҳамда таъсирили етиб боришида тез айтишларнинг ўрни бекиёсдир. Айрим талабаларда яқин ундошларни (с-ш) қориштириб талаффуз қилиш ҳолати кузатилади. Бу ҳолатларда албатта ушбу товушлар бир неча бор такрорланиб келган тез айтишлардан фойдаланилса ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан: Қишида кишиши пишмасмиш, пишса, кишиши қишиши пишмасмиш. Кишиши еган кишининг тишлари қамашмасмиш. Машмашалашсам ҳам, машмашалашман, машмашалашмасам ҳам, машмашалашаман.

Юқоридаги тез айтишлардан с ва ш ундошларини ўйқаштириб айтиувчи талабалар нутқини тўғрилашда фойдаланиш мумкин.

*Бир туп тут, бир туп тутнинг тагида бир туп туруп, бир туп тутнинг томири бир туп турупнинг томирини туртиб турибдими, бир туп турупнинг томири бир туп тутнинг томирини туртиб турибдими.*

Осмонда иккита думи калта кал калхат, бирининг кўк думи калта кал калхат, бирининг қора думи калта кал калхат. Кўк думи калта кал калхат қора думи калта кал калхатга ҳалақит берадими, қора думи калта кал калхат кўк думи калта кал калхатга ҳалақит берадими.

Жажжи Жавлонбекнинг жўраси Жўрабекнинг жўжаси жўхори чўқидими, жажжи Жўрабекнинг жўраси Жавлонбекнинг жўжаси жўхори чўқидими.

Тез айтиш нутқ товушлари ўйғунлигига асосланган жанр бўлиб, ўхшаш товушли сўзлар ёки сўз бирималирининг бир нафасда шиддатли айтилиши жараёнида

у ёки бу товуш, у ёки бу сўз талаффузида чалғиши ёки тутилиш натижасида воқе бўлувчи маъно ўзгариши негизида юзага келади.

Тез айтишлар устида ишлаш бўлажак актёр ва режиссёrlар, жамики сўз санъатига алоқадор кишиларга нутқ аъзоларининг чақон ва аниқ, товушларни тоза талаффуз қилишдан тортиб, фикрлашга, ритмни йўқотмаслик, ургуни тўғри ишлата билиш, актёрлик маҳоратини бошлангич барча элементларидан тортиб овоз, нафас, хотира, муносабат каби ҳис-туйғуларни кўзғатиш, тасаввурни бойитиш, нутқий характер яратишида жуда мухимdir. Шу боис, тез айтишлар нутқ санъати, хусусан сўз санъатининг такомиллашувида зарур ижодий манба ҳисобланади.

Тез айтишлар устида ишлаганда қўйидагиларга амал қилиш зарур:

1) матндан талаффузга тўлиқ, аниқлик берувчи товуш ва товуш бирикмалари, ҳар бир бўғин, сўз, жумлани, ундағи унли, ундош, сиргалувчи ва сонор товушларнинг артикуляцион ҳолатини аниқлаш;

2) тез айтишдаги битта сўзли такрор ёки чалкаш айтиладиган сўзларни аввал бўғинлаб, сўнг энг паст суръат (биринчи тезликда) билан ифодали ўқиш;

3) шу аснода бир-икки бор қайтарилиб, товушлар артикуляциясини саклаб қолган ҳолда аввал пицирлаб (худди сирли хабардек), ниҳоят товуш чиқариб талаффуз этилади, лекин тезлик биринчи галдагидек;

4) энди матн тўлиқ ўзлаштирилди, у тез айтишга айланди (ёд олинмаса, фикр сўз қидиришга кетади);

5) тезлик энди бир оз оширилади (иккинчи тезлик), мантиққа путур етказмай, камида уч маротаба айтилади;

6) худди шу ҳолатда (учинчи тезликда) уч маротаба қайтарилади, бунда тезлик ошгани ҳисобига товушлар ямланишдан, дудукланишдан эҳтиёт бўлиши керак;

7) энди тез айтишни фикрга қўшиб, бирор мақсадни кўзлашга қаратилиди, агар тез айтиш маъносиз, кўр-кўrona (шунчаки тезлик учун) айтилса, у ҳеч қандай амалий натижага бермайди.

Бугунги ёш актёрларни тарбиялашда қаҳрамон характерини яратишига ўргатишида актёрлар билан қўйидаги уч босқичда ишлаган маъқул:

1. Саҳна нутқи технологияларини ўргатишида мукаммал услублардан фойдаланиш.

2. Актёрлик маҳорати, нотиқлик санъати, саҳна нутқи маданияти анъаналари, буюк театр арблори тажрибаларини сингдириш.

3. Театр соҳаси муаммоларини англашда илмий-тадқиқот ишларини доимий олиб бориш, бунга ёш тадқиқотчиларни жалб этиш, янги технологияларни ишлаб чиқиш.

Юқоридаги босқичларни амалга оширишда ёш актёрларни касбга қизиқтирадиган услублардан фойдаланилса, кам вақт ичидаги кўп натижаларни қўлга киритиш мумкин. Буни амалга оширишда овоз, товушлар, талаффузнинг моҳияти, уларнинг артикуляцияси, овозни бошқариш бўйича бир қатор техник машқларни талабалар билан бажарилса бўлади. Лекин ҳеч қандай ҳаракатсиз, қуруқ талаффуз ёшларни зериктиради. Шунинг учун унли ва ундош товушларнинг тўғри талаффузини таъминлашга ёрдам берувчи комплекс машқлар ва этюдлардан фойдаланиш, арқондан сакраб, коптоқчани ерга улоқтириб, санамалар айтиш, табуретка билан ишлашнинг турли қонунларига бўйсундирилган усуллар билан шеърлар ўқиши, айтишувлар, тез айтиш ва мақолларни равон гапириш жуда яхши натижаларни беради. Бундан ташқари этюдлардан ҳам унумли фойдаланиш мумкин. Масалан, “Кучукчалар” этюди:

Нафасни диафрагмага олиб, “вавв-вавв” товуши орқали нафас чиқарилади. Кучукчалар яна нафас олиб, керишиб, олдиларига ташланган сүякларни ялаб турганларида, ёнларига бошқа кучукчалар келиб қолишади. Кучукчалар жаҳли чиқиб, қарама-қарши турган кучукчалар билан жангга киришадилар. Улар ҳар бир қадамларида “вавв-вавв” товушини талаффуз қилиб, рақибларига яқинлашадилар. Шунда бошқа кучукча келиб қолади ва уларни уришишларини истамаган ҳолда “вавв-вавв” товуши билан хитоб қиласди. Яъни уларни жанжалдан тўхтатиш оҳангидага мурожаат қиласди. Кучукчалар жаҳлдан тушадилар. Бу бир қарашда осон этюддай туюлади. Лекин талабалар учун аҳамияти катта. Машқ давомида ёш актёрлар ниҳоятда бажараётган воқеликка ишониши, кўз қараши ва талаффуз нинг, яъни товушнинг равонлигига аҳамият бериши, шароитни ҳис қилиши, мускулларнинг бўшлигини сезиши керак. Шу билан бирга ҳар бир талаба ўзи бажараётган персонажга характер топа олиши лозим.

А.Н.Толстой: “Сўз билан ифодаланган ҳар қандай фикр таъсир кўлами тугамайдиган кучдир. Сўз – буюк нарса, шунинг учун ҳам буюкки, сўз одамларни бирлаштириш, сўз орқали уларни бир-бирларидан юз кўрмас қилиб юбориши мумкин. Одамларни бир-бирларидан ажратадиган сўзни айтишдан сақлан”, – деган эди.

Санъаткорни санъаткор бўлиб етишишида яна бир мухим нарсалардан бири бу тасаввур ва фантазиядир. Тасаввур ва фантазияни ишга солиш, аввало, актёрни келажакда профессионал театр саҳнасида турли хил характерлар яратишида мухим ўрин тутади. Чунки бўлажак актёрнинг тасаввури унинг илк қадамиданоқ

кенгайиб бориши керак. Фантазия ҳам тасаввур билан бирга машқлар ёрдамида, қолаверса, халқ әртакларини кўплаб ўқиш билан ўстириб борилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

“Характер – мақсадга эришиш учун кучли интилиш – курашда қарор топади, талант – секин-аста етилади, характер эса ҳаёт тўфонларида тобланади. Характер – нимага қодир бўлса, шуни рўёбга чиқаришдан иборатдир”, деган эди Гёте.

Гёте айтган буюк фикрлари кенг мушоҳада қилинса, бадиий адабиётда яратилган қаҳрамонлар характерлари айнан ана шу фалсафага амал қилиб яратилганлигига, айнан шунинг учун ҳам кишилар қалбida ўчмас из қолдирган асар қаҳрамонлари яратилганлигини билиш мумкин.

Эртаклар сўзлаш ҳам актёрнинг нутқини равонлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Эртак халқ оғзаки ижодининг энг қадимий турларидан бири ҳисобланади. Унда фантазия ва муболаға кучли бўлиб, халқ ҳаёти, урф-одатлари, интилиш ва курашлари, орзу-армонлари акс этади. Шу билан бирга, барча эртакларда әзгулик ва ёвузлик ўртасида кескин кураш бўлиб,adolat тантана қиласи.

Муаллиф баёнига кўра вазмин ёки “саж”да ўқилади. (саж деб қофияланган насрга айтилади). Масалан, халқ эртакларидан “Тулки билан товус” эртаги: “Эртаги ё эртаги, эчкиларнинг буртаги, қирғовул қизил экан, ғоз карнайчи экан, ўрдак сурнайчи экан, ола қарға азончи, қора қарға қозончи, чумчук чақимчи экан, тўрғай тўқимчи экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан, эртагимнинг эри бор, етти кунлик ери бор, етти кунлик ерида думи калта бўри бор...”. Ушбу эртакнинг ўқилишида ритмга ўтибор берилади.

Ойпари эртаги: “Бор эканда йўқ экан, оч эканда тўқ экан, ўтган замонларнинг бирида, Ҳусанбой исмли камбағал бир бечора йигит бўлган экан. Унинг ётарга

жойи ҳам йўқ экан. У туғилиб ўсган қишлоғидаги эски масжиднинг ҳужрасида ётиб юрар экан....”. Ушбу эртак маъносига кўра вазмин ўқилади. Бунда талабаларнинг бутун фикр хаёли асар мазмунига қаратилади. Улар диққат-эътиборини воқеликка қаратади. Булар эса талабаларнинг нутқини равонлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳикоя эпик турнинг кичик жанри бўлиб, киши ҳаётидаги маълум бир воқеани тасвирлайди, аммо шу воқеага қадар бўлган ва ундан кейин рўй берган воқеаларни батафсил баён этмайди. Шуниси характерлики, ҳикояда қаҳрамон ҳаётидан кичик бир эпизод олинниб, унда ҳаётнинг муҳим типик кўриниши ихчам шаклда тасвирланади. Талабаларга ҳикоялар ўқитиш уларнинг тасаввурини бойитади, сўз бойлигини оширади.

Кичик шеърларни ифодали ўқиш талабалар талаффузини чархлади. Шеърнинг ғоявий мазмунини чуқур тушунишда, бадиий хусусиятларини очишида катта аҳамиятга эга. Ифодали ўқиш талабалар учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларни шева таъсиридан қутқариш учун муҳимдир. Шева таъсирида “ифодали” ўқиш шеър мазмунига путур етказади. Шунинг учун талаба шеър ўқиётганида ўзини-ўзи назорат қиласи.

Тез айтишлар, шеърлар, эртаклар, ҳикоялар ўқиб ўрганиш жараёнида талабаларда товушлар талаффузи мукаммалашиб боради. Улардаги нутқий нуқсонлар ҳам аста-секин йўқолиб боради.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда оғзаки нутқимиздаги адабий бўлмаган нутқий нуқсонларни тўғри ҳал қилиш, камчиликларни йўқотиш талабаларнинг нутқ маданияти малакасини оширишда муҳим аҳамиятлидир. Сўз санъати ва саҳна нутқи инжиқликларини пухта ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйған ҳар бир ижодкор талабалар ўзининг нутқи устида тинимсиз ишласа, ундаги нутқий камчиликлар астасекин йўқолиб боради ва кўзланган мақсадга эришилади.

#### Адабиётлар рўйхати

- Носирова А. Сахна нутқи. –Тошкент: “Тафаккур бўйтони”, 2013.
- Ҳожиматова М. Сахна нутқи. –Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2011.
- Сайфуллаев Б, Маматқосимов Ж. Актёрлик маҳорати. –Тошкент: “Фан ва технология”, 2012.
- Станиславский К.С. Актёрнинг ўз устида ишлаши. –Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2011.
- Қодиров М.Ҳ. Сехр ва меҳр. –Тошкент: Faфур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.
- Қодиров М.Ҳ. Саҳнамиз лочинлари. –Тошкент: Faфур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1986.
- Абдуллаева М. Драматик театр ва кинода актёрлик маҳорати. – Тошкент: “Тафаккур қаноти”, 2014.
- Театр ва кино санъати таълими: Муаммо ва ечимлар. –Тошкент: LESSON PRESS, 2015.
- Холикулова Г. Сахна нутқи маҳоратини эгаллашда услугуб ва воситалар. –Тошкент: 2008.
- Холикулова Г. Сахна нутқи. –Тошкент: 2007.

# БИОЭСТЕТИК МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА ТАЪСИРИ

**Аннотация.** Мазкур мақолада биоэстетика тушунчаси ва унинг бугунги кундаги аҳамияти, биоэстетик муаммолар ва уларнинг ёшлар эстетик тарбиясини шакллантиришидаги ўрни ҳақида маълумотлар берилган.

**Калим сўзлар:** биоэстетика, эстетик тарбия, гўзаллик, биоэтика, косметик жарроҳлик, ҳис-туйғу, ҳақиқат.

**Аннотация.** В этой статье дается обзор концепции биоэстетики и ее важности сегодня, роли биомедицинских проблем и их роли в формировании молодежного эстетического воспитания.

**Ключевые слова:** биоэстетика, эстетическое воспитание, красота, биоэтика, косметическая хирургия, эмоции, реальность.

**Annotation.** This article gives an overview of the concept of bioesthetics and its importance today, the role of biomedical problems and their role in the formation of youth aesthetic education.

**Key words:** bioesthetics, aesthetic education, beauty, bioethics, cosmetic surgery, emotion, reality.

Азалдан инсоният 4 аспект асосида: ўзликни англаш, интилиш, Оллоҳга яқин бўлиш, дунёни қамраб олиш-фоялари мавжуд. Бу аспектларнинг асл мақсади ҳақиқатга интилиш, меҳр оқибатли бўлиш, гўзалликни ҳис қилиш, фойда зарарни англаш.” Бундан келиб чиқадики, бу тўрт жиҳат худди Миср пирамидалари каби ҳар қирраси инсонни энг юқори нуқтага инсонийлик, одамийлик категориясига олиб келади. Агар бу 4 аспектни схема тарзида чизилса инсонийлик энг юқори ўринда туради. Биоэстетика пирамиданинг энг юқори чўққисида туради, бироқ бу категория тириклик дунёсига мансуб. “Чегара гўзалликка эришган манзил, фойдали қадам. Амалий фойдадан ташқари биоэстетика ҳақиқатта эргашадиган, меҳр-оқибатга эришган манзил.

Гўзаллик хирургияси йигирманчи аср бошида юз соҳасида бажариладиган муолажалар “гўзаллик хирургияси” деган ном олди. “Чегара гўзалликка эришган манзил, фойдали қадам. Амалий фойдадан ташқари биоэстетика ҳақиқатга эргашадиган, меҳр-оқибатга эришган манзил. “Биоэстетика эстетиканинг бир бўлаги бўлиб, гўзалликни ўрганувчи фан сифатида симметрия қонунларига асосланади. Симметрия қонуни тирик ва жонсиз объекtlар орасида характерлидир. Симметрия эса рақамлар дегани, қадимги грек файласуфи Пифагор “Рақамлар дунёни бошқаради” деган фикрлари ҳар бир замон учун аҳамиятлидир.” Биомаърифат, биосиёсат, биоэтика ва биоэстетика пирамиданинг учидаги бирлашви десак, ўша чўққида ҳақиқат, меҳр, гўзаллик ва амалий фойда бирикади. Яна бир нарсани таъкидлаш лозимки, биомаърифатни кенг маънода тушуниш керак.”

Ноҳуш экологик ҳолат, стресс ва зарарли одатлар

ташқи кўринишимиизга салбий таъсир қиласи. Вақт – олий ҳакам, вақт ўтган сайн организмни қувватлантириб турувчи гармонлар даражаси камайиб боради. Натижада юзимиз сўлғинлашади, ажинлар пайдо бўлади. Теридаги ўзгаришлар 40-45 ёшдан бошлаб яққол кўзга ташланади. Айни шу пайтда юз пластикасини амалга ошириш мумкин. Пластик операциялар, бу атамани кундалик ҳаётимизда қўллай бошлаганимизга кўп вақт бўлгани йўқ. “Пластик хирургия” атамасини илк бора Карла Фердинанд Грефе ўзининг “Rhinoplastik” асарида қўллайди. Мазкур асар 1818 йилда чоп этилган бўлиб, у ерда олим пластик операцияларнинг фойдаси ҳақида атрофлича сўз юритади. Олим И.В.Ботвинко фикрича (2006), “Эстетик характеристика – бу тирикликнинг борлиқ ҳақидаги тасаввур –чегара, пропорция, гармония, бирлашиш ҳар хил кўринишда ва бирликдалиги. Бу принцип биоэстетикага хос ҳамда у табиат ва борлиқ билан боғлиқдир.” Кўпчилик пластик операциядан фақат санъаткорлар фойдаланади, деб ўйлади. Тўғри, машҳур кишилар кўпчиликнинг назарида бўлгани учун ташқи кўринишига алоҳида эътибор беришлари, пластик операция ёрдамида ёшаришга ҳаракат қилишлари, табиий ҳол. Мен пластик жарроҳлик оддий одамларга қандай ва қайси касалликларда ёрдам бериши ҳақида сўз юритаман. Бугунги кунда икки йўналиш бўйича пластик жарроҳлик амалиётлари бажарилмоқда. Булар – пластик реконструктив ҳамда эстетик пластик жарроҳлигидир. Пластик реконструктив жарроҳлик – туғма нуқсонлар, ортирилган жароҳатлар, тери куйишларидан кейинги ўзгаришларни бартараф этиш мақсадида бажариладиган амалиёт ҳисобланади.

Пластик эстетик жарроҳлик – вақт ўтган сайин инсон организми, хусусан, тери қатламида ёшга доир ўзгаришлар содир бўлиши тайин қараш жараёни ташки кўринишда акс этишининг олдини олишда эстетик пластик жарроҳлик услуби кўлланилади.

Хўш, пластика қачон ёрдам бериши мумкин?

Одамда туғма нуқсонлар мавжуд бўлгандা, уларнинг (тури кўп бўлса-да), аксарият қисмини жарроҳлик йўли билан тўлақонли даволаш мумкин. Оператция соч ва қулоқлар тагида майдо кесиклар қилиниб улар орқали юз териси тортилади. Лабдаги нуқсонлар, бурун тўсик-часининг қийшайиши, ортиқча бармоқлар, қовоқларнинг осилиб қолиши, кўкрак безларининг туғма йўқлиги ва ҳ.к. шунингдек шалпанг қулоқлик, бурун ва жағнинг узунлиги одамнинг ўзига бўлган ишончини йўқотиши, ўзини ёмон кўришига олиб келади.

Бахтсиз воқеа ва автоҳалокатлар асоратини йўқотиш мақсадида, ҳаёт ва ўлим бўсағасида турган одам учун тирик қолиш масаласи биринчи ўринда бўлади. Аммо ҳаёти сақлаб қолингач, жароҳат қолдирган асоратлардан қутилишни истайди. Айни шу пайтда пластик хирургия ёрдамида келади. Ҳаёт давомида ортирилган нуқсорларни бартараф этишга ёрдам беради. Балоғат даврида кўпчилик ўсмирлар ҳуснбузар тошишидан шикоят қиласди. Баъзиларда бу жараён ўртacha кечади, баъзиларда эса ҳаддан зиёд кўп тошиб, ўрнида иирик чандиқлар қолади. Бу ҳолатни косметологик усуслар ёрдамида даволаб бўлмайди. Кўпчилик ташки кўринишидан уялиб, одамов бўлиб қолади. Шундай пайтда малакали пластик жарроҳни учратиш муаммони осонгина хал қиласди. Семириш ёки туғруқдан кейинги ҳолатни олайлик. Бу омиллар оқибатида баъзи аёлларнинг қомати сезиларли даражада ўзгариши мумкин. Инсон қайси ўшда бўлишидан қатъи назар ёш, навқирон кўринишни истайди. Бугунги кунда бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ, албатта. Пластик операциялар оқибатида ташки кўриниши таниб бўлмайдиган даражада ўзгарган, баъзан эса асорат берган ҳолатлар ҳақида ҳам эшишиб қоламиз. Пластика қиёфани бир зумда ўзгартиришга қодир сеҳрли таёқча эмас, балки зарурат юзасидан бажариладиган операция бўлгани учун баъзан ножӯя таъсир кўрсатиши мумкин. Ҳар бир нарсада меъёрга эътибор бериш лозим. Бу том маънода пластик жарроҳликка ҳам тегишли. Борди-ю, клиникага мурожаат қилган мижоз ўзига мутлақо тўғри келмайдиган, ҳатто, зарарли таъсир кўрсатувчи операцияни талаб қиласа, мутахассис унга тушунтириш ишларини олиб бориши керак. Баъзи ҳолатларда психолог кўмаги керак бўлади. Чунки аксарият беморларнинг муаммолари уларнинг ички кечинмалари билан боғлиқ бўлади.

Абадий ёшликка интилиш ҳисси инсониятни азалазалдан қизиқтириб келган. Бугунги кун инсонлари бунга пластик жарроҳлик таклиф этаётган илфор

технологиялар ёрдамида эришмоқда. Аммо пластика-нинг илдизлари қадим замонларга бориб тақалишини биласизми? Мисрлик шифокорлар юз терисига чок қўйишда фоят эҳтиёткор бўлиши ўша даврлардан қолган ёзма ёдгорлик – папирузларда қайд этилган. Ҳатто, бурун синишларида ҳам чок қўйишдан аввал юз терисига эритилган ёғ суртиб, бурун катакчаларига пахта тикиб, кейингина операцияни амалга оширишган. I асрда яшаб ўтган римлик олим Аулус Корнелий Цельзус “... юздаги нуқсонларни даволашда чокнинг нозик ётиши жуда муҳим” деган гапни ўз асарларида кўп бора айтиб ўтган. Қадимги Хитой ва антик Грекияда ҳам ринопластика (бурун шаклини тўғрилаш) усули кенг кўлланилган. Қадимги Римда энг керакли пластик операциялар сирасига бел ва елкаларда қолган чандиқларни йўқотиши ҳисобланган. Бу жангчиларни жанг майдонидан қочганини ёки унинг қуллигини билдирган. Табиийки, бу белгилардан одамлар тезроқ қутулишни исташган. Чет элликлар эса Рим жамиятида ўз ўрнига эга бўлиш учун қоматини тўғрилаш бўйича операциялардан фойдаланишган. Бундан ташқари, қоматни тўғрилаш бўйича операциялар ҳам амалга оширилган. VII асрда яшаган александриялик шифокор Паулюс Айджинский эркаклар кўкрак соҳасида кўплаб операциялар ўтказган. Бу касаллик гинекомастия (аёл кўкраги) дейилиб, баъзан эркакларда ҳам кўкраклар ўсиши каби ҳолатлар учраб турарди. Бундай операциялар ҳозирги кунда ҳам амалга оширилмоқда. Фақатгина ҳозирда унинг янги усуслари яъни липосакция (lipos – ёғ, suction – сўрилиш, деган маънени билдиради) дан кенг фойдаланилмоқда. X асрларда эса Хитойдан Тан ва Сун империялари ҳукмронлиги даврида “қўён лабларни” тўғрилаш бўйича операциялар қилингани ҳақида маълумотлар бор.

Кўз қовоқлардаги нуқсонларни тўғрилаш. Блефаропластика косметик операциялар орасида энг кўп бажариладиган муолажалар қаторига киради. Ёш ўтган сайин кўз қовоқлари салқиб пастга осилиб қолади, кўзнинг айланма мушаги бўшашиб, кўз косасини ўраб турувчи ёғ тўқимасини ушлаб туролмайди. Мазкур ҳолат илмий тилда ёғ чурраси деб аталади. Бу, албатта, одамнинг ташки кўринишини ўзгартиради.

Бундай ҳолатда аввал консерватив (дори-дармонлар ёрдамида) усуlda даволаниб кўриш керак. Агар муолажа ёрдам бермаса, ундан кейин пластик жарроҳликдан фойдаланишингиз мақсадга мувофиқ.

Лаблар пластикаси. Бу усул қўйидаги ҳолатларда кўлланилади;

- лаб юганчасида туғма нуқсонлар, “қўён лаблар”;
- оғиз четларида чандиқнинг ёпилиши;
- лабларда киста, хол ёки ўсмаларнинг пайдо бўлиши ва ҳ.к.

Лаб юганчasi оғиз бўшлигининг шиллиқ қават бурмаси ҳисобланади. У юкори ва пастки лабни жағ суюклирига бириктириш учун хизмат қиласди. Лаб юганча-

сида нуқсон бўлса, боланинг нутқи бўзилади, ташқи қиёфаси ўзгаради. Бу нуқсон онанинг ҳомиладорлик пайтида бирон юқумли касалликка чалиниши ва бу ҳолатга безътибор бўлиб, даволанмагани, ҳомиладорликнинг оғир кечиши, турли стреслар, нохуш экологик вазиятлар сабабли юзага келиши мумкин. Кўпчиллик бу каби нуқсон билан туғилган болаларни ақлий заиф деб ўйлаб, туғруқхонанинг ўзидаёқ улардан воз кечишиди. Лекин бу нуқсон боланинг ақлий фаолиятига таъсир қилмайди, бу ҳолатни операция йўли билан тўғрилаш мумкин.

Аёлларимизда лабни шиширтириш усулидан фақат бир марта фойдаланиш зарур. Сабаби, ундан қайта-қайта фойдаланишнинг ўзига яраша заарлари мавжуд. Лабга жўнатилаётган инъекция таркибида силикон ва акриль геллари бор. Мана шу моддалар организмда гоҳида кучли ўзгариш ёки турли касалликларнинг қўзғалишига ҳам олиб келиши мумкин.

Шалпанг қулоқликнинг давоси – бу усул отопластика дейилиб, бола 6 ёшлигидан бошлаб амалга оширилади. Аслида боладаги шалпанг қулоқликнинг 6 ойлигигача оддий даво чоралари ёрдамида даволаш мумкин. Чунки бу даврда қулоқ тогайлари ҳали юмшоқ бўлади. Мазкур чоралар ёрдам берилган тақдирда отопластика (ото – қулоқ, пластика – шакл бериш) усулидан фойдаланилади. Отопластика шалпанг қулоқлик, туғма нуқсон ёки қизларда зиракни қулоқдан мажбуран узиш натижасида қулоқ солинчагининг иккига бўлиниши, қулоқлар учининг узунлиги, қулоқ супрасининг туғма йўқлиги каби ҳолатларда туғма, бাযзилари эса жароҳатлар туфайли рўй беради. Ҳар бир бемор учун жароҳликнинг ўзига ҳос усули танланади.

Бу ҳозирги замонавий медицинанинг илмий изланишлари натижаси ҳисобланса-да, бундан уч аср аввал “Авесто” китобида” фарзанд соғлом туғилиши учун аввало ҳомиладор аёл соғлом бўлиши лозимлиги хусусида қайғуришиб, уларга алоҳида эътибор беришади. “Авесто” китобида деярли барча ахлоқий-эстетик фикрлар бугунги кун учун ҳам долзарб масала ҳисобланади. Яъни, наслнинг, зурриёднинг соғлом бўлиши борасида бундан 3000 йил илгари аждодларимиз қайғуришган. Ушбу таълимотда соғлом авлоднинг пайдо бўлиши, бенуқсон наслнинг туғилиши учун соғлом турмуш тарзи, вақтида уйғониш, юз-қўлларни ювиш, бадантарбия билан шуғулланиш, ҳалол меҳнат қилиш, дехқончилик, чорвачилик билан шуғулланиш қонун-қоидаларига амал қилиб яшаш лозимлиги таъкидланади. Бунинг учун аввало, ота-оналар фарзандларини ақлий ва жисмоний меҳнатга меҳр уйғотишни билиши керак. “Хум Яшт” қисмida аъзолар озодалиги, айниқса юз қўлларни доим ювib юриш айтилади. Наслнинг тоза бўлишида ҳомиладор аёл ҳалол луқма ейиши кераклиги ва бунга ўзи ва эри ҳалол меҳнати орқали эришиши айтилади. Ҳалол меҳнатни эса дехқончилик ва чорвачилик қилишда деб ҳисоблашган. Бенуқсон наслни дунёга келтириш учун аёл нафас олаётган атроф-муҳит

тоза ва озода бўлиши, табиат манзараларидан баҳра олиши ва улардан эстетик завқ олиб дам олиши ҳақида тўхталиб, ушбу олқиши келтиради, “Аҳурамазда яратган яхшилик моясига соғлом, ақл-хушлик, тетик, жасур, доно, турли тилларни биладиган ўғил-қизларга, узоқни кўра биладиган, юртни бало-қазолардан химоя эта оладиган ўғлонларга яхши келажак, порлок ҳаётни равшан кўз билан кўра оладиган поктийнат авлодларга олқишилар бўлсин”.

Бугунги кунда ҳам турли нопок йўлларга кириб кетаётган инсонларни, ёшларни кўришимиз мумкин. Масалан, чекувчи ҳомиладор онанинг туғиладиган фарзандини соғлом туғилишига ҳеч ким кафолат беролмайди. Яқин қариндошларнинг ўзаро никоҳи оқибатида турли хил ирсий касалликлар билан фарзанд туғилиши бўларнинг барчаси наслнинг ўзгаришига, миллатнинг генофондига зарар эмасми! “Авесто” китобидаги “Аҳриман нафаси теккан” деган нуқсонли шахслар деганда балки шу масалаларни ҳам назарда тутишган бўлса ажаб эмас. Тиббиёт соҳасида жарроҳлик амалиётларини ҳам ўтказишган. Жарроҳлик фаолияти жуда ҳам қалтис касб бўлиб, беморнинг соғайиб, оёққа туришларигача масъул бўлишган, шу даврда ҳаттоқи ҳомиладор аёлларни жарроҳлик амалиёти ёрдамида фарзанд дунёга келтиришига эришишган. “Вендинод” қисмida дунёда биринчи табиб Тирити фаолияти ҳақида ҳам маълумотлар берилган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, атиги икки йил сиз ўтказган амалиётингиз натижасини кўришингиз мумкин. Ундан кейин яна аввалги ҳолатингизга, балки ундан ҳам ёмонроқ ҳолатга тушиб қолишингиз мумкин. Сабаби, юборилган дори воситаларининг бўшаб қолган ўрнини зудлик билан тўлдирмаса, олдингидан-да каттароқ қўриниши шубҳасизdir.

Косметикадаги энг зарарли моддалар минерал ёғлар нефть-кимё маҳсулоти ҳисобланади. Улар ҳуснбузарларни ҳосил қилади ва аллергияга сабабчи бўлади. Бундан ташқари, теридаги регенерация жараёнларини секинлаштиради. Организмда тўпланиб қолганида артрит, мигрен, диабет, эпилепсия каби касалликлар ривожланиши мумкин.

Парафин – минераль ёғлардан ҳам заҳарлироқ нефть-кимё маҳсулоти ҳисобланади. Глицерин терини намлантирумайди, аксинча, уни қуритади. Пропилен гликоль – нефти қайта ишлаш маҳсулоти ҳисобланади, асосан, машинасозликда тормоз суюклиги ва антифриз сифатида кўлланилади. Бу жуда кучли аллерген бўлиб, у гиперкератоз ва ҳуснбузарларни пайдо қилади, организмда тўпланганида эса жигар ҳамда буйрак токсик заҳарланишга учрайди.

Натрий сульфати ёки лаурил сульфат. Кокосдан олинса ҳам токсик модда ҳисобланади. У юрак, мия, буйрак, жигарга салбий таъсир кўрсатади. Сочларнинг ингичкаланиши ҳамда тўкилишини келтириб чиқаради, аллергик дерматит, конъюнктивит ва ҳатто катарактага олиб келади.

Параңенлар тери ферментларини бузади ва организмда түпланиб қолувчи ҳамда гормонал мұвозанатни бузувчи ксено-эстрогенлар сифатида таъсир қилади. Баъзи маълумотларга кўра, парабенлар кўкрак бези саратони ривожланишига турткى бўлади.

2010 йилда Ислом Конференсияси Ташкилоти қосидаги халқаро ислом фиқхи академияси қуидагича қарор қилади:

– косметик жарроҳлик инсоннинг зоҳирий жисмидаги бўлакларидан бирини ўзгартириш орқали чирой киритиш ёки шикаст етганлиги сабабли вазифасини қайтана изга тушириш учун хизмат қиладиган жарроҳликдир;

– косметик жарроҳлик мобайнидаги умумий шартлар ва нормаларга амал қилиш: Жарроҳлик шаръий эътибор билан амалга оширилган бўлмоғи лозим. Масалан, вазифани қайта йўлга қўйиш, айни ислоҳ қилиш ва хилқатни аслига қайтиши;

– жарроҳлик умид этилган манфаат ўрнига зарарни ошириб юбормаслиги керак. Бу ишни мутахассис ва ишончли кишилар амалга оширимоғи лозим;

– жарроҳлик амалиётини қилувчи табиб ёки ҳамшира ўша касбнинг ахли ва мутахассиси бўлиши ва бу масъулият академиянинг 142-рақамли қарорига мувофиқ бўлиши;

– жарроҳлик амалиёти беморнинг изни билан бўлиши;

– табиб онгли ва воқеъ бўлиши мумкин бўлган хатарларни кўра-била оладиган бўлиши лозим.

– жарроҳликдан таъсири оз бўлган бошқа муолажа бўлмаслиги лозим. Шаръий манбъаларга мухолиф бўлмаслиги керак.

Динимизда хусусан, Расулуллоҳ (с.а.в.) Абдуллоҳ ибн Масъуддан (р.а.) қилган ривоятда у зот: «Игна билан баданига сурат чизувчи аёл ва чиздириувчини, соч уладиганни ва улатадиганни, ҳусн учун тишларининг орасини очувчини ва Аллоҳ халқ қилган нарсани ўзгартиувчини лаънатлаган», деб айтдилар. (Имом Бухорий ривоят қилган.) Ибн Аббосдан (розияллоҳу анху) қилинган ривоятда келтирилишича, соч уловчи аёл ва соч улатувчи аёлни, игна билан баданига сурат чизувчи аёлни ва чиздириувчини, оғриқсиз баданига сурат чизувчини лаънатлаган. (Абу Довуд ривояти.) Ва яна Расулуллоҳ (с.а.в.) ўзини аёлларга ўхшатувчи эркакни ҳамда ўзини эркакка ўхшатувчи аёлни бундай қилишидан манъ этганлар. Зарурат учун ёки мажбур бўлиб қолганда зарари йўқ.

Шаръий аҳкомлар: 1. Косметик жарроҳлик зарурат ва ҳожат юзасидан шаръян жоиздир. Чунончи: а) жисмидаги аъзо шаклини Аллоҳ халқ қилган ҳолатига қайтана

риш; Аллоҳ таоло Қуръонда бу ҳақда: «Дарҳақийқат Биз инсонни энг гўзал шаклу шамойилда яратдик» («Тийн» сураси, 4-оят) деб айтган. б) жисм аъзосига таникли маълум вазифасини қайтиши; в) халқий нуқсонларни ислоҳ қилиш, масалан, дарз кетган лаб, қийшиқ бурун, хол, бармоқ ва тишларнинг ортиқаси ёки бармоқ ёпишиб қолиб уни шу тарзда туриши моддий ёки маънавий зарар келтирса; г) баҳтсиз ҳодисалар сабабли, масалан ёнғин, касаллик туфайли етган нуқсонларни тузатиш учун. Масалан, касал терини олиб ташлаб, соғ терини ямаш амалиёти, касалликка олиб боришидан хавфга тушилса, эмчакнинг баъзи қисмини ёки барчасини олиб ташлаш, соч тўкилиб кетганда соч экиш. Бу, хусусан, аёлларда учрайди; д) бадбашараликни йўқотиш, хусусан, бу нафсий азиятга сабаб бўлса. 2. Косметик жарроҳлик амалиёти зарурий тиббий муолажа бўлмай, балки инсоннинг текис хилқатини ўз ҳавои нафсига эргашиб ёки бошқаларга тақлид қилиб, рағбатларини рўёбга чиқариш мақсадида бўлса, жоиз эмас. Масалан, муайян кўринишида кўриниш учун ёки фириб қасди ва адолатни бузиш мақсадида юзни ўзгартириш, бурун шаклини ўзгартириш, лабни катта ёки кичик қилиш ва кўз шаклини ўзгартириш ҳамда лунжини кенгайтириш кабилар. 3. Вазнни илмий воситалар билан камайтириш, агар вазн касалликни келтириб чиқарса. Жарроҳликдан бошқа йўл қолмаса, зарардан омонда бўлиш шарти билан жарроҳлик амалиёти ўтказиш жоиз. 4. Ажинни жарроҳлик йўли билан ёки укол орқали йўқотиш, мөдомики бу касаллик ҳолати бўлмаса, зарардан омонда бўлиш шарти билан ҳам жоиз эмас. 5. Мутахассис табиб тиббий амалларда шаръий қоидаларга амал қилмоғи ва жарроҳлик қилдираётгандарга насиҳат қилмоғи лозим. Чунки «Дин насиҳатдир», деб айтилган.

Демак, жарроҳлик амалиётидан фойдаланаётганда қуидагиларга эътибор беришимиш шарт:

- зарурати бўлмаса, жарроҳлик амалиётидан фойдаланмаслик;
- инсон ўзини гўзаллаштириши орқали ўзлигини йўқотиши ва миллат (қиёфасига) генофондига зарар етказишини англаши;
- жарроҳлик амалиёти зарурат юзасидан қилиниши (турли хил кўнгилсиз воқеаларда, туғма нуқсонларни бартараф этишда), (баъзи нуқсонлар одамларда қўрқинч уйғотмаслиги учун);
- инсон ҳаракатини чеклаган вақтда;
- жарроҳлик амалиётини ўтказаётган мутахассислар жарроҳлик бўйича диний қонун-қоидалардан хабардор бўлиши ва ўзлаштириши мақсадга мувофиқ бўларди.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Загиртдинова Ф.Б. Некоторые проблемы биомедицинской этики. Монография. –Ташкент: Университет. 2005.
2. Файбуллаев О.М. Шахс маънавий камолоти ва эстетик маданият. Монография. –Ташкент: Чашма принт. 2008.
3. Нурматова М. Шахс камолотида ахлоқий ва эстетик қадриятлар уйғунлиги. Монография. –Ташкент: Университет. 2009.
4. Мухаммедова З. Биоэтика кириш. –Ташкент: 2006.
5. Мухаммедова З. Биоэтика. –Ташкент: 2006.

# МУСИҚА ТАЪЛИМИ ЖАРАЁНИДАГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛарНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Аннотация.** Мақола мусиқа санъати педагогикаси соҳасига технологик ёндашувни татбиқ этиши масалаларига багишланган. Унда мусиқий-таълимий фаолиятда педагогик технологиянинг тарқибий тузилиши — концептуал асос, мазмуний ҳамда процессуал қисмларининг татбиқ этилиши хусусиятлари ёритилган.

**Калим сўзлар:** педагогик технология, мусиқий-таълимий жараён, мусиқий фаолият алгоритми, шахсга йўналтирилган ва фаолиятли ёндашув, концептуал асос, хусусий технология.

**Аннотация.** Данная статья посвящена проблеме внедрения технологического подхода в сферу педагогики музыкального искусства. В ней рассматриваются концептуальные, содержательные, процессуальные основы педагогической технологии в музыкально-образовательной деятельности.

**Ключевые слова:** педагогическая технология, музыкально-образовательный процесс, алгоритм педагогической деятельности, личностно-ориентированный и деятельный подход, концептуальная основа, частная технология.

**Annotation.** The present article is devoted to the problem of implementation of technological approach in the area of pedagogy of musical arts. The subject of study is conceptual, essential and procedural pillars of teaching technologies in musical education activity.

**Key words:** pedagogic technologies, procedures of musical education, algorithm of pedagogical activity, person oriented and activity approach, conceptual basis, private technology.

Мамлакатимизда таълимнинг ҳозирги ривожланиш босқичида ўқитиши методлари, воситаларини ва ташкил этиш шаклларини такомиллаштириш зарурати янада кучаймоқда. Президентимиз “соҳа учун мутахассислар тайёрлаш, хусусан, янги даврга мос ўқув-методик ва илмий адабиётлар яратиш ва уларни таълим жараёнига татбиқ этиш, ўқув муассасаларини замонавий педагогик-коммуникация воситалари билан таъминлаш, таълим сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратиш зарур”, деб таъкидлайди[1]. Шу кесимда мусиқа таълимида замонавий мусиқа таълим мининг кенг қамровли ва чуқур илмий-методик пойдеворини ишлаб чиқиш жиддий масалалардан бўлиб қолмоқда.

Санъат, хусусан, мусиқа санъати ўзининг ёрқин ифодаланган хусусияти, ўқитилишининг кўпроқ индивидуал характерга эгалиги, ҳиссиятлар ва бадиий образлар дунёсига, инсоннинг маънавий-эстетик соҳаларига қаратилганилиги билан ажрабиб туради. “Инсоннинг руҳий камолоти ҳақида гапирав эканмиз, албатта, бу мақсадга мусиқа санъатисиз эришиб бўлмайди,” - деб таъкидлаган эди Биринчи Президентимиз И.А. Каримов [2.Б.61].

XIX асрнинг охири – XX бошларида Туркистон заминидаги илғор фикрли зиёлиларининг энг йирик вакилларидан бўлмиш Абдулла Авлоний (1878 – 1934) мусиқа санъатининг инсон тарбиясида муҳим ўрин тутишини,

айниқса, ёшларни тарбиялашда кенг имкониятларга эга эканлигини барча жадид зиёлилари каби теран илғайди ва 1916 йилдан бошлаб ўзи очган янги усулдаги мактабда мусиқа дарсларига кенг ўрин берганлиги миллий тарихимизнинг ёрқин саҳифалариданdir. Шу ўринда маърифатпарвар олим Фитратнинг мусиқа маданияти ва унинг маънавиятига таъсири ҳақида айтган сўзларини эслаш жоиз: “...ўз мусиқамиз, ҳам Оврўпо мусиқасини яхши билиб олган талабаларимиз етишгунча, Оврўпо мусиқа олимларининг ёрдамлари билан куйларимизни нотага олдиришда Оврўпо оҳанг усулларидан кўз юмаб, куйларимизнинг ўз оҳангиди қолишига тиришайлик. Оврўпо оҳанг усулларига эргаштириб олинған куйларнинг этнографик нуқтасидан аҳамиятини йўқотганимиз каби уларнинг ўзбеклигини ҳам йўқотган бўлурмиз” [3.Б.53]. Бу сўзлар ҳозирги кунда ҳам ёшлар маънавиятини кўтариш, уларда юксак маданиятли сифатларни шакллантириш, миллий қадриятларни тиклаш йўлида миллий санъатимиз дурдоналарини чукурроқ ўрганиш жадал ривожланиб бораётган жамиятда ўз долзарблигини заррача ҳам йўқотмаган.

“Мусиқа – миллат руҳининг тили, мусиқа – миллат ҳиссийтүғуларининг таржимонидир. Шунинг учун фақат эстетик тарбияда эмас, ахлоқий, маънавий, руҳий, ҳаттоқи, диний -илоҳий тарбияда мусиқанинг хизматлари бекиёсдир” деб

айтади филология фанлари доктори, адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққул ўзининг адабий сұхбатларидан бирида ва шу ўринда Ибн Халдуннинг ушбу фикрини эслатиб ўтади: “Мусиқа бир санъат сифатида фақат ижтимоий ва маданий жиҳатдан юксалган муҳитларда ривож топади. Иқтисодий фаровонликка эришган жамиятларгина мусиқага кучли эҳтиёж сезади[4.]”.

Инсон шахсини ривожлантиришда мусиқа санъатининг роли ва педагогик аҳамияти хусусида Б.В.Асафьев, Ю.Б.Алиев, О.А.Апраксина, Т.И.Бакланова, Л.А.Баренбойм, О.А.Блох, Н.Я.Брюсова, Н.А.Ветлугина, К.В.Головская, Н.Л.Гродзенская, Д.Б.Кабалевский, З.Кодай, Э.Б.Абдуллин, Л.А.Мазель, В.В.Медушевский, Н.М.Михайловская, Е.Н.Назайкинский, Е.В.Николаева, Г.П.Новикова, К.Орф, В.И.Петрушин, О.П.Радышоваларнинг илмий ишларида кенг ёритилган.

Ўзекистонда мусиқий таълим-тарбия бўйича XX асрнинг 60-90 йилларда Ҳ.Нурматов, Ф.Жўраев, Р.Қодиров, Қ.Мамиров, С.Аннамуратова, Т.Турсунов ва бошқалар томонидан яратилган илмий ишларда мусиқий таълимнинг мақсад ва вазифалари, мусиқий фаолият турлари, мусиқа таълимида қўлланиладиган қатор анъанавий усуллар ёритилган бўлиб, бунда мусиқанинг жуда катта тарбиявий имкониятлари - мусиқа ўқитувчисининг жиддий касбий тайёргарлиги ўқувчи шахсига ҳамда унинг мусиқий-ижодий қобилияtlарини ривожлантиришга боғлиқлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Аммо инсонга кучли ҳиссий таъсир кўрсатиш билан боғлиқ бўлган мусиқа таълим мининг тарбиявий потенциалини юзага чиқаришда фақатгина анъанавий методлар ва умумидидактик тамоилларга таяниб иш олиб бориш замон талабига жавоб бермай кўди.

Замонавий педагогикада таниқли рус олими Г.К.Селевко “педагогик технология”ни фан сифатида эътироф этади ва шундай дейди: “Педагогик технология ўқитишнинг бирмунча оқилона йўлларини тадқиқ қилувчи фан сифатида ҳам таълимда қўлланадиган усуллар, принциплар ва регулятивлар сифатида ҳам, реал ўқитиш жараёни сифатида ҳам мавжуддир”[5.Б.19] Мусиқа таълимида педагогик технологиянинг қўлланиши ва ундан кўзда тутилган натижага эришиш фақат педагогик фаолият жараёнида самарали амалга ошади. Мусиқа фанларини ўқитишда хусусий технология (Г.К.Селевко) даражасидаги педагогик технологиялар мусиқий таълим принциплари талабларига мос келади ва талабаларни мақсадга йўналтирилган ижодий мусиқий тафаккурларини жадал ривожлантиришга хизмат қилишади.

Педагогик технологияларнинг таркибий тузилиши – **концептуал асос, мазмуний қисм** (ўқитиш мақсади, ўқув-методикаси мазмуни) ҳамда процессуал қисмлардан (ўқув жараёнини ташкиллаш, талабаларда ўқув фаолиятларининг метод ва шакллари, ўқитувчи

фаолиятининг метод ва шакллари, ўқитиш натижаларини баҳолаш ва бошқ.) иборат.

Мусиқа таълимида педагогик жараённинг концептуал асоси бўлиб анъанавий **шахсга йўналтирилган** ва **фаолиятли ёндашув** хизмат қиласи. Фаолиятли ёндашув мусиқа таълими фаолиятларининг ижрочилик турлари: қўшиқ кўйлаш, чолғу ижрочилиги ҳамда мусиқа тарихи ва назарияси ва ҳ.к. хусусиятлари билан белгиланади. Танлаб олинган педагогик ёндашув педагогик технологиянинг мақсадлари, мазмуни ҳамда усул, восита, метод ва шаклларини белгилаб беради.

Мусиқа таълимида таълим мазмуни ва процессуал компонентларнинг бир-бири билан узвий боғлиқлиги аниқ ифодаланган. Таълимнинг мазмуний қисми назарий билимларни ўзлаштириш ва янги ахборотларни қидиришга қаратилган. У умумий педагогикадан маълум бўлган ўқув иши методлари бўлган – тушунтириш, иловалаш, эвристик (ҳақиқатни топиш), муаммоли кабиларни қўллашни тақозо этади. Таълимнинг ижрочилик малакаларини эгаллаш билан боғлиқ бўлган қисми нафақат умумидидактик методларга, балки ижрова кўрсатиш ва йўналтириш билан боғлиқ бўлган хусусий мусиқа методларини қўллашни назарда тутади. Жамоавий ижодий фаолият малакаларини эгаллаш эса турли “режимда” ишловчи ўқув жараёнини яратишни назарда тутувчи педагогик ва ижодий “моделлаштириш”ни – **ўқув машғулоти, репетиция, саҳнавий ишлар** талаб этади.

Таълим олувчи шахсга якка йўналтирилган ҳолда бўлган педагогик метод ва усулларнинг вариатив қўлланишини, унда тарбияланувчининг темпераменти, характеристи, мулоқот услубини ҳисобга олувчи мусиқий-педагогик шароитда педагогик фаолиятни алгоритмлаштириш (алгоритм-педагогик технология таркибий бўлаклари ўзаро жойлашувининг ҳамда педагогик технология жараёниларини амалга ошириш кетма-кетлигининг аввалдан белгилаб олинган тартиби) мураккаб вазифадир [6.Б.100].

Мусиқа машғулотлари жараёнида, айниқса, ижрочилик синфларида педагог ҳар бир дақиқада талабанинг эмоционал-психологик ҳолати ўзгаришига, унинг ижро бўйича ҳаракатларини кўра олиши ва шунга мос ҳолда ўқув вазифалари қўйилишини корректировка қилиб, педагогик таъсир методларини ўзгартириши лозим бўлади.

Кўпгина тадқиқотчилар шахсга йўналтирилган педагогик ёндашувда педагогик технологиялар қўлланиши имкониятини инкор этадилар. Уларнинг фикрича, инсоннинг шаклланиш ва ривожланиш йўлини олдиндан ёзиб чиқиш мумкин эмас, бироқ таълимий муҳитнинг ижобий хусусиятларини лойиҳалаш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Чунки таълим эффиқти ўқув жараёнининг ҳар бир субъекти учун алоҳида ҳолда намоён бўлади. Лекин **фаоллаштирувчи таълими мухитда** шахснинг

қизиқишилари, ташаббускорлигини ўстирувчи ва билимларни долзарблаштиришни ҳосил құлувчы омиллар туғишиш эхтимоли катта.

Юқорида келтирилган фикр мусиқа таълими соҳаси учун жуда муҳим тамойиллардан дир. Тарбияловчи ижодий мұхит ролини мусиқий педагогиканинг күпгина арблары (Б.Асағьев, Д.Кабалевский, Э.Абдуллин ва бошқ.) таъкидлаб, бу мұхитта бола қанчалик ёш пайтидан бошлаб кирса, унинг мусиқий ривожи шунчалик тез кетишини айтиб келгандар.

Мусиқа инсон тафаккурининг алоҳида маҳсулі бўлиб, унинг мазмун ва моҳияти асар билан бевосита мулоқотда, яъни унинг жарангловчи оҳангини ўзлаштириш жараёнидагина намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан замонавий мусиқий таълим методикаси талаба-ёшларда мусиқа ва мусиқа ҳақида билимлар, йирик шаклдаги мусиқа асарларини ҳиссий онгли идрок этиш малакаларини шакллантириш, ҳиссий ва мусиқий тажрибаларни бойитиш, дунёқарашни кенгайтиришга ёрдам берувчи бир қатор методларни тавсия этади. Булар мусиқа ҳақида фикр юритиш методи, муаммоли метод, перспектив ва ретроспектив метод, мусиқий умумлаштирув методи, бадиий контекст яратиш методи, ҳаёттй ассоциациялар методи, полифоник методлардир. Педагогик-психологик адабиётларга мурожаат шуни кўрсатадики, мусиқий таълимнинг ушбу замонавий методлари маълум бир мезонларга асосланади:

- технологик, яъни методни педагогик технологияларга таққослаш, хусусан, ҳозирда тушунтириш-иловалаш технологиясидан ривожлантирувчи, муаммоли, шахсга йўналтирилган технологияларга ўтиш;
- психологик – йирик шаклдаги мусиқа асарларини ўрганишда методлар ёшлар психологияси нуқтаи назаридан аҳамиятли бўлиши лозим. И.С. Кон бунинг иккита муҳим жиҳатини алоҳида таъкидлайди [7.Б. 194].

#### Адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистоннинг янги киёфасинин яратишида миллий маданиятнинг ўрни ва аҳамияти (Маданият ва санъат соҳасидаги масалалар муҳокамасига бағишлиланган йигилишдаги маъruzаси). “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 26 декабрь.
2. Каримов И.А .Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. 61-б.
3. Фитрат Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. –Тошкент: 1933, 53-б.
4. Мусиқа – миллат завқи (журналист Илҳом Ахрорнинг филология фанлари доктори Иброҳим Ҳаққул билан давра сухбати). “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1998 йил 9 январь.
5. Йўлдошев Ж.Ф, Усмонов С.А. Замонавий педагогик технологияларни амалаётга жорий қилиш. Кўлланма, –Тошкент: 2008, 47-б.
6. Педагогик атамалар лугати. –Тошкент: “Фан”, 2008, 100-б.
7. Кон И.С. Психология старшеклассника. – Москва: 1982, 149-б.
8. Турғунов С., Максадова А. Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришнинг функция ва методлари. “Халқ таълими” журнали, 2010\6, 4-10 бетлар.

1) санъат талабага унинг эҳтиёжларини ўз тасаввурида бўлса ҳам амалга оширишга ёрдам бериши лозим;

2) “гурух аффекти”ни ҳисобга олиш – “ҳаммага ўхшаган” бўлишга ёрдам бериш, яъни, ёшларнинг ривожида, ўз-ўзини ривожлантиришида, социал гурухида ўз ўрнини топишида ёрдам берувчи методларни танлаш лозим.

Педагогик технологиялардан аклий ҳужум, ролли ўйинлар, бумеранг, тармоқлар, муаммоли ҳолатларни ҳосил қилиш, бадиий-педагогик таҳлил, мусиқий умумлаштирув методи, бадиий контекст яратиш методи, мусиқа ҳақида фикр юритиш методидан фойдаланиш аниқ педагогик натижалар олишни кафолатлади. Мусиқа машғулотлари жараёнидага аналитик услублардан фойдаланиш мавзу юзасидан муаммоларни таҳлил ва синов қилиш талабалар мусиқа идроки фаолиятини, уларнинг мусиқий тасаввур, билим ва малакаларини ўстиради.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, мусиқа таълимида мусиқий асарларни ўрганиш, идрок этишда ёшлар томонидан мусиқа асарининг фақат “матни” эмас, балки мусиқани яратган ижодкорни кўра олишни, мусиқий асарнинг ички интонацион хусусиятини ҳис эта олишга туртки бўлувчи метод ва технологияларни қўлланиши замон талаби бўлиб қолмоқда. Бунда хусусий технология даражасидаги педагогик технологиялар мусиқий таълим принциплари талабларига мос келади ва улар талаба-ёшларда мақсаддага йўналтирилган ижодий мусиқий тафаккурни жадал ривожлантиришга хизмат қиласи. Энг муҳими таълим жараёнидаги педагогик технологияларни қўллаш асосида талабаларда янги билимларни ўзлаштиришга эҳтиёж, уларда ижодкорлик ва мустақил фаолиятга хоҳиш ва қизиқишини уйғотиш демакдир.



# БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАР КОМПЕТЕНТЛИГИ ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ ПОРТФОЛИОСИ

(бўлажак чет тиллари мутахассислари мисолида)

**Аннотация.** Мақолада бўлажак мутахассислар касбий билим, малака ва қўникмаларини баҳолашининг инновацион методларидан бири талаба портфолиосининг мақсад ва вазифалари, ўзига хос педагогик хусусиятлари, тузилиши ҳақида фикр баён этилади.

**Калим сўзлар:** портфолио, инновация, ҳужжатлар портфолиоси, шахсий ҳужжатлар портфели, ишлар портфолиоси, кўргазма портфолиоси, баҳолаш мезони, рейтинг, ижтимоий

**Аннотация.** В статье изложены мнения об одном из инновационных методов оценки профессиональных знаний, навыков и опыта будущих специалистов - цели и задачи, специфических педагогических особенностей структуры портфолио студента.

**Ключевые слова:** портфолио, инновация, портфолио документов, портфель личных документов, портфолио работ, портфолио показа, критерии оценки, рейтинг, социальный.

**Annotation.** This article consists of opinions about one of the innovative methods of an estimation of professional knowledge, skills and experience of the future experts, the purposes and problems of peculiar pedagogical features of students, portfolio structure.

**Key words:** portfolio, innovation, document's portfolio, personal document's portfolio, portfolio of works, exhibition portfolio, evaluation criteria, rating, social.

Мамлакатимиз мустақиллиги йилларида жаҳон андозалариги мос, юқори билимли ва интеллектуал салоҳиятли, инновацион компетентли мутахассис кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ушбу долзарб масалани амалга оширишда портфолионинг аҳамияти ниҳоятда каттадир.

Портфолио (франц. "porter" – "шаклловчи, сақловчи" – эслатмалар блоки фотосуратлар блоки", "folio" – "қофоз, бет" – англ. «портфель», «муҳим ишлар папкаси»; итал.-«хужжатлар папкаси», «мутахассис папкаси» маъносини англатади) – сўзи талабани турли соҳаларда эришган натижалари тўғрисида тўплланган аҳборотларини ўзида сақловчи ва кўрсатувчи хужжатлар папкасидир.

Портфолио талабанинг билими, илмий ва профессионал жиҳатларини аутентик баҳолашга асосланган замонавий таълим соҳасидаги инновацион технологиядир. У талабани билим, малака ва қўникмасини баҳолашда ва юқори малакали мутахассис тайёрлаш жараёнида катта аҳамиятга эгадир. Бу технологиясиз бўлажак мутахассис ўз касбий компетенциясини шакллантириш жараёнини доимий мониторинг қилиб бора олмайди. Портфолионинг асосий маъноси – талаба нимага қодир эканлигини тўлиқ кўрсатишдир. Портфолио технологияси асосида баҳолаш жараёнида педагог бўлажак мутахассис тўғрисида тизимли равишда етарлича маълумотлар тўплаб бориш имкониятига эга бўлади. Бундай папкани ҳосил қилиш бўлажак мутахассис

қўйидаги мақсадларга эришишига олиб келади: ўзини касбий рефлексия қилиб бориш, яъни ўз-ўзини билиш, ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини тушиниш, ўз-ўзини танқидий таҳлил этиш, ўз-ўзини баҳолаш имкониятига эга бўлади.

**Бўлажак мутахассис портфолиосининг тузилиши.** Портфолио аҳборотлар йиғилишига қараб икки хил бўлади: Биринчиси – турли натижва баҳолар ёзилган қофозлар йиғиндисидан иборат папка. **Иккинчиси** – компютерда очиладиган махсус логин ва паролга эга бўлган электрон саҳифадан иборат. Портфолио хужжатларини йиғиш ва уни сайтда ҳосил қилишдан аввал педагог бу жарённинг маъноси, унинг мақсад, вазифалари, ташкилий таркиби ва уларни қандай шакиллантириш тўғрисида бўлажак мутахассисларга кўрсатмалар берилади. Натижада бўлажак мутахассис портфолионинг баҳолаш мезонлари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлади.

**Талаба портфолиосига қўйиладиган талаблар.** Портфолиони бўлажак мутахассис ёзма ёки компьютер ёзуви тарзда олиб боради. Портфолиога юкланган ҳар қандай материални киритилган вақти белгиланади ва изчил тарзда амалга оширилади. Унга ёзма материаллар билан биргалиқда бўлажак мутахассис фаолиятини ёритувчи 15-20 ёшгача расмлар ҳам юкланиши мумкин.

Портфолионинг асосий мақсади – бўлажак мутахассиснинг таълим давомида касби бўйича ўқув

фаолиятларидан олган баҳоларини, ўқув жараёни тўғрисидаги ҳисоботини, эришилган ютуқларини тўплаш билан бирга касбий компетенциянинг ўсиш динамикасини ва олган билим, малака ва кўнижмаларини амалда қўллай билиш даражасини аниқлаш имкониятини беради. У бўлажак мутахассисларнинг ўз компетенциясини ривожлантиришга бўлган мотивациясини оширади, ихтисослик бўйича чуқур билим олишга бўлган қизиқишини ривожлантиради, мустақил ишлаш, аудиториядан ташқари ишларда фаол иштирок этишга илҳомлантиради. Бўлажак мутахассис портфолио тузишидан аввал педагогик натижаларни аввалдан кўра билиши керак. Портфолиога киритилган барча материалларнинг манбалари аниқ белгиланади ва унинг ўзгариши, ўсиши, йил ёки семестр давомида кузати борилади. Илмий адабиётлар таҳлили шундан далолат берадики, портфолио бир неча турлардан иборат бўлиши мумкин: **Хужжатлар портфолиоси** – шахсий хужжатлар портфелидаги материаллар ёки уларнинг нусхаларини портфолиога жойлаштириш керак. Бу портфолио бўлажак мутахассисларнинг фаолиятлари натижалари ва уларнинг касбий компетентлиги ҳақида маълумот беради. Аммо унинг ижодий ўсиши ва қизиқишлари тўғрисида маълумот беролмайди.

**Ишлар портфолиоси** – бўлажак инглиз тили мутахассиси турли хилдаги ижодий, лойиҳа ишлари, унинг ўқиши ва ижодий фаоллиги тўғрисидаги маълумотлар, илмий конференциялар, семенар, танловлар, форумларда, қатнашиши, таржимаси, инглиз тилида ёзилган реферати, мустақил ижодий ишлари, тақдимоти халқаро дастурларда ўқиши, педагогик амалётида қатнашиши, спорт ва бадиий ютуқларини жамламаси ҳисобланади. Бу портфолио талабанинг ўқиш ва ижодий фаоллигини ва уларнинг йўналишини кўрсатади.

**Кўргазма портфолиоси** – бўлажак мутахассиснинг қобилиятини намоён этади. Портфолионинг бу шакли бўлажак мутахассиснинг ўз-ўзини баҳолашга, ўқув жараёнларида олган барча билимларини амалдаги натижасини кўрсатади. Бу портфолиога у ўз ижодий ва амалий фаолиятига тақризлар, ўзи бажарган ишларининг расмларини, тақдимотларини реклама учун жойлаштиради. Портфолионинг асосий мақсади ўз-ўзини рефлексия қилишни ривожлантиради. Баъзи ҳолларда бўлажак мутахассисда бирон-бир ишни бажаришда ўзига нисбатан ишончсизлик бўлади. Ушбу портфолио эса бўлажак мутахассисда “ўзини топишга” ёрдам беради.

Ўқиш ва тақдимотларда кўргазмали портфолиони кўллаш мақсадга мувофиқдир. Чунки у бўлажак мутахассисларни ўқиши ва ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Бунда бўлажак мутахассис педагог билан биргаликда нима бажаришини режалаштиради ва ажратади, баҳолаш мезонларини аниқлайди ва эришилган ютуқларни тасдиқловчи натижаларни киритади. Портфолио учун ажратилган

ахборот ва материаллар ўқув режасидаги мавзулар билан боғланган бўлиб, ўқитиш модулини мақсадлари ва компетенциясини қониқтириши керак.

Материаллар ўқув жараёнининг турли вақтларида бир неча марта йиғилиб портфолиога жойланади. Бу маълумотлар жараённинг бошланишидан то охиригача бўлган босқичларини ўз ичига олади. Натижада бутун жараённинг кечуви ва унинг натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш имконияти бўлади.

Бўлажак мутахассисларда ўз портфолиосига масъуллик ҳисси туғдириш учун улар нима талаб қилинаётганлигини аввалдан билиши ва тасавур этишлари зарур. Улар ўз билим ва кўнижмаларини турли ва мавжуд шароитларда намоён қила билишларини кўрсата билишлари керак. Бу усулда ҳосил қилинган портфолио талабаларга ўзлари намойиш қиласидаги материалларни қайсиларини киритиш кераклигини ҳал қилиш ва ўқиш йўналишини тўғрилаш имкониятини беради. Бундай усулда ҳосил қилинган кўргазмали портфолио талабанинг профессионал ва шахсий компетенциясини ва бу ўринда педагогнинг таъсири натижасини ҳам яқъол кўрсатади.

Бу портфолиода коммуникация усулидан фойдаланиш самарали бўлиб, бўлажак мутахассислар бир-бирларидан ўрганишлари имкониятига эга бўладилар. Бу портфолио давомида маълумотлар бир педагогдан иккинчисига ўтиши орқали бўлажак мутахассис тўғрисида уларда керакли тасавур пайдо қилиши мумкин. Умуман бўлажак мутахассис бу портфолио жараёнда иккита мақсадни амалга оширади:

- 1) таълим жараёни натижасини тўлиқ хужжатлаштириш;
- 2) уни бутун маъносини билиш, тушуниш ва амалий ҳолатларини ўзи хоҳлаганча интерпритатция ва намойиш қилишдир.

Бу портфолиога йиғилган материаллар ўрганилаётган модул бўйича билимларнинг ривожланиши ва бўлажак мутахассиснинг ўқиш жарёнига бўлган муносабатини кўрсатади. Аниқ ишлаб чиқилган баҳо мезонлари педагог томонидан баҳолаш учун кўрсатма ва ўқув жарёнини чуқур фикрлаш ва ўз-ўзини баҳолаш имконини беради. Шунингдек:

- бўлажак мутахассиснинг билим олишида муваффақиятини, ташкилий фаолиятини ва профессионал имконияти ва ютуқларини кўрсатади;
- унинг шахсини, маданиятини ва коммуникатив сифатларини тўлиқ акс эттириди;
- кутилмаган ёки кутилган ютуқ ҳолатидан истисно ҳолда рейтинг давридаги ҳақиқий ютуқ натижаларини намоён этади;
- ижодкорлик ва изланувчанлик соҳасидаги қобилиятлари ва уларни амалда қўллаш имкониятини туғдиради;
- Анъанавий баҳолаш усулларига альтернатив ҳисобланган портфолио усулида бўлажак мутахассис билимларини баҳолаш куйидаги вазифаларни ечиш имкониятини беради:

- ҳар бир бўлажак мутахассиснинг касбий компетентлигини ўсиш динамикасини доимий кузатиш;
- бўлажак мутахассиснинг касбий фаолиятга тайёрлиги ҳақида ҳар томонлама объектив баҳо беради;
- бўлажак мутахассис ўзини педагогик рефлексия қилиш имкониятига эга бўлади;
- бўлажак мутахассисларда ўз шахсий ютуқларини адекват баҳолаган ҳолда касбий компетенциясини ривожлантириб бориш истиқболини белгилаш;
- бўлажак мутахассиснинг касбий ва шахсий ютуқларини баҳолаш.

Портфолио бўлажак мутахассис тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар йигиндиси бўлиб, унинг касбий ўсишини аниқловчи кўрсаткич бўлиши билан бирга унинг кўрсаткичларидан қўшимча маълумот сифатида ўқув жараёни натижаларини баҳолашда, юқори даражали стипендия белгилашда, ишга жойлашишига тавсиянома беришида ва бошқа жараёнларда ҳам фойдаланиш мумкин. Портфолио технологиясини қўллаш бўлажак мутахассисга ўз қобилиятларини турли қирраларини намоён этишларида, кейинги касбий қирраларини ривожлантиришда касбий режа катта ёрдам беради.

Шундай қилиб, бўлажак мутахассислар билимларини баҳолашда портфолио технологияси энг объектив усуллардан бири ҳисобланади ва уни тузиш, ҳар бир бўлимга маълумотларни киритиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва ўз-ўзини баҳолаш, назарий билимларини амалиётга жорий этишда муҳим роль ўйнайди.

Бўлажак мутахассислар портфолиосини тузиш босқичлари. Бу босқичлар кўйидагилардан иборатdir:

- 1- босқич. Мотивация ва портфолиога кўйилган мақсад.
- 2- босқич. Портфолио материаллари мазмунан тузилишини ишлаб чиқиш.

3- босқич. Материалларни йиғиш, шакллантириш ва тақдимотга таёrlашни режалаш фаолияти. Портфолиони баҳолаш мезонлари кўрсаткичини ишлаб чиқиш.

4- босқич. Материалларни йиғиш ва рўйхатга олиш. Портфолиони шакиллантириш ва тақдимот учун керакли тренинг ва маслаҳатлар олиш. Педагогик рефлексия.

5- босқич. Портфолионинг тақдимоти. Баҳолаш кўрсаткичлари ишлаб чиқиш.

Бўлажак мутахассис портфолиосини ким ва қайси мутахассислар олдида боҳолашга қараб уни турли жиҳатларига эътибор қаратилади. Агар портфолио бўлажак мутахассис билимларни рейтингли баҳолаш учун тақдим этилса, бунинг учун рейтинг жадвали тузиш керак бўлади. Барча мезонлар иккига асосий ва тўлдирувчи бўлимларга бўлинади ва жадвалга жойлаштирилади.

Асосий ва тўлдирувчи маълумотлар билан ишлаш алгоритми:

1. Ҳамма асосий ва тўлдирувчи қисмлар муносабатларини аниқлаш.

2. Блоклар ичидаги ҳолатлар аниқланади, уларнинг компоненти ва қамрови белгиланади.

3. Керакли ҳисоб-китобни аниқлаш.  
Тўлдирувчи рейтинг бўйича максимал балл 300-350 бўлиши лозим.

Одатда эса 150-200 балл чиқиши мумкин.

Биз тузган ва тажриба-синов асосида тавсия этаётган портфолио варианtlари электрон портфолио ҳисобланади ва чет тиллари факультетларида таълим олаётган бўлажак мутахассиснинг асосий, қўшимча ва турли бошқа йўналишлардаги троекториал фаолиятини ўз ичига олади. Ушбу технология бўлажак мутахассиснинг ўзини қизиқиши ва мотивациясига асосланган.

Биз тавсия қилган 1-вариант портфолио асосан беш қисмдан иборатdir: биринчи қисм кириш, иккинчи қисм “Ютуқлари”, учинчи қисм “Ижтимоий”, тўртинчи қисми “Келажак орзулар”, бешинчи қисм “Хулоса”.

Юқорида келтирилган фикрларга асосан портфолиони баҳолашда рейтинг усулини таклиф этдик. Улар бўлиmlар бўйича кўйидагича тақсимланади:

1. Ўқув ишлари (рейтинг баллар)

Ютуқлар:

- A) таълим сифатида (семестрлар). Максимал – 5 балл;
- B) олимпиадалар, конференцияларда иштирок этиш;
- B) якуний назорат 3-5 балл.

2. Спорт ишлари.

- A) спорт мусобақаларида иштирок этиш;
- B) спорт тўгаракларида шуғулланиш 1-3 балл;
- B) спорт йўналишлари бўйича таълим олиш. 1-3 балл.

3. Кўрик-танловлар ва бошқалар.

4. (тўгараклар, факультатив, (инглиз тили, педагогика, психология,...) иштирок – 1 балл, сертификат – 3 балл.

5. Жамоат ишлари. Кузатиш 1-2 балл, иштирок этиш – 3 балл.

2. Таҳқи кўриниш 1-3 балл 3. Структураси. 1-3 балл.

- 3) Таҳқи назорат (1дан 3 баллгача)

- 1- босқич. «Менинг портретим» (максимум – 18 балл)

- портфолио эгаси шахсий маълумотлари;

- таржима ҳолни таҳлил қилишга ва...

\* ўз психологияк хусусиятларини таҳлил қилиш ва билишга ёрдам берадиган ахборотлар, қобилият, касбий ўсиш даражаси, ўз-ўзини ривожлантириш ва билиш кўрсаткичлари;

\* ўз-ўзини таҳлил натижалари, шахсий рефлексия;

\* ўз олдига кўйилган мақсад ва унга эришганлик тўғрисида таҳлил;

\* касбий ва ўз-ўзини билиш йўналишларидаги ишлар натижалари.

- 2- босқич. “Хужжатлар портфолиоси” (максимум - 16 балл)

\* портфолиога тақдим этилган хужжатлар рўйхати;

\* бўлажак мутахассиснинг турли соҳаларда ва йўналишлардаги ютуқларини тасдиқловчи сертификатланган хужжатлар;

- \* ўзлаштириш китобчаси;
  - \* турли хил олимпиада, анжуман ва танловларда иштирок этганилиги учун ёрлик ва сертификатлар;
  - \* ташаккурномалар.
- 3-босқич. “Ишлар портфолиоси” (максимум – 36 балл)
- \* бўлажак мутахассис томонидан тақдим этилган лойиҳалар, изланиш ва ижодий ишлар натижалари;
  - \* бўлажак мутахассис маъруза ва рефератлари;
  - \* бўлажак мутахассиснинг ижтимоий лойиҳа ишлари;
  - \* бўлажак мутахассиснинг педагогик, бадиий ижоди;
  - \* бўлажак мутахассиснинг ОТМда, вилоят, республика ва ҳалқаро нашрлардаги мақола ва тезислари (педагоглар билан ҳаммуаллифиқида бўлса ҳам);
  - \* бўлажак мутахассиснинг эссеси, ҳикояси;
  - \* бўлажак мутахассиснинг дарс машғулотларида, семинар, конференция ва бошқа тадбирлардан ёзиб олинган аудио, видео ёзуви;
  - \* турли амалиёт натижалари: тил бўйича, меҳнат, педагогик ва ижтимоий;
  - \* бўлажак мутахассиснинг мустақил таълим олиши ва ўқув курсларида ўқиётганилиги тўғрисидаги маълумотлар;
  - \* бўлажак мутахассиснинг маълум вақт ичida тўпланган турли ижодий ютуқлари акс этирилган “Менинг бўш вақтимда иштирок этган тадбирларим” номли портфолио жадвали;
  - \* жамоат ишларида иштироки тўғрисида маълумотлар;
  - \* бўлажак мутахассиснинг ишни бажарганлиги сифати учун хулоса ва тақризлар;
  - \* турли ташкилотлар томонидан берилган ташаккурномалар.
- 5-босқич. “Хазина” (максимум – 3 балл)
- 6- босқич. Якунловчи хулоса (максимум – 3 балл)

Қабул қилинган рейтинг тизимида баҳолашга портфолио технологияси маълумотларини кўшиб баҳолаш талабаларни билим, кўникма ва малакалари билан биргаликда унинг бошқа соҳалардаги ютуқларини намоён этириди ва шахс сифатида шаклланишини баҳолаш, кўрсатилган ҳолларда керакли тузатишлар киритши ва мутахассислик бўйича ривожланиш векторини аниқлаш имкониятини беради.

Шундай қилиб, ушбу портфолио бўлажак мутахассиснинг ўқиш жарёнидаги индивидуал фаоллигини кўрсатиш билан бирга умумий рейтинг баҳосига кўшимча кўрсаткич ҳисобланади. Шунингдек, унинг афзаллуклари:

- 1) таълим жараёнида ўқитувчи томонидан ҳар бир талаба эришаётган натижаларга алоҳида эътибор бериш ва уларнинг ҳар бирини ўзига хос ҳусусиятларини билиш имконини беради;
- 2) бўлажак мутахассисларнинг фаолиятини ҳар томонлама таҳлил қилиш ва унинг қобилиятини аниқлаш имконияти вужудга келади. Уларнинг кучли ва кучсиз томонларини ҳисобга олган ҳолда бўлажак мутахассис касбий компетенциясига салбий таъсир этиши мумкин бўлган омилларнинг олдини олиш имкониятига эга бўлади;
- 3) бўлажак мутахассисни баҳолаш жараёнида у олган билимлари асосида қандай натижалар кутилаётганини тасаввур этадилар;
- 4) бўлажак мутахассислар компетентлигини баҳолаш усусларининг имкониятларини кенгайтиради. Бўлажак мутахассиснинг ўқишдан ташқари вақтдаги фаолиятини баҳолаш имкониятига эга бўлади. Портфолионинг камчиликлари:
  - 1) бўлажак мутахассиснинг ўз-ўзини баҳолаш жараёни мураккаб ва ноодатий бўлиши мумкин;
  - 2) баҳолаш мезонлари кам бўлса, портфолио фақат хужожатлар йиғиндисидан иборат бўлиб қолиши мумкин;
  - 3) портфолиода жойлаштирилган барча маълумотларни таҳлил килишининг мураккаблиги туфайли талабанинг касбий компетентлиги даражасини аниқлаш қийинлиги билан изоҳланиши мумкин.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги «Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича Давлат стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 124-сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги “Чет тилини билиш даражасини аниқлаш ва малака сертификати бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш хақида”ги 352-сонли қарори.
3. Ўзбекистон миллый энциклопедияси. -Тошкент: “Ўзбекистон миллый энциклопедияси” Давлат миллый нашиёти, 2008. 8 том. Б-26.
4. Kasey Quon. NovoEd: Group project-based onlineNovoEd: Group project-based online education. URL: <http://www.stanford-daily.com/2015/02/10/novoed-group-project-based-online-education/>(02. 10. 2015)
5. [http://uu.vlsu.ru/files/Innovachionnie\\_MO](http://uu.vlsu.ru/files/Innovachionnie_MO)
6. <http://oncampus.ru/publicacii/10-poleznyh-agregatorov-massovyh-distantsionnyh-onlayn-kursov-mooc#ixzz3megI63yO>

# БҰЛАЖАК МУСИҚА ҮҚИТУВЧИЛАРИНІНГ КРЕАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ МУСИҚА ТАРИХИ ФАНИНИ ҮҚИТИШ ВОСИТАСИДА ШАКЛАНТИРИШ

**Аннотация.** Уибұ мақолада мұмтоз мусиқа таълимининг тарбиявий аҳамияты ҳақидағы фикрлар баён этилған бўлиб, ҳозирги кунда долзарбилиги тобора ортиб бораётган мұмтоз мусиқий асарни тағлилини ўрганишига багишланған. Бу жараёнда албатта устозлардан қолған мерос, уларнинг тажрибасига таяниб иш кўрган афзал. Ана шунда маҳорат мактаби талабадаги табиат ато этган қобилятни янада ривожлантиради, унга сайқал беради.

**Калип сўзлар:** шашмақом, ушишоқ, истеъодод, макон, ўт-ўланлар, булоқлар, дараҳтлар, тог-адирлар, қоя ва чўйқилар, коинот.

**Аннотация.** Данная статья посвящается вопросам классической музыки и ее воспитательному значению. А также приведены элементы школы музыкального мастерства, которые оказывают значительное воздействие на развитие способностей студентов.

**Ключевые слова:** шашмақом, ушишоқ, талант, пространство, поляна, родник, деревья, горы, скалы, космос.

**Annotation.** The present article is devoted to the questionas of classical muzic and its educative significance. Aslo there are some elements of musical school skills, that has significance on the development of the abilities of students.

**Keywords:** shashmaqom, ushshoq, expired, makon, springs, trees, mountain, rockandpeaks, theuniverse.

Маълумки, мусиқа санъати аждодларимиз маънавий ҳәйтининг маҳсулі сифатида бизгача етиб келган мұхим мерослардан биридир. Айтиш мүмкінки, мусиқа санъати асрлар оша сайқал топиб, миллій мұмтозлик даражасига күтарилиди ва башарият томонидан эътироф этилди. Шу боис Шарқ мутаффакирлари мусиқа санъатининг инсон камолотидаги аҳамиятига катта эътибор бердилар, ушбу соҳада маҳсус тадқиқотлар олиб бордилар ва инсоният учун ўлмас асарлар ёзиб қолдирдилар.

Биринчи Президентимизнинг сўзларига кўра, “Маданий жамоатчилигимиз, аввалимбор мусиқашунос олимлар, устоз санъаткорлар, композиторлар, ёзувчи ва журналистлар, кўп сонли санъат ихлосмандлари бундай масалалар юзасидан ўз фикрини очиқ билдириб бориши, шу тариқа ёшларимизга тўғри тарбия беришимиз ҳам қарз, ҳам фарз, деб ўйлайман.

Биз учун ахлоқий жиҳатдан номаъкул, миллій қадрият ва қарашларимизга ёт бўлган, лекин ҳозирги вақтда ҳәётимизга кириб бораётган мана шундай кўринишларни бамисоли юқумли касаллик деб қабул қилишимиз лозим.

Ва айни шу асосда бундай хуружларнинг ўта хавфли ҳолат эканини англашимиз зарур.

Нега деганда, агар инсоннинг қулоги енгил-елпи, тумтароқ оҳангларга ўрганиб қолса, бора-бора унинг бадиий диidi, мусиқа маданияти пасайиб кетиши, унинг маънавий оламини сохта тушунчалар эгаллаб олиши ҳам ҳеч гап эмас. Охир-оқибатда бундай одам «Шашмақом» сингари миллій меросимизнинг ноёб дурдоналарини ҳам, Моцарт, Бетховен, Бах ва Чайковский каби дунё тан олган буюк композиторларнинг асарларини ҳам қабул қилиши қишин бўлади.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун санъаткорлар орасида соғлом ижодий мухит ташкил қилиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллій ва жаҳон мусиқа маданиятининг мұмтоз асарлари билан бирга, уларнинг кайфияти ва интилишларига мос кела-диган замонавий эстрада санъати намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, мусиқий таълимни янада ривожлантириш масалалари ўта мұхим аҳамият касб этади” [3].

Ватанимиз мустақилликка эришган кундан эътиборан халқимизнинг маънавий-руҳий оламини янгилаш борасидаги мусиқа санъатининг аҳамияти давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Бу мерос Ўзбекистоннинг ривожланиш ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топар экан, “Ўзбекистонда мақом санъатини янада ривожлантириш, бу борада шаклланган ижро ва ижодий мактаблар ва анъаналарни, буюк бастакорлар, ҳофизлар ва созандалар меросини чуқур илмий асосда ўрганиш ва қайта тиклаш”[1] бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори миллӣ мақом дурдонасини чуқур илмий ўрганиш, бу борадаги тажрибаларни кенг тарғиб этиш, айниқса, ёш авлодни мумтоз мусиқий меросимизни теран англаш кўнгималарини шакллантириш юзасидан имкониятлар очиб берди[2]. Яратилган имкониятлар ва шароитлар шукронасидан келиб чиқиб, биз анъанавий хонандалик фанини ўқитиш жараёнинда бўлажак мусиқа ўқитувчисининг компетентлигини таркиб топтиришга йўналтирилган технологияларни ишлаб чиқишимиз лозим.

“Компетентлик” тушунчаси ҳозирги кун педагогини тарбиялашда энг муҳим омил ҳисобланади. Ушбу термин потинча “Сомпето” (эришяпман, муносибман, лойиқман) у ёки бу соҳадаги билимлар, тажриба деган маъноларни англатади. Компетентлилик – билимдонлик, касбиға мослиқ, малакалик, тажрибалик, масъулиятлилик каби бошқа хислат ва фазилатлар тушунилади [5].

Муаммо: 3-курс “Мусиқа тарихи” дарсини инновацион технологиялар асосида ташкил этиб “Фарғона-Тошкент мақом йўлларини ўзлаштириш” билан бирга талабаларни ҳаёлан водий саёҳатига етаклаш, куй таркибидаги тузилмани табиат безаклари билан тасаввур қилиш малакасини шакллантириш.

Ўқув дастури талабларига кўра 2017-2018 ўқув йилининг мусиқа тарихи фан дастуридан жой олган 12 мавзу бўйича “Фарғона-Тошкент мақом йўлларини ўзлаштириш” юзасидан Кўқон шаҳар педагогика институти 3 курс “Мусиқа тарихи” дарсини инновацион технологиялар асосида ташкил этилди. Мавзу доирасида Навоий ғазали халқ мусиқаси асосида кўйланадиган “Ушшоқ” асарини Ўзбекистон халқ артисти академик Юнус Ражабий ижросида ёзиб олинган грамм ёзувига тингланди. Мавзуга кириш сұхбатимизда академик Юнус Ражабийнинг 120 йиллик таваллуд айёми олдидан чоп этилган манбалар ва оммавий ахборот воситаларида қайд этилган маълумотларга таянган ҳолда тарқатма материалларда устознинг ижодий фаолияти, устозлари ва шогирдлари, таълим олган ўқув юртлари, меҳнат фаолияти, беш томлик “Ўзбек халқ мусиқаси”, олти томдан иборат “Шашмақом” нота материаллари, Ўзбекистон телерадиокомитети қошидаги

мақом ансамбли раҳбарлиги, “Шашмақом” туркумидаги барча асарларни граммёзувга муҳрлашдаги хизматлари, мумтоз оҳанглар руҳи билан суфорилган асарлар бастакори сифатидаги ижодий изланишлари асосида тайёрланди.

Беш минутли эссадан фойдаланаар эканмиз, талабалар Ўзбекистон телерадио компанияси маданият ва маърифат телеканалида Юнус Ражабий таваллудининг 120 йиллигига бағишиланиб 2018 йил 22 январь куни намойиш этилган лавҳалар асосида мустақил фикрларини ифода этдилар. Бунда Юнус Ражабийнинг таклифи билан созгар Уста Усмон Зуфаров томонидан катта дутор, катта танбур ва сато чолғулари қайта тикланганлигини баён қилдилар.

Мустақиллик неъмати мамлакатимизда кўплаб эзгу ғоялар ижобатининг бош омили сифатида устоз орзу қилган янгланишлар таянчи бўлди. Ўзбекистон консерваторияси Ўрта Осиёда ягона маънавий маскан маҳсус санъат коллежи ва болалар санъат ва мусиқа мактаблари сифатида қад ростлади. Азалий қадрията римиз ҳисобланиши мақом санъати академик йўналиш сифатида ўқув режадан муносиб ўрин олди. Шашмақом таълим йўналишини муваффақиятли битирган мутахассислар олий таълим ва ўрта маҳсус касб-хунар коллежлари, болалар мусиқа мактаблари ҳамда маҳсус интернетларда юқори малакада фаолият олиб бормоқдалар. Давлатимиз фамхўрлигига ва Президентларимиз раҳнамолигида истеъододли ёшларимиз дунё саҳналарида нуфузли эксперталар эътирофига сазовор бўлмоқдалар. Айниқса, 2017 йил 16 ноябрь куни Президентимиз томонидан эълон қилинган “Ўзбек миллӣ мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарори [1] Юнус Ражабий бошлаган ташаббуснинг ҳаётйлиги ҳамда миллӣ маданиятимиз ривожида тарихий воқеа бўлди.

Мавзу юзасидан кириш сұхбатимиз давомида талабалар дикқатини экранда намоён бўлган “Ушшоқ” ашуласининг ижроиси Юнус Ражабий суратига қаратилди. 1-расм. Юнус Ражабий ижодининг маҳаллий омиллари ва фаолият босқичлари деб аталган қуйидаги жадвал ҳавола этилди:



Маълумки, Юнус Ражабий фавқулодда истеъдод, уқув ва мустаҳкам хотира соҳиби сифатида ўзбек мусиқа маданиятининг буюк намоёндаси бўлиб, умумбашар маънавий ҳазинасида ҳақли ўринга эгадир[8]. Чунки у томонидан нота ёзувига олинган ўзбек халқ мусиқаси, шашамақом ҳамда грамм ёзувига олинган олтин мусиқий мерос ва у басталаган куй-қўшиқлар бутун дунёда ижро этилиб инсонларни ҳайратлантирумоқда ҳамда эзгуликка сафарбар этмоқда.

Зеро, бундай истеъдод Ражабийлар оиласидаги юксак маънавий муҳит, айниқса, Ойша онанинг ижодий қамрови маҳсули эди.

Ёш Юнус Ражабий илк адабиёт, фолклор ва чолғу сабогини ўз онаси Ойша онадан, моҳир дуторчи Мирза Қосимов, акаси Рихси Ражабийлардан олган бўлса, кейинчалик Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Хожи Абдулазиз Абдурасулов, Домла Ҳалим Ибодовлардан тамбур чолғуси ҳамда хонандалик сирларини ўрганди[10].

1940 йили Москва шаҳридаги бастакор композиторлик курсини тугаллаб, касбий маҳоратини оширди.

Юнус Ражабий раҳбарлигига 1960 йили Ўзбекистон радиокўмитаси қошида ташкил қилинган мақом ансамблига юртимиздаги истеъдодли созандা ҳамда ашулачилар жалб этилди.

1955-1959 йилларда чоп этилган беш томлик “Ўзбек халқ мусиқаси”нинг нота ёзувидағи жамламаси Юнус Ражабийнинг мусиқашунослик назариясидан “Нотография” (нотага кўчириш) фанидан қандай салоҳиятга эга эканлигини кўрсатса, 1968 йили чоп этилган 6 томлик “Шашмақом” бу борадаги маҳорат чўққиси бўлди.[6]

Ёзиб олинган шашмақом ва ўзбек халқ мусиқаси намуналари Ўзтелерадио хазинасининг олтин фондида ҳозирги кунда бебаҳо меросга айланди[6].

Юнус Ражабий бастакор сифатида “Фабрика ялласи”, “Хаммамиз”, “Falaba”, “Ўзбекистон”, “Пахта”, “Яшнади” каби лирик характердаги қўшиқлар, “Ватан”, “Келгил”, “Халқлар дўстлиги” каби ватанпарварлик руҳидаги қўшиқлар “Абдулфайзхон”, “Фарҳод ва Ширин”, “Муқанна” драмаларга Г.Мушель билан ҳамкорлиқда мусиқа ёзди. Шу йўсинда атоқли бастакорлардан Дони Зокиров, Дадаали Соатқулов, Набижон Ҳасанов, Сайджон Калонов, Камилжон Жабборов, Фахриддин Содиковлар таниқли хонандалардан Ўзбекистон халқ артисти Берта Давидова, Коммуна Исмоилова, Ориф Алимахсумов, Абдулаҳад Абдурашидов, Абдуҳошим Исмоилов, Ўзбекистон халқ ҳофизлари Маҳмуджон Йўлдошев, Маҳмуджон Тожибоев, aka-ука Истроилжон ва Исмоилжон Ваҳобовлар, Ҳасан Ражабий, Очилхон

Отахонов ва кўплаб давлатимиз унвонига сазовор бўлган хонандалар у кишини ўзларининг устозлари сифатида эъзозлашади[7].

Хулоса қилиб айтганда, тушунчалар асосида “Ушшоқ” мумтоз ашула ҳақида ўқитувчи томонидан ташкил этилган сұхбатда қайд этилган “Самарқанд ушшоғи”, “Қўқон ушшоғи”, “Содирхон ушшоғи”, “Қадимги ушшоқ” каби турдош ушшоқлар ҳақидаги маълумотлар асосида билимларини “ушшоқ” атамаси арабчадан ошиқлар маъносини англатишини айтилди. Барча ушшоқлар усул жиҳатдан бир йўлда эканлигини, ушшоқларнинг таг илдизи бир-бири билан узвий боғлиқда ошиқлик тарануми сифатида идрок қилинишини баён этдилар.[7]

Ўзбекистон халқ артисти Ҳадя Юсупова, Абдуҳошим Исмоилов, Ўзбекистон халқ ҳофизлари Маҳмуджон Тожибоев, Гулбаҳор Эрқурова, Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори Рифатилла Қосимов, созгар Тўхтамурод Зуфаровларнинг интервьюларидағи маълумотларда парчалар келтирдилар.

Сұхбат коммуникатив фаолият ташкилий-мативациян, информацион-процессуал ва критериал натижага эришиш компонентларида ташкил топган тизим бўлиб, талабабининг фаоллик ғояси ва коммуникатив фаолиятининг ижтимоий муҳитдан келиб чиқишини ҳисобга олиб мусиқий мавзуга кириш сұхбатимизни эркин тарзда ташкиллаштиридик.

Мусиқий сұхбатимиз ўтган дарсда кейинги дарс мавзуси юзасидан тайёргарлик кўриш учун олдиндан тўғрилик, аниқлик, соддалик, муайянлик каби тамойиллари асосида берилган саволларимизга таянган ҳолда бошланди.

Сұхбатимиз буғунги дарсда мусиқа тинглаш учун “Фарфона-Тошкент” мумтоз асарларида бири “Ушшоқ” атамаси арабчадан ошиқлар, яъни ишқ аҳиллари маъноси киши руҳиятидаги энг жозибали туйғулардан[9] бўлиб, отонага, оиласига, маҳалласига, мактабига, ватанига, дўстига, ўзи ёқтирган касб ёки хунарга, Аллоҳга нисбатан қизиқишилар асносида вужудга келувчи руҳий интилишдир. Руҳий интилиш эса оиласида, маҳалласида, мактабида ўтказиладиган сұхбатлар, давралар ва тадбирлардаги маънавий озуқаларга таянади.

Буғунги дарсимида тинглайдиган “Ушшоқ” ашуласи Алишер Навоийнинг “Қаро кўзим” деб бошланувчи фазалида комил инсон ишқи тараннум этилади. Комил инсонга муҳаббат ифодаланади. Тасаввуф луғатларида кўз комил инсон тимсоли деб шарҳланади, чунки у фақат ўзгаларни кўради, ўзини эса кўрмайди. Комил инсон Навоий учун энг азиз, энг маҳбуб, энг қадрли ва уни кўз қорачигидай асрashга интилади, унга талпинади, бутун вужуди билан шу вужудга сингиб кетмоқчи бўлади:

Қаро кўзум, келу мардумлиқ, эмди фан қилғил.

Кўзум қаросида мардумлик киби ватан қилғил. (Аудио орқали тинглаш).

“Мусиқа тарихи” фанини ўқитишнинг усул, метод ва технологиялари талабаларда мусиқий таълимнинг турли кўринишларига оид кўникма ва малакаларини шакллантириш омили бўлмиш аудио орқали тинглаш методини қўйидаги тарзда ташкил этдик:

“Қаро кўзим” деб бошланувчи “Ушшоқ” ашуласини аудио ускунаси орқали тақдим этар эканмиз, жаранглаётган ашулани идрок этиш, фикрлаш, керакли ўринларини белгилаб қўйиш, хотирада сақлаб қолганларини баён қилиш каби жиҳатларни талабаларга эълон қилинди.

1	2	3	4	5	6	7	8
Макон	Ўт-ўлан	Булоқлар	Дараҳтлар	Тоғлар	Қоя ва чўққилар	Күшлар	Коинот

Мақсад: талабаларни ҳаёлан водий саёҳатига етаклаш, куй таркибидаги тузилмани табиат безаклари билан муқояса қилиш малакасини шакллантириш.

1. Макон – асар тонлиги, таянч нуқтаси (а молл) “даромад” инсон шуурига йўналтирилган бирламчи нағмалар.

2. Ўт-ўланлар – даромад қавмининг ифодавий безаклари.

3. Булоқлар – тоғ-тошлардан оқиб тушадиган сизак сувлар захираси.

4. Дараҳтлар – барча жонли маҳлуқотлар учун сокинлик манбаи (барқарор товушлар) тингловчининг бир қадар тин олишга, мушоҳада қилишга ундовчи хона.

5. Тоғ-адирлар – инсонни юксакликка йўналтирувчи ҳаракат зиналари (миёнхатдан дунасрга томон йўлловчи оҳанг мавжи).

6. Қоя ва чўққилар – инсон руҳий ҳолатининг юқори даражаси (кульминацияси) илоҳий лаззат палласи сифатида вужуддаги янгилик, яъни, учар қуш янглиғ коинот сафарига чофланиш.

7. Коинот – ҳақ висолига эришмоқ орзуси, яъни ошиқларнинг ишқ дардидан ҳосил бўладиган туйгулар қанотида фалакка ўрнашиш.

Мусиқа санъати ёшларнинг ахлоқий дунёқарашини бойитиб, уларда ҳаётнинг гўзаллик қонунлари асосида қуришга интилиш ҳиссисини уйғотади. Мусиқанинг ёшларга тарбиявий таъсири катта. Энг яхши мусиқий асарларнинг мазмуни таҳлили шуни кўрсатадики, уларда нафақат ички кечинмалар, балки турли кишилар характеристи, ҳаётий ҳиссиётлари тасвирланади. Мусиқа чуқур ҳиссий туйгулар асосида туғилади. Ҳаёт билан узвий боғлиқлик мусиқий асарни ахлоқий воситага айлантиради.

Хулоса қилиб айтганда, З курс “Мусиқа тарихи” дарсини инновацион технологиялар асосида ташкил этилиб “Фарғона-Тошкент мақом йўлларини ўзлаштириш” билан бирга талабаларни ҳаёлан водий саёҳатига етаклаб, куй таркибидаги тузилмани табиат безаклари билан тасаввур қилиш малакасини шакллантиришга ҳаракат қилинди.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чоратадибирлари тўғрисида”. “Халқ сўзи” 2017 йил, 18 ноябрь. 1-бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг сўзлаган нутқидан. “Халқ сўзи” газетаси. 2017 йил 10 февраль сони. 2-4-бетлар.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг сўзлаган нутқидан. “Халқ сўзи” газетаси. 2017 йил 24 апрель сони. 2-6-бетлар.
4. Каримов И.А. “Юқсак маънавият — енгилмас куч”. –Тошкент: “Маънавият”, 2008, 28-45-бетлар.
5. Шарифхўжаев М.Ш. Менежмент. Юз саволга юз жавоб. –Тошкент: “Мехнат”, 2000.
6. Жабборов А., Бойкўзиев А. Ўзбекнаво: устозлар, юлдузлар, шогирдлар. –Тошкент: «Чўлпон», 2000.
7. Абдуллаев М. Маданиятшунослик асослари. –Фарғона: 1997.
8. Абдуллаев Р. Миллий истиқлол ва мусиқа. –Тошкент: 2002.
9. Ражабов И. Маком асослари. –Тошкент: 1992.
10. Ражабий Ю. Мусиқа меросимизга бир назар. –Тошкент: 1978.



# ХОРИЖИЙ ТИЛНИНГ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ТАЪЛИМИДАГИ ЎРНИ

**Аннотация.** Ҳозирги кунда хорижий тилларга бўлган талаб тобора кучайиб бормоқда. Уибу мақолада санъат ва маданият таълим йўналишиларида хорижий тилнинг ҳозирги кундаги ўрни борасида сўз юритилади.

**Таянч сўзлар:** Санъат, маданият, хорижий тил, таълим, илм-фан, мақсад, маънавият, йўналиш, қизиқиши, факультатив, шарт-шароит, имконият, самарали.

**Аннотация.** В настоящее время большое внимание уделяется обучению иностранных языков. В данной статье ведется речь о значении иностранного языка в сфере искусства и культуры.

**Ключевые слова:** Искусство, культура, иностранный язык, образование, наука, цель, просвещение, направление, интерес, факультатив, условие, возможность, эффективный.

**Annotation.** Nowadays it is paid great attention to learning foreign languages. Main point of the article is about the importance of foreign languages in teaching the students in the sphere of art and culture.

**Key words:** Art, culture, a foreign language, education, science, aim, enlightenment, direction, interest, facultative, opportunity, chance, productive.

Барчага маълумки, тил кишилар ўртасидаги ўзаро мулоқотнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Ўз она тилини мукаммал билиб, бир ёки бир нечта хорижий тилларни ҳам ўрганиш, юқори даражадаги керакли билимларга эга бўлишга ва дунё халқарининг маданий ҳамда тарихий бойликлари билан яқиндан танишишга имкон яратади.

Бежиз халқимизда “Тил билган – эл билади” деб бежиз айтилмаган. Бирор хорижий тилни яхши билмасдан туриб, унинг маданиятини тўлиқ ўзлаштириб бўлмайди. Хорижий тилни ўрганиш шу тилда сўзлашувчи халқлар яшайдиган мамлакат билан боғлиқ барча маълумотларни чукур ўрганиш билан бирга амалга оширилади. Шундай экан, халқарининг билим даражасини, маданияти ва маънавиятини юксалтириш учун хорижий тилларни мукаммал тарзда билиш муҳим аҳамият касб этади.

Ёшларнинг келажаги – ривожланган мамлакатларнинг илм-фани ва техника ютуқларини мукаммал ўрганиш билан боғлиқ. Агар ёшларимиз бутун дунё маданияти, илм-фани, ютуқлари билан танишмоқчи бўлса, албатта хорижий тилларни яхши ўзлаштириши лозим. Бу эса ўз навбатида дунёдаги жамики эришилган ютуқларидан баҳраманд бўлиш имконини беради. Ҳозирги кунда хорижий тилларнинг аҳамияти нақадар муҳим бўлиб бораётганлигини мамлакатимизда чет тилларни ўргатилиши учун яратиб берилаётган шароит ва имкониятлар мисолида кўриш мумкин. Хорижий тилларни қизиқиб ўрганаётган ёшлар унинг нақадар

улкан имкониятлар эшигини очиб бериши мумкинлигини чинакам ҳис қиласи.

Муҳтарам Биринчи президентимиз И.А.Каримовнинг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорини қабул қилиниши мамлакатимизда таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг изчил амалга оширилаётганлигидан далолат беради. Бундан кўзланган мақсад таълим тизимини такомиллаштириш ва уни жаҳон андозалари даражасида ташкил қилишдан иборатdir. Ҳозирги кунда барча тил мутахассислари ўкув даргоҳларидаги мавжуд замонавий қулийклардан фойдаланиб, дарсларни қизиқарли ва самарали ташкил этиш устида тинмай иш олиб бормоқдалар. Буларнинг ҳаммаси ёшларимизнинг чет тилларини мукаммал ўрганиб, юртимиз равнақига ўз билимлари билан муносаб ҳисса қўша оладиган даражада этиштириш, дунёнинг энг нуфузли таълим масканларида таҳсил олаётган ёшларимиз сафини янада кенгайтириш ва ўзлари олиб бораётган тадқиқот ишларини бемалол ўзга тил вакилларига етказа олиш ҳамда соҳалари бўйича баҳс-мунозараларда ўз фикрларини мустақил баён эта олишига қаратилган.

Маълумки, дунёда 4000 га яқин тиллар мавжуд. Булар орасида инглиз, француз, испан, араб, рус ва хитой тиллари жаҳон тиллари, деб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган. Юқорида қайд этилган

тилларнинг барчаси юртимиздаги таълим муассасаларида ўрганилади. Чет тиллар бўйича мутахассис тайёрловчи олий таълим муассасаларида талабалар асосий чет тилидан ташқари иккинчи чет тилини ҳам ўрганиб чиқмоқдалар. Бу эса, тилга қизиқкан ёшларга бирмунча қулайлик туғдиради. Чунки иқтидорли талабалар, номдор стипендия соҳиблари ҳақидаги маълумотларга қарасак, улар ўз йўналишлари бўйича мукаммал билимга эга бўлишлари билан биргаликда чет тилларни ҳам юқори даражада ўзлаштиришлари алоҳида таъкидланади. Уларнинг кўплари бир эмас, камида иккита чет тилини билишлари кишини қувонтиради.

Ҳозирги кунда олий ва ўрта таълим муассасаларидан ташқари мактабгача таълим муассасаларида ҳам чет тилга бўлган қизиқишларни уйғотиш мақсадида машғулотлар ўтиш кенг йўлга қўйилган. Бундай машғулотлар чет тили ўқитувчилари томонидан ўрганувчиларнинг ёшларини ҳисобга олган ҳолда ўйинлар асосида олиб борилмоқда. Психологларнинг фикрича ҳам бу борадаги ишлар ўз ижобий самарасини албатта беради. Доно халқимиз ёшлиқда олган билимни тошга ўйиб ёзилган манбага тенглаштиришлари бежиз эмас.

Шу ўринда дунёда маданият тили деб тан олинган француз тилига, ушбу тилнинг ҳозирги кундаги тутган ўрнига тўхталиб ўтмоқчимиз. Француз тили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Иттифоқи, Халқаро Олимпиада қўмитаси ва бошқа йирик ташкилотларда инглиз тили билан биргаликда иш юритиш тили сифатида қабул қилинган. Француз тили юртимиздаги ўрта таълим муассасаларида чет тили сифатида ўргатилади ва айнан ушбу тилга ихтисослашган мактаблар ҳам мавжуд. Олий таълим муассасаларида мутахассислик фани сифатида ҳамда хорижий тил сифатида ўрганилмоқда. Сўнгги пайтларда ушбу тилга бўлган эътибор бир оз сусайган бўлса-да, у ўзининг асл ўрганувчиларини йўқотмаган.

Хусусан, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида француз тили чет тили сифатида инглиз, немис тиллари қаторида яқин йилларгача ўрганилган. Афсуски, ҳозирда ушбу тилни ўрганувчи гуруҳлар мавжуд эмас.

Бунга сабаб, ўрта маҳсус, қасб-хунар таълимида чет тили деганда фақат инглиз тили тушунилгани, ўрта таълимда француз тилини ўргангандига француз гуруҳларини ташкил этиш имкони топилмагани, нисбатан кам сонли француз тили ўрганувчилари учун соат ажратиш муаммо бўлганлигини айтиш мумкин. Натижада Олий таълимга келганда ҳар икки тилни оз-моз биладиган ёшларимизнинг баъзилари “ҳамма инглиз тилини ўрганиши керак”, деяптику деб, баъзилари эса улар учун гуруҳ ташкил этилмаганлиги боис, мажбур инглиз тилини ўрганмоқда.

Айтиш мумкинки, француз тилини ўрганиш институтдаги мавжуд йўналишлар учун қатор енгилликлар яратар эди. Чунки маданият ва санъат турларининг кўпчилигининг келиб чиқиши ёки ривожланиши айнан Францияга бориб тақалади. Масалан, француз тили дарсида кино ҳақида гап борганда унинг яратувчилари бўлмиш ака-ука Люмерлар ёки кино санъатининг ривожига катта ҳисса қўшган машҳур француз режиссёrlари ва актёрлари ҳақида берилиб тинглашади. Барча севиб томоша қиладиган комедиялар ҳақида баҳслаша оладилар. Улар йиллар давомида ушбу соҳанинг ривожланиб, такомиллашиб борганилиги ҳақидаги маълумотларга эга. Талабалар Франциянинг Канн шаҳрида ўтказиладиган Халқаро кинофестиваль тўғрисида ҳам тўлқинланиб гапиришади. Кино санъати қизиқувчилари ҳозирги кунда Францияда 4400 дан ортиқ кинотеатр мавжудлиги ва ҳар йили 130 дан ортиқ тўлиқ метражли фильмлар яратилиши ҳақида яхши биладилар.

Театрга оид мавзуларда П.Корнел, Ж.Расин трагедиялари ва театр санъатига катта ҳисса қўшган Мольер ижоди ҳамда унинг комедияларига тўхталмасдан иложи йўқ. Париждаги “Грандопера”, “Комеди Франсез”, “Одеон” ва “Шаё” миллий театрлари ва халқаро театр фестиваллари ҳақидаги маълумотлар ҳамда ҳозирги кунда Францияда 42 та миллий драматик марказ мавжудлиги ва улардан 170 театр гуруҳи шартнома асосида, 398 та гуруҳ эса дотация асосида фаолият юритиши ҳақида маълумотларга эгадирлар.

Француз адабиётига юзланганда Виктор Гюго, Ги де Мопассан, Александр Дюма, Жюль Верн, Стендаль, Экзюпери, Бомарше каби кўплаб буюк намоёндалар ҳақида ва уларга мансуб жаҳон хазинасининг олтин фондидан ўрин олган асарларини тўлқинланиб гапиришади. Бадиий асарлар асосида яратилган фильмлар ҳақида ўз фикрларини билдиришади.

Санъатнинг рақс турига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Институтимизда биргина “Халқ ашула ва рақс ансамблига раҳбарлик” йўналишида эмас, балки бошқа йўналишларда ҳам рақс кенг ўргатилади. Маълумки, рақс санъатининг пайдо бўлиши ҳам Франция мамлакати билан боғлиқ. Манбаларда берилишича, илк рақс тури Branle бўлиб, у “тебраниш” маъносини англатади. Branle рақсини асосан ярмаркаларда ва халқ байрамларида ижро этишган. Ундан сўнг Burre (bourrer – “тўсатдан сакраш”) деб аталган рақс вужудга келган. XVIII асрнинг 1 ярмида Burre нафақат Францияда, балки бутун Европада машҳур рақс турига айланган. XIX асрнинг 1 ярмидан бошлаб биз севиб томоша қиладиган аёл ва эркаклар рақси, яъни вальслар вужудга келаган.

XIX асрнинг 30-йилларига келиб Франциянинг рақс мутахассислари томонидан “Канкан” рақс тури яратилди. “Канкан” оёқ ҳаракатларидан ташкил топган рақс тури бўлиб, ҳозирда ҳам француз классик операсида кенг қўлланилади.

XX асрга келиб Францияда янги йўналиш замонавий рақс вужудга келди. Француз рақслари оммалалиши кетди ва барча халқлар дилидан муносаб жой олди. Ҳозирда қўлланилаётган рақс санъатига оид барча терминлар француз тилидан ўзлашган ва улар асл ҳолатида қўлланилади. Шунинг учун институтимиздаги рақс мутахассислари француз тилидан озми-кўпми хабардорлар. Ҳозирда улар француз тили мутахассислари билан ҳамкорликда француз тилида рақс бўйича ўқув қўлланмалар яратиш устида иш олиб бормоқдалар.

Шунингдек, институтимиз талабалари санъат ва маданият соҳаларига оид кўплаб терминлар француз тилидан ўзлашгани боис ушбу тилни ўзлаштиришлари анча осон кечади.

Юқорида биз маданият ва санъат турларнинг кўпчилигини келиб чиқиши ёки ривожланиши Франция давлати билан боғлиқлигига оид маълумотлар беришга ҳаракат қилдик. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, санъатга ошно француздар, бошқа малакатларда санъат ва маданият соҳасидаги бўлиб ўтаётган жараёнларга ҳам бефарқ эмаслар. Ўзлари санъатни қадрлагани боис, ушбу соҳага кириб келаётган ёшларга доимо пешвуз чиқадилар. Франциянинг етакчи мутахассислари Ўзбекистонда ўтказилаётган фестивалларга, тадбирларга ташриф буюришлари бунинг исботидир. Таширилари давомида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида соҳалар бўйича мастер-класслар ўтказишларини алоҳида айтиб ўтиш ўринли. Бу каби машғулотлар албатта санъатга кириб келаётган талабалар учун жуда қизиқарли ва фойдали эканлиги барчамизга майдум.

Шу ўринда яна бир маълумотга эътибор қаратсак. Ҳар йили 20 март куни француздар “Франкофония” байрамини, яъни Француз тили кунини нишонлашади.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам ушбу тилнинг мутахассислари, ўрганувчилар учун тадбирлар уюштириш анъянага айланган. Ҳар йили ушбу санада Франция элчихонаси ходимлари ташабуси билан француз тилини ўрганувчилари ўртасида конкурс ўтказилади. Конкурсада ижодкор ёшлар қўшиқ ижрочилиги, тасвирий санъат каби бир нечта йўналишлар бўйича француз тилида куч синашадилар ва энг талантлилари саралаб олинади ва тақдирланади. Энг юқори соврин, албатта, Францияга саёҳатдир. Бу ҳам албатта француздарнинг юртимиздаги санъат ва маданият соҳасига бўлган эътиборлари ва ижодкор ёшларимизга бўлган қизиқишилари десак адашмаймиз.

Мен учун яна бир қувонарли ҳолат, кўпинча талабалар орасида “Инглиз тилида сўзлаша оламан, иккинчи чет тили сифатида француз тилини ҳам ўргансам зўр бўлар эди, йўналишимга оид асл нусха манбалардан фойдаланар эдим” ёки “француз тилини ўргансам олий таълимнинг магистратура бўлимини Францияда ўқиб, юртимга соҳам бўйича етук мутахассис бўлиб қайтаман” деганлари ҳам бор. Машҳур француз қўшиқларини (*Belle, Je t'aime*) ўрганишга иштиёқи баланд талабалар, талаффузимга ёрдам беринг, устоз, деганлари кўп учрайди. Шундай ҳолларда институтимиз талабаларини бир эмас, бир нечта чет тилларга бўлган қизиқишиларидан қувонаман. Шу ўринда институтимиздаги мавжуд йўналишларни ва талабаларнинг қизиқишиларини ҳисобга олиб инглиз тилини чет тили сифатида ўрганаётган гурухларга француз тилини иккинчи чет тили сифатида ёки факультатив машғулот сифатида киритилса, деган фикр уйғонади. Бу билан келажагимиз ҳисобланмиш ёшлиримиз истакларини қондирган ва дунё билан ҳамнафас юришларига кўмак берган бўлар эдик.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, санъат ва маданият таълим йўналишларида хорижий тилнинг ўрни жуда муҳим. Айниқса у соҳаларга қараб танланса янада самарали натижаларга эришилади.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Guy Michaud, Alain Kimmel. Le nouveau guide France. – Paris, 1996.
2. Larousse. Dictionnaire encyclopédique. – Paris, 1993.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-5 жилдлар. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006 – 2008.



# ЯНГИ ДАВР ЎЗБЕК ҚИСҚА МЕТРАЖЛИ ФИЛЬМЛАРИДА ЎЗИГА ХОС ҚАРАШЛАРНИНГ АКС ЭТИШИ

**Аннотация.** Уибумаколада янги давр ўзбек киносида қисқа метражли фильмларнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз кетади. Унда қисқа метрда режиссёргарни ўзига хос қарашлари акс эттиришиши тўғрисида гапирилиб, қисқа метражли фильмлар муҳокама қилинади.

**Калим сўзлар:** кино санъати, қисқа метражли фильм, режиссёр, муаллиф, асар, бадиий, метафора, тижорат, продюсер, фикр.

**Аннотация.** В этой статье идёт речь о роли и значения короткометражных фильмов в узбекском кино в новый период. В нём рассказывается о высказывании особых взглядов режиссёров в коротком метре и обсуждается короткометражные фильмы.

**Ключевые слова:** кино искусство, короткометражный фильм, режиссёр, автор, произведение, художественный, метафора, коммерция, продюсер, мысль.

**Annotation.** In this article there is said about the role and importance of short films in Uzbek cinema in a new period. There is talked about special views of directors in the shorts and discussed short films.

**Keywords:** the cinema, short films, director, author, work of art, feature, metaphor, commerce, producer, thought.

Эрамизга янги давр кириб келар экан, унинг ўзига хос хусусиятларини барча соҳаларда кузатишимиш мумкин. Шиддатли ўзгаришлар барча соҳани қамраб олди. Тезкор ривожланиш билан бир қаторда глобаллашув жараёни ҳам шиддат билан тус олмоқда. Жамиятнинг маданий ва маънавий ҳаёти ҳам қайсиdir маънода голабаллашув оқимининг салбий жиҳатлари хавф остида қолганда. Санъат соҳаси, жумладан кино санъати ҳам бу оқим таъсиридан четда қолгани йўқ. Аммо ўзининг мажозий маънодаги шаклини сақлаган ҳолда тараққий этишда давом этаётган қисқа метр янги даврда кинематографияига янгича қарашларни ҳадя этишда давом этмоқда.

Глобаллашув, тижорат каби ташқи ва ички таъсиirlардан мустасно ҳолда қисқа метражли фильмлар ўзининг бирламчи моҳиятини йўқотмаган тарзда равнақ топиб бормоқда. Технологик тараққий этиш билан бир вақтда жамиятнинг маънавий-маданий ҳаётига эстетик-фоявий таъсири кўрсатмоқда. Қисқа метражли фильмлар бошқа бадиий фильмлардан кўра ижодкорларнинг ўй-фикрларини шаффофроқ тарзда акс эттиришга хизмат қилувчи ноёб шаклдир. Ундаги фикрлар тижорий мажбуриятлар босими остида камроқ суюлтирилиб ёки ўзгаририлиб, қисқа метрнинг улкан маданий аҳамиятини сақлаб қолмоқда. [1.Б. 1.]

Ҳозирги кунда кино санъатида юзага келган вазиятга қарама-қарши ўлароқ ривожланаётган йўналиш бу қисқа метр бўлиб унда ижодкорлар бирмунча эркин ҳаракат қила оладилар. Улар томошабинни уларни қизиқтирган ва қайғуга солган воқеа-ҳодисаларга жалб қилишга уринадилар. Муллиф ва режиссёrlар қалбидаги дардни ифода этиш учун қисқа метражли фильмлар айни муддаодир.

Қисқа метр машғулотлар майдончаси каби унда ёш ижодкорлар изланышда, ижодий тажриба ўтказища давом этишади. Таъкидлаб ўтиш керакки, тўлиқ метражли фильмлар тижорат билан боғлиқ ҳолда яратилётган бир вақтда қисқа метражли фильмлар ўз ҳолича яшамоқда. Тўлиқ метражли фильмларда ўз аксини топа олмаётган муаммолар қисқа метражли фильмларда ўз ўрнини топмоқда. Ёш ижодкорлар “катта фильм” ҳомийлари қўл уришга ботина олмайдиган муаммоларни ўзларининг

“кичкина” ишларида кўтариб чиқмоқдалар. Умуман ҳозирги кино жараёнида қисқа метражли фильмлар муаллиф ва режиссёрнинг эркин ижод қилиши учун кенг майдончага айланган.

Кино Энциклопедиясида Эфрем Катс қисқа метражли фильмнинг кўплаб функцияларини санаб ўтар экан, уни янги истеъдод ва техникани намоён қилиш учун ва бадий ифода ва ижтимоий шархлов учун восита сифатида “машқ қилиш ва синов майдончаси” деб таъкидлайди. [3.Б.1248]

Шу ўринда Умид Ҳамдамовнинг 2011 йилда яратган “Назар” номли қисқа метражли фильмига тўхталиб ўтсак. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Умид Ҳамдамов сценарий муаллифи, режиссёр ҳамда продюсер сифатида фильм яратилишида иштирок этган. Асар фояси инсон умиди бўлиб, узоқ вакт тирноққа зор оипанинг ота-оналик баҳтига муяссар бўлиши ҳақида ҳикоя қиласди. Шу билан бирга фильмда садоқат мадҳ этилган. Нафақат инсонларнинг бир-бирига бўлган садоқати, балки итнинг ўз эгасига бўлган вафодорлиги тасвиранганд. Фильм дунёга келган гўдак томонидан ҳикоя қилинади. Асар воқеасини бу тарзда очиб берилиши фильмга ўзгача руҳ бағишлаган.

Фильмнинг энг таъсири эпизодларидан бири қахрамоннинг тоғда ов қилаётган пайтида бехуш йиқилиб тушиши ва итнинг эгасини турғазишга ҳаракат қилишидир. Ит ўзидан бир неча баробар катта келадиган эгасини тоғдан судраб тушишга ҳаракат қилиши кейин бориб уй бекасини чақириб келиши томошабинни таъсирилантиримай қўймайди. Фильм қисқа метражли бўлишига қарамай муаллиф фояси фильmdа тўлақонли ўз аксини топган. Фильм давом этган бир неча дақиқада асар воқеаси ва томошабин ўртасида кўринмас ип боғланади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ижодкор фильмда меҳроқибат ва садоқат хислатларини ифодалашда ноодатий йўл танлаган. Яъни фильмда бошқа ўзбек фильмларида кам учрайдиган итнинг вафодорлиги таъсири қилиб кўрсатилган. Ундан ташқари фильмда иштирок этган актёrlар Карим Мирходиев ва Нодира Ходжикулиевалар ёш ва типаж нуқтаи назардан тўғри танланган. Улар асар қахрамонларининг ишонарли чиқишига бекиёс ҳисса қўшишган.

“Назар” қисқа метражли фильмни Умид Ҳамдамовнинг дебют фильмни бўлишига қарамай моҳирона ишланган. Фильм баҳти якун топмаса-да, писсимистик ҳолатдан йироқдир. Бош қахрамон вафот этишига қарамай ҳаёт янги вужудда ўз инъекосини топади. Режиссёр инсон ҳаёти йўқотиш ва топишлардан иборат эканлигини ўзига хос тарзда ифодалашга уринган. Унинг инсон ҳаёти мазмунига доир қарашлари реалликка хос, шу билан бирга оптимистик руҳда акс этирилган. Яъни қахрамон вафотига ургу берилиб, томошабиннинг ҳис-тўйгуларига босим ўтказишдан қочилган. Асар воқеаси реал ҳолатда тасвиirlаниб, бир вақтнинг ўзида оптимистик қарашлар билан йўғрилган. Ушбу фильм “баҳтиёр якун” (happy end) услугида ишланмаган бўлса-да, инсонга яшашга куч ато этади. Санъат асарининг асосий вазифаларидан бири

ҳам инсонларни ҳаётига ёруғлик олиб киришdir. “Назар” қисқа метражли фильмни режиссёри ҳам бунинг уддасидан чиқкан дейиш мумкин.

Кино ижодкорлар Купер ва Дансижер бошқа ижодкорлар каби шуни таъкидлайдиларки, инсоният биз яшаётган дунёни яхшироқ тушуниш учин қўрқувларимиз ва орзуларимиз каби ҳикояга эҳтиёжманд. [4.Б.200-201] “Назар” қисқа метри режиссёри эса ҳар бир ижодкор асар яратишда олдига қўядиган “жамият ҳаётини ижобий томонга ўзгартириш, инсониятни ҳаёти севишига ундаш” каби олий мақсадларни ўз фильмида акс эттира олган. Ушбу қисқа метр кино санъати анъанларини давом эттирган ҳолда ўзига хос услугида режиссёрнинг фалсафий қарашларини ифодалайди. Бу ўз ўрнида фильмнинг фойвий-эстетик таъсирини оширади.

Қисқа метрнинг муаллифлик қарашларни акс эттиришда асосий санъат воситаларидан бири сифатида шаклланиб бораётганлиги ҳақида гапирап эканмиз, ушбу фикрни келтириб ўтамиз: “Аввал мен қисқа метражли фильмни лаборатория деб ёзган эдим. Энди мен уни шахсий фикрлар, радикал муаллифлик тушунчалар намойиш этиладиган галереяга қиёслашни афзал кўраман. Мухтасар қилиб айтганда, қисқа фильmdа шахсий фикр муаммоси нафақат муаммо эмас. Ва аксинча ...” [2.Б.6]

Қисқа метр режиссёрларининг ўз қарашларини ўзлари яратा�ётган фильмлари орқали билдириши ҳақида сўз кетар экан, 2016 йили Абдуазим Илҳомжонов томонидан суратга олинган “Меҳмон” фильмига тўхталиб ўтиш жоиз. Ушбу фильmdа режиссёр асрлар давомида анъанага айланган баъзи бир ўзбек миллатига хос одатларимизга ўзининг фикрини билдирган. У жамият ҳаётида учрайдиган салбий аммо ўзбек ҳалқининг ажралмас одатига айланиб қолган “меҳмондўстлик”ка нисбатан ўз қарашларини кескин тарзда ифодалашга журъат этган. Ҳалқимиздаги “Меҳмон отангдан улуғ” мақолига ноўрин амал қилиш, ўзининг, яқинларининг зиёнига меҳмонларга мантиқсиз хушомад қилиб ўта даражада ҳурмат кўрсатиш ҳолатлари фильmdа ўз аксини топган.

Шу билан бирга фильмда одамзодга хос мансаб учун “улувларга” қўплук қилишдек иллатнинг нималарга олиб келиши акс этирилган. Ота юқориоқ мансабга эришиш учун “улуғ” инсонларга мулозамат кўрсатиш мақсадида, фарзандининг соғлигини ҳам ўйламайди. Қиши куни бўлишига қарамай ота фарзандини балиқ тутиб келишига жўнатади. Доим уйига балиқхўрликка келадиган мансабдор шахсларни балиқ билан меҳмон қилиш учун фарзандини ўлим чангалига ўз хоҳиши билан жўнатади. Улуғ меҳмонларнинг кўнглига ўйлоп топиш йўлида фарзанд ҳалок бўлади. Афсуски, бундай ҳолатлар кундалиқ ҳаётда ҳам учраб туради. Бундай кескин мавзуга кўл уриш ижодкордан жасорат талаб қиласди. Ёш режиссёр Абдуазим Илҳомжонов жамиятдаги бундай иллатни экранга олиб чиқиб, томошабинларни қилаётган ишлари тўғрисида ўйлаб кўришга мажбур қилди.

Томошабин бехосдан, ўз оиласи фарофатидан кечиш эвазига мәхмөннинг күнглини олиш арзигулик иш эканлигига иккилана бошлайди. Бир кунлик мәхмөн келар-кетар аммо оиласи ҳамиша унинг ёнида бўлади. Фамуташвища елкадош бўлувчи оиласининг тинчлиги наҳот нафсини қондириб кетиш учун келган бир неча соатлик мәхмондан устун бўлмаса? “Мәхмондустлик” каби хислат ўзи аслида нимада намоён бўлади? Эшиқдан кириб келган одамга хурмат или жой кўрсатиш ва борини дастурхонга қўйиб у билан баҳам кўришми? Ёки ўз оиласи ризқидан қирқиб, йиғиб-териб мәхмон олдига ҳашамдор қилиб дастурхон ёзишдами?

Бу каби саволларга жавоб излашда “Мәхмон” қисқа метри ўз вазифасини бажаришга муваффақ бўлган. Томошабин фильмни кўрар экан, оила аъзоларининг манфаатидан кўра устунроқ манфаат бўлмаслигини ва ҳаётнинг қадрига етиш кераклигини англаб етади. Режиссёрнинг маҳорати шунда намоён бўлганки, у асарда дидактикага мурожаат этмасдан жамиятдаги “хислат” номи остидаги иллатларнинг фожиявий ҳолатларга сабабчи бўлишини томошабинга етказа олган. Ижодкорнинг насиҳатомуз услубдан қочиб, фильм гоясини очиб бера олганлиги ушбу қисқа метрнинг бадиий аҳамиятини янада орттиради. Шу билан унинг ғоявий-эстетик таъсир кучини ҳам оширади.

Пародоксаль мантиқдан келиб чиқиб қарайдиган бўлсақ, айнан қисқа метр шакли ҳақиқий қадриятни акс эттиришга, экран маконини илҳом билан тўлдиришга (ҳар бир экран нуқтаси нафас олиши учун) муаллифнинг қаҳрамонларга чуқур ачинишини ифодалашга қулайдир. [2.5.4]

Қисқа метржали фильмнинг қисқа вақт давомийлиги, бадиий фильмга қараганда иқтисодий ёки саноат чекловларига камроқ тобе қилади ва улкан ижодий эркинликка олиб келади. Бу эса кино ишлаб чиқаришга қараганда кўпроқ тажриба ва инновацияларга имкон беради. [5.6.11]

Фикримизни давом эттирад эканмиз, мъълум бир мавзуда ўзига хос ёндашув билан ўз қарашларини ифода этиш режиссёрдан катта маҳорат талаб этишини айтиб ўтиш жоиз. Айниқса кўп бора мурожаат этилган мавзу бўлса, уни ёритишида такрорийликдан қочиш осон эмас. Мисол сифатида оддий эр-хотин хиёнатини оладиган бўлсақ, бу мавзудаги фильмларни кўплаб кўришимиз мумкин. Аммо якуний хуолоса оиланинг муқаддаслигини очишида турли хил ёндашувларни кўрамиз. Абдуҳалил Мингноровнинг “Ховуз” номли қисқа метражли фильмни ҳам ана шу мавзуда бўлиб 2012 йилда суратга олинган.

Фильмда орзу-ҳавас билан оила бир-бирига қарама-қарши қўйилган. Фильм қаҳрамони ичкиликка берилган бир ўрта ёшдаги одам бўлиб хотини ва болаларига бефарқ бўлади. Кечалари оғайнилари билан ичкилик ичиб юради. Лекин кунларнинг бирида қишлоқка унинг ёшлиқдаги муҳаббати келади. Асар қаҳрамони ичкиликни ташлайди, ишлаб топган пулини рўзгорга ишлата бошлайди. Бундан хотини қувонади.

Аммо қувонишга ҳали эрта эди. Чунки бир куни эрининг кийимларини ювиш учун олаётib костюм чўнтағидан эрининг мактабдаги муҳаббати билан бирга тушган расмини топиб олади. Кўзларига ишонмаган аёл эрини кузатишга тушади. Не кўз билан кўрсинки, эри ўша жувон билан бирга учрашиб қаергадир кетяпти. Аёл эрига жанжал қилади, аммо самарасиз бўлади. Кейин аёл эрининг кўнглини олиш учун ўзига оро беради. Бу ҳам натижা бермайди.

Қаҳрамонимиз ҳаёlinи эгаллаган жувон эса турмуш ўртоғи билан ярашиб қишлоқдан кетади. Ўтмиш хотираларига қайтган қаҳрамонимиз эса қаттиқ изтиробга тушади. Охири нарсаларини йиғиштириб уйдан кетишга қарор қилади. Тунда секингина уйдан чиқишига шайланган қаҳрамон фарзандининг йигисини эшишиб тўхтаб қолади. Бир фарзандига бир уни овутаётган хотинига қараб шаштидан қайтади. Оиласа бўлган муҳаббат ўткинчи ҳистийгулардан устун келади.

Биргина гўдак йигиси қаҳрамонни ҳушига келтиради. У қандайдир ушалмас орзу-ҳавасни деб нимадан воз кечиб кетаётгандигини тушуниб етади. Бола йигиси унда оталик ҳисини уйғотиб унинг бурчини ёдга солади. Ана шу биргина йиги фарзанднинг ширинлигини, оиланинг муҳимлигини очиб беришга муваффақ бўлади. Бу режиссёрнинг ушбу мавзуни ёритишида қўллаган топилмаси бўлиб, шу ҳолат билан ўз қарашини ифода этган.

Режиссёр “Ховуз” номли қисқа метражли фильм билан инсон ҳаётида учраб турадиган иккиланишларни тасвирламоқчи бўлган. Асар муаллифи томошабинга баъзи ҳолларда юрак билан эмас, ақл билан иш тутиш кераклигини кўрсатмоқчи бўлган. Абдуҳалил Мингноровнинг “Ховуз” қисқа метражли фильмни яна бир бор оиланинг муқаддаслигини ифодалашга ҳаракат қилган.

Қисқа метражли фильмлар бадиий долзарбликка эга бўлиб, боши ва охири муҳим бўлмаган тўлиқ метражли фильмларнинг қисми кабидир. Бу табиий ҳолдир. Чунки қисқа метражли фильмлар машқ майдончаси бўлиб, қадам ташлаш учун йўлакча вазифасини ўтайди. Лекин бизнинг кино санъатимиз учун қисқа метр ноёб формат ҳисобланади. Ноёблиги шундаки, у ҳеч нарсага қарамай мавжуд, ҳатто, эскиз, ишора, соя шаклида намоён бўлсада, ўзининг тенденцияларини намойиш қилади. [2.6.6]

Янги асрда қисқа метражли фильмлар ижодкорларнинг ўзига хос қарашларини акс эттиришга хизмат қилиб келаётгандигига бир неча бор иқрор бўлдик. Уларда жамият ҳаётида учрайдиган турли хил масалаларга ургу берилмоқда. Жумладан, технологиялар асри ҳисобланмиш ҳозирги замонда ёшлар илмлари ва технологик воситалардан моҳирона фойдалана олишлари билан жамиятда ўз ўринларини топиб кетмоқдалар. Бу албатта қувонарли ҳол. Аммо чуқур илмга ва ҳаётий тажрибага эга мутахассислар четга чиқиб қолмоқда. Бу бир томондан табиий кўриниши мумкин бўлган ҳолат, иккинчи томон-

дан инсон қадрининг бир мунча тушишига ҳам сабабчи бўлмоқда. Ушбу масала Ходжиматов Достоннинг 2015 йилда суратга олинган “Қадр” номли қисқа метражли фильмида ўз аксини топган.

Ушбу қисқа метр бир мактаб ўқитувчisi ҳақида ҳикоя қилади. У бутун умрини болаларга билим беришга бағишлади. Аммо ёши ўтиб уни четга чиқариб ташлашади. Яъни нафақага чиқариб бир инсонни ҳёти мазмунидан маҳрум қилишади. Режиссёр ўзини улоқтириб ташланган кераксиз бир буюмдек ҳис қилаётган муаллимнинг ички кечинмаларини беришга ҳаракат қиласди. Ўзи ёш режиссёр бўлишига қарамай, кекса одамнинг бундай вазиятда нималарни ҳис қилишини ва ўзини қанадай тутишини ҳаракатларда ифодалай олган. Фильмда режиссёрнинг шахсий ҳис-туйғулари ҳам акс этган. Бу эса асарнинг таъсиричанигини янада оширган.

Ёш ижодкорларнинг қисқа метражли фильмларга бундай ёндашувини мутахассислардан бири қуидагича изоҳлайди: “Ёш муаллиф учун айни дамдаги ички кечинмани экранга олиб чиқиш ўта муҳим ҳисобланади. Шу билан бирга, у тўлдирувчилардан, жой ва вақт ҳолатларидан “чақириқ гаплардан” қочишга ҳаракат қиласди. Унинг назарида, қисқа метр бу – ўз фикрини қисқача баён қилишдир.” [6.5.5]

Режиссёр фильmdа ўз фикрини изоҳлашда метафорадан ҳам уддабронлик билан фойдаланганлигига тұхталиб ўтиш жоиз. Фильм бошида кўп йиллик дараҳтларнинг кесиб ташланыётгандығы тасвирланган саҳна мавжуд. Үнда узоқ йилдан бери холис хизмат қилиб келган дараҳт ҳеч бир афсус-надоматсиз арралаб ташланади. Бу кўриниш билан ижодкор жамиятнинг кези келганды нақадар бешафқат иш қилиши мумкинлигини кўрсатишига ҳаракат қиласди. Ушбу кичик саҳна билан режиссёр асар ғоясини бутунлай очиб беришга мубаффақ бўлган. Оддийгина кўчма маъно билан ўқитувчининг тақдирни изоҳлаб берилган. Кесиб ташланган дараҳт бу улоқтириб юборилган муаллим эканлиги аён бўлиб, бу томошабинда қаҳрамонга нисбатан ачиниш ҳиссини ўйфотишига хизмат қиласди.

Ходжиматов Достон “Қадр” фильмида нафақага чиқариб юборилган ўқитувчи бозорга тушиб ўзи учун совға салом олади ва оиласи даврасида ўзининг қадри нақадар баландлиги ҳақида оғиз кўпиртириб гапиради. Қаҳрамоннинг бундай хатти-ҳаракатига қурилган асар фильмнинг таъсири кучини орттиради. Унинг йигламаслиги ва қалби пора-пора қилувчи монолог сўзламаслиги режиссёрнинг ўзига хос ёндашувидан дарак беради. Фильмнинг сўзга эмас айнан ҳаракат ва тасвирга қурилгани асарнинг бадиий қийматини оширади.

“Қадр” қисқа метри ачинарли нуқтада якун топиши ҳам мумкин эди. Лекин режиссёр фильм учун ўзига хос ечим топган. Асар сўнггида муаллимнинг шогирдларидан бири унинг олдига бир юмуш билан келгани маълум бўлади. Яъни режиссёр ўқитувчининг ҳануз шогирдларига керак эканлиги, унинг маслаҳати қимматли эканлигига урғу бериб ўтади. Асарнинг бундай якунланиши ҳеч бир инсон жамият ҳётидан изсиз йўқолмаслигини таъкидлайди. Чунки кимдир томонидан қилинган меҳнат замон ўзгарсада, барibir ўз қадрини йўқотмайди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, қисқа метр ижодкорлар учун ўз қарашларини ифода этиш учун улкан бир машқ ва синов майдончасига айланди. Янги даврга келиб эса бу янада кучайди. Қисқа метрнинг хусусияти ҳақида мутахассислардан бирининг ушбу фикри гапимизни тасдиқлайди: “...Бунинг ортида нима ётибди? Замонавий услубнинг таъсириими ёки ҳақиқатдан ҳам олинадиган завқми? Ушбу санъат турнинг муҳлислари томонидан қисқа метли кинонинг бир қанча ижобий жиҳатлари аниқланди. Қисқа метражли фильм бу шунчаки анимацион расмлар эмас, балки сюжетнинг ранглар, қаҳрамонлар, воқеалар билан бойитилганлигидир. Чунки 5-20 дақиқа ичида томошабинга асосий ғояни етказиш керак, бу эса баъзан ўта мушқул вазифадир. Иккинчидан шиддат, тез ўзгарувчи кадралар, қизиқтириб қўювчи кутилмаган сюжетнинг ҳолатлари томошабинни зериктириб қўймайди. Шу билан бирга тўла қонли ранглар фильмнинг асосий ғоясини тасвирлашда индекатор мисол хизмат қиласди.” [7]

#### **Адабиётлар рўйхати**

1. Raby Simon, quoted in: ‘An exhibition highlighting the cinematography of Simon Raby’ (advertising postcard), The Film Archive, Auckland, 2008.
2. Дроздова Марина. Анапа-2007: Наши намёки впольне прозрачны. - Кино Искусства. 2008, №2 февраль.
3. Katz, The Film Encyclopedia.
4. Cooper and Dancyger, Writing the Short Film, 89; Marian Evans, “Stories that might not otherwise be told,” TAKE 54, Autumn 2009; Raskin, Art of the Short Fiction Film. P. 173; Turner, Film as Social Practice.
5. Reinhard W. Wolf, “What is Cinema – What is Short Film?” (2006), <http://www.shortfilm.de/en/short-filmmagazine/archive/topic/what-is-cinema-what-is-short-film.html> (accessed 12 August 2008); Quy, Teaching Short Films.
6. Малокова Лариса. Кино-брэф. Заметки о современном короткометражном кино. - Искусство кино. 2004, №10, октябрь.
7. Короткометражное кино // Интернет-музей «Gallerix» // URL: <http://gallerix.ru/lib/korotkometrazhnoe-kino/>

# ЎЗБЕКИСТОН ЗАМОНАВИЙ БАДИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИДА: “ИЖОД” ВА “БОЗОР”...

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон замонавий бадиий ҳунармандчилигини Ўзбекистон маданияти системасидаги ўрни, роли ва амалиётдаги айрим муаммоли масалалар ўрганилган. Муаллиф замонавий жараёнда ижод қилаётган айрим усталар фаолиятини таҳтил қилиб, мавжуд камчиликларни бартараф қилишида ўзининг методик тавсияларини тақдим қиласди..

**Калим сўзлар:** бадиий ҳунармандчиллик, ҳунарман, амалий-безак санъати, халқ усталари ижоди, анъана, арт-бозор, миллий мерос, маданият экологияси.

**Аннотация.** В статье рассматривается роль и значение современных художественных ремесел Узбекистана в системе художественной культуры Узбекистана. Автором анализируется творчество некоторых современных мастеров художественного ремесла. Исследуются проблемы современной практики, и предлагаются методические рекомендации для их устранения.

**Ключевые слова:** художественные ремесла, ремесленник, декоративно-прикладное искусство, творчество народных мастеров, традиция, арт-рынок, национальное наследие, экология культуры.

**Annotation.** In the article the role and importance of Uzbek art crafts is considered in the system of artistic culture of Uzbekistan. The author analyzes creativity of some modern masters of art craft. It investigates problems of modern practice and offers methodical recommendations for their elimination.

**Keywords:** art crafts, handicraftsman, arts and crafts, creativity of national masters, tradition, art market, national heritage, culture ecology.

Бугун Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хива ва бошқа сайдхлар ташриф буюрадиган шаҳарларда бадиий ҳунармандчилик буюмлари билан савдо қиласидиган кўплаб расталар мавжуд.

Айниқса, йирик меҳмонхоналарда жойлашган дўйонлар буюмлар экспортини ташкил қилишда ва нархини белгилашда катта роль ўйнамоқда. Тадбиркорлар нафақат ички бозорда савдо қилишади, балки хорижий ҳамкорларнинг талабидан келиб чиқиб, харидор-гир эскизлар асосида маҳаллий ҳунармандларга буюртмалар беришади ва йирик партиядаги тайёр молни чет мамлакатларга жўнатишади.

Масалан, Ўзбекистонлик чеварлар каштасини хорижга сотаётган тадбиркорлардан бири – замондошимиз Илҳом Давлатов. Унинг бизнесининг асосий тармоғи – бадиий кашталар. И.Давлатов бу соҳа билан аввал шуғулланмаган. Таянч соҳаси – врач-ревматолог. Асли хоразмлик. Биламизки, Хоразмда бадиий каштачилик илгари ривожланмаган.

И.Давлатов 1991 йилда Туркияда сафарда бўлган ва ўша ерда ўзбек кашталарининг қадри баландлигини кўриб, ватанига қайтгач, кўпроқ пул топиш мақсадида,

шу бизнесни ривожлантиришга бел боғлаган. Даствлаб, 1991–92 йилларда каштачиликнинг Ўзбекистондаги илгаридан машҳур марказлари бўлган Шахрисабз, Нурота, Бухороларга бориб, соҳанинг аҳволи, каштачиларнинг иш фаолияти билан яқиндан танишади. Кейин чет элликлар орасида қадрланадиган кашта нусхаларини китоб, альбом, каталоглардан топиб, мутахассислиги тўқимачи бўлган хотини Зулфия Файзуллаева билан биргаликда кашталарни тикиш усусларини ўрганишга киришадилар. Эски кашталардаги чокларни сўкиб, улар қандай усулда тикилганини, эски чеварларнинг чок тикишдаги сир-асрорларини ўргана бошлашади.

Кейин кашталар тикилган мато сортларини, ипларнинг хилларини ва бошқа техник масалаларни ўрганишга киришадилар. Шундан сўнг эр-хотинда ўша кезлари машҳур кашта марказларида урфдан чиқсан эски технологияларни замонавий жараёнда қайта тиклашга ҳаракат бошланади.

1992 йилда И.Давлатов Марғилонга бориб, “Ёдгорлик” фабрикасининг фаолияти билан ҳам танишади. У ерда адрес, ипак, бўз матоларни бўлажак кашталарда қўлаш мумкинлиги масаласини ўрганади. Айни чоғда пилладан

ипак олиш технологиясини ҳам тиклашга киришади.

Шу тариқа И.Давлатов жойларда бирин-кетин кашта тикиш устахоналарини ташкил қилиб, ишлаб чиқариш тизимини йўлга кўяди. 1993 йилда Нуротада Шароповлар оиласи негизида ташкил қилинган устахона, шулардан бири бўлган [1.Б.30].

И.Давлатовдан ташқари замонавий кашта бозорида Мадина Қосимбоева ҳам самарали меҳнат қилмоқда (1981 й.т.). Каштани асли тошкентлик. 1990 йилларда собиқ иттифоқ тугатилиб, унинг таркибидағи иттифоқдош республикалар эндиғина мустақиллигини эълон қила бошлаган кезлари, одамларда шахсий бизнесни йўлга қўйишга имкон туғилган. Шу йилларда Исматулло Маҳдум исмли Туркия Республикаси фуқароси Тошкентда бадиий кашталар ишлаб чиқарувчи цех очади ва маҳаллий чеварларни ишга таклиф қиласди. Унинг асосий мақсади - Ўзбекистонда ўзининг шахсий эскизлари асосида тикилган кашталарни Туркия бозорида сотиш бўлган. Чунки, Ўзбекистонда, биринчидан, каштачилик соҳаси ўша кезлари унуптилмаган эди; иккинчидан, ишчи кучи арzon; учинчидан, қўлда тикилган кашталарнинг нархи Ўзбекистонга қараганда Туркияда анча баланд.

М.Қосимбоева, дастлаб, И.Маҳдумнинг цехига ишга кириб, фаолиятини ўша ерда бошлаган. У ерда малакасини оширади. Кашта бизнесининг сир-асрорларини ўрганади. Бизнес шундай нарсаки, одам соҳасининг сир-асрорини илғай бошлаб, меҳнати қадрини тушуна бошлагандан кейин унинг ўзида шу соҳани мустақил ривожлантиришга истак пайдо бўлади.

Мадина Қосимбоева И.Маҳдум билан етти йил бирга ҳамкорлик қилиб, шахсий бизнесини очишига киришади. Бунинг учун дастлаб груп ташкил қиласди. Жамоа таркибида китоб, каталог ва бошқа нашрлардан сканерланган нақшлар асосида янги нақшларнинг хилларини яратадиган “чизмакаш”лар ва каштадўзлар (бу ишга ғоҳида коллежда каштачилик соҳасида таълим олаётган талаба қизлар ҳам таклиф этилади) бор эди. Груп бўгунги кунда ҳам бозорда фаол ҳаракат қилмоқда.

Юқоридаги икки картинага ташки томондан қаралганда ҳалқ бадиий хунармандчилигидағи анъаналар замонавий жараёнда бир текис давом этмоқда. Лекин соҳанинг заминига синчиковлик билан қаралса, жиддий муаммолар борки, агар улар бугун оқилона ҳал қилинмаса, 1) яқин келажакда миллий-бадиий хунармандчиликнинг образли тизими асрлар оша шаклланган анъана ва қадриятлар тизимидан чекиниб, бозордаги, аксарият ҳолларда чет

эллик истеъмолчининг талабига тўла мослашиши; 2) тизим “бегона” маданиятларга хос элементлар билан аралашиб кетиб, бачкана (тушинарсиз) картина пайдо бўлиши; 3) маҳаллий чеварлар музей залларида турган ёки альбомларда нашр қилинган ўтмиш андозалардан юзаки нусха олишга одатланишлари, бу эса, ўз навбатида, анъанавий замонавий бадиий хунармандчиликнинг асрлар мобайнида шаклланган бадиий механизмини ишдан чиқариб, уни бизнинг давримизни маданий муҳитидан узиб қўйиши, бу вазият эса яқин келажакда Ўзбекистон бадиий хунармандчилиги соҳаларини таназзулга етаклаши мумкин.

“Бу иш билан бугунги кунда ким шуғулланиши керак”, деган савол туғилади? Биз бу масала билан усталар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика “Хунарманд” ўюшмаси шуғулланиши керак, деб ҳисоблаймиз. Чунки, биринчидан, бу усталар ўюшма таркибида аъзо бўлишлари баробарида, ўюшмада уларнинг аниқ рўйхати ва ҳаракатлари стратегияси базаси мавжуд; иккинчидан, ўюшма таркибида маклакали санъатшунослардан ташкил топган эксперт групти фаолият олиб боради. Улар бадиий хунармандчиликда муомалага киритилаётган барча янгиликларни назорат қилиб, ҳалқ анъанавий бадиий хунармандчилиги муҳитини “бегона” элементлар билан “лойқаланиш”дан асрраб туришади; учинчидан, агар илгари усталар соҳаларига қараб, оилалари билан ўзларига ажратилган маҳсус маҳаллаларда истиқомат қилишган, бадиий таълим “устоз-шогирд” анъанавий мактаби орқали иш олиб борилган бўлса, бугун вазият ўзгарган. Глобализация даврида хунармандлар оилалари билан яшайдиган маҳсус маҳаллалар йўқ; улар ўтмишда қолиб кетди. Усталар замонавий шароитда бошқа соҳа вакиллари билан кўшничиликда яшашмоқда. Кейин, айрим усталар бир вақтнинг ўзида бир неча мамлакатларда яшаб, ижод қилишади.

Бадиий таълим эса асосан колледжларда берилмоқдаки, бунда бўлажак усталар соҳасининг ҳам бадиий, ҳам техник, ҳам кимёвий томонларини бус-бутунликда қамраган ҳолда малакали педагоглар қўлида ўқимоқдалар. Агар илгари шогирд хунарни йиллар давомида эгаллаган бўлса, бугунги кунда биргина Тошкент шаҳрида Республика рассомлик колледжида, А.Хўжаев номидаги Республика дизайн колледжида, Хунармандчилик колледжида тайёрланиб, ёш усталар таълимда нафақат устозларидан хунар ўрганишмоқда, балки соҳасига тегишли методологик ва назарий билимлар билан ҳам қуролланишмоқда.

Бугунги кунда соҳанинг истиқболи ва хунармандлар

мавқеи Давлат миқёсидаги расмий хужжатлар билан ҳам муҳофазаланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 17 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПФ-5242-сонли Қарори, бунга мисол бўла олади. Хужжатга кўра хунармандлар қўйидаги ҳуқуқларга эга бўлган:

- фаолияти маҳсулотлари (товар, иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотишида қатъий белгиланган солиқдан озод этилган;
- ёшга доир пенсия ва нафақа олувчилар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суурита бадали тўловидан озод этилган;
- қишлоқ жойларда рўйхатдан ўтган ва фаолиятини амалга ошираётган хунармандлар ўз фаолиятининг дастлабки икки иили мобайнида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига белгиланган суурита бадалининг 50 фоизини тўлайди ва бошқа молиявий қўмаклар ёрдам тариқасида белгилаб қўйилган [4].

Демак, кўриниб турганидек, бу имкониятлардан фойдалаётган хунармандлар бугунги бозорда биринчи галда ўzlари аъзоликда турган уюшманинг эксперт гурухи томонидан маъқулланган ва давлат манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган ёки келишилган андозалардан четга чиқмаган ҳолда ҳаракат қилишлари тавсия қилинади. Борди-ю юқоридаги икки ҳолатда келтирилганидек давлат (миллат) манфатини бир четга суреб, чет эллик фуқароларнинг шахсий буюртмаларига шўнғиб, фақат фойда кетидан қувиладиган бўлса, унда улар уюшма аъзолигидан чиқишлари ва қарордаги имтиёзлардан фойдаланмай, барча фуқаролар каби белгиланган тартибда давлатга солик тўлашлари керак бўлади. Бундай хунармандларнинг ички ва ташки бозордаги ҳаракатларига ҳам тўсик қўйишга тўғри келади.

Бугунги кунда долзарб масала сифатида асрий анъаналарнинг замонавий жараёндаги талқини ва давомийлигини тушунамиз. Қадриятлар бугун қай йўсинда тарғиб қилинмоқда? Уларнинг образли бадиий тизими ва орнаментал репертуари қай ахволда? Чунки, бадиий ижоднинг мустаҳкам пойдевори азалдан халқ онгida муқим ўрнашиб қолган шакллар ва улар заминига сингиган мазмун-моҳиятдадир.

Бу масала соҳа мутахассислари орасида ҳам қизғин

бахсларга сабаб бўлган. Улар буни “SAN’AT” журнали таҳририяти томонидан ташкил қилинадиган давра сұхбатларида ҳам кўтаришган. Масалан, сұхбатларнинг бирига ЎзФА академиги, с.ф.д., проф. А.Ҳакимов модераторлик қилиб, Тошкент кашталари бўйича қўйидаги фикрни билдирган эди: “усталар, биринчи навбатда, анъанани сақлаши лозим. Анъана – бу нафақат услублар, нақшлар, рангларни сақлаш эмас, балки ишлаб чиқариш технологияси, материали, табиий бўёкларни қамраб оладиган кенг маънодаги тушунчадир. Даврамизда каштачилик билан шуғулланадиган Мадинахон Қосимбоева ўтирибдилар. Бу устамиз жуда яхши кашталар тикмоқда. Лекин Тошкентда ишласа-да, Тошкент каштачилиги эмас, Нурота каштачилиги билан шуғулланиб келмоқда. Нима учун “тоғора палак”лари, “юлдуз палак” сингари Тошкент палаклари тикланмаяпти?” [2.Б.17].

Ёки бошқа ҳолатда: “Нурота каштачилигининг яна бир вакили Ферузахон Омонова ҳам каштачилик анъаналаридан чекиниб, уларнинг ранги ва безакларини сайёхлар талабига мослаштиради. Балки харидорларнинг талаблари замонамиз шартларидандир?” деган долзарб масалани кўтаради [2.Б.17].

Анъаналарни сақлаш – шубҳасиз, долзарб масала. Лекин, назаримизда, сўнгги йилларда “анъана” ибораси “мерос” ибораси билан нафақат уста-хунармандлар фаолиятида, балки санъатшуносларнинг илмий изланишларида ҳам бир-бирига араплашиб кетмоқда. Бунда ўтган давларнинг шакл ва иш услулларини бизнинг ҳозирги кунимизга тўғридан-тўғри татбиқ қилишга уриниш тушунилмоқда. Ваҳоланки, “мерос” – ўзини ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўзгартирмайдиган, адлоддан-адлодга яратилган даврида қандай бўлса, шундайлигича қолдириладиган бадиий ижод намунаси.

“Анъана” эса, “мерос” тушунчасига қараганда, кенг маъноли бўлиб, эмбрион мисоли маълум даврда, маълум муҳитда ва шарт-шароитларда пайдо бўлади, улғаяди. Агар иборанинг маъносини нақшлар мисолида тушунирадиган бўлсан, айнан орнаментал репертуар халқ бадиий хунармандилигининг асосий мазмун базаси ҳисобланади, нақш мотиви (элементи) бир даврда маҳсус “чиzmакашлар” томонидан яратилиб, вақт мобайнида кўплаб авлод хунарманд-усталари томонидан турли вариантларда тақрорланаверган. Агар бир даврдан иккинчисига ўтаётганда у ўзини ҳам шаклан, ҳам мазмунан сақлаб қолса, биламизки, қаршимизда классик нақш турган бўлади. Лекин ҳар вақт ҳам бундай бўлмайди.

Янги даврнинг зайди билан вазият бошқача бўлиши ҳам мумкин. Мисол учун Ўзбекистон бадиий ҳунармандчилигининг кулолчилик, каштачилик, ёғоч ўймакорлиги, зардўзлик каби соҳаларида кенг тарқалган “анор” (“анор гули”) нақшини олайлик.

Маълумки, бу нақшга илгаридан (XIX асрни назарда тутмоқдамиз) бир неча қатлам маъно сингдирилган: 1) оила; 2) севги; 3) тўқинчилик; 4) серфарзандлик в.х. Қизиги, бу нақш бизнинг глобализация давридаги иқтисодий ва маънавий ўзгаришларга дош беролмай, ўзини фақат шаклан сақлаб қолди ва ўзига сингдирилган мазмундаги долзарблини йўқотди.

Юқоридаги давра сұхбатига қайтсак:

Унда иштирок этган Мадина Қосимбоева модераторнинг юқоридаги саволига: “Мен Нурота нусхаси, Шаҳрисабз нусхасини тиклашга ҳаракат қилиб келаяпман. Тошкент палакларига келадиган бўлсак, унинг ўзига яраша мураккаблиги бор. У ишларни қилишга бир-икки йил вақт кетади. Агар мен Тошкент нусхаларини тикласам-у, унга талаб бўлмаса, вақтим бекорга сарф бўлади, ҳам даромад келтирмайди. Шогирдларга ойлик иш ҳақи тўланиши керак. Мен кашталарим учун табиий бўёқ, табий иплар ишлатяпман. Тошкент мактабини тиклашдан мақсад эса тайёрланган кашталар шахсий кўргазма ўтказиш ёки халқаро кўргазмага тақдим қилиш зарурлигидан келиб чиқади” деб жавоб берган [2.Б.20].

Демак, маълум бўляяптиki, бугунги Тошкент каштачилиги биз илгаридан билган анъанавий Тошкент каштачилиги эмас. Чеварлар замонавий жараёнда анъанавий каштачиликни тиклашга хоҳишлиари ҳам йўқ. Хоҳиш пайдо бўлиши мумкин, қачонки бозорда Тошкент анъанавий кашталарига ҳаридор топилса.

Сир эмас, замонавий кашталарнинг асосий ҳаридори асосан чет эллик истеъмолчи ҳисобланади. Уларда Тошкента қараганда Ўзбекистоннинг бошқа тарихий шаҳарлари ва уларда бир пайтлар жадал ривожланган бадиий ҳунармандчилик предметларига талаб катта. Ўзбек амалий-безак санъати деганда, улар XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошига тааллуқли материални назарда тутишади. Ҳатто совет давридаги интернационал маданиятнинг таъсирида шаклланган маҳаллий кашталар, анъанавий нақшлар системасида ўша пайтдаги тасвирий санъатнинг таъсирида пайдо бўлган реалистик сюжетли композициялар ҳам бугунги ҳаридорни қизиқтирумаяпти [5]. Демак, XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошида яратилган образли тизимнинг куввати замонавий жараёнда кучли эканлиги аён бўлмоқда.

Каштачиликдан ташқари, бадиий кулолчилиқда шунга ўхшаш ҳолатлар кўзга ташланади. Бу масала юқоридаги давра сұхбатида ҳам муҳокамага ташланган. Тошкентлик уста кулол, ЎзБА академиги, Ўзбекистон санъат арбоби Акбар Раҳимов: “Мактабни тиклаш масаласини лойиҳа билан боғлаш лозим. Мен Шаҳрисабз кулоллик мактабини қайта тикладим. Бу лойиҳа ЮНЕСКО ва Фонд Форум ҳамкорлигига амалга оширилди. Ҳар қандай мактабни тиклашга вақт ва катта сармоя керак. Масалан, Мадина Тошкент каштачилик мактабини тиклаш учун ҳамма нарсани унутиб, фақат Тошкент сўзаналари, тоғора палаклари билан шуғулланиши керак. Мен Шаҳрисабз кулолчилик мактабини кўтариш учун қарийиб 8 йил тайёрланганман. Унинг нақшларини, безакларини ўрганиб, тажрибалар қилдим. Биласиз, кулолчилиқда ҳамма нарса технология билан боғлиқ. Уста кулол Абдулла Нарзуллаев буни яҳши билади. Баъзи рангларни чиқаришда, ҳатто, тупроқнинг ҳам таъсири бор. Технологияга қатъий риоя этилмагани боис маҳсулотларда ҳар хил чизиклар, майда дарзчалар юзага келади. Илгари бунинг ҳаммаси “кенгайиш коэффиценти” дейилар эди. Усталар ҳам шунга эътибор қилишган. Биз ҳозир Каттақўрғон мактабини тиклашни бошлаганмиз. Илмий қисми битган, уни кўргазма қилиб кўрсатдик. Энди, навбат – ўқув қисмига” деган фикрда [2.Б.20].

Уста-ҳунармандларнинг юқорида билдириган фикрларидан яна қўйдаги саволлар келиб чиқади:

1. Тошкентлик каштачилар Тошкент анъаналарини тиклашида фақат кўргазма лойиҳалари орқали амалга ошириладими?
2. Шаҳрисабз, Каттақўрғон ёки бошқа кулолчилик мактаблари тақдиди тошкентлик профессионал кулолчилик билан шуғулланадиган усталар томонидан ҳал қилинадими?
3. Агар бирон бадиий ҳунармандчилик соҳасининг азалий анъаналари замонавий жараёнда тикланмоқчи бўлса, бу иш албатта хорижий жамғармаларнинг молиявий кўмаги ёрдамида амалга ошириладими? Масалага бундай ёндашувдан сунъий картина ҳосил бўлмайдими?

Кўриниб турибди, Ўзбекистон замонавий бадиий ҳунармандчилиги системасида кўпгина ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар йиғилиб қолган. Соҳага илмий, замонавий билимлар билан ёндаша олмайтган айрим ҳунармандлар анъаналар экологиясини лойқалантирумай, уни авайлаб, янги даврда кашф қилинган элементлар ҳисобига бойитиб бориш ўрнига, китоблар ёки альбомлардан классик намуналарни топиб, ундаги нақш элементларини ўйламайнетмай турдошлари билан аралаштириб, замонавий

орнаментал репертуарнинг образли тизимиға шикаст етказмоқдалар.

Чунки, афсуски, уларнинг аксарияти, айниқса ёшлар, хунари бўйича юзаки иш кўнинмасига эга; уларда соҳанинг тарихи, орнаментларнинг хиллари ва тузилиши, бирон-бир нақшдаги тасвири “визуал код” сифатида бир вақтнинг ўзида ўзига бир неча қатлам маънони сингдириши, бир даврдан иккинчисига ўтган пайтда шакл билан мазмун ҳар вақт ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўзини бирдек сақлаб қоломаслиги ёки улар замирида замонавий талқинни пайдо бўлиши ҳақида назарий билимларни йўқлиги кўзга ташланмоқда. Шундай ҳолатлар ҳам борки, нафақат ёш усталар, балки айрим атоқли ҳалқ усталари ҳам ўzlари яратган нақшларнинг илмий номини билишмайди.

Аввалги даврларда ҳам хунармандларнинг ўzlари ҳар вақт ҳам янги нақшларни яратаверишмаган. Бу иш билан у даврда ҳам хунармандларнинг буюртмалари асосида малакали уста-наққошлар (чизмакашлар) шуғулланишган. Янги кашф қилинган нақшларни истеъмолда кўриб, уларни ўзлаштирган бошқа хунармандлар эса нақшларни йиллар мобайнида муайян тақрорлаш баробарида соҳадаги тизимни яхлит сақлаб қолишга эришганлар. Шу асосда эски уста-хунармандлар нақш тузилишини ўzlари яшаган даврда ҳаммага бирдек тушунарли умумий қиёфасини (образли системасини) яратади олганлар. Бугунги бозорда илгари вақтда яратилган буюмларнинг қадри мана нима учун баланд.

Замонавий жараёнда ҳам аввалги даврлар каби бизнес қилиш устивор. Бироқ, айрим уста-хунармандлар мавжуд анъаналар системасига тамомила бегона шакл ва ранглар гаммасини олиб кириб, мавжуд қонуниятларга зид равишида бозордаги истеъмолчининг талабига мослашиб, фойда кетидан қуваётгандарни ачинарли хол.

Агар вазият ўзгармаса, юқорида таъкидланганидек, яқин келажакда соҳанинг бадиий-фалсафий томонлари иккинчи даражага тушиб қолиб, хунармандчиликнинг маҳаллий бадиий-эстетик хусусиятлари йўқола бошлияди. Чунки, глобализация даврида бадиий хунармандчиликнинг маҳаллий анъаналарини сақлаб қолиш жуда мушкул масала. Халқлар эмиграцияси кучаймоқда, техника ва технологиялар ривожланмоқда. Анъанавий санъатта оқилона ёндашилмаса, яқин келажакда амалий-безак санъати асарлари фақат сувенир буюмига айланиб қолиши хавфи бор. Чунки, унинг пойдевори бадиий хунармандчилик саналади.

Афсуски, айрим усталар ҳалқ хунармандчилигининг бирон соҳасини ўрганишаётганда биринчи галда моддий фойдани кўзлашмоқда. Албатта, буюмлар савдосини ташкил қилиб, сотувдан фойда олиш ҳозирги кун талаби. Лекин бунинг учун мавжуд анъаналар системасига мантиқан ёндашмай, уни соҳага алоқаси бўлмаган буюртмачининг истагига мослаб, турли бачканави тушунарсиз элементларга тўлдирилиши нотўғри иш.

Хунарманд бугунги жамиятда арт-субъект сифатида, биринчидан, мижозлари аудиториясини шакллантириши; иккинчидан, уларнинг ижтимоий гуруҳларини аниқлаши; учинчидан, жараёнда фақат техник ижрочи бўлиб қолмай, аксинча, истеъмолчининг мақсадидан келиб чиқиб, унга замонавий жараёнда асрий анъаналар системасига зарар етказмайдиган шакл ва безакларни таклиф қилиши ва шу орқали жамиятда яхши дидни шакллантириши керак бўлади.

Шу ўринда ҳалқ хунармандчилигининг айрим соҳаларини замонавий жараёнда қайта тиклаш масаласига ҳам қисман тўхталсак. Масалан, кулолчиликда Шахрисабз, Каттакўрон кулолчилиги анъаналари тошкентлик профессионал (инновацион) йўналишда ижод қиладиган кулол Акбар Рахимов томонидан қайта тикланмоқчи, Хоразмда эса бадиий каштачилик тикланди, яқин ўтмишда эса Хоразм бадиий каштачиликнинг маркази сифатида маълум эмасди [3.Б.14]. Бу ишга Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки йилларида киришилди. Бунда Ўзбекистонда ишлаб турган айрим хорижий жамғармаларнинг вакиллари эски андозалар асосида кашталарни қайта тиклашга уриндилар. Натижада хоразмлик айрим чеварлар буюртмачининг талабидан келиб чиқсан ҳолда китоблардан (альбомлардан) олинган нусхалар асосида янги кашталарни яратишга киришилди.

Ўша кезлари санъатшунослар вазиятга салбий муносабат билдиришган. Лекин ҳозир биз бу масалага холис қараймиз. Чунки глобализация даврида анъанавий хунармандчилик соҳалари ва улар негизидаги анъаналар экологиясини сақлаб қолиш – биринчидан, назарий масалалар билан шуғулланувчи санъатшунослар аралашувини талаб қилса, иккинчидан, илгари ҳалқ хунармандчилигининг маркази сифатида эътироф қилинмаган янги марказларни бугунги кунда бўй кўрсатишини табиий жараён деб қабул қилмоғимиз лозим. Чунки илгари даврларда ҳам ҳалқ хунармандчилигининг марказлари айнан шу тариқа йўқ жойда бирор туртки билан пайдо бўлган.

Гап миллий маданиятнинг бир бўлаги ҳақида кетаётган экан, савдодаги жараён ва ундаги сифатни назорат қилишнинг замонавий усулларини ишлаб чиқишга зарурат туғилмоқда. Бу ишни фақат Республика “Хунарманд” уюшмаси кўмагида ижобий ҳал қилиш мумкин, деб ўйлаймиз. Уюшма қошидаги эксперт кенгашидан ўтган ёки кенгаш тарафидан маъқулланган андоза асосида яратилган буюмларгина савдога чиқса ёки экспорт қилинса, вазият яхши томонга ўзгариши мумкин. Йўқса айrim хунармандлар ўз билганларидан қолмаяптилар.

Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, бугунги кунда халқ хунармандчилиги билан шуғулланадиганлар, ўтмишда бўлгани каби ҳар соҳа вакиллари яшайдиган маҳаллаларда истиқомат қилишмайди. Авваллари куполларни, мисгарларни, темирчиларни, зардўзларни, заргарларни ва бошқа соҳа вакиларини истиқомат қиласиган маҳалла-

лари мавжуд эди. Ҳозир эса йўқ. Соҳа вакилларини мана шундай замонавий турмуш тарзлари ҳам бадиий хунармандчилик анъаналарини ва бадиий жиҳатларини тўлақонли сақлаб қолишида, бой тажрибани авлодларга етказишида жиддий муаммоларни келтириб чиқариши, пировард натижада “сунъий картина”ни ҳосил қилмоқда.

Маълум бўлмоқдаки, халқ бадиий хунармандчилиги Ўзбекистон маданиятини хорижий мамлакатларга экспорт қилишда муҳим визитка сифатида намоён бўлмоқда. Шу сабабли унга оддий касаначилик буюми сифатида эмас, балки миллатимизнинг юзи деб қарасак, тўғри иш бўлади. Шу сабабли унинг образли тизими шундай ишлаб чиқилиши керакки, буюнга қараганда хорижликда Ўзбекистон ва унинг халқининг маданияти ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиши, яратилган бадиий тизим эса бизнинг юртни бошқа юртлар билан адаштирмасликка хизмат қилиши керак.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Хакимов А. Прикладное искусство Узбекистана: традиции и инновации. Вышивка, керамика, торевтика. – Ташкент: 2013.
2. “Ўзбекистон амалий-безак санъати ривожланиш муаммолари ва истиқболи” мавзуидаги давра сухбати”. // Ж. “SAN’AT”. - №3. – Тошкент: 2013. – Б.17-20.
3. Хакимов А., Носирова З. Ўзбекистон каштачилигидаги янги тамойиллар. // Ж. “SAN’AT”. - №2. – Тошкент: 2012. – Б.14-18.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 17 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПФ-5242-сонли Қарори - [http://lex.uz/Pages/GetPage.aspx?lact\\_id=3416134](http://lex.uz/Pages/GetPage.aspx?lact_id=3416134)
5. Фатхуллаев Р.С. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистон амалий-безак санъатидаги тасвирий мавзулар. Санъатшунослик фанлар номзоди илмий даражасига талабгор диссертация Автореферати. – Тошкент: 2000.

# “АЛЛА” – ФОЛЬКЛОР ЖАНРИ СИФАТИДА

*Аннотация.* Мазкур мақолада ўзбек халқ қўшиқларининг энг гўзал намуналаридан бири бўлган “Алла”, унинг ўзига хос жиҳатлари, таснифи ҳамда поэтикаси ёритилган бўлиб, унинг халқ қўшиқларидағи, фарзанд тарбиясидаги ва маросимлардаги аҳамияти таҳтил этилган.

*Калит сўзлар:* фольклор, алла, навогўй, ҳэя, она, ғўдалак, қўшиқ, тарбия.

*Аннотация.* В данной статье рассматриваются характеристики узбекских народных песен; освещена поэтика одной из наиболее известных народных песен “Алла”; проведен анализ значения этой песни в воспитании детей и проведении традиций.

*Ключевые слова:* фольклор, алла, навогу, ҳэя, мама, ребенок, песня, воспитание.

*Annotation.* This article discusses the characteristics of the Uzbek folk songs; it illustrates the poetry of one of the most popular folk songs “Alla” and analyses the significance of this song in children’s upbringing and conducting social events.

*Keywords:* Folklore, alla, navogu, xeya, mother, child, song, education.

Инсон бутун умри давомида энг яхши инсоний фазилатнинг катта қисмини болалик йилларида тўплайди. Донишмандлардан бири “бир болани тарбия қилиш, бир давлатни идора қилишдан кўра қийин кечади” деганларида бағоят ҳақ эдилар. Тарбия ишларининг муваффақиятли бўлиши учун ота-оналар, оиланинг катталари тинмай ўз-ўзларини ривожлантиришлари лозим бўлади. Шиддат билан ривожланиб бораётган жамиятимизда, баркамол инсонни тарбиялаш муаммоси ҳар қачонгидан ҳам долзарбаҳамият касб этади. Халқ орасида одам яратилаётган вақтда куй янграб турган, деган қарашлар ҳам бежиз эмас, инсоннинг руҳиятига энг кучли таъсир этувчи омиллардан бири сўз бўлса, иккинчиси куйдир.

Бола учун мусиқий тарбия зарурлигини оналиқ инстинкти орқали, ҳеч қандай илмий-тадқиқотларсиз ҳам ҳис этган оналар фарзанди учун маҳсус қўшиқлар ўйлаб топгандар. “Алла” бутун жаҳон оналарининг боласини овутиш ва эркалаш учун ижро этиладиган, покиза тўйғулар ила айтиладиган қўшиғидир. Она ўз боласига алла айтиб, унга Ватан деган тушунчани ҳали дунёни англамай туриб еткизганидек, унинг маънавий оламини бойитиб куй-қўшиққа ошно қиласди.

“Алла”га юксак баҳо бериб эътироф этган қомусий олим Абу Али ибн Синонинг “Алла”га оид мулоҳазалари жанрнинг келиб чиқишини белгилашда фоят қимматлидир: “Болани мижозини кучайтирмоқ учун унга икки нарсани қўлламоқ қерак. Бири болани секин-секин тебратиш, иккинчиси, уни ухлатиш учун одат бўлиб қолган мусиқа ва аллалашdir. Шу иккисини қабул қилиш миқдорига қараб, боланинг танаси билан бадан тарбиясига ва руҳи билан мусиқага бўлган истеъоди ҳосил қилинади”.[2.5.10.] “Алла” ва тебратишнинг бу қудрати орқали, боланинг

нафақат жисмига балки руҳига ҳам таъсири кучлилигини олим ва табибининг тажрибаси исботи дейишимиз мумкин. Навоий ҳам Фарҳоднинг бешикдаги аҳволини шундай тасвирлайди:

Аруси чарх тун кун доя кирдор,  
Бўлиб ҳар таври ҳолидин хабардор.  
Бешик даврида чинию хитойи  
Бўлиб юз нўш лаб достон саройи.  
Кўзининг нози элдин элтиб уйқу,  
Анга уйқу кетурмакка навогў.

Навоий “Алла” айтувчини “навогў” дея таърифлайди [2. Б.11]. Мана шу навогўлар орқали ҳам “Алла”лар янада бойиб, асрлар оша шаклланиб бизгача етиб келган. Дарҳақиқат, икки буюк сиймонинг бу гувоҳликлари “Алла”нинг келиб чиқиши жуда узоқ замонларга бориб тақалиши, халқимиз турмушига ва болалар тарбиясига кенг ва чуқур сингдирилганигидан далолат беради. Халқимиз қадим-қадимдан куй ва қўшиқнинг сеҳрли тароватидан кўп жиҳатларда фойдаланиб келишган.

“Алла”йа тилда жарангламасин, барчанинг қалбига бирдек йўл топа олади. Жаҳондаги ҳар бир халқнинг ўз тилида куйлаб келган “Алла”лари бор. “Алла” русларда “байки” ёки “баюшки”, туркманларда “хувдилар”, озарбайжонларда “лай-лай”, татарларда “алли-балли”, қорақалпоқларда “ҳеъя-ҳеъя”, туркларда “нинни”, форсларда “лоло”, немисларда “wiegelied”, французларда “bekceuse”, ўзбек ва тожикларда “алла” ва “алло” атамалари билан машҳурдир” [2.Б.9.].

“Алла” бутун жаҳон оналарининг меҳр ва муҳаббатга йўғрилган, аммо ўрни билан эса бир қадар ғамгин муқаддас қўшиғидир. “Алла” “одатда оддий куйлар билан, баъзида речитатив тарзда, бешик ёки беланчакни

тебратиш суръатига мос равишда ижро этилади. Матни, асосан, тўртликлик; ижро услуби эркин, бадиҳагўй. “Алла” онанинг болага бўлган меҳр-муҳаббати, умид ва орзулари, яхши ният ва тилакларини англатиш билан бирга руҳий кечинмаларини ҳам ифодалайди. Шу боис баъзи “Алла” намуналари йиги оҳангларига яқин бўлади” [6.Б.228].

Ўзбек тилининг изоҳи лугатида эса, “Алла” – гўдакни ухлатиша яккахон усулида айтиладиган қўшиқ” [7.Б.71.]. дея изоҳ берилган. Бундан кўринадики, болаларни ухлатиша вақтида оналар томонидан кўйланган қўшиқлар “Алла” деб номланган. Аммо бу қўшиқ кейинчалик, фақат гўдакни овутиш ва ухлатиша учун эмас, яна бошқа маросим қўшиқлари сирасига ҳам кирган. Жумладан, бешиктўйи жараёнида, бешикни олиб кираётган аёллар томонидан ҳам “Алла”лар айтилади. Бу каби “Алла”ларнинг ижро хусусиятлари байрамона маросим кайфиятига мос равишда кўйланади. Шунга кўра, тантанавор доира усули жўрлигига кўйланиши ҳам мумкин.

“Ўзбекистоннинг баъзи худудларида “Алла” номи билан айтиладиган маросим қўшиқлари ҳам мавжуд. Масалан, Бухоро вилояти Олот ва Қоракўл туманлари ҳамда Хоразмда дағн маросими жараёнида навбат билан аёллар (ёки маҳсус чақирилган аллачи-гўянда, ҳалфа) томонидан бадиҳа услубида айтилган қўшиқлар ҳам “Алла” деб номланган [6.Б.228].

Айрим тахминларга кўра, “Алла” атамасининг “Аллоҳ” сўзидан келиб чиқиб, Яратгандан чақалоқни ўз паноҳида асрарни илтижо қилишга нисбат билан боғлиқ деган қарашлар ҳам мавжуд. “Алла” сўзи диний эътиқодларга кўра, Аллоҳни эслаш, унга ишонч ва паноҳ тиласх важидан айтилганидек, “Ёр-ёр”ларнинг ҳам маъно жиҳатидан шу хусусиятини кўришимиз мумкин. Ўзбек халқ қўшиқларида, фақатгина “Ёр-ёр” ҳамда “Алла”ларгина асосий матндан кейин Навоий айтганидек, “радиф” ўрнида, яъни кичик нақорат сифатида барча “Ёр-ёр”ларда, “алла”ларда эса барча айтиладиган “Алла”ларда кўлланилиб келинади. Агар “Ёр-ёр” ва “Алла” радифи олиб ташланар экан, улар ўз кўриниши ҳамда ўзига хос хусусиятини ўзgartиради. Аммо шундай “Ёр-ёр” ва “Алла”лар борки, улар “Ёр-ёр” ҳамда “Алла” радифисиз ҳам ўз кўринишини ўзgartирмайди.

Сенга қўйдим яхши от, алла,

Яхши ниятдур мурод, алла.

Юрту элга сунсанг, алла,

Сенга бўлғуси қанот, алла [3. Б.143].

Анъанавий “Алла” қўшиқлари хусусиятларидан ўзбек бастакорлари (Т. Жалилов, Ю. Ражабий, Ф. Содиков) ва композиторлари (А. Муҳамедов, И.Акбаров, С.Юдаков)

ижодий фойдаланишган [6.Б.228]. Натижада кўплаб аллалар қайта ишланиб яна халқнинг ўзига қайтарилган. “Алла” қўшиқлари маҳсус тадқиқ этилмаган бўлса-да, кўплаб фольклоршунос олимларимиз унга мурожаат қилишган.

“Алла”ларни тўплаш ва нашр этиш ишларини фольклоршунос олим, профессор, Ҳоди Зарифов бошлаб берди. У ўзининг “Ўзбек фольклори” китобида “Алла”ларнинг жами 95 сатрдан иборат намуналарини киритди. Фольклоршунос оима, Музайяна Алавия ҳам “Алла”ларнинг бир қанча намуналарини ёзиб олиб, “Ўзбек халқ қўшиқлари”, “Оқ олма, қизил олма”, каби китобларида чоп эттириди. “Ўзбек халқ маросим қўшиқлари” монографиясида эса, “Алла” қўшиқларининг таҳлилига тўхталиб ўтди. Бундан ташқари, Ҳ.Раззоқов (“Гулёр” Фарғона халқ қўшиқлари), С.Рўзимбоев, (О.Сафаров (“Алла-ё алла” Ўзбек халқ аллалари) каби фольклоршунос оимларимиз турли “Алла” намуналарини ёзиб олиб нашр эттириди. Охунжон Сафаров “Алла-ё алла” (Ўзбек халқ аллалари) тўпламида “Алла”ларнинг барча намуналарини тўплаш билан бирга, “Алла”ларни куйидагича тасниф этади:

- Аллалар;
- Ҳәялар;
- Юмористик аллалар;
- Марсия аллалар.

Бундан ташқари, биз, “Алла”ларнинг ижро этилишига кўра ҳам таснифлашимиш мумкин:

- оддий шеърий усулда айтиш;
- тилни оғиз бўшлиғида ўйнатган ҳолда (худди баҳшилар ички овозда кўйлагани каби) аллалаш. Биринчи усулда оддий ёки речитатив тарзда кўйланса, иккинчисида, “тилни оғиз бўшлиғида ўйнатиб айтиш” “Алла”нинг сўзига нисбатан етакчи ўринда туради. Яъни бунда “Алла” нақорати ўрнига “ал” қўшимчаси олиниб, кейинги бўғин ўрнида тил оғиз бўшлиғида ўйнатилади. Бу услубда “Алла” айтиш, кўпинча, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида оналар репертуарида учрайди.

“Алла” қўшиқларининг таснифини яна давом эттириш мумкин. Бунда “Алла” қўшиқларининг ижро ўрнига кўра тасниф қиласиз:

- кундалик аллалар;
- бешик тўйи аллалари;
- никоҳ тўйи аллалари;
- мотам аллалари.

Халқ қўшиқлари таснифида болалар қўшиқлари алоҳида бир туркумга ажратилади. Бунга сабаб болалар қўшиқларининг ўзи ҳам жуда кенг қамровли бўлиб, унинг ўзи ҳам икки гурухга ажралади:

1. Катталар томонидан болаларга атаб айтиладиган қўшиқлар: “Алла” ва “хуя”лар. “Алла”ларнинг яратувчиси ҳам кўйловчиси ҳам оналардир. Аммо баъзи худудлардан фольклоршунос олимларимиз томонидан, боболар ва оталар томонидан кўйлаган “Алла”лар ҳам ёзиб олинган. “Хуя” – бу Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида оталарнинг болаларни эркалатиш учун айтган қўшиқларидир. “Алла”дан фарқли томони уни фақат эркаклар ижро этади. “Хуя” айтиш анъанаси бугунги кунгача яхши сақланиб келиняпти”.[8.Б.48]

Жоним болам, от чопсин,  
Отига баҳмал ёпсин.  
Ҳәя солсин буваси.  
Орқасидан жол(фойда) топсин,  
Ҳәя, болам, ҳәя.[2.Б.137]

Бу каби “Алла”лар ҳалқ орасида “Ҳәя”, “Хуя”, “Хуёлло” каби атамалар билан оммалашган бўлиб, улар асосан Сурхон воҳаси худудидан ёзиб олинган. “Бу жанрга оид матнлар биринчи маротаба фольклоршунос олим Т.Мирзаев томонидан 1957-1958 йилларда Жарқўрғон туманидаги Какайдиқишлоғидаёзиболинган. УЖарқўрғон туманидаги 5-сонли мактабда “Ёш фольклоршунослар тўғараги”ни тузиб, фольклоршунослик амалиётida биринчи бўлиб неварасини тizzасига олиб ухлатайтган боболарнинг алласи – “хуя” ёзиб олди ва шу тариқа асосан Жанубий Ўзбекистондагина сақланиб қолган бу жанр ҳақидаги илк маълумотлар тўпланди. Анъанага кўра, Сурхондарёлик боболар невараси ёки чеварасини тizzасига олиб ўтирганча, қўйидагича “хуя” айтиб ухлатишган”: Хуялар қиласай ўзини-ё, хуй-ей, хуй-ей, хуя, Хуя қиласай қора кўзини-ё, хуй-ей, хуй-ей, хуя,

Амударёнинг музини-ё, хуй-ей, хуй-ей, хуя, Бувасининг қизини-ё, хуй-ей, хуй-ей, хуя. [4.Б.160]

Болаларнинг ўзи томонидан кўйланадиган қўшиқлар: “Санамалар”, “Бойчечак”, “Читтигул”, “Оқ теракми, кўк терак” чорламалар шулар жумласидандир” [8.Б.48].

Одамзот туғилган кунидан бошлаб, “Алла” эшитади, ўлгандга эса йиги орқали, яъни яна куй орқали кузатилиди. Бунда ҳам том маънода ўйғунлик мавжуд. Жанрларнинг узоқ муддат давомида мавжудлиги, уларнинг ўзаро маълум маънода аралашуви ёки бирлашишига ёхуд бирор асарнинг биридан иккинчисига кўчишига, замин яратади. “Алла”ларда фарзанд камолини тилаш устуворлик қиласа, бошқа бир “Алла” турида фарзанд доги аламидан кўйлаш етакчилик қиласи. Бу каби “Алла”ларни эса мотам маросим фольклори таркибиға киритишади.

Фольклоршунос олимлар мотам “Алла”ларнинг иккита турини аниқлаган бўлиб, унга кўра “Алла”лар фақат болалар ором олиши учун эмас, инсоннинг ҳаловати учун ҳам қадимда “Алла”лар кўйланганлигини тадқиқ қилишган. Улардан бири гўдаклар ва чақалоклар ўлимида кўйланиб, боланинг дунёдан туймай бораётганини, бу ота-онасининг қалбида армон бўлиб қолаётганигини таъкидлаш мақсадида кўйланади. Болалар учун мотам “Алла”лар қуруқ бешикни тебратиб айтилади. Шунинг учун, ҳалқ орасида бешикни боласиз, бўш ҳолда тебратиш ёмон ирим саналади.

Мотам “Алла”ларнинг яна бир тури, катталар ўлимида унга осудалик, мангу ўйқусида абадий ором, руҳига хотиржамлик тилаш мақсадида кўйланади. Катталарнинг ўлимига бағишлиб кўйланган мотам “Алла”лари, айнан болаларни ухлатиш учун айтиладиган “Алла”ларнинг таскин ва ором олиш хусусияти сабаб кейинчалик юзага келган бўлиши керак.

Юрагимнинг дардлари, алла,  
Қизил гулдай, қатма-қат, алла,  
Юраккинам ўтига, алла,  
Дўзах ўти мос фақат, алла[1.Б.147].

Ўтмиш “Алла” қўшиқларини кузатар эканмиз, заҳматкаш, муштипар, эзилган мазлум шарқ онаси кўз олдингизда гавдаланади. Унинг бедор ва бетиним ташвишларга тўла ҳаёти ва ҳаловатсиз ҳаракатлари натижаси туфайли гўдак улгаяди, вояга етади. Халқимиз тили билан айтганда бир парча этдан, инсонга айлантиради. Онанинг меҳрини дарё дейдилар, “Алла”ларда оналарга хос бағрикенглик, меҳрибонлик дил қаъридан сизиб чиқсан ҳислари ёқимли кўйларда таралади. Уларда эзгу ниятлар, орзу-хаваслар, онанинг бола келажаги ҳақидаги орзу-ўйлари содда ва самимий сўзларда, оддий ва сеҳрли оҳангларда кўйланади. “Алла” гарчи ҳеч қандай чолғуларсиз кўйланса-да, унга бешик гуё жўрнавозлик қиласи. Бешик билан боғлиқ кўплаб урф-одатлар ва анъаналар мавжуд. Бунинг ўзи алоҳида бир мавзу.

Бувиларимиз томонидан бола учун алоҳида бир қанча маросимлар ҳам ўйлаб топилган. Булардан бири, айнан “Алла” билан боғлиқ, бешикка белаш маросими дири. Бу маросим маънавий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, деярли барча ўзбек хонадонларида ўтказилади. Маросим пайтида аёлларимиз турлича алла-қўшиқлар айтади, яъни “буви алла”си, “амма алла”си, “хола алла”си деб ном олган “Алла”лар кўйланаб, гўдакни йўргаклаш, бешикни турли инс-жинслардан кувиш, боланинг соғсаломат ўстириш ҳақидаги бир-бирларининг тажри-

баларидан сўзлашади. Булар ёш онага яхши дарс бўлиб, улар турли “Алла”ларни кўйлашидан, ёш она ҳам боласини “Алла” билан ухлатишнинг ижобий томонларини ўрганиб олади. Маросимдан мақсад ҳам болани тўғри бешикка белаш, ёш онанинг боласи учун “Алла” айтишини ўргатиш ва шу аснода тарбиялаш кўниумасини шакллантириш бўлган.

Бундан ташқари, “никоҳ тўйининг эртасига эрталаб, “Алла болам” маросими ўтказилади. Келин томонлик аёллар келинни ўттага ўтказиб, иккита бутун нонни битта қилиб (насибаси бут бўлиши учун) тишлатадилар ва “Алла болам” қўшигини айтадилар. Бу маросим ёшлар тез орада фарзанд кўришлари учун ўтказилади”[5.Б.47].

Бугунги кунда бу маросим “келин салом” маросимининг асосий урфларидан бири сифатида Тошкент шаҳрида яхши анъанага айланган.

Қўшиқ инсонларга оғир меҳнатда кўмакчи, бедор кунларда овунчоқ, ёлғизликда ҳамроҳ, хаста кўнгилларга малҳам, жангларда руҳлантирувчи, зафарлар қуцишга чорловчи ҳамда тинчлантирувчи восита сифатида хизмат қилиб келган. Юқоридаги фикрларга таяниб, қуйидаги тавсияларни келтириб ўтишини жоиз деб билдик:

- оғзаки ижрода яшаб келаётган алла қўшиқларини (аудио, видео ва ёзма шаклда) ёзиб олиш;
- ёзиб олинган қўшиқларни сайқаллаб, яна халқнинг

ўзига қайтариш, бунинг учун оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш;

– “Алла” билан боғлиқ маросимларни имкон борича сақлаб қолиш;

– жамиятимизга ҳақиқий комил инсонни вояга етказиб беришдек катта маъсулият, оналарнинг елкасида экан, аввало бўлажак оналарнинг ўзларининг тарбияси билан шуғуланишимиз лозим, бунинг учун, маҳсус курслар жорий қилиш.

Оналар, ўзбек оналари меҳрибон она, вафодор рафиқа, жамиятни бошқарувчи, донишманд ҳалқимиз айтганидек, “бир қўли билан бешикни, бир қўли билан дунёни тебратувчиидир”. Бугунги нурафшон кунларимизда бешикларимизда соғлом ва баркамол авлод, она “Алла”сидан баҳраманд бўлиб, тинч, осуда вояга етмоқда. Албатта, бизнинг тилагимиз, Ватанимиздаги ҳар бир боланинг, жажжи гўдакнинг тепасида меҳрибон онаси “Алла” айтсин, шу “Алла”дан баҳраманд бўлган болажон қалбига юртга бўлган меҳр, садоқат, муҳаббат ва оқибат мурфаклигидан кириб борсин. У тинглаган ва англаган илк оҳанг “Алла” экан, демак, “Алла” болага дунёни англашни, ватанга меҳру-муҳаббатни ҳис қилишини ўргатсан. Айниқса, бугуннинг боласи ўта зийрак, унга бугунги “Алла”лар фақат овутиш ва ухлатиш учун эмас, балки, энг муҳим тарбия воситаси бўлиб хизмат қилмоғи лозим.

### Адабиётлар рўйхати

1. Алавия. М. Оқ олма, қизил олма. Ўзбек халқ қўшиқлари. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. –Тошкент: Адабиёт ва санъат. 1972. – 231.б. Б.147.
2. Алла-ё алла. Ўзбек халқ аллалари. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи: О. Сафаров. –Тошкент: Ўқитувчи. 1999. – 160 б.Б. 9-10-11-13-137.
3. Гулёр. Фарғона халқ қўшиқлари. Тўпловчи: Ҳ. Рассоков. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. 1967. – 249 б. Б. 143.
4. Жўраев М., Худойқурова Л. Маросимнома. –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси. 2008. – 172 б. Б.160.
5. Нишонова О. Этник маданият ва маросимлар. Маърузалар тўплами. –Тошкент: 2009. – 87 б. Б. 47.
6. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-жилд. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2000. – 735 б. Б. 228.
7. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 1-жилд –Тошкент:“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2006. – 679 б. Б. 71.
8. Эшонкулов Ж. Ўзбек халқ ижро санъатининг Номоддий маданий меросда тутган ўрни// Номоддий маданий мерос ва фольклор ижро санъати анъаналари. С. Йўлдошева. Ўқув қўлланма. –Тошкент: Наврӯз. 2017. – 214 б. – Б. 44-52.



# ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ ХАБАРЛАРИ

*Журнал бир йилда тўрт марта нашр этилади*

## **Нашрга тайёрловчилар:**

Н. Раимқулова

Х. Файзуллаева

А. Кошелева

М. Содикова

## **Саҳифаловчи-дизайнер:**

Д. Дўстбеков

## **Муҳаррир:**

С. Алимбоева

Босишига рухсат этилди: 15.08.2018 й. Офсет босма усулда босилди.

«Helios UZ Cond» гарнитураси. Бичими  $60 \times 84 \frac{1}{8}$ .

Шартли босма табоғи 14,5.

Буюртма раками № 96. Адади: 50 нусха.

Манзилимиз: 100164, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани,  
Ялангоч даҳаси, 127-а уй. Тел.: 230-28-02, 230-28-03, 230-28-13

«TURON-MATVAА» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент ш., Олмазор тумани, Талабалар кўчаси, 2-уй.